

# **БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ**

**Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва  
2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг  
устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги  
маърузасини ўрганиш бўйича**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**УЎК: 323(575.1)**  
**КБК 66.3(5Ў)**  
**65.9(5Ў)**  
**Б-89**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ. — 2013. — 360 бет.

**Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:**

А.Ш. БЕКМУРОДОВ, З.Й. КАРИМОВ, У.В. ҒОФУРОВ, Ш.И. МУСТАФАҚУЛОВ

**Тақризчилар:**

Қ.Х. АБДУРАҲМОНОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Қ. ҚУРАНБОЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор,

Х.П. АБУЛҚОСИМОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январь кунги бўлиб ўтган мажлисидаги „**Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш**“ мавзусидаги маърузаси мамлакатимиз олий ўқув юрларида ўрганиш учун мўлжалланган бўлиб, ундан талабалар, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнлари таҳлиliga қизиқадиган барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2013 йил 7 апрель 2-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-02-665-0

© „O‘qituvchi“ НМИУ, 2013

## МУҚАДДИМА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси йилдан-йилга тобора ортиб бораётгани мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизда фуқароларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда.

Биз ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган келажаги буюк давлатни барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поғона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам якунига етган ҳар бир йил давомида босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этиш, юксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб олиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаб 2013 йил 18 январь куни ўтказилган мажлисидаги маърузаси беқиёс аҳамиятга эга.

Ушбу маърузада аввало глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг изчил ўсиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустақамланиши таъминлангани қайд этилди.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибалар нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётгани таъкидланди. Чунончи, 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси бошлиғи баёнотида барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва четдан қарз олишга пухта ўйлаб ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилгани, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсаётгани ва келгуси йилларда унинг янада фаол ўсиши прогноз қилинаётгани қайд этилгани мисол сифатида келтириб ўтилди.

Маърузада ютуқлар билан бирга иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам ҳар томонлама таҳлил этилди ҳамда 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича энг муҳим устувор йўналишлар ва дастурий вазифаларга эътибор қаратилди. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар олдига ҳар бир ҳудуд учун устувор тармоқларни аниқлаш, табиий хом ашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ижтимоий инфра-тузилмани жадал ва мутаносиб ривожлантирган ҳолда ҳудуд ва минтақаларни комплекс ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда 2013 йилнинг „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишни, кўмакка муҳтож оилалар, шахсларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида урғу берилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 19 январь.

Президентимиз маърузасида 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш;

2) иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

3) йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

4) мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишбилармонлик муҳити жозибadorлигини янада кучайтириш;

5) янги-янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлик даражасини янада ошириш;

б) аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш<sup>2</sup>.

Президентимиз Ислом Каримовнинг моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоят кенг кўламли бўлган **„Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“** мавзусидаги маърузасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унда зикр этилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш борасидаги куч ва имкониятлар, механизмлар ҳақидаги билим ва маълумотларни талаба ёшлар онгига чуқур сингдириш орқали уларнинг юртимиздаги улкан ўзгаришлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ана шу ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш мақсадида махсус ўқув курсини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиздаги етакчи олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тажрибали профессор-ўқитувчилар, илмий мутахассислардан иборат илмий-ижодий гуруҳ томонидан мазкур маърузани ўрганиш бўйича ўқув қўлланма яратилди. Мазкур қўлланма олий ўқув юртларида маърузани ўрганиш бўйича ўтиладиган махсус курс учун маъруза матнларини, тест саволлари, илмий-назарий атамалар глоссарийси ҳамда умумий назорат саволларини ўз ичига олади.

Қўлланмада Президентимиз маърузасининг мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг маъно-мазмуни, долзарблиги ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 14 соат (10 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари) ҳажмидаги ўқув курси тавсия этилади.

---

<sup>2</sup>2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида. 2013 йил 18 январь. — <http://uza.uz/oz/documents/25009/>

**2012 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ИСЛОҲОТЛАР**

**1-БОБ. ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДАВОМ ЭТАЁТГАН  
ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ  
СУРЪАТЛАРИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

**1.1. Глобал жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий муаммолар**

Маълумки, Президентимиз И.А. Каримов ҳар йили ўтган йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишлаб ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатимиз тараққиётида эришилган натижалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, келгусида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган устувор вазифалар бўйича кенг қамровли дастурий маъруза қилади. Ушбу анъанага мувофиқ ҳолда,

2013 йилнинг 18 январь куни асосий мақсади Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда сўзлаган маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, „...авваламбор, шуни таъ-

*Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамадан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.*

**Ислом Каримов**

кидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамадан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади“<sup>3</sup>, деб эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу ҳақда фикр юритилганда, энг аввало, ўзининг салбий оқибатлари билан дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

Таъкидлаш лозимки, кўпчилик давлатлар учун катта ташвиш ва муаммолар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг белги-аломатлари ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида пайдо бўлган турли номутаносибликлар, хусусан, реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлаган эди. Ана шу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал

<sup>3</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2013. —5-6.

молиявий муносабатлар тизимида жиддий нуқсонларга йўл қўйиш, миллий иқтисодиётлардаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун „арзон пуллар“ сиёсатининг қўлланиши каби хапти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиб, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тобора кескин тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда, аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди. Президентимиз И.А. Каримов ўзининг „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари“ номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиш сабабларини кенг таҳлил этиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратди: „Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди“<sup>4</sup>.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига ҳаққоний баҳо бериб, „жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бири-бири билан уйғунлигига боғлиқ“<sup>5</sup>, деб хулоса чиқарган эди. Бундай объектив хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди<sup>6</sup>.

Жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари ҳам инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш борасида турли шакл ва кўламдаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Жумладан, ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг „Катта йигирмалик“ деб ном олган гуруҳи доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (1.1.1-жадвал).

#### **Маълумот ўрнида!**

*„Катта йигирмалик“ гуруҳи (G-20) расман 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган. Ушбу гуруҳ таркибига ялпи ички маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоизини ташкил этадиган қуйидаги 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлатлар киради: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи.*

Дастлаб бу чора-тадбирлар 2009—2010 йилларда маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ўси, инвестицион фаоллик жонланди. Бироқ ушбу чора-тадбирлардаги

<sup>4</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2009. —4-б.

<sup>5</sup> Ўша манба, 6-б.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. — 6—7-б.

ўзаро мутаносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашдаги изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда кўзланган натижаларга эришиш имконини бермади.

1.1.1-жадвал

„Катта йигирмалик — G-20“ саммитлари ва уларда кўриб чиқилган асосий муаммолар<sup>7</sup>

Саммит рақами	Ўтказилган санаси	Ўтказилган жойи	Кўриб чиқилган муаммолар ва қабул қилинган қарорларнинг қисқача мазмуни
1	2008 йил 14—16 ноябрь	Вашингтон (АҚШ)	Саммит қатнашчиларининг қўшма баёнотида молиявий бозорлар ҳамда келгусидаги инқирозларнинг олдини олиш учун иқтисодий ривожланишни тартибга соладиган талаб ва мезонларни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларнинг бешта тамойили тасдиқланди.
2	2009 йил 2 апрель	Лондон (Буюк Британия)	Жаҳон молия тизимини жиддий ислох қилиш бўйича олти асосий шартдан иборат келишувга эришилди: 1) Халқаро валюта жамғармаси ресурсларини кўпайтириш ва инқироздан энг кўп жабр чеккан мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ ажратиш; 2) „солиқ водийлари“ деб ном олган алоҳида хуудларнинг пайдо бўлишига қарши курашиш; 3) компаниялар ва банкларнинг менежментлари учун бонус тўловларини тартибга солиш; 4) конъюнктурага оид чора-тадбирларнинг миллий ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш; 5) молиявий бозорлар устидан назоратни кучайтириш; 6) миллий иқтисодиётларнинг барқарорлигини таъминлаш. Асосий яқун — бир ярим йил ичида G-20 қатнашчилари 5 триллион доллар миқдоридagi маблағни иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтиради. Мазкур маблағнинг бешдан бир қисми Халқаро валюта жамғармасига ўтказилади.
3	2009 йил 24—25 сентябрь	Питтсбург (АҚШ)	G-20 глобал иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш учун асосий халқаро анжуман бўлиб қолиши ҳақида қарор қабул қилинди. Компанияларнинг топ-менежерлари учун бонусларни чеклаш ҳамда жаҳон молиявий институтлари квоталарини ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш тўғрисида келишиб олинди.
4	2010 йил 26—27 июль	Торонто (Канада)	G-20 аъзолари 2013 йилнинг охиригача савдо ва инвестициялар соҳасидаги протекционистик чораларни, шунингдек, янги экспорт чекловларини киритишни тақиқлаш тўғрисида келишиб олдидилар. 2011 йилдан бошлаб бюджет тақчиллигини қисқартириш жараёнларига киришиш, натижада икки йилдан сўнг бюджет тақчиллигини 2 баробар камайитишга келишилди. Молия институтлари банкротлиги ҳамда банкротлик чогида солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш тамойиллари қабул қилинди. Коррупция ва унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсирига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга оид ишчи гуруҳи тузилди.
5	2010 йил 11—12 ноябрь	Сеул (Жанубий Корея)	„Валюта урушлари“га қарши чоралар ишлаб чиқилди. Валюта курсларининг ҳаддан ортиқ пасайиб ёки ошиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган валюталарнинг рақобатлашув асосидаги девальвациясидан ўзни тийиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Савдо ва молиявий протекционизмга йўл қўймаслик борасида келишиб олинди.


<sup>7</sup>„Группа двадцати“ (G-20): состав, цели и хроника встреч // <http://ria.ru>

6	2011 йил 3—4 ноябрь	Канн (Франция)	Жаҳон иқтисодиёти ҳолати, жаҳон валюта-молия тизимини ислоҳ қилиш ва молия бозорларини тартибга солиш, шунингдек, хом ашё товарлари нархларининг ўзгариб туриши билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди. Бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишни кучайтириш муаммоларига эътибор қаратилди. Европа Иттифоқининг кредит кўмаги юзасидан референдум ўтказишдан воз кечишга Греция мажбур қилиниб, халқаро валюта жамғармаси ресурслари ҳажминини кўпайтиришга қарор қилинди.
7	2012 йил 18—19 июнь	Лос-Кабос (Мексика)	Молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган Халқаро валюта жамғармаси захирасини кўпайтириш учун қўшимча 450 миллиард доллар ажратишга қарор қилинди.

2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ равишда жаҳон бозорларида ваҳималарнинг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик даражаси кескин ортиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.

Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истиқболларига нисбатан ишончни йўқота бошлади. Ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги-янги мамлакатлар „муаммоли“ давлатлар қаторига қўшила бошлади. Ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишдаги пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади.

Европа Иттифоқи томонидан мазкур қитъа ҳудудидаги молиявий инқироз келтириб чиқараётган турли оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган институционал механизмларни яратиш борасидаги чора-тадбирларга қарамасдан, 2012 йилда Жанубий Европанинг тўртта мамлакати — Италия, Испания, Португалия ва Грецияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Евроҳудуддаги ЯИМнинг пасайиши 0,3 фоизни, Европа Иттифоқи бўйича эса 0,2 фоизни ташкил этди<sup>8</sup>. Ривожланган мамлакатлардаги ЯИМ ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари давом этаётганини кўрсатади (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)<sup>9</sup>.

<sup>8</sup>Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>

<sup>9</sup>Экономическое развитие мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>



Жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларининг беқарорлигига, бир томондан, инқирозга қарши курашиш чоралари бўйича давлатлар раҳбарлари ўртасидаги ўзаро яқдилликнинг йўқлиги, иқтисодий сиёсатда уйғунликка эришмаслик замин яратса, бошқа томондан, йирик иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларнинг ички сиёсий беқарорлиги ҳам бунга жиддий таъсир кўрсатади. Айниқса, кейинги пайтда ҳар қайси мамлакатдаги иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида валюта курсларининг бозор механизмлари орқали эркин шаклланишига турли йўллар билан таъсир кўрсатиш, жумладан, „валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси“ сиёсатининг олиб борилиши оқибатида „валюта урушлари“ хавфининг кучайиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012 йил ноябрь ойидан бошлаб Япониянинг янги ҳукумати дефляция муаммосини ҳал этиш мақсадида ўз иқтисодиётига сезиларли даражадаги валюта маблағларини киритиши ушбу мамлакатнинг миллий валютаси — иена қувватининг 20 фоизга қадар пасайишига олиб келиб, бу ҳолат бошқа мамлакатлар раҳбарларининг норозилигига сабаб бўлди<sup>10</sup>. Шунингдек, АҚШда юзага келиши мумкин бўлган „фискал жарлик“ мамлакат бюджет сарфларининг кескин қисқариши ҳамда ишлаб чиқаришнинг пасайиши эҳтимолини тугдирмоқда. АҚШ жаҳондаги йирик импорт қилувчи мамлакат ҳисобланиши сабабли ушбу ҳолат жаҳондаги бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин<sup>11</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти „2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истиқболлари“ (World Economic Situation and Prospects 2013) мавзусидаги навбатдаги йиллик маърузасини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДХ ҳудудидаги мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бормоқда ва бу узоқ муддатга чўзиладиган ҳолат ҳисобланади.

2012 йилда МДХ мамлакатлари ва Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари тахминан 3,8 фоизни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби — жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДХ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг беқарорлигидир<sup>12</sup>.

Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетишига, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:


- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;
- яширин, яъни нолегал иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолишга мажбур бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бюджет тақчиллигининг кучайиш ҳолати айниқса 2010 йилда Ирландия (32 фоиз), Греция (15,4 фоиз), Буюк Британия (11,1 фоиз) сингари мамлакатларда кескин намоён бўлган бўлса, мазкур кўрсаткичнинг 2012 йилда Япония (10 фоиз), АҚШ (8,7 фоиз), Буюк Британия (8,3 фоиз) ва бошқа мамлакатлардаги даражаси ҳамон юқориликча қолмоқда (1.1.2-расм).

<sup>10</sup>Финансовая G-20 объявила перемирие на валютной войне // <http://ria.ru/economy>

<sup>11</sup>Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>

<sup>12</sup>Шохина Е. Всеобщая вялость // <http://expert.ru/2013/01/22/vseobschaya-vyalost/>



1.1.3-расм. Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси<sup>16</sup>.

иқтисодиёти учун меъёрдаги кўрсаткич ҳисобланган 4—6 фоизга тушишигача ҳали узоқ, бироқ у энг юқори бўлган 10,1 фоиздан сезиларли даражада фарқ қилади (1.1.3-расм).

Ишсизлик жаҳондаги кўплаб мамлакатларда яқин бир неча йиллар ичида инқироздан олдинги ҳолатга қайтиши мумкин. Гап шундаки, инқироз жиддий таркибий силжишлар билан бир вақтда рўй берган бўлиб, унинг бартараф этилиши учун навбатдаги муҳим таркибий ислохотлар тақозо этилади. Бу, албатта, ишсизлик даражасининг пасайишини секинлаштиради. АҚШ учун 3—4 фоиз, Европа Иттифоқи учун 2,5—3,5 фоиз даражасидаги бир неча йиллик барқарор ўсиш ишсизликнинг сезиларли даражада пасайиши ҳамда бюджет муаммоларининг ҳал этилишини таъминлайди<sup>17</sup>.

Credit Suisse банки томонидан тайёрланган Global Wealth Report маърузасида жаҳон аҳолиси фаровонлигининг умумий кўрсаткичи 2011 йилнинг ўрталаридан 2012 йилнинг ўртасига қадар 5,2 фоиз, яъни 223 триллион долларга қисқаргани таъкидланади. Мазкур кўрсаткичнинг бу даражада пасайиши 2007—2008 йиллардан буён биринчи марта қайд этилган<sup>18</sup>.

ХВЖнинг „Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари“ маърузасида (2012 йил октябрь) глобал иқтисодиётнинг рецессияга учраш хавфи ташвишли даражада юқори экани қайд этилади<sup>19</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2013 йилда бандликнинг глобал тенденциялари тўғрисидаги сўнгги маърузасига кўра, 2012 йилда жаҳондаги ишчи кучининг 6 фоизи ишсиз қолган. Шундай қилиб, бутун дунёдаги ишсизлар сони 2012 йилда 4 миллион кишига ўсиб, ишсизларнинг умумий сони 197 миллион кишига етган.

Бу борада ёшлар энг кўп жабр чеккан: 24 ёшгача бўлганларнинг деярли 13 фоизи ўзига иш тополмаяпти. Ривожланган мамлакатлардаги барча ишсиз ёшларнинг тахминан 35 фоизи олти ой ва ундан кўпроқ муддат давомида ишсиз қолган, бу кўрсаткич 2007 йилда 28,5 фоиз эди. „Бу ёшларнинг умри ва истеъдодининг беҳудага бой берилиши уларнинг ўзи ва жамият учун фавқулодда ҳалокатли ҳолатдир“, деб баҳолайди Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) раҳбари Гай Райдер.

Аксарият мамлакатларда инвестициялар инқироздан олдинги даражада қайта тиклангани йўқ. ...Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар молиявий инқирознинг маркази ҳисобланиб,

<sup>16</sup>Мировая экономика: история и прогноз развития// <http://www.ereport.ru/>

<sup>17</sup>Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru/>

<sup>18</sup>Благосостояние населения мира снизилось за последний год, в России самое неравномерное распределение доходов. — Газета. Ru | Финансы // <http://www.gazeta.ru/financial/2012/10/10/4807489.shtml>

<sup>19</sup>МВФ: мировой экономике грозит рецессия. — Газета.Ru | Финансы // <http://www.gazeta.ru>


энг кўп зарар кўрганлар қаторида бўлди. Инқироз бошланганидан буён ишсизлик умумий ўсишининг ярми — 28 миллион кишилик ишсизлар сони айнан шу мамлакатларга тўғри келмоқда. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга қараганда икки баробар кўп зарар кўрди. Агар ривожланган мамлакатлар 2012 йилда 1 миллионга яқин иш ўринларини йўқотган бўлса, бошқа минтақаларда қарийб 3 миллион яқин иш ўрни йўқотилди. Айниқса, Шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари, шунингдек, Африка мамлакатлари ишсизликдан кучли зарар кўрди.

Шундай ҳолатда, ХМТнинг прогнозларига кўра, ишсизлик даражаси 2013 йилда бутун дунёда янада ошади. Ташкилот экспертларининг фикрича, 2013 йилда дунё бўйича тахминан 202 миллион киши ишсизлар қаторидан жой олади. 2013 йилда кўшимча равишда 5 млн. киши, 2014 йилда эса 3 млн. киши ишсиз қолиши мумкин.

Бу борада энг оғир аҳвол Европа жанубида — Греция, Испания, Португалия ва Италияда кузатилиб, ишсизлик даражаси 25 фоизга, ёшлар ўртасида эса 50 фоизга етмоқда. Энг ёмони, ишсизлик тобора сурункали тус олиб бормоқда, яъни одамлар ойлаб, йиллаб иш тополмасдан қийналмоқда. Бу эса табиий ҳолда аҳоли ўртасида ижтимоий норозиликларнинг ортишига олиб келмоқда. Бундай хатоларга қарши курашнинг ягона усули — дастлаб иқтисодий дунёнинг рағбатлантириш дастурлари ҳамда айни вақтда таркибий ўзгартиришлар орқали жонлантириб олиш ҳисобланади. Рағбатлантириш дастурлари таркибий ислохотларни амалга ошириш даврида вақтинча „оғриқни пасайтирадиган“ восита бўлиб хизмат қилади<sup>20</sup>.

## 1.2. 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши

Глобал жаҳон иқтисодийдаги юқорида баён этилган жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодийга ҳам кўрсатаётган салбий таъсирга қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда<sup>21</sup>.

1.2.1-расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000—2003 йилларда 3,8—4,2 фоиз, 2004—2006 йилларда 7—7,3 фоиз, 2007—2008 йилларда эса 9—9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бироз пасайиш рўй берди. Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил

<sup>20</sup> Королева А. Работы все меньше // <http://expert.ru/2013/01/23/raboty-vse-menshe/>

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминламоқда (1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар<sup>22</sup>.

Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 триллион сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин бўлмоқда (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда<sup>23</sup>

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2


Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 триллион сўмни

<sup>22</sup>Куйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти — <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

<sup>23</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумолари.

ташқил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 триллион сўмни ташқил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52 фоиздан зиёдни ташқил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар сони 23,3 минггага ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 219,4 минггага (фермер хўжалиқларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташқил қилди (1.2.3-расм).



1.2.3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда<sup>24</sup>.


Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

### 1.3. Ўзбекистонда ташқи савдо соҳасида ижобий кўрсаткичларнинг таъминланиши

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташқил этиб, 26,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 109 фоиз ёки 12 миллиард АҚШ долларини ташқил этди<sup>25</sup>. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди (1.3.1-расм).

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>25</sup>[http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo/](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/)



1.3.1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, миллиард доллар<sup>26</sup>.

1.3.1-расмдан кўринадики, 1990—2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикаимиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хом ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, миллион доллар<sup>27</sup>

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (фоизда)	натигага нисбатан (фоизда)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилги ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металллар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

<sup>26</sup>Куйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 60-б; [http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo/](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/)

<sup>27</sup>[http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo/](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/)

Жадвалдан кўринадики, 2012 йилда олдинги йилга нисбатан мамлакатимизда ёқилғи ва нефть маҳсулотлари экспорти деярли 1,8 марта, хизматлар экспорти эса 1,3 марта ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти эса ўтган йилги даражадан деярли 2,3 марта камайган.

Шуниси диққатга сазоворки, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Буни экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси орқали кузатиш мумкин (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда<sup>28</sup>**

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металлар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

Жадвалдан кўринадики, 1990—2012 йиллар давомида экспорт таркибида пахта толасининг улуши 59,7 фоиздан 9,6 фоизга, яъни 6 баробардан кўп қисқарди. Натижада экспортнинг хом ашёга боғланиб қолиш муаммоси тўла барҳам топди. Аксинча, хизматлар экспортининг улуши 13,5 марта, машина ва ускуналар — 4,1 марта, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар — 2,5 марта, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари — 2,2 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг улуши 1,7 марта ўсгани экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хом ашё бўлмаган тайёр товарлар улушининг ошишига ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланишига замин яратди.

2012 йилда мамлакатимиз импорт ҳажми 9 фоизга ўсиб, унинг умумий қиймати 12026,5 миллион долларни ташкил этди (1.3.3-жадвал).

Импорт таркибида хизматлар (130,1 фоиз), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (122,2 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (119,4 фоиз) сезиларли даражада ошди. Аксинча, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари импорти ўтган йилга нисбатан камроқ (90,2 фоиз) бўлди.

1.3.3-жадвал

**2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, миллион доллар<sup>29</sup>**

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (фоизда)	натигага нисбатан (фоизда)
Жами:	12026,5	109	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
Қора ва рангли металлар	937,9	108,7	7,8
Машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
Хизматлар	730,3	130,1	6,1
Бошқалар	1096,4	88,9	9,1

Агар мамлакатимиз импорти таркибининг йиллар давомидаги динамикасини кузатадиган бўлсак, унда ҳам маълум сифат ўзгаришлари юз берганини кўриш мумкин (1.3.4-жадвал).

<sup>28</sup>Ўша манба.

<sup>29</sup>[http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo)


Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда<sup>30</sup>

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

Таъкидлаш лозимки, импорт таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2012 йилда 45,4 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилга нисбатан деярли 4 баробар кўпдир. Мазкур ҳолат мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёж билан изоҳланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 1990 йилда 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 9,9 фоизга, яъни деярли 5 баробар қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожланиб ва мустақамланиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 4 баробардан зиёд ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганидан дарак беради.

#### 1.4. Ўзбекистонда амалга оширилаётган самарали солиқ ва бюджет сиёсати натижалари

Мамлакатимизда инфляцияга қарши самарали ва изчил чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлари доирасида сақланиб қолди ва 7 фоиздан ошмади. Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилгани инфляцияни



1.4.1-расм. Ўзбекистонда 2012 йилда нархлар ўзгаришининг инфляцияга таъсири, фоизда<sup>31</sup>.

<sup>30</sup>Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. —60-6; [http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo/](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/)

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти — <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>



жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобидан юз берди (1.4.1-расм).

Ўтган йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, уларнинг истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди<sup>32</sup>.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, хусусан, яратилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар соҳанинг равнақ топишида, унинг иқтисодийдаги улушининг кўпайишида намоён бўлмоқда. 2005 йилдан бошлаб амалда бўлган, соддалаштирилган тартибдаги ягона солиқ тўлови тадбиркорларга катта қулайликлар яратди. Агар ягона солиқ тўловининг аввалги тартиби бўйича 1996


*2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунга яққол тасдиқлайди.*

**Ислом Каримов**

йилда солиқ ставкаси 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб ягона солиқ тўлови 6 фоизни ташкил қилди ёки 1996 йилга нисбатан 6,3 марта қисқарди. 2012 йилдан эса саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил қилди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг бу қадар туширилиши корхоналар томонидан олинган фойда миқдорини сезиларли равишда оширди. Бунга биргина мисол, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайрилиши натижасида қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағ корхоналарнинг ўзида қолди. Бу эса ушбу маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Шу билан бир қаторда, корхоналар фойдасини ҳам оширди<sup>33</sup>.

2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунга яққол тасдиқлайди.

Президентимиз ўз маърузасида ўтган йилда мамлакатимизда солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилганига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлар тўлиқ бажарилгани, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтди (1.4.2-расм).



1.4.2-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, фоизда<sup>34</sup>.

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти — <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

<sup>33</sup>Ҳайдаров А. Ўзбекистонда солиқ ислохотлари // „Биржа“ газетаси, №70 (1481) 2012 йил 16 июнь — <http://www.idbirja.uz/ru/gazeta-birja/3353-ozbekistonda-soliq-islohotlari>

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

1.4.2-расмдан кўринадики, 2000—2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини —1 фоиздан —0,4 фоизга пасайтириш, 2005—2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга 2012 йилда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга сарфланди.

Ўтган йили эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: „Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича „ўртачадан ҳам кам“ даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда“<sup>35</sup>.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора ортиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

*Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди.*

**Ислон Каримов**

<sup>35</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2013 йил. —6-б.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар


1. Президентимиз ўз маърузасида тўхталиб ўтган, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммолар нималардан иборат?
  2. Жаҳонда ишсизлик даражасининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин?
  3. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар нималардан иборат?
  4. 2012 йилда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари қандай бўлди?
  5. 2012 йилда Ўзбекистонда ташқи савдо соҳасида эришилган ижобий кўрсаткичларни изоҳлаб беринг.
  6. Кейинги йилларда мамлакатимиз экспорти ва импорти таркибида қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?
  7. Мамлакатимизда инфляциянинг прогноз даражасида сақланиб қолишида қандай чора-тадбирлар муҳим роль ўйнади?
  8. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати доирасида қандай чоралар белгиланди?
  9. Кейинги йилларда Ўзбекистонда давлат харажатлари ҳамда давлат бюджети бажарилиши параметрларида қандай тенденциялар кузатилмоқда?
  10. Ўзбекистоннинг четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсати асосини қандай тамойил ва қоидалар ташкил этади?
-

## 2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР АСОСИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

### 2.1. Самарали пул-кредит сиёсати — молия-банк тизими барқарорлигининг муҳим омили сифатида

Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилган кенг қамровли чоратadbирлар сезиларли натижаларни қўлга киритиш имконини берди. Энг аввало, тизим барқарорлигини янада мустаҳкамлашда самарали пул-кредит сиёсати етакчи роль ўйнади.

Пул бозорида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобидан шаклланган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операцияларининг 2012 йил давомида Марказий банк томонидан мунтазам равишда ўтказиб борилгани туфайли иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг олди олинди. Пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 марта ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 триллион сўмни ташкил қилди.




2.1.1-расм. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси<sup>36</sup>.

Шунингдек, тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пулга бўлган талабларни тартибга солишда мажбурий резерв талаблари пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланмоқда.

2012 йилда, инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси юридик шахсларнинг талаб қилиб олинadиган ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлари учун — 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун — 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун — 10,5 фоиз миқдоридан ўзгартирилмасдан қолдирилди.

<sup>36</sup>Пул-кредит тизими // [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)



2.1.2-расм. Марказий банкдаги мажбурий резервлар динамикаси<sup>37</sup>.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 миллиард сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварагига қўшимча равишда 3176 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағнинг йўналтирилиши пул массасининг прогноз кўрсаткичидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдоридa сақлаб қолинди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айна пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Мамлакатимиздаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан, тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди. Хусусан, 2012 йилда пул бозоридаги фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасига яқинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача фоиз ставкаси йил бошидан буён 0,3 фоизга ўсиб, декабрь ойида 11 фоизни ташкил этди.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиши каби омиллар таъсирида, 2012 йил давомида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан декабрь ойининг охирида 6,4 фоизга, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари бўйича ставка эса 6,8 фоиздан 6 фоизга тушди.

<sup>37</sup>Пул-кредит тизими // www.cbu.uz

Шунингдек, 2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб борадиган, бошқариладиган усули қўлланди.

## **2.2.Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва етарлилигини таъминлаш — банк тизимининг устувор вазифаси сифатида**

Мамлакатимиз банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатдир. 2012 йилда банк тизимида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган „2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар“ дастури ҳамда молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

— банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

— мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланадиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

— тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

— тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини ошириш;

— тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, уларнинг базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

— халқаро андоза ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.


Банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигининг оширилиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

Тижорат банклари учун 2012 йилда белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлиги ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ана шу вазифалар доирасида тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011—2015 йилларда ўртача 2,1 марта ошириш белгиланган эди. Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганида, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Тижорат банклари томонидан 2012 йил давомида 500 миллиард сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди. Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми „Тошкент“ республика фонд биржаси орқали бирламчи очиқ савдоларда

жойлаштирилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 17 та тижорат банкининг акциялари „Тошкент“ республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда. Натижада 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. Банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири банк тизимининг жорий ликвидлик даражасидир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2.2.1-расмдан кўриниб турибдики, сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий капитали 2,9 баробар кўпайди ва бугунги кунда 6,2 триллион сўмдан ошиб кетди.



2.2.1-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси, триллион сўм<sup>38</sup>.

Юртимизда 2008 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун „Мудис“, „Фитч Рейтинг“, „Стандарт энд Пурс“, „Томпсон Файнэншл Банк Вотч“, „Жапан Кредит Рейтинг Эженси“, „Рейтинг Эженси Малайзия“ каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Буни „Стандарт энд Пурс“ „Мудис“, „Фитч Рейтинг“ сингари халқаро рейтинг агентликлари томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда „барқарор“ рейтинг даражаси бериб келинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

2008 йилда юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси юқорида қайд этиб ўтилган халқаро рейтинг компанияларининг „барқарор“ рейтинг баҳосини олишга эришган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилда 13 тага, 2011 йилда 23 тага, 2012 йил якунига кўра 28 тага етди. Натижада ушбу банкларнинг активлари мамлакатимиз банк тизими умумий активларининг 100 фоизини ташкил этмоқда. „Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар“ мажмуасига мувофиқ, мамлакатимиз банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг учинчи босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимига жорий қилиш лойиҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳани амалга ошириш бошланди.

*2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 28 тага етди.*

**Ислом Каримов**

Ана шу тадбирлар банк назоратининг янги талабларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ҳаракат дастурларини такомиллаштириш, банклар раҳбарлари ва мутахассисларининг бу борадаги билимларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Юқорида зикр этилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда ва унинг воситачилик роли кенгаймоқда ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада ошиб бормоқда.


Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан баҳоланиб келмоқда ва 2012 йил якунига кўра ҳам банк соҳаси бўйича индикаторлар „юқори даража“даги баҳоларга эга бўлди. Жумладан, республика банк тизими капиталининг етарлилик даражасининг қабул қилинган халқаро меъёрга нисбатан 3 баробар юқорилиги ҳамда банк тизими ликвидлигининг талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлишининг таъминлангани халқаро молия ташкилотлари ва ҳамжамиятнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори асосида 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилган, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жумладан, молия-банк соҳаси фаолиятини баҳолайдиган индикаторларнинг ҳар чоракдаги натижалари тижорат банкларининг ҳудудлардаги филиаллари депозит базаси ва кредит қўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиб бораётгани ва уларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг юқори эканини кўрсатди.

„Мудис“ агентлигининг ҳисоботида Ўзбекистондаги банк тизими барқарорлигининг асосий омиллари сифатида мамлакатимиздаги қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашувининг юқори даражада экани кўрсатиб ўтилган. „Бизнинг фикримизча, — деб таъкидланади ҳисоботда, — Ўзбекистондаги макроиқтисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операцион муҳитига ижобий таъсир ўтказди, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг ошишидан ҳам мамлакат банк тизими ютади“. „Стандарт энд Пурс“ халқаро рейтинг агентлиги эса, мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингни бир поғона юқorigа кўтарди. Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги мамлакатимиздаги ишининг якунлари бўйича баёнотида „Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди“, деб банк тизимининг ривожланишига ижобий баҳо берилди.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажмининг ўсиши актив операциялари ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, банклар жами активларининг ўсиб бориши учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Жумладан, сўнгги 5 йилда тижорат банкларининг умумий активлари салкам 3 баробар ўсди (2.2.2-расм).





2.2.2-расм. Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси<sup>39</sup>.

Диаграммадан кўринадики, 2012 йили банк активлари ўтган йилга нисбатан 30,2 фоиз ўсиб, 35,7 триллион сўмга етди.

Шунингдек, ўтган йилда банк тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банк ҳисоботини халқаро андоза ва тамойилларга мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий базасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида Банклар кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларини тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларнинг Банк кенгаши томонидан маъқулланиш механизмлари жорий қилинди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун скоринг-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилий амалга ошириш йўлга қўйилди.

„Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида“ ги низом ва „Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби“ қабул қилинди. Ҳар бир банкда бевосита Банк кенгашига бўйсунадиган Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталари ташкил этилди.


### 2.3. Тижорат банкларининг барқарор ресурс базасини шакллантириш ва кенгайтириш натижалари

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан уларнинг таркиби ҳам ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромаднинг салмоғи барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Аҳоли даромадларининг ошиши, ўз навбатида, уларнинг банклардаги омонатлари салмоғининг ошишига олиб келди. 2012 йилда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. Банкларда

<sup>39</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Натижада банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2012 йил бошига нисбатан 31,5 фоизга ортди. Жумладан, аҳолининг банклардаги омонатларининг миқдори 22,8 триллион сўмдан ошди.



2.3.1-расм. Тижорат банкларининг жами депозитлари қолдиғи, триллион сўм<sup>40</sup>.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликларни кенгайтириш мақсадида янги муддатли ва жамғарма омонат турлари жорий этилди. Умуман олганда, аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сони 250 тадан ошди.


Натижада республикамизнинг ҳар мингта катта ёшдаги аҳолисига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварақлари сони 1027 тага етиб, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан „юқори даража“даги баҳога мувофиқ келди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 8,3 триллион сўмга етган бўлса, диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларида аҳоли омонатларининг миқдори сўнгги 5 йилда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган.

Ҳозирги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисобрақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда.

<sup>40</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг ресурс базасини депозитларни жалб этиш орқали мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу мақсадда, пул массасининг мақсадли предметларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш учун 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Мажбурий захира талаблари механизмига киритилган ўзгартиришлар аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш самарадорлигини янада оширди.



2.3.2-расм. Тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиғининг ўсиш динамикаси, миллиард сўм<sup>41</sup>.

Шунингдек, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит сертификатлари 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 445,6 миллиард сўмни ҳамда инвесторлар ўртасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 258,7 миллиард сўмни ташкил қилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам бир қатор афзалликлар берадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкани оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисоб-китобларнинг барча афзалликларини англаб етдилар. Аҳолига хизматлар кўламини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар — банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 9,5 миллион донага, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари

<sup>41</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

сони эса қарийб 112,7 мингтага етди. Ўз навбатида, 2012 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 11,6 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошди.

#### **2.4. Банкларнинг кредит портфели сифатини ошириш ва инвестицион фаолиятини кенгайтириш**

Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди. Мамлакатимиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари қўламини кенгайтиришга, кредит рискинни маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадларининг ошишига олиб келди.

Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари кредит портфели умумий миқдоридаги улуши 85,8 фоизни ташкил этди. Муддати уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоиз ошди ва жами кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга, банк кредит портфелининг тузилмаси ҳам ўзгарди. 2010—2011 йилларгача уларнинг катта қисми ташқи мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган бўлса, шу йиллардан бошлаб ички манбалардан бериладиган кредитлар ҳажми кескин ошди. Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Кредит портфелининг тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини кредитнинг риск даражаси, тармоқлар тузилиши, кредитнинг мақсади, муддати, кредит ҳажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари бўйича таснифлаш мумкин.

Ўз тузилишига кўра банк кредит портфели хилма-хилдир. Унда иқтисодиётнинг турли соҳалари қамраб олинган. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бутунги кунда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияларга асосланган ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлари миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 30,5 фоиз кўпайди ёки уларнинг миқдори 20,4 триллион сўмга етди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.

Тижорат банклари томонидан ўтган йили халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошди.


Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида, пул бозорига фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юригувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди.

*Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.*

**Ислом Каримов**

Барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан, тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Натижада 2012 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган жами кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкасининг ҳам йил бошидаги 14,3 фоиздан декабрь ойига келиб 13,6 фоизга пасайиши кузатилди. Жумладан, тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар улушининг ошишини рағбатлантиришга қаратилган фоиз сиёсатининг олиб борилиши натижасида узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 13,5 фоиздан 12,2 фоизга пасайди.




2.4.1-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва инвестицион кредитлар, миллиард сўм<sup>42</sup>.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хавфини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкни гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган „2011—2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида“ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди (2.4.2-расмга қаранг).

<sup>42</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



**2.4.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, миллиард сўм<sup>43</sup>.**

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 триллион 346 миллиард сўмни ташкил этди.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича „Тадбиркорлар хонаси“ ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва минибанкларда ташкил этилган „Тадбиркорлар бурчаги“ орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихти-сослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

— кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

— имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари

<sup>43</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар, асосан, узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитларнинг 1 триллион 172 миллиард сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ўсди (2.4.3-расмга қаранг).



**2.4.3-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, миллиард сўм<sup>44</sup>.**

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

„Мустаҳкам оила йили“да оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, жумладан, мебеллар, маиший техника ва бошқа турдаги узоқ фойдаланиладиган жиҳозларни сотиб олишга жами 320 миллиард сўмлик, шу жумладан, 15 мингта ёш оилага уч йиллик қайтариш муддати билан 81 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини, авваламбор, иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестицияларнинг тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида деб ҳисоблашимиз зарур. Банкларнинг роли иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инвестицион сиёсатда, айниқса, аҳамиятлидир. Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 20,4 триллион сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан берилган бўлиб, ташқи қарзлар, асосан,

<sup>44</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

узоқ муддатга, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда. Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилгани тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда „2011—2015 йилларда саноатни ривожлантириш“, „2012 йилги Инвестиция дастури“ ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ 2009 йил 28 июнда имзоланган ПҚ-1166-сонли Қарорига биноан, тижорат банкларига қуйидаги имтиёзлар берилди:

— 2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;

— тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар — йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни, умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш жорий этилди. Натижада 2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тижорат банклари томонидан жами 5760 миллиард сўм ёки 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Банк тизимининг республикамызда уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мазкур жараённи молиялаштиришдаги фаолияти алоҳида эътиборга моликдир. Банкларнинг ушбу йўналишдаги кредитлари ҳам узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, улар инвестицион кредитлар таркибида салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича „Қишлоққурилишбанк“ томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда мазкур банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича 8510 та яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 810 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағнинг 294,8 миллиард сўми мижозларнинг бадаллари ва 515,2 миллиард сўми „Қишлоққурилишбанк“нинг кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитлар „Қишлоққурилишбанк“ томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга 7 фоизли ставка бўйича ажратилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш борасида ҳам банклар томонидан 2012 йилда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида банклар томонидан 388 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 миллиард сўмга сотилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансидаги фаолияти тикланган корхоналарни янги мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда 11 та корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизация қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

10'QUV ZALI



Мамлакатимизда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, рақобатдош, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини янги жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги „Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-1731-сонли Қарори қабул қилинди. Натижада банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 триллион сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан 480,0 млн. АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди.

## 2.5. Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

2013 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган „2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар“ дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизими ва алоҳида банкларнинг юқори халқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажминини кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда. Бунда банк тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар доирасида 2013 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари давом эттирилади.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг техник кўмагида Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган янги стандартларни жорий этиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

— регулятив капитал таркибини қайта кўриб чиқиш ва капитал компонентларининг етарлилиги бўйича белгиланган талабларни янада кучайтириш;

— рискларнинг бир қарздорда (ёки ўзаро боғлиқ қарздорлар гуруҳи), кредитлаш объектида, фаолият тури ва тармоқда тўпланишини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— банк ликвидлиги бўйича нормативларни такомиллаштириш, хусусан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш;

— жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган

*Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Банк тизими жами капиталини камида 20 фоизга кўпайтириш мўлжалланмоқда.*

**Ислом Каримов**

ҳолда ишлаб чиқилган замонавий услублар асосида банклар мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш тадбирларини давом эттириш;

— банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш бўйича белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш;

— банк фаолиятида камчиликларга йўл қўйилгани учун унинг кенгаши аъзоларига таъсир чораларини белгилаш ваколатини берадиган қонунчилик талабларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни давом эттириш.

Шунингдек, банк назоратини амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг кредит портфели сифатини янада яхшилаш, кредитларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш, кредитлар муддатини узайтириш амалиётини чеклашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида“ги Қонунининг 2012 йил 1 январдан кучга киргани муносабати билан жорий йилдан бошлаб кредит муассасаларини бевосита кредит ахбороти билан таъминлашга ихтисослашган кредит бюрolari фаолияти йўлга қўйилади.

Марказий банк Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базаси Кредит ахборотининг давлат реестри сифатида юритилиб, унинг банк секторидаги тизимли таваккалчиликларни камайтириш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти янада кучайтирилади.

Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг банклараро кредит бюроси негизида янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этилган Кредит-ахборот таҳлилий маркази кредит бюроси тижорат банкларига қарз олувчилар тўғрисида кредит ахборотлари тақдим этиш хизматларини кўрсатди.

2. Тижорат банклари ресурс базасини янада ошириш ва диверсификация қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар давом эттирилади:

— қўшимча акцияларни чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш орқали банкларнинг жами капиталининг йил мобайнида камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

— банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш;

— депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, тижорат банкларида аҳолидан жамгарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини камида 30 фоизга ошириш;

— тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва пул бозорида жойлаштириш;

— банк инфратузилмалари, хусусан, минибанклар ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш;

— ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали банк хизматларининг сифатини янада юксалтириш ва кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернетбанкинг бўйича хизматлар кўрсатилиши борасидаги 2013 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

— банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

— банклардан ташқарида жойлашган ва хавфсизлиги таъминланган идора ва ташкилотлар, йирик супермаркетлар биноларида банк инфокиосклари тармоғини кенгайтириш каби тадбирлар амалга оширилади.

3. Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган банк кредитлари ҳажмини янада кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш жорий йилда банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2013 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажмининг 25 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида янги турар жойлар барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олиш каби инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан 6 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Жумладан, 2013 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги янги турар жойлар барпо этишга барча манбалар ҳисобидан 796 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратиш прогноз қилинмоқда. Шундан 251 миллиард сўм миқдордаги маблағ Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан берилади.

2013 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жой қурилишида „Қишлоққурилиш-банк“ билан бирга „Ипотекабанк“ ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўз кредит маблағлари билан иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Кредит ресурсларини инвестиция мақсадларига самарали тақсимлаш, кредит таваккалчиликлари даражасини камайтириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини танлаш бўйича ишлар сифатини оширишга катта эътибор қаратилади, хусусан:

— банкларда инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси сифатини, шу жумладан, ушбу жараённинг ошқоралигини ошириш, лойиҳа экспертизаси жараёнида барча потенциал омиллар ва рискларни инобатга олишни таъминлаш;

— тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда ташкил этилаётган инвестицион лойиҳаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компаниялари фаолиятини ривожлантириш;

— тижорат банкларининг инвестицион фаолиятига масъул бўлган ташкилий тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, уларнинг ишларини ташкиллаштириш ва самарасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

4. Тижорат банклари балансига олинган, молиявий барқарор бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш ва уларни стратегик инвесторларга сотиш ишлари давом эттирилади, жумладан:

— банк балансидаги корхоналарда инвестицияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш;

— банклар балансидаги корхоналарни тиклаш ва сотиш жараёнига потенциал, шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилишда банкларнинг бошқарувчи компаниялари фаолиятини янада кучайтириш;

— янги инвесторларга сотилган корхоналар бўйича олди-сотди шартномаларида белгиланган тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

— банк балансидаги янги инвесторларга сотилган корхоналар фаолиятини, сотилган кундан бошлаб, инвесторлар томонидан ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилгунга қадар мониторинг қилиб бориш;

— иқтисодий ночор корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, бизнес режаларни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари раҳбарлари ва тегишли тузилмавий бўлинмалар жавобгарлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линияларини жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган. Ана шу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошлангич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш қўламини кенгайтиришга қаратилади.

Шунингдек:

— узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

— хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш бўйича „Микрокредитбанк“ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

— озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

— маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан, мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, 2013 йилнинг юртимизда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

6. 2013 йилда банк тизими фаолиятини баҳолашда етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланадиган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бунда:

— республика тижорат банклари томонидан „Фитч Рейтингс“, „Мудис“ ва „Стандарт энд Пурс“ каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини мунтазам равишда янгилаб бориш;

— молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва тақдим қилишда унинг ошкоралиги, жумладан, халқаро қиёсийлик, даврийлик, муддатлилик ва сифатлилик тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш;

— банклар ва уларнинг қимматли қоғозларига берилган рейтинглар, рейтинг даражаларининг ошиши ёки пасайиши тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш;

— етакчи халқаро рейтинг компанияларидан мамлакатимиз рейтинг ҳақидаги маълумотларни олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, банкларнинг капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасининг ҳолис баҳоланишини таъминлайдиган CAMEL(S) тизимининг янги талқинига асосан, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

7. Микромолиялаш соҳасини ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш доирасида:

— тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан микромолиялаш хизматларини кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш, жумладан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1,3 триллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратиш;

— банкдан ташқари кредит ташкилотлари тармоғини, айниқса, вилоятлардаги шаҳарларда ва аҳоли зич жойлашган туманларда кенгайтириш;

— банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятида бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва бошқа ҳисоботларни шакллантиришни автоматлаштириш бўйича дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали улар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш;

— банкдан ташқари кредит ташкилотлари кредит портфелини бошқариш бўйича талабларни кучайтириш;

— банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада такомиллаштириш;

— микромолиялаштириш ташкилотлари томонидан уларнинг молиявий ва ижтимоий фаолиятлари бўйича ҳисоботларини нашр этиш амалиётини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилади.

8. Молия-банк тизими фаолиятини халқаро андоза ва тамойилларга янада мувофиқлаштириш мақсадида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминланади. Жумладан, „Гаров реестри тўғрисида“ ги янги қонун, „Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида“ ги, „Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ ги қонунларнинг янги таҳрири ҳамда „Лизинг тўғрисида“ ги ва „Аудиторлик фаолияти тўғрисида“ ги қонунларини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банклар кредиторлари ва омонатчиларининг ҳимояланиш даражасини ошириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектлари орасида банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилади.

## 2.6. Бюджет тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

Бугунги кунда давом этаётган ва тобора жиддийлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар бир мамлакат ҳукумати олдида макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни юритиш вазифасини қўймоқда. Бунда самарали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат юритиш масаласи марказий ўринни эгалламоқда. Шу билан бирга, умумий иқтисодий мувозанатни таъминлашга йўналтирилган яхлит давлат сиёсати билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан давлатнинг фискал сиёсати инструментларига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганига қарамасдан, мамлакатимизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида изчил олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти гоаят юксакдир. Буни, ўз навбатида, кейинги йилларда кузатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг орттириб бажарилаётгани, давлат бюджети ижросининг газначилик тизими янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланаётгани билан изоҳлаш мумкин (2.6.1-жадвал).

2.6.1-жадвал

### Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари<sup>45</sup>

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан, фоизда
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

<sup>45</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари <http://cbu.uz/uzc/node/39959>

2.6.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат фискал сиёсатида мақсадли фондларсиз давлат бюджети марказий ўринга эга эканини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда. Бу ҳол уларнинг даромадлари шаклланиши кўламида яққол намоён бўлади. Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 миллиард сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 13571,9 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг даромадлари 2012 йилда 210 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йил учун бу жамғарманинг даромадлари 227,5 миллиард сўмга режалаштирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислохотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларининг сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Агар мақсадли фондларсиз давлат бюджетининг даромадлари 2012 йилда 20614,1 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 25104,9 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида аҳамият касб этади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2.6.2-жадвал).

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012 йилда 11187,8 миллиард сўм бўлса, 2013 йилда 13039,4 миллиард сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Унинг жами бюджет даромадларидаги салмоғи 51,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

2.6.2-жадвал

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот<sup>46</sup>**

<b>Асосий бюджет кўрсаткичлари</b>	<b>2012 йил</b>	<b>2013 йил</b>	<b>2013 йилда жамига нисбатан, фоизда</b>
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	100
Шу жумладан: Билвосита солиқлар	5196,4	6853,1	27,3
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	51,9
Ресурс солиқлари	2746,4	3755,5	14,9
Бошқа даромадлар	1483,5	1456,9	5,8

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

<sup>46</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида“ги ПҚ-1887-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 587-модда.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида маълумот<sup>47</sup>

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил	
	млрд. сўм	фонзда	млрд. сўм	фонзда
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	21571	100	26312	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12513	58	15573	59,2
Иқтисодиёт харажатлари	2372	11,0	2791	10,6
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	4,9	1300	4,9
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	2,9	825	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	191	0,9	287	1,1
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	70	0,3	85	0,3
Бошқа харажатлар	4735	21,2	5448	20,7

2.6.3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 миллиард сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йил учун ушбу харажатлар 15573 миллиард сўм ҳажмида режалаштирилган ва унинг жами бюджет харажатларидаги улуши 59,2 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва, шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган.

2013 йилда юртимизда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида 8984,6 миллиард сўм ҳажмидаги маблағлар таълим-тарбия соҳасига сарфланиши режалаштирилган бўлиб, харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган. Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуришни ҳамкорликда молиялаштириш учун 374,7 миллиард сўм миқдориди маблағ сарфланиши кўзда тутилган (2.6.4-жадвал).

## 2.6.4-жадвал

2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби<sup>48</sup>

Оилаларга ижтимоий нафақалар	1839,9
Ижтимоий таъминот	197,3
Илм-фан	173,1
Маданият ва спорт	279,1
Соғлиқни сақлаш	3768,6
Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ҳамкорликда молиялаштириш учун кредит линиялари	374,7
Таълим	8984,6

<sup>47</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида“ ги ПҚ-1887-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 587-модда.

<sup>48</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида“ ги ПҚ-1887-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 587-модда.

Амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг турмуш фаровонлигини ва даромадларини изчил ошириб бориш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, давлат бюджетидан жами 1839,9 миллиард сўм маблағ айти шу мақсадлар учун ажратилиши режалаштирилган.

2012 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш давом эттирилиб, иш ҳақини инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорда ошириш учун давлат бюджетидан 1,3 триллион сўм маблағ ажратилди. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдоридан белгилаш амалга оширилди.

Иқтисодийга сарфланган харажатлар 2013 йилда 10,6 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. 2012 йилга қараганда, жами харажатларга нисбатан фоизда камайиш кузатилган бўлса-да, ушбу соҳага қилинган номинал харажатлар ҳажми ортиб борган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари таъминоти учун сақлаш харажатлари жами харажатлар таркибида 2012 йилда 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу харажатлар 3,1 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таъминот харажатлари 2013 йилда жами бюджет харажатларининг 1,1 фоизини ташкил этаётгани кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимида маҳалла институтининг ролини ошириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг таркибий таҳлилига асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги янада ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга, жаҳонда глобал миқёсда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омил сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим белгиларидан бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётгани ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети ха-



2.6.1-расм. 2009—2012 йилларда давлат бюджетининг ҳолати тўғрисида маълумот<sup>49</sup>.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.



ражатларининг манзилли ва мақсадли сарфланишининг таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда. Буни 2.6.3-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Давлат бюджети 2009 йилда ЯИМга нисбатан 0,2 фоизлик профицит билан ижро этилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этган. Бунда даромад тушумлари бўйича режа кўрсаткичлари ошириб бажарилаётгани ва, шунингдек, бюджет ижроси газначилик тизимининг самарали фаолияти натижасида бюджет маблағларининг максимал даражада иқтисод қилинаётгани муҳим ўрин эгаллайди. 2012 йилда давлат бюджети ижросининг газначилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича ислохотлар давом эттирилди. Хусусан, 2012 йилда барча даражадаги ҳудудий газна ҳисобварақлари ўрнига ягона газна ҳисобварағи жорий этилди. Бу, ўз навбатида, давлат молияси тизимидаги барқарорликнинг таъминланишига таъсир этадиган асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## **2.7. Солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш — солиқ сиёсатининг асосий стратегияси**

Ўтган 2012 йилда ҳам мамлакатимизда солиқ сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги, миллий бойликни тежаш, миллий иқтисодиётнинг ўсиш даражаси, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган халқаро келишувлар ижросини, солиқ тўловчиларнинг ишчанлик кайфияти, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, миллий дастурларни амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ қонунчилиги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортди, реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилди, банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли оширилди, солиқ маъмурчилиги янада такомиллаштирилиб, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви қисқартирилди, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини тақдим этиш таомиллари соддалаштирилди. Бу жараёнларнинг умумий самараси сифатида бир томондан солиқ юки даражасининг ўтган йилга нисбатан камайишига эришилган бўлса, бошқа томондан давлат бюджетининг профицит билан бажарилиши таъминланди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган 2012 йилда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши

*...2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.*

**Ислом Каримов**

орқали солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг камайишига эришилди. Ўзбекистонда солиқ юки бундан ўн йил олдин ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,3 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда эса солиқ юкининг умумий даражасини яна 0,3 пунктга камайтириш, яъни 21,3 фоизга тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатларида шу борада эришилган натижаларга эътибор берадиган бўлсак, юртимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ҳар томонлама маъқул ва қулай сиёсат эканини англаш қийин эмас.

2.7.1-жадвал

Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда<sup>50</sup>

Давлатлар ва уюшмалар номи	Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда	Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа Иттифоқи давлатлари	42,6	2,0 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
ИХТга аъзо давлатлар	35,9	1,7 марта паст
Жанубий Осиё давлатлари	40,2	1,9 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст
Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДҲга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	21,6	х

2.7.1-жадвалдан кўринадики, мамлакатимизда солиқ юки дунё бўйича ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 марта паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, МДҲга аъзо давлатлардаги ўртача солиқ юкининг ҳам нисбатан паст эканида юртимиздаги солиқ юки даражасининг таъсири катта. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1 фоизни, Белорусьда 27,6 фоизни, Украинада 25,3 фоизни ташкил этади<sup>51</sup>.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки даврдан бошлаб миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-4434-сонли Фармонида кўра, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ доллари-дан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар юридик шахслардан олинган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш

<sup>50</sup>www.worldtax.org, www.worldwide-tax.com, www.taxworld.org Интернет сайтлари маълумотлари.

<sup>51</sup>www.worldtax.org

санасида амал қилган меъёр ва қоидаларини, солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёз ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Масалан, илгари мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи кўп бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш талаб этилар эди. Эндиликда эса Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз этиб белгиланди.

Бундан ташқари, илгари мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, эндиликда ана шу даромаднинг фақат 50 фоизи ушбу мақсадга сарфланиши, қолган қисми эса ихтиёрий равишда тасарруф этилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги „Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-1731-сонли Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, микрофирма ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар учун янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи Берилди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқининг юридик ва жисмоний шахслар учун босқичма-босқич камайтириб бориш эвазига корхоналарнинг моддий-техник базасини кучайтириш билан бир қаторда, аҳолининг реал пул даромадларининг ошиши таъминлаб борилмоқда (2.7.2-жадвал).

2.7.2-жадвал

**Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкасининг ўзгариш динамикаси<sup>52</sup>**

Йиллар	Энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача бўлган миқдорда	Энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда	Энг кам иш ҳақининг 10 баробари ва ундан юқори миқдорда
2009	12%	17%	22%
2010	11%	16%	22%
2011	10%	16%	22%
2012	9%	16%	22%
2013	8%	16%	22%

<sup>52</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2.7.2-жадвал маълумотларидан қўринадик, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача бўлган миқдорда ўрнатилган солиқ ставкаси охириги тўрт йил давомида 1 пунктдан камайтириб келинмоқда, натижада солиқларнинг социаллашуви ошиб, кам даромадга эга бўлган аҳолининг молиявий ҳолати яхшиланиши учун замин яратилмоқда. 2013 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатига кўра, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши жисмоний шахслар ихтиёрида қарийб 186 миллиард сўм, шу жумладан, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам даромад оладиган 2,7 миллион кишига қўшимча равишда 120 миллиард сўм даромад қолиши учун имкон беради. Ҳолбуки, ҳозирги вақтда дунё давлатларининг аксарияти амалга ошираётган солиқ сиёсатида фискаллашув даражасининг ортиб бораётганини кузатиш мумкин (2.7.3-жадвал).

Корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ ставкасини Ўзбекистондаги даража билан солиштирадиган бўлсак, мамлакатимизда амалда бўлган фойда солиғи ставкаси (9 фоиз) жадвалда келтирилган 20 давлатга нисбатан бир неча марта камлигини кўрамыз. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи энг юқори ставкалари бўйича ҳам мамлакатимиздаги солиқ ставкаси (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) аксарият давлатларнинг солиқ ставкасига нисбатан анча паст. Дунёнинг АҚШ, Франция, Греция, Италия каби ривожланган давлатларида 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси анча оширилган бир шароитда юртимизда ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг энг қуйи босқичи 1 фоизга камайтирилди (2.7.3-жадвал).

Тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг ўтган 2012 йилдаги муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолияти бўйича солиқ ва бошқа соҳадаги текширувлар қисқартирилгани ҳамда улар учун солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни топшириш тартиб-таомиллари соддалаштирилгани эътироф этилади.

2.7.3-жадвал

Дунёнинг айрим давлатларида корхоналардан олинadиган фойда ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари<sup>53</sup>

Давлатлар	Корхоналардан олинadиган фойда солиғи ставкалари, фоизда	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг юқори ставкалари, фоизда
АҚШ	35	35
Буюк Британия	28	50
Германия	15	45
Франция	33,3	41
Греция	20	45
Ҳиндистон	20	30
Португалия	25	30
Норвегия	28	25
Испания	30	21
Голландия	25	15
Швеция	26	30
Австрия	25	25
Дания	25	27
Япония	25,5	20
Жанубий Корея	22	20
Туркия	20	15

<sup>53</sup>Манба: [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com)

Бельгия	34	25
Италия	27,7	43
Люксембург	21	15
Бразилия	15	25

Бу борадаги муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги „Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги „Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботлари сонининг қисқартирилгани, уларни топшириш даврийлиги узайтирилгани ҳамда турли хил йиғимларнинг бекор қилингани ёки камайтирилганини таъкидлаш лозим.

Мазкур фармон билан жорий йилнинг 1 августидан бошлаб лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), шу жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш йўли билан қисқартирилди. Хусусан, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларга моддий жисмларни ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташишни амалга ошириш ва бошқа фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди. Шу билан бирга, айрим фаолият турлари ягона лицензияланадиган фаолият турига бирлаштирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) бекор қилинди.

Қуйидагилар бўйича имтиёзлар берилди:

- маданий бойликларни реализация қилишда қатнашиш учун рухсатнома;
- суғурталовчиларни тугатиш учун рухсатнома;
- қимматбаҳо қоғозлар савдосини ташкил этиш қоидаларини келишиш;
- тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш учун рухсатнома;
- тадбиркорлик субъектининг муҳр ва штампларини йўқ қилиш тўғрисидаги квитанция;
- божхона тўловлари.

Шартли равишда чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан фақат шу мақсадда ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш учун рухсатномалар бекор қилинди ва унинг оқибатида тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт сарфлашига барҳам берилган бўлса, ўз навбатида, ушбу ҳужжатларни олишга сарфланадиган маблағлар тежаладиган бўлди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда ушбу фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган деб белгиланди.

2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида“ги ПҚ-1754-сонли Қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатадиган микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йилнинг 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича

имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини сотишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йилнинг 1 январигача озод қилинди. Хизмат турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2.7.4-жадвал).

2.7.4-жадвал

**2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлаш бўйича имтиёзларга эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар<sup>54</sup>**

Хизмат турлари		
Молия банк хизматлари	Маиший хизматлар	Бошқа хизматлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>— лизинг бўйича хизматлар;</li> <li>— суғурта бозоридаги профес-сионал иштирокчиларнинг хиз-матлари;</li> <li>— аудиторлик хизматлари;</li> <li>— бухгалтерлик ҳисобини юри-тиш бўйича хизматлар;</li> <li>— микрокредитлаш бўйича хиз-матлар;</li> <li>— солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатадиган ташкилотлар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— чарм буюмлари ва пойаб-зал таъмирлаш хизматлари;</li> <li>— соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари;</li> <li>— маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъ-мирлаш бўйича хизматлар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— ветеринария хизматлари;</li> <li>— таълим соҳасидаги, компьютер-да ишлашга ўқитиш хизматлари;</li> <li>— санаторийлар, болалар соғлом-лаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари;</li> <li>— ногиронлар, қариялар ва бола-ларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар;</li> <li>— риэлторлик хизматлари;</li> <li>— ахборот-ресурс марказлари, ах-борот-кутубхона марказлари ва элек-трон таълим хизматлари</li> </ul>

Бундан ташқари, „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури мазмунига мувофиқ, қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда маиший хизмат кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди. Ушбу берилган солиқ имтиёзлари ўз навбатида „Обод турмуш йили“нинг мақсад ва вазифаларига мос келиб, ҳукуматимизнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг амалий аҳамиятини оширишга хизмаг қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхши-лаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вази-фасидан, шунингдек, 2013 йил учун мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатларидаги белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларининг амалга жорий этилиши натижа-сида тармоқда корхоналар сони ошиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётимизнинг янада барқарорлигини таъминлаш ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қиладиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қуйидаги жадвал маълумотларида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўловчи хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турларга ажратилиши келтирилган. Молиявий хизматлар кўрсатувчи корхоналар алоҳида туркум ҳисобланиб, ўзига хос турларга ажратилган, маиший ва бошқа хизматлар ҳам худди шу тартибда таркиблаштирилган.

Ана шу ҳужжатларга кўра, 2013 йилдан бошлаб солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинадиган солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилаб берилди. Унга кўра, Солиқ кодексида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш

<sup>54</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг қуйи тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИХнинг 20 баробаригача (яъни 1591800 сўмгача), жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИХнинг 5 баробаригача (яъни 397950 сўмгача) бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулк ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Ушбу меъёрнинг киритилиши, бир томондан, ҳозирги вақтда суд тартибида ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан, солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Самарали пул-кредит сиёсатининг моҳияти нимадан иборат ва унинг қандай бевосита дастакларини биласиз?
  2. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш бўйича қўйилган талаблар нималардан иборат ва улар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига қандай таъсир кўрсатади?
  3. 2011—2015 йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эриш ишнинг устувор йўналишларида қандай вазифалар кўрсатиб берилган?
  4. Аҳоли маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш ишлари бўйича эришилган натижалар нималардан иборат?
  5. Тижорат банкларининг депозит операцияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар нималардан иборат?
  6. Тижорат банклари кредит портфелининг сифат таркибидаги ўзгаришлар нималардан иборат ва улар иқтисодий реал соҳасининг ривожланишига қандай таъсир этади?
  7. „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида банк тизимида қандай ишлар амалга оширилди?
  8. Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш бўйича қандай чоралар қўрилди ва эришилган натижалар нималардан иборат?
  9. Мамлакатимиз банкларида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?
  10. Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
-

### **3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАР БИЛАН БАРҚАРОР ЎСИШИНING МУҲИМ ОМИЛИ**

#### **3.1. Ватанимиз тараққиётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда инвестицияларнинг тутган ўрни: омиллар, натижалар, таҳлиллар**

Барчамизга маълумки, 2012 йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган кенг кўламли тизимли ислоҳотлар, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида татбиқ этилган инновацион усуллар, давр талаблари нуқтаи назаридан қабул қилинган қонунлар, чиқарилган фармонлар, қарорлар барча соҳаларда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бундан роппа-роса бир йил аввал Юртбошимиз томонидан 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгиланар экан, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш лозимлиги таъкидланган эди. Айнан ана шу мажлисда Президентимиз 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади, деб таъкидлаган эдилар.

Орадан бир йил ўтиб, давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасида қисқа муддат давомида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминлангани, хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошгани эътироф этилди. Бундай кенг кўламли барқарор ўсишнинг таъминланишида иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми, унинг таркиби, манбаи асосий ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, „2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омиллини, авваламбор, иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур“<sup>55</sup>. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва жозибалорлигини ошириш орқали таъминланади.

**Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдоридан ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.**

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб, иқтисодиётда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

---

<sup>55</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2013. — 7-б.



Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун (яратилган шароитлар, хусусан, қўшма корхоналар учун солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар) дунёдаги энг истиқболли 20 та давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган „Marlecroft“ консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

„Marlecroft“ компанияси томонидан ҳисоблаб чиқиладиган „Ривожланиб бораётган бозорлар индекси“ бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 та давлатни ўз ичига олган. Индексда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибдорлиги, энг сўнгги таркибий ислохотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан, ўрта синф сони бўйича прогнозлар эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муваффақиятлари юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва ислохотларнинг изчил амалга оширилишига асослангани етакчи халқаро экспертлар томонидан бир неча бор таъкидланди.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатимизда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг қўламли ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

**биринчидан**, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

**иккинчидан**, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

**учинчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш имкониятларини оширади;

**тўртинчидан**, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жиҳатдан қайта қуролланади;

**бешинчидан**, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади<sup>56</sup>.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион сиёсат натижасида 2012 йилда жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Айни дамда ҳукуватимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда (3.1.1-расм).

Буюк Британиянинг нуфузли „Диоложик“<sup>57</sup> консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси, 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қатори-

<sup>56</sup>Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. „O‘ZIA“ — „ЭВУ“ 1/2012.

<sup>57</sup>„Диоложик“ компанияси 1983 йилдан буён тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва сармоядорлар учун молиявий бозорлар, қимматли қоғозлар ҳамда инвестицион фаолият масалалари бўйича таҳлилий ва консалтинг хизматларини кўрсатиб келаётган ташкилот.

дан жой олди. Мазкур компания энг йирик инвестицион лойиҳалар, инвестицион банклар ва консалтинг компанияларининг йиллик рейтингларини ҳам эълон қилиб бормоқда. Яқинда „Уолл стрит жорнал“ билан ҳамкорликда „Диоложик“ компанияси реал вақт режимида жаҳон минтақалари бўйича инвестицион фаолликка оид электрон бюллетенни эълон қила бошлади. Сайёрамизнинг 2012 йилдаги глобал инвестицион лойиҳалари рейтингига дунёнинг барча минтақаларида амалга оширилган энг йирик инвестицион лойиҳалар киритилди.



3.1.1-расм.<sup>58</sup>

Умуман, 2012 йилда дунёда лойиҳавий молиялаш асосида умумий қиймати 382 миллиард долларга тенг бўлган тўққиз юздан зиёд лойиҳа амалга оширила бошланган. Айни пайтда уларнинг салмоқли қисми Осиё минтақасига (28 фоиз), Австралияга (22 фоиз) тўғри келди. Европада эса лойиҳавий молиялаш ҳажми умумий молиялаш ҳажмининг 16 фоизини ташкил этиб, бир йилда 38 фоизга камайган, Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизни, Жанубий Америкада 11 фоизни ташкил этган. Шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида ҳам лойиҳавий молиялаш ҳажми 29 фоизга камайиб, умумий миқдорнинг 9 фоизини ташкил этган. Тармоқлар бўйича етакчи ўринни — 30 фоизни транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари эгаллаган, нефть-газ ва нефть-кимё саноати лойиҳалари, шунингдек, электроэнергия соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳар бири 29 фоизни ташкил этган. Лойиҳаларнинг қолган қисми телекоммуникация, тоғ-кон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги лойиҳалардир.

*Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 2,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди.*

**Ислом Каримов**

<sup>58</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Дунёнинг энг яхши ўнга инвестицион лойиҳаси қаторидан нефть-газ, тоғ-кон саноати, транспорт ва коммунал инфратузилмалар соҳасидаги лойиҳалар ўрин олган. Чунончи, Австралияда (тўртта лойиҳа), АҚШ, Франция, Буюк Британия, Сингапур, Германия ва Ўзбекистонда (биттадан лойиҳа) амалга оширилаётган лойиҳалар шулар жумласидандир.

Глобал лойиҳаларнинг „ўнлиги“га киритилган Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси ривожланаётган мамлакатлар бозоридаги энг йирик инвестицион лойиҳа деб эътироф этилди.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасида йирик Сурғил газ конини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларининг барпо этилиши назарда тутилган. Ушбу мажмуа 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошади. Тайёрланадиган маҳсулот, асосан, Европа, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Устюрт газ-кимё мажмуаси 2016 йилдан ишга туширилади.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини „Uz-Kor Chemicals“ қўшма корхонаси амалга оширади. Мазкур қўшма корхона „Ўзбекнефтгаз“ миллий холдинг компанияси томонидан Жанубий Кореянинг „Kogaz“, „Lotte Petrochemicals“ ва „СТЭкс энерги“ компаниялари инвестициявий консорциуми билан ҳамкорликда таъсис этилган.

Шунингдек, „Томсон-Рейтер“ жаҳон бизнес ахборот агентлигининг бўлинмаси — „Прожект файненс интернэшнл“ журнали, 2012 йил якунлари бўйича, лойиҳанинг ноёблиги ва янгилигини алоҳида қайд этиб, ўз рейтингига Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини йилнинг энг яхши лойиҳаси, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги энг йирик нефть-кимё лойиҳаси, деб эътироф этган эди<sup>59</sup>.

2013 йил 30 январь куни Лондонда „Projekt Finance International“ ташкилоти томонидан юксак мукофот „Ўзбекнефтгаз“ миллий холдинг компанияси ва Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар вакилларига топширилди.

2012 йилда „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мазкур саноат ҳудудига инвестициялар жалб қилинган ҳолда, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Маълумки, инвестицияларни кенг қўламда иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтиришда тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. 2012 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида тижорат банклари томонидан Ватанимиз тараққиётини янада ошириш мақсадида **3 524 824 миллион сўм**<sup>60</sup> маблағ йўналтирилиши режалаштирилган эди. Бу эса умумий капитал маблағларининг қарийб 15 фоизини, марказлашмаган инвестицияларнинг эса 19,6 фоизини ташкил этади (3.1-жадвал). Аҳоли жамғармалари эвазига ҳосил бўлаётган маблағларнинг инвестиция кўринишида сарфланаётгани ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Йиллар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда капитал қўйилмалар учун аҳоли маблағлари ҳисобидан 2 584 800 миллион сўм инвестиция ажратилган бўлса, 2012 йилга келиб аҳоли маблағларининг жами миқдори 3 237 604 миллион сўмни ташкил этган. Демак, 2011 йилга нисбатан аҳоли маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга йўналтирилган инвестицион маблағларнинг ўсиш суръати 2012 йилда 113,2 фоизни ташкил қилган. Таъкидлаш керакки, аҳоли томонидан йўналтирилаётган инвестицион маблағлар иш ҳақи, рента, фоиз, дивиденд ва бошқа кўринишдаги даромадлар ҳисобидан шаклланади. Аҳолининг даромадлари, асосан, истеъмолга ва жамғармага йўналтирилади. Аҳолининг истеъмол ҳажмига кўра даромад

<sup>59</sup>„Халқ сўзи“ газетаси. 2013 йил 1 февраль, № 22 (5696).

<sup>60</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида“ги ПҚ-1668-сонли Қарори, 1-илова.

ҳажмининг ўсиш суръати юқори экани жамғарманинг ўсишига замин ярагади. Жамғарма, ўз навбатида, инвестициянинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда имзоланган „Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида“ги 1668-сонли Қарорининг 1-илоvasида жами капитал маблағлар **23679701 миллион сўм** этиб режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 75,8 фоизи марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва аҳоли маблағларидан иборат бўлган. 2012 йилда давлат кафолати остида жалб этилган хорижий инвестициялар миқдори **1701901 миллион сўмни** ташкил қилган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдори **3792,3 миллиард сўмни** (2 миллиард 500 миллион доллардан зиёдни<sup>61</sup>) ташкил этган.

Ҳозирги вақтда ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунга, аввало, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликнинг таъминлангани, қўшма корхоналарнинг ривожини йўлида қилинаётган савий-ҳаракатлар, хусусан, уларга яратиб берилаётган солиқ, божхона имтиёзлари, преференциялар, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг соддалашгани (сертификат, гувоҳнома ва лицензиялаш тизими) ҳамда валютани эркин конвертациялаш билан боғлиқ қулайликлар асос бўлаётганини қайд этиш мумкин.

Маълумки, иқтисодий барқарорлик — хорижий инвесторлар учун ҳам, мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси давлатда сармоядорларга қулай муҳит яратилса, ўша жойга интилиш кучаяди. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради.

Мамлакатимизда инвестицион жозибдорликни оширишга қаратилган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, энг муҳими, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётгани бу борада муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритиш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилмоқда:

- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатидан ўсмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда;
- жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсмоқда<sup>62</sup>.

Биргина ўтган 2012 йилда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари томонидан жами 18463 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида 2661,9 миллион АҚШ доллари ҳажмида валюта тушумига эришилган бўлса, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда барпо этилган корхоналарнинг ҳиссаси бу борада 18,8 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари импорти эса 5045,9 миллион долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичда хорижий компаниялар сармояси иштирокида тузилган қўшимча корхоналарнинг улуши 42 фоизни ташкил қилган.

*2012 йилда Жанубий Африканинг „Сосол“ компанияси ва Малайзиянинг „Петронас“ корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.*

**Ислом Каримов**

<sup>61</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2013. — 7-б.

<sup>62</sup> Қаландаров Р. „Биржа Эксперт“ журнали. 2012 йил, № 6.

Ўзбекистон Республикасининг 2011—2012 йиллардаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари<sup>63</sup>

млн. сўм

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	<b>Жами капитал қўйилмалар, шундан:</b>	<b>20721845</b>	<b>23679701</b>
1.	<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>4 969 491</b>	<b>5 740 892</b>
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фондлардан, жумладан: — Республика йўл жамғармаси; — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси; — Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан бошлаб Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси); — Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609 800 139 930 162 104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>қишлоқ жойларида уй-жой қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 376 130 171 750	1 701 901 301 564
2.	<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>16 025 354</b>	<b>17 938809</b>
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>„Қишлоққурилишбанк“нинг қишлоқ жойларда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3 835 109	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

Мазкур рақамларни вилоятлар миқёсида қараб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг улуши мос равишда 36,6 фоиз, 36,2 фоизни ва 44,4 фоизни ташкил этган. Айтиш керакки, Андижон вилоятида фаолият юритаётган қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари вилоятда ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсулотларининг қарийб 79 фоизини ташкил қилиб, мамлакатимиз вилоятлари ичида энг юқори кўрсаткични намоян этган. Саноат маҳсулотлари экспортдан келиб тушаётган маблағларнинг 89,1 фоизи, импортнинг 95 фоизи айнан хорижий сармоялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳиссасига тўғри келгани эътиборлидир.

Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич 63,2 фоизни ташкил этган ва Андижон вилоятидан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган. Энг паст кўрсаткич эса Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келган. Нега деганда, мазкур вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг аксарият қисми маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келган. Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам Андижон вилояти пешқадам вилоятлардан ҳисобланади. Таҳлил

<sup>63</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли Қарорлари.

этилаётган 2012 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг 25,2 фоизи мазкур вилоят ҳиссасига тўғри келгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш **ташқи иқтисодий усуллар** ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунда махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади. Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар, экспортни кредитлаш, хорижий инвестиция ва кредитларни кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни чеклаш ёки бекор қилиш, бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар, четдан ишчи кучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг асосий воситаларидир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг экспорт ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини янги жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги „Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-1731-сонли Қарори қабул қилинди.

Ўз вақтида қабул қилинган ана шу қарор нагжасида 2012 йилда хориж сармояси иштирокида ташкил этилган ва маҳаллий корхоналар томонидан экспорт қилинган товар ва хизматларнинг умумий қиймати **14150,1 миллион долларни** ташкил этди. Шундан МДҲ мамлакатларига **7629,2 миллион долларлик** товарлар экспорт қилинган бўлиб, бу умумий экспорт ҳажмининг қарийб 54 фоизини ташкил этади. Шу ўринда экспорт таркибига разм соладиган бўлсак (3.1.2-расм), кимё ва кимёвий маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида 764,8 миллион доллар миқдоридagi валюта юргимизга кириб келган бўлса, энг юқори экспорт ҳажми ёқилги ва нефть маҳсулотларига тўғри келган (4921,2 миллион АҚШ доллари).

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга соғилаётган товар ва хизматлар рўйхатининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат турлари (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши маҳсулотлар экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтиради, экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлик даражасини пасайтиради<sup>64</sup>.

Ушбу ўринда масалани батафсил ва тушунарли ёритиш мақсадида назарий мулоҳазаларга кенгроқ тўхталамиз.

Экспорт таркибининг диверсификациялашув даражасини кўрсатадиган индекс қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$DX_j = \left( \frac{\sum h_j - X_j}{X_j} \right) / 2 \quad (3.1)$$

Бу ўринда  $DX_j$  — маълум бир  $j$  мамлакат экспорт таркибининг диверсификациялашув индекси;  $h_j$  — маълум бир  $i$  хом ашёнинг  $j$  мамлакат умумий экспорти таркибидаги улуши.

<sup>64</sup> Умаров И. Экспорт таркибининг диверсификациялашганлик даражаси — миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг асосий индикатори. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV го Форума экономистов (Часть 2). — Т.: ПРООН, ИПМИ, 2012. — 264-б.

Шунга ўхшаш яна бошқа бир индекс, яъни Herfindahl-Hirshman Index деб номланади ва UNCTAD томонидан кенг қўлланади:

$$H_j = \sqrt{\sum (x_i / x_j)^2} \quad (3.2)$$

Бу ўринда  $H_j$  — экспорт таркибининг диверсификациялашган Херфиндал-Хиршман индекси;  $x_i$  — маълум бир  $j$  мамлакатнинг  $i$  маҳсулот экспорти;  $x_j$  —  $j$  мамлакатнинг умумий экспорти.

Дунё давлатларининг юқори диверсификациялашган Херфиндал-Хиршман индекси 0,05 кўрсаткичидан паст бўлади. 0,005—0,1 — оралигидаги кўрсаткич кам диверсификациялашган экспорт саватига эга бўлган давлатларни билдиради. 0,1 ва 0,4 оралигидаги кўрсаткичлар иқтисодиётнинг маълум бир маҳсулотларга ихтисослашувини англатади. 0,4 дан юқори кўрсаткичлар юқори ихтисослашганлик даражасини билдиради<sup>65</sup>.



3.1.2-расм. Мамлакатимизда 2012 йилда экспорт қилинган товар ва хизматларнинг таркиби<sup>66</sup>.

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан ҳар томонлама ўйланган ҳамда узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат туфайли иқтисодиётимиз йилдан-йилга ривожланмоқда. Пахта толасининг ўзимизнинг тўқимачилик саноатимизда қайта ишланиб, чет давлатларга турли хил тайёр маҳсулотлар сифатида экспорт қилиниш ҳажмининг ортиб бораётгани бунинг яққол далилидир. 2012 йилда пахта толасининг экспорти умумий экспорт ҳажмининг 9 фоизини ташкил этган. Бу эса кўшимча янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш имконини берадиган омиллар ифодаси сифатида аҳамиятлидир.

Херфиндал-Хиршман формуласи асосида Ўзбекистонда миллий экспорт таркибининг диверсификациялашув даражасини ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич тобора ошиб бораётганига амин бўламиз. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотларнинг сони ва турлари қанча кўпайса, диверсификация индекси шунча ошиб боради<sup>67</sup>.

Экспорт таркибини диверсификация қилиш қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга, экспортдан тушадиган валюта тушумларини оширишга, ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ва натижада аҳоли турмуш шароитини оширишга олиб келади.

<sup>65</sup>Export diversification and Competitiveness in Developing Countries. / V.Chandra, J. Boccoardo, I. Osorio. March 9, 2007 y.

<sup>66</sup>[http://www.mfer.uz/uzb/tashqi\\_savdo/](http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/)

<sup>67</sup>Умаров И. Экспорт таркибининг диверсификациялашганлик даражаси — миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг асосий индикатори. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV го Форума экономистов (Часть 2). — Т.: ПРООН, ИПМИ, 2012. —8—9-б.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматлар салмоғини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технология ва илғор техникалар билан қуроллантириш;

- тайёр маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга йўналтирилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва фаолиятини такомиллаштириш;



Бу йўналишларга устувор эътибор қаратиш ва улар бўйича амалий тадбирларни белгилаш, пировардида мамлакатимиз экспорт имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ҳамда иқтисодиётимиз рақобатдошлигини оширишга замин яратади<sup>68</sup>.

*...2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.*

**Ислом Каримов**

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги иштирокини рағбатлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- мамлакатимизнинг экспорт бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги экспорт бозорларини эгаллаш;

- ҳар бир тармоқ ва ҳудуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш ва бошқалар.

*3.1.2-жадвал*

**Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, миллиард сўм<sup>69</sup>**

Иссиқлик энергияси	3768,4
Металлургия	649,8
Кимё ва нефть-кимё	499,9
Автомобилсозлик	953,8
Енгил саноат	618,8
Озиқ-овқат саноати	398
Қурилиш материаллари	415,8
Қишлоқ хўжалиги	905,8
Транспорт ва алоқа	4026,9
Бошқалар	2453,6

<sup>68</sup>Ходиев Б.Ю. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари / „Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир“ мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тезислари. — Т.: ТДИУ, 2006, 9—11-б.


<sup>69</sup>Ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш Дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.



2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар **22067 миллиард сўми** ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 миллиард сўми (3.1.2-жадвал) бевосита ишлаб чиқариш мақсадлари учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 миллиард сўми ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган соҳаларга жойлаштирилган (3.1.3-расм).

Ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг катта қисми иссиқлик энергияси, кимё ва нефть-кимё соҳаларига тўғри келган. *Ишлаб чиқариш соҳаларига тегишли бўлган статистик таҳлиллар ва мулоҳазалар ҳақида бобнинг кейинги параграфларида батафсил изоҳ берилади.*

Юртимизда 2009 йилдан бошлаб қишлоқ ҳудудларида аҳоли учун намунали уй-жой қурилишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани муносабати билан ҳар йили уй-жой қурилиши учун инвестициялар ҳажми давлат маблағлари, тижорат банклари кредитлари, аҳоли маблағлари ҳисобидан ўсиб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда уй-жой қурилиши учун турли манбалар ҳисобидан 4402,5 миллиард сўм миқдориди маблағ ўзлаштирилди. Бу рақам ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган соҳаларга йўналтирилган жами инвестиция маблағларининг 60 фоизини ташкил этади (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. Ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларга йўналтирилган инвестициялар миқдори, миллиард сўм<sup>70</sup>.

Соҳалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификация қилиш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали ички ва ташқи инвестиция маблағлари жалб этилмоқда. Айниқса, инвестиция кредитларини тармоқлар бўйича диверсификация қилиш мамлакатимиз иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусан, 2011—2015 йилларда банкларнинг кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами 1084,2 миллион АҚШ доллари миқдориди инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, геология, иссиқлик энергияси мажмуаси, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 37,3 фоиз (405,2 миллион АҚШ доллари), машинасозлик, электротехника ва авиация саноати мажмуасини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 18,1 фоиз (195,7 миллион АҚШ доллари), қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга 6,4 фоиз (69,8 миллион АҚШ доллари), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустриясини ривожлантириш борасидаги

<sup>70</sup>Ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш Дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

лойиҳаларни молиялаштиришга 9,3 фоиз (101,2 миллион АҚШ доллари), таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 4,7 фоиз (51 миллион АҚШ доллари), макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 24,1 фоиз (261,1 миллион АҚШ доллари) инвестиция маблағларини йўналтириш мўлжалланган<sup>71</sup>.

Бу ўринда назарий-амалий таҳлилларга навбат берадиган бўлсак, мамлакатимизда капитал омили асосидаги хорижий ва миллий инвестициялар солиштирилганида, хорижий секторда капитал интенсивлиги ўта юқори экани намойён бўлмоқда. Яъни хорижий сектор капиталталаб ишлаб чиқаришни акс эттираётган бўлса, миллий сектор меҳнатталаб ишлаб чиқаришни акс эттирмоқда. Тадқиқотларга кўра, хорижий секторда ўргача капитал интенсивлигининг нисбий даражаси 20,73 бирликка тенг. Миллий секторда эса ушбу кўрсаткич 0,79 бирликка тенг бўлган. Хорижий секторнинг нисбий капитал интенсивлиги даражаси миллий сектордаги ҳолатдан 26,2 марта ортиқ. Бу ҳол мамлакат иқтисодиётидаги хорижий ва миллий инвестицияларнинг таъсири тадқиқ этилганида хорижий сектор нисбатан самарали эканини ифодалайди. Демак, миллий секторда ҳам капитал интенсивлиги даражасини ошириш лозим<sup>72</sup>.

**2013 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналиш.** Президентимиз Ислам Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни юртимизда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилди.

Бу борадаги эзгу мақсадлар „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир. „Обод турмуш йили“ Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни яна мустаҳкамлаш чора-тадбирлари аниқ белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилдир.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва грантлар жалб этилади<sup>73</sup>.

---

<sup>71</sup>Аҳмедов Ҳ. Инвестициявий кредитлашда диверсификациялашнинг аҳамияти. „Бозор, пул ва кредит“ журнали. 2012 йил, № 09 (184).

<sup>72</sup>Мадраҳимов У. Иқтисодий ўсишга омилар самарадорлигининг таъсири. „Бозор, пул ва кредит“ журнали. 2012 йил, № 07(182).

<sup>73</sup>Обод турмуш йили: эзгу мақсад ва муҳим вазифалар. „Халқ сўзи“ газетаси. 2013 йил 21 февраль, 36-сон.

### 3.2. Кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатдошлиги, инвестицион жозибадорлигини оширишнинг муҳим омили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирадиган куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан рақобатдошлик, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.

Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналарнинг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функциялардан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилаётган. Айнан шу сабабларга кўра, йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгилликларга ҳозиржавоб тарзда ўсиши, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатдошлик даражаси ортишига имкон берадиган энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналарнинг бутун бир тармогини вужудга келтиришга имкон берадиган қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб, бундай корхоналар йигиндиси рақобатли бозор муҳитини яратишга имкон беради.

Демак, мамлакатимиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини англаб, айти шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Шундай экан, минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим<sup>74</sup>.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча хўжалик субъектларининг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга бўлган кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиги, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, тизимли равишда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яратилаётган янги иш ўринларининг катта қисми ҳам айнан шу соҳага тўғри келмоқда. Биргина кичик бизнес субъектлари учун ўтган 2012 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳажми 5 триллион 346 миллиард сўмни ёки 2011 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этди, шу жумладан:

— 48,5 миллиард сўм — касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш учун;



<sup>74</sup>Зиявиддинова Н. Иқтисодий эркинлик ва рақобат шароитида кичик бизнесда инновациялар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари. „Иқтисодиёт ва таълим“ илмий журнали. 2012 йил, 6-сон.

— **80,1 миллиард сўм** — ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун;

— **618 миллиард сўм** — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун;

— **491,7 миллиард сўм** — аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун<sup>75</sup>.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 2012 йили 618,1 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 33,3 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

2012 йилнинг 12—14 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида „Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти“ мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Форумда кўлаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, ГОРЕТ вакиллари, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди. Шунингдек, дунёнинг 45 мамлакати, хусусан, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Канада давлатларидан таниқли экспертлар, Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатдош товарлар билан тўлдириш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес учун янги имтиёзлар яратиш мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“, „Оилавий тадбиркорлик тўғрисида“, „Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида“, „Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Ўтган йили соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганининг амалий ифодасидир. Бу каби имтиёзлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари ҳам сезиларли даражада соддалаштирилди. Гап шундаки, айти пайтда бизнесни рўйхатга олиш жараёни „бир дарча“ тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга ошириляптики, бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мос келади<sup>76</sup>.

„Оилавий тадбиркорлик тўғрисида“ги қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар,

---

<sup>75</sup> *Эрназаров У.Т.* Тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар тўғрисида. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тақдимот материаллари.

<sup>76</sup> *Эрназаров У.* Тадбиркорлик равнақи ва ҳуқуқий асос. „Халқ сўзи“ газетаси. 2013 йил 20 февраль, 35-сон.

преференция ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклларида биридир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 та йирик корхонада корпоратив харидлар механизмини жорий этиш ва харидлар умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

### **3.3. Мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳа ва тармоқларини модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилган комплекс тадбирлар**

Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган глобаллашув жараёни, ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунёдаги барча мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса ушбу рақобат курашини янада кескинлаштираётир. Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва

изчил ўсишига эришишнинг асосий омили унинг рақобатдошлигини оширишдан иборат. Фақат шу йўлгина мамлакатнинг Ер юзидаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади. Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу борада алоҳида тўхталиб, жумладан, бундай деган эди: „Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз“<sup>77</sup>.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишда асосий эътибор мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтиришга ва пировард натижада экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд.

Пул-кредит ва солиқ сиёсатида имтиёзларни жорий қилиш, давлатнинг индустриал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга маълум бир имтиёзлар „пакети“ни тақдим этиш ва улар учун зарур бўладиган барча инфратузилмавий шароит ҳамда

*2013 йилда асосий мақсадимиз — қурилиши бошланган ва мамлакатимизнинг саноат ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган объектларни барпо этиш суръатларининг пасайишига йўл қўймаслик принципиал аҳамиятга эга. Жорий йилда 115 та муҳим объектни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.*

**Ислом Каримов**

<sup>77</sup>Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //„Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 20 январь, 14-сон.

кулайликларни яратиш ана шундай воситалар сирасига киради. Уларнинг барчаси „Эркин иқтисодий зоналар“ (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иқтисодий тузилмаларда мужассам.

Худудларнинг жаҳон ва давлат миқёсида иқтисодий ривожланишини таъминлашда турли тармоқларнинг инновацион йўналиши ва шу борада худудларнинг ишлаб чиққан дастурлари асос бўлиб хизмат қилади. Дунё мамлакатларини қамраб олган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборини, хусусан, минтақа ва худудлар иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг бир текисда иқтисодий ларзаларсиз, кескин тафовутларсиз ривожланишини таъминлашдек муҳим масалаларни ҳал этишни кун тартибига олиб чиқди. Бундай ҳолда мамлакатлар ва худудларнинг талафотларсиз молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиб кетиши ёки инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган стратегияси, албатта, шу мамлакат ва худуд инновацион-инвестицион салоҳиятининг нечоғлиқ тўғри ва аниқ сафарбар этилгани билан белгиланади. Худудларнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг шарти айнан инновацион-инвестицион салоҳиятнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

**1. Ишлаб чиқаришдан ташқари сектор: соғлиқни сақлаш тизими.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурларига мувофиқ 2010—2011 йилларда соғлиқни сақлаш муассасаларида қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириш учун 214,9 миллиард сўм ажратилди. 2012 йилда ушбу мақсадларга 256 миллиард сўм ва тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш учун 8 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилди. Ушбу объектларда 2012 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра жами 251,8 миллиард сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди (98 фоиз), 142 та объектда жорий йилда режалаштирилган қурилиш ишлари якунланиб, 7490 ўринли шифохоналар ва 11085 қатновга мўлжалланган амбулатор-поликlinik муассасалар фойдаланишга топширилди.

Дастур доирасида қурилиш ишлари якунланиши лозим бўлган Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-сонли Республика сил касалликлари диспансерида (85 фоиз), Навоий вилоятидаги Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмаси (92 фоиз), Тошкент вилоятининг Зангиота (90 фоиз) ва Паркент туман тиббиёт бирлашмасида (68 фоиз), лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар натижасида Тошкент шаҳридаги кар ва паст эшитувчиларни даволаш ва реабилитация марказининг 2013 йилда якунланишига розилик берилди.

**2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизими бўйича жами 143 та** объектда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан **42 тасида** янги қурилиш ва **101 тасида** реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга **300,3 миллиард сўм**, шундан, янги қурилиш учун **43,9 миллиард сўм**, реконструкция қилинадиган объектларга эса **256,4 миллиард сўм** йўналтирилиши режалаштирилган.

2013 йилнинг Инвестиция дастурига киритилган барча объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертиза хулосаси олинган, 130 та (28 таси ўтувчи) объект бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида тендер савдоларини ўтказиш учун эълонлар берилиб, 68 та объектда тендер савдолари якунланган<sup>78</sup>.

**Таълим-тарбия тизими.** Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш ва шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш турмуш фаровонлигига эришиш

*...мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.*

**Ислом Каримов**

<sup>78</sup>Алимов А.В. „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган вазифалар. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тақдимот материаллари.

мақсадида давлат томонидан таълим тизимига йил сайин юқори эътибор қаратиб келинмоқда. Юргимизда бугунги кунда **58 та** олий таълим муассасаси, жумладан, **2 та** академия, **19 та** университет, **37 та** институт ҳамда **3 та** хорижий олий таълим муассасаси (Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети), **3 та** хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари (Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети), **11 та** марказий олий таълим муассасасининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасига давлат томонидан қаратилаётган эътибор уни ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг **10—12 фоизини**, бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши эса **35 фоиздан** ортиқни ташкил этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бу ўринда 2012 йил 16—17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“ мавзусидаги халқаро конференцияда кўтарилган масалаларни эсга олиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур анжуманда қарийб **1000** нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг **48 та** давлати, **8 та** халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан **270 нафар** вакил иштирок этди. Ундан, чунончи, БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода, Ислон тараққиёт банки президенти доктор Аҳмад Муҳаммад Али ҳамда қатор хорижий мамлакатларнинг вазирлари, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ушбу конференцияда олий таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувлар қуйидагича изоҳлаб берилди:

1. Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар, касбий билим, малака ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср—интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги касбий билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

2. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатдошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, доимий равишда янгиланиб турадиган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юксак технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиб бўлмайди.

3. Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида касбий билимдонлик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини қўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Мутахассисларнинг юксак маънавий даражаси жамиятда ҳуқуқий маданият ва меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

4. Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий касбий билим, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларга эга бўлган мутахассисларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

5. Жамиятда касбий билимли, олий маълумотли ва юксак интеллектга эга бўлган мутахассисларнинг мавқеини ошириш:



- олий ва касб-хунар таълими дастурларининг жаҳондаги таълим-тарбия, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги;

- касбий таълимнинг бўлғуси мутахассисларнинг амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш;


- таълим олаётган бўлғуси бакалавр ва магистрлар онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устувор бўлишига эришиш;

- таълим-тарбиянинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муш-тараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш — буларнинг барчаси касбий таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2011 йил 20 майда имзолаган ПҚ-1533-сонли Қарори юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги **8 та** (Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Андижон давлат университети, Термиз давлат университети, Қарши давлат университети, Урганч давлат университети, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Наманган муҳандислик-технологиялари институти) олий таълим муассасасининг **33 та** (2011 йилда 13 та, 2012 йилда 20 та) объекти бўйича қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхати тасдиқланган: **10 та** қурилиш (6 та ўқув лаборатория биноси, 4 та спорт зали); **3 та** реконструкция (3 та талабалар турар жойи); **20 та** капитал таъмирлаш (15 та ўқув лаборатория биноси, 2 та спорт зали ва 3 та талабалар турар жойи) ишлари белгиланган. Мазкур объектлар учун **2012 йилда жами 78,8 миллиард сўм** маблағ ажратилди (қурилиш-монтаж ишлари учун 73,9 миллиард сўм ва бошқа харажатлар учун 4,9 миллиард сўм).

Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда **80 та** олий таълим муассасаси ва уларнинг филиалларига **132 923** километрлик оптик толали алоқа тармоқлари тортилди ва улар ягона Миллий электрон таълим тармоғига уланди. Барча олий таълим муассасалари видеоконференция қурилмалари билан жиҳозланди, шунингдек, юқори тезликка эга бўлган корпоратив ва Интернет тармоғи билан таъминланди.



*3.3.1-расм. Халқ таълимига ажратиладиган инвестиция маблағлари ва уларнинг улуши<sup>79</sup>.*

<sup>79</sup>Таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тайёрланган тақдимот материаллари асосида тузилган.



Мамлакатимизда 2012 йилда фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг умумий сони 108 тани ташкил қилди. Юртимизнинг турли минтақаларида барпо этилган бу мухташам ва замонавий спорт иншоотлари спортни, авваламбор, болалар спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ҳеч шубҳасиз, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук ҳамда баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

2012 йилда давлат бюджетидан халқ таълими тизимини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг умумий қиймати 5,2 триллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич давлат бюджетининг 24,1 фоизини ташкил қилади. 2013 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларида айнан шу соҳага 6,3 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бу давлат бюджети умумий харажатларининг 25 фоизини ташкил этади. Халқ таълимига ажратилаётган маблағлар ЯИМнинг 5,4 фоизини ташкил этади. 2012 йилда, Инвестиция дастурига мувофиқ, халқ таълими соҳасини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини модернизация қилиш учун 9,1 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфланган. Бу йўналишдаги маблағларни 2013 йилда 23,4 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Шундан ҳам кўриш мумкинки, таълим-тарбия соҳасига ажратилаётган маблағлар салмоғининг ошиб бораётгани, давлат томонидан соҳага берилаётган устувор эътибор замирида тараққий этган давлатлар қаторига кириш каби олий мақсад мужассам.

**Ишлаб чиқариш сектори: енгил саноат.** 2012 йилда енгил саноат корхоналари сони 29 тага кўпайиб, бу тармоққа йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми 180,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Енгил саноат тармоғининг ўзида шу йили 5118 та янги иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида соҳага 109,5 миллион доллар валюта кириб келган. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 45,2 фоизга кўп демакдир. Яъни 2011 йилда соҳага тегишли бўлган 28 та корхона ташкил этилиши учун жами 121,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган капитал қўйилмалар сарфланган. Соҳанинг экспорт ҳажми ҳам 75,4 миллион долларни ташкил этган. Бугунги кунда ушбу тармоқда, 2009 йилдан буён жами 101 та корхона ишга туширилган. Соҳани модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш, бугунги талабдан келиб чиқиб, замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун соҳага таҳлил қилинаётган йилларда жами 506,2 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция маблағлари йўналтирилган ва мақсадли равишда ўзлаштирилган (3.3.1-жадвал).


3.3. 1-жадвал

**2009—2012 йилларда ишга туширилган „Ўзбекенгилсаноат“ ДАК  
корхоналари бўйича маълумот**

<b>Йиллар</b>	<b>Корхоналар сони</b>	<b>Янги иш ўринлари сони</b>	<b>Капитал қўйилмалар ҳажми (млн. долл)</b>	<b>Экспорт салоҳияти (млн. долл)</b>
<b>Жами</b>	<b>101</b>	<b>15423</b>	<b>506,2</b>	<b>351,4</b>
2009 йил	17	3780	127,3	82,4
2010 йил	27	4260	116,0	84,1
2011 йил	28	2265	121,2	75,4
2012 йил	29	5118	180,9	109,5

*Манба: Республика ҳудудларида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни амалга оширишда туман ҳокимларининг ўрни. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тайёрланган тақдимот материаллари асосида тузилган.*

Маълумотларга кўра, тўқимачилик тармоғида ўтган йили умумий қиймати 194,8 миллион АҚШ доллариға тенг 28 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилгани тизимда шунча қўшимча ишлаб чиқариш қувватининг пайдо бўлиши ва янги маҳсулотлар тайёрлашнинг ўзлаштирилишига замин яратди. Пойтахтимиздаги „Rieter Uzbekistan“ корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот — пилталаш машиналари тўқимачилик саноати корхоналариға етказиб берилмоқда<sup>80</sup>.



3.3.2-расм. 2012 йилда енгил саноат маҳсулотлари экспортининг таркиби<sup>81</sup>.

Ўзбекистон енгил саноат корхоналари томонидан жаҳон андозаларига мос бўлган товар маҳсулотлари экспорти тобора ошиб бормоқда. Экспорт таркибига қарайдиган бўлсак, умумий экспорт ҳажмининг 56,1 фоизи ип-калава маҳсулотига, 19 фоизи трикотаж буюмларига, 6,6 фоизи газламаларга тўғри келади.

Ташқи иқтисодий ҳам Ўзбекистон фаол иқтисодий сиёсат олиб бораётгани, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида фақат хом ашё ресурсларини экспорт қиладиган давлат сифатида эмас, балки тайёр маҳсулотларни четга чиқара оладиган давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда (бугунги кунда пахта хом ашёси (тола) экспорти умумий экспорт ҳажмининг 9 фоизини ташкил этади). Енгил саноатни ривожлантириш стратегияси нафақат тугал-

*Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.*

**Ислом Каримов**


<sup>80</sup> Аҳмедов И. Саноат тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидир. „Халқ сўзи“ газетаси. 2012 йил 15 февраль, № 32 (5706).

<sup>81</sup> Республика ҳудудларида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни амалга оширишда туман ҳокимларининг ўрни. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тайёрланган тақдимот материаллари асосида тузилган.

ланмаган босқичга (ип калава ва хом газлама), балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганини ҳам кузатиш мумкин.

Муқобил бозорлар топиш мақсадида компания корхоналари Россия, Болтиқбўйи давлатлари, Туркия ҳамда Малайзияда ўтказилган энгил саноат маҳсулотлари ярмаркаларида иштирок этиб, кўпгина халқаро шериклар билан шартномалар тузилмоқда. Ҳозирги вақтда йирик экспортчи корхоналар томонидан **53 дан** зиёд дилерлик тузилмалари Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё давлатларида ташкил этилган.

Энгил саноат соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар географиясига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда соҳани ривожлантириш борасида энг катта хориж сармоясига эга бўлган (хорижий инвестиция маблағларини киритган) давлатлардан бири Корея Республикаси ҳисобланади. Мазкур давлатнинг улуши 38 фоизни ташкил этади. Кейинги ўринларда эса Туркия, Хитой, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатлар туради (3.3.3-расм).



3.3.3-расм. Хорижий инвесторларнинг (енгил саноат бўйича) Ўзбекистондаги улуши (2008—2012 йиллар)<sup>82</sup>.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида 2013 йилда **30 та** корхона ишга туширилиши, **76 та** ҳудудий инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши ва барча туманларда **1160 та** тикувчилик цехи ташкил этилиши кутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги „2013 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида“ги ПҚ-1855-сонли Қарорига мувофиқ, „Ўзбекенгилсаноат“ ДАК томонидан 2013 йилга 18 та лойиҳа бўйича жами 147,7 миллион долларга тенг бўлган инвестиция ўзлаштириш белгиланган. Бунинг натижасида 2013 йилда 261,7 минг тонна ип-калава, 148,6 миллион м<sup>2</sup> тайёр ип газлама, 40,6 минг тонна трикотаж мато, 138,8 миллион дона трикотаж маҳсулоти, 25,5 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари, 47,3 миллиард сўмлик тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

**Иссиқлик ва электр энергияси соҳалари.** Иссиқлик энергияси, электр энергияси соҳаларини ривожлантиришга давлатимиз томонидан стратегик аҳамиятга молик бўлган соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлилларни рақамлар орқали изоҳлайдиган бўлсак, ўтган 2012 йилда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш

<sup>82</sup>Республика ҳудудларида энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни амалга оширишда туман ҳокимларининг ўрни. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тайёрланган тақдирот материаллари асосида тузилган.

Мамлакатимиз нефть ва газ захираларига бой ўлка. Буни барчамиз биламиз. Аммо ушбу захираларнинг ҳам чеки чегараси бор. Қолаверса, келажак авлод ҳам улардан баҳраманд бўлиши керак. Газ конларини қидириш, қазиб олиш, истеъмолчиларга етказиб бериш катта маблағ, қийин шароитлардаги бетиним, фидокорона меҳнат ҳисобидан бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Табиий газдан кимё саноатида турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо хом ашё сифатида фойдаланилади. Бу борада юртимизда қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. „Навоийазот“, „Фарғонаазот“, „Максам—Чирчиқ“ корхоналарида минерал ўғит, нитрон тола ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун бошқа юздан ортиқ турдаги зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шўртан газ-кимё комплексида ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган полиэтилен гранулалари, пластмасса қувурлар ва бошқа турдаги пластмасса маҳсулотлари табиий газдан олинмоқда.

Ўтказилган ўрганишлар, таҳлиллар табиий газдан фойдаланишда уни иқтисод қилиш манбалари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз эҳтиёжи учун „Ўзбекэнерго“ компанияси томонидан электр энергияси ишлаб чиқаришда, асосан, табиий газдан фойдаланилади. Иқтисодиёт тармоқларига етказиб берилаётган табиий газнинг **38,6 фоизи** электр станцияларида ёқилади.

Табиий газни тежашга электр энергиясидан тежаб фойдаланиш бевосита таъсир қилади. Агар юртимиздаги 5 миллиондан ортиқ хонадоннинг ҳар бирида ўртача 1 кун давомида атиги 1 кВт электр энергияси тежаб ишлатилса, эвазига 2 миллион куб метр, йил давомида эса 730 миллион куб метр табиий газни тежаш мумкин экан. Бунинг учун барча хонадонлардаги ёриткичларни энергия тежамлиги юқори бўлган ёриткичларга алмаштириш, кераксиз ёриткичларни вақтида ўчириш ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

2012 йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг „Митсубиси“ компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим (3.3.2-жадвал). Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилги истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

Автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур „МАН“ компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Айтиш керакки, катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, „Шўртан нефть-газ“ корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиҳа — умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 2,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. **Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.** Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутади.

**2012 йилда ишга туширилган ва 2013 йилда амалга оширилиши  
кутилаётган йирик лойиҳалар<sup>85</sup>**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
<b>2012 йилда якунланган йирик лойиҳалар</b>			
<b>„Ўзбекнефть-газ“ МХК</b>			
1	„Шўртан нефть-газ“ негизда пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 -навбати)	50 минг тонна	74,2
<b>„Ўзбекэнерго“ ДАК</b>			
2	Навоий ИЭС негизда буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
<b>„Ўзкимёсаноат“ ДАК</b>			
3	Навоий вилоятида техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (I босқич)	12 минг тонна	19,04
<b>„Ўзавтосаноат“ АК</b>			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва уларнинг компонентларини ишлаб чиқарадиган янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг тона	29,38
<b>2013 йилда якунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар</b>			
<b>„Ўзбекнефть-газ“ МХК</b>			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига газни сиқадиган компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВт гача ошириш	261,13
<b>„Ўзбекэнерго“ ДАК</b>			
2	„Тошкент ИЭС“ ОАЖ негизда когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
<b>„Ўзкимёсаноат“ ДАК</b>			
3	Деҳқонобод калийли ўғит заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (II босқич)	200 минг тоннадан 600 минг тоннагача ошириш	254,8
<b>„Ўзбекистон темир йўллари“ ДАТК</b>			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (II босқич)	187 км	320,74

Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди. Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

2012 йилда Жанубий Африканинг „Сосол“ компанияси ва Малайзиянинг „Петронас“ корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга

<sup>85</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди. Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи — суюлтирилган газ, авиакеросин ва „премиум класс“ тоифасидаги, яъни „евро-4“ стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради<sup>86</sup>.

Шунингдек, 2013 йилда „Ўзбекнефть-газ“ МХК томонидан мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш учун 261,13 миллион АҚШ доллари, „Ўзбекистон темир йўллари“ ДАТК томонидан Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (I босқич) учун 320,74 миллион АҚШ доллари қийматига тенг бўлган инвестиция маблағлари сарфланиши режалаштирилган (3.3.2-жадвал).

### **3.4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш йўналишлари**

Жамият ҳамиша истеъмолга мойил бўлиб келган. Сон жиҳатдан доимий кўпайиб борадиган аҳолининг ноз-неъматларга бўлган талабини сўзсиз қондириш узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бундай доимий такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи муҳим воситалардан бири эса инвестициялар ҳисобланади.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда шу нарса яққол намоён бўлмоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этишга бевосита боғлиқ.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инвестициялар аслида пул маблағлари шаклида сафарбар этилади. Пул шаклидаги инвестицияларнинг манбаи бўлиб, асосан, фойда (даромад) ҳисобланади. „Лекин пулнинг ўзи ишлаб чиқариш омили бўлгани учун уни керакли моддий воситаларга алмаштириш зарурияти туғилади“.<sup>87</sup> Шунингдек, айрим ҳолларда янги активлар ва бойликларни яратиш учун инвестицияларнинг пул маблағлари шаклида сафарбар этилиши ҳам талаб этилади. Шунга кўра, пулсиз янги активлар ва бойликларнинг ҳосил бўлиши асло юз бермаслигини оддийгина англаб олиш мумкин. Агар инвестициялар амалга оширилмас экан, моддий ва номоддий бойликлар ҳосил қилинмайди. Демак, у пул маблағлари шаклида қолиб кетаверади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, моддий ва номоддий бойликлар муайян фаолият мақсадида қўлланмас экан, капиталнинг қиймати ўсиши таъминланмайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги ислоҳотлар даврида миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни ҳар қандай объектларга ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, мавжуд объектларни ва корхоналар акцияларини чет эллик инвесторларга сотиш мамлакатимизга инвестицияларнинг кириб келишини англамайди, „...чунки бундай битимлар мавжуд бўлган активларга бўлган мулк ҳуқуқини шунчаки беришни англайди“.<sup>88</sup> Бу эса мулк қийматининг кўпаймаслигини билдиради. Мавжуд активларни қайта сотиш ҳам айнан шундайдир.

Умуман олганда, инвестицияларни амалга ошириш инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у инвестиция ресурслари ҳосил қилиниш натижасига таянади ва юз беради. Ўз навбатида, у инвестициялашдан кўзланган мақсадга бевосита боғланади. Чунки, кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Модомики, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам, ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва инвестиция жараёнини акс эттирадиган кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2013. — 9-б.

<sup>87</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. —Т.: Меҳнат, 2000.

<sup>88</sup> Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2005. —432 с.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция фаолияти унинг субъектлари томонидан инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуаси бўлгани ҳолда, бу ҳаракатларни субъектлар томонидан фақат инвестицияларни қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлар сифатида тушунмаслик лозим. Бунда мазкур ҳаракатлар инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади ва йўналишларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, уни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни жалб этиш манбаларини аниқлаш, жамғариш ва самарали сарфлаш каби кенг жараённи ўз ичига қамраб олишини мантиқан тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлаб, яъни фойда олиш мақсадида ҳаракат қилади. Чунки, юқори фойда инвесторнинг капитал қиймати ўсишига имкон беради.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустақкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги „Чет эл инвестициялари тўғрисида“, „Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида“ ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги „Инвестиция фаолияти тўғрисида“ги қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Турли минтақаларимизга хорижий сармоялар ва замонавий технологияларни жалб этишни рағбатлантиришни кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустақкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-4434-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёр ва қоидаларни солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида қўллашга ҳақли экани белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёз ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоғида фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари: тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари, инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

*Тўғридан-тўғри жалб қилинган хусусий хорижий инвестициялар ҳажми:*

*300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;*

*3 миллиондан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;*

*10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.*

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати:**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

— тайёр ип-газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек, трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

— тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

— табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

Шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат асосида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хом ашёдан саноат асосида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ, шунингдек, ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари қуриш.

14. Кўмир саноати:

— кўмирни бойитиш;

— кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;

— сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

— машинасозлик;

— трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги;

— қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;

— енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

**Маҳаллийлаштириш дастури ижроси йўлида.** Маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга қуйидаги енгилликлар жорий этилди:

— халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан, ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқи берилди;


— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган, ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун тўғридан-тўғри битимлар шариҳида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.



Мазкур шартномалар хизмат кўрсатаётган ваколатли банкда ҳисобга қўйилган ҳолда, экспорт шартномаларига тенглаштирилиши ва экспорт қилувчи корхоналардек солиқ имтиёзлари жорий этилиши белгиланган:

1) 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга қадар озод қилинди.

2) Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирма ва кичик корхоналар учун татбиқ этилди.



3.4.1-расм. Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари<sup>89</sup>.

2012 йилда ҳудудий корхоналар томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ТИФ ТН коди бўйича ўхшаш товарлари импорти.

#### I гуруҳ:

**Тошкент шаҳри — 873,8 миллион доллар:** пайвандлаш электродлари („НКМК“ ДК, „Ўзметкомбинат“ ОАЖ); электрон ҳисоблагичлар („Электрон ҳисоблагич“ ҚК); музлатгичлар („Сино“ ОАЖ, „Roison Electronics“ ҚК); полиэтилен қувурлари („Шўртангаз-кимё комплекси“ унитар шўба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ); бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ).

**Тошкент вилояти — 57,7 миллион доллар:** бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ); музлатгичлар („Sino“ ОАЖ, „Roison Electronics“ ҚК); Кир ювиш кукунлари („Бухоро Баҳор“ ҚК, „Раҳматулло Умар“ ХК).

**Сирдарё вилояти — 17,1 миллион доллар:** пайвандлаш электродлари („НКМК“ ДК, „Ўзметкомбинат“ ОАЖ); кондиционерлар („Сино“ ОАЖ, „Roison Electronics“ ҚК, „Neo Sun Light“ ҚК);

<sup>89</sup>Ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.


**Жиззах вилояти — 19,9 миллион доллар:** пайвандлаш электродлари („НКМК“ ДК, „Ўзметкомбинат“ ОАЖ); полиэтилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ).

### **II гуруҳ:**

**Бухоро вилояти — 13,2 миллион доллар:** полиэтилен ва полипропилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ, „Plastern Technology“ ҚК, „Mega sentrum“ МЧЖ, „Maxbild group“ МЧЖ); бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ);

**Навоий вилояти — 6,3 миллион доллар:** бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ); полиэтилен ва полипропилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ, „Plastern Technology“ ҚК, „Mega sentrum“ МЧЖ, „Maxbild group“ МЧЖ);

**Самарқанд вилояти — 55,1 миллион доллар:** пайвандлаш электродлари („НКМК“ ДК, „Ўзметкомбинат“ ОАЖ); бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ), аккумуляторлар („Жиззах аккумулятор заводи“ ОАЖ).



### **III гуруҳ:**

**Андижон вилояти — 20,3 миллион доллар:** кондиционерлар („Сино“ ОАЖ, „Roison Electronics“ ҚК, „Neo Sun Light“ ҚК); полиэтилен ва полипропилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ, „Plastern Technology“ ҚК, „Mega sentrum“ МЧЖ, „Maxbild group“ МЧЖ); бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ);

**Фарғона вилояти — 23,3 миллион доллар:** пайвандлаш электродлари („НКМК“ ДК, „Ўзметкомбинат“ ОАЖ); бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ); кир ювиш кукунлари („Бухоро Баҳор“ ҚК, „Раҳматулло Умар“ ХК);

**Наманган вилояти — 17,8 миллион доллар:** бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ); полиэтилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ).

### **IV гуруҳ:**

**Хоразм вилояти — 22,0 миллион доллар:** бир марталик шприц ва системалар („Ўз Корея медикал“ ҚК, „MEDIZ AG“ МЧЖ, „Asia Trade“ МЧЖ); полиэтилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ); кальций карбиди (ХИЧФ „Ёғду“);

**Сурхондарё вилояти — 6,9 миллион доллар:** полиэтилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ); музлатгичлар („Сино“ ОАЖ, „Roison Electronics“ ҚК); кир ювиш машиналари („Zenith Electronics“ ҚК);

**Қорақалпоғистон Республикаси — 8,7 миллион доллар:** полиэтилен ва полипропилен қувурлари („Шўртан газ-кимё комплекси“ унитар шўъба корхонаси, „Замонавий полимер қувур“ МЧЖ, „Maxsus polimer zavodi“ МЧЖ, „Plastern Technology“ ҚК, „Mega sentrum“ МЧЖ, „Maxbild group“ МЧЖ);

**4-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ, КОММУНИКАЦИЯ СОҲАЛАРИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР**

**4.1. Автомобиль ва темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилган  
кенг кўламли ислоҳотлар натижалари**

„Ўзавтосаноат“ АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда бажарилган инвестицион лойиҳалар сони 25 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 425,87 миллиард сўмни ташкил этди (4.1.1-жадвал). Бу ишларнинг натижасида жами 2396 та янги иш ўрни яратилди.

4.1.1-жадвал

**„Ўзавтосаноат“ АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда  
бажарилган инвестицион лойиҳалар<sup>90</sup>**

<b>„Ўзавтосаноат“ АК бўйича амалга оширилган лойиҳалар номи</b>	<b>Қиймати, млрд. сўм</b>
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарадиган янги комплексни яратиш (II босқич — йиғиш-ишлаб чиқариш)	29,38
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарадиган янги комплексни яратиш (III босқич — прицеpleri техника ва устки қурилмалар ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириш)	30,0
„GM Uzbekistan“ ЁАЖ янги моделларига штампсваркали деталларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	47,77
„GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларига гилдирак дискларини ва шасси қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Андижон ш.	31,14
„Ўз Донг Янг Ко“ ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларини ва инжекцион формовкалаш деталларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	8,31
„Автоойна“ МЧЖда автомобиль ойналарига термоишлов бериш линиясини модернизация қилиш	1,55
„Ўз Тонг Хонг“ МЧЖда „Ласетти“ моделига ўриндиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш (II босқич)	1,7
„Ўз Донг Янг Ко“ ҚҚ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ янги автомобиль моделларига интерьер деталлари ва инструментал панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,0
„Жиззах аккумулятор заводи“ ОАЖ базасида янги аккумулятор батареялар типини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	0,94
„Автоойна“ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	0,66
„Ўз Ханву-инжиниринг“ базасида автомобилнинг домкратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	0,64
„Ўз Корам“ МЧЖ базасида „ЖС Ўзбекистон“ ЁАЖ автомобилларининг янги глобал моделлари учун катта габаритли пластмасса деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	8,17
„Ўз Кожи“ ҚҚ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун жгут ва ўтказгичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,81
„Ўз Ханву“ ҚҚ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун шовқин синдиргич деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,4

<sup>90</sup> „Ўзавтосаноат“ АК маълумотлари асосида тузилди.

„Ўз Ираел Кейбл“ ҚҚда аккумулятор ўтказгичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1,17
„Zenith Electronics“ МЧЖ ҚҚ („Ўзэлтехсаноат“ уюшмаси билан ҳамкорликда) печатли платалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,0
„Zenith Electronics“ МЧЖ ҚҚ („Ўзэлтехсаноат“ уюшмаси билан ҳамкорликда) телевизор ва мониторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш	3,3
Янги „Нексия“ классдаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Асака ш.	136,12
Кондицион, вентиляция ва иситиш тизимларининг радиаторини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Андижон ш.	23,25
„Нексия“ классдаги янги глобал моделнинг бутлаш қисмларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган маҳаллийлаштирилган корхоналарни модернизация қилиш	70,0
„Ўз Тонг Хонг“ ҚҚ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ўриндиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,92
Кальциявий таъмирланмайдиган батареялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Жиззах ш.	9,48
Технологик ускуналар, штамплар ва қўйма қолиплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	2,02
„Ўз Сэмюнг“ ҚҚ базасида „GM Uzbekistan“ ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ёнилғи баки ва штампланган қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,14
„Ўз Донг Жу“ ҚҚда лаборатория жиҳозларини харид қилиш	2,0
<b>Ҳаммаси</b>	<b>425,87</b>

4.1.2-жадвал

„Ўзавтосаноат“ АК заводларида ишлаб чиқариш динамикаси<sup>91</sup>

Заводлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил
„GM Uzbekistan“ ЁАЖ	217000	222000	236000
МЧЖ „JV MAN AutoUzbekistan“	414	534	1018
МЧЖ „СамАвто“	1948	2019	2381
„GM Power train – Uzbekistan“ ҚҚ	—	—	32000

2012 йилда мамлакатимизнинг барча автомобиль транспорти воситаларида жами 1 миллиард 216 миллион тонна юк ва 6 миллиард 645 миллион йўловчи ташилиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан тегишли равишда 105,2 ва 105,8 фоизни ташкил этмоқда.

Юк айланмаси 27 миллиард 696 миллион тонна/километрни (2011 йилга нисбатан 106,1 фоиз), йўловчилар айланмаси эса 78 миллиард 638 миллион йўловчи/км (2011 йилга нисбатан 108,2 фоиз)ни ташкил қилди. 2012 йилда 6 триллион 235 миллиард сўмдан (2011 йилга нисбатан қийсий нархларда 117,4 фоиз) ортиқ пуллик автотранспорт хизматлари кўрсатилди.

Мамлакатимиз автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича 2000 тага яқин йўловчи ташиш йўналишлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда йўналишлар сони 4099 тага етди (2011 йилга нисбатан ўсиш 226 та ёки 105,8 фоизни ташкил этди). Уларнинг 997 таси шаҳар, 2470 таси шаҳар атрофи ва 632 таси шаҳарлараро йўналишлардир.

<sup>91</sup> „Ўзавтосаноат“ АК маълумотлари асосида тузилди.

Автомобиль транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиш бериш бўйича вилоят ва шаҳар ҳокимиятларидаги комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идоралараро комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштирилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган 4099 та йўналишнинг 4019 таси ёки 98,1 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилган. Шу жумладан, 2012 йилда мамлакатимиз бўйича жами 148 та очиқ тендер ўтказилган бўлиб, уларда 1583 та йўловчи ташиш бўйича йўналишлар жойлаштирилган. Шундан 211 та шаҳар ичидаги йўналишларни жойлаштириш бўйича 38 та тендер ўтказилган, 1121 та шаҳар атрофи ва 167 та шаҳарлар ва вилоятлар ичидаги йўналишларни жойлаштириш бўйича 103 та тендер, 84 та шаҳарлар ва вилоятлараро йўналишларни жойлаштириш бўйича 7 та тендер ўтказилган. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Автотранспорт хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, аҳолига, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари ҳамда сервис даражаси ва сифатини ошириш доирасида йўналишли транспорт тармоғи ривожланмоқда, 2012 йилда кўзда тутилган 195 та йўналиш ўрнига 226 та йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилди.

Ҳозирги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати етиб бормаган жой қолмади.

Вилоятларда ҳокимликлар билан биргаликда йўналишларда йўловчилар оқими ва аҳолининг йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқилмоқда ва автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

2012 йил давомида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган „ИСУЗУ“ русумли автобуслардан Бухоро вилоятида 197 та, Самарқанд вилоятида 72 та, Андижон вилоятида 60 та, Қашқадарё вилоятида 55 та, Хоразм вилоятида 53 та, Навоий вилоятида 44 та, Сурхондарё вилоятида 35 та, Фарғона вилоятида 34 та, Тошкент шаҳрида 22 та, Тошкент вилоятида 13 та ва Қорақалпоғистон Республикасида 12 та, жами 597 та автобус лизинг асосида сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, „Тошшаҳартрансхизмат“ уюшмаси томонидан 96 та „Мерседес-бенз“ русумли автобус олиб келиниб, шаҳар ичи йўналишларига бириктирилди. Бу тадбирлар самарасида кўплаб фуқаролар иш билан таъминланди, хизмат кўрсатиш даражаси ва маданияти яхшиланди.

2012 йил давомида агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 2706 та лицензия (2011 йилга нисбатан 112,8 фоиз) ва 176502 та лицензия варақаси (2011 йилга нисбатан 103,0 фоиз) берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги „Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида“ги ПҚ-303-сонли Қарори қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 1 январига келиб уларнинг сони 2057 тага (7,6 мартага) ортди ва 2371 тани ташкил этди.

Автогранспорт соҳасида лицензиялашдан 2011 йил мобайнида 21 миллиард 382 миллион сўмлик давлат божи ундирилган бўлса, 2012 йил якуни билан жами 25 миллиард 287 миллион сўмлик давлат божи ундирилди, ўсиш қарийб 18,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқаро автомобиль ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ҳукуматлараро битимлар доирасида автомобилда халқаро ташувлар бўйича қўшма комиссиянинг тўртта йиғилиши ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташувлар тўғрисидаги 2001 йил 3 апрелда имзоланган битимнинг 17-моддасига асосан, 14—15 август кунлари Германиянинг Бонн шаҳрида Ўзбекистон ва Германия ўртасида автомобилда халқаро юк ташувлар бўйича Қўшма Комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Белорусь Республикаси ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги 1994 йил 22 декабрда имзоланган битимнинг 19-моддасига асосан, 27—28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Белорусь ўртасида автомобилда халқаро ташувлар бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Ҳаво транспорти тизими	993,7	14 га
Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация тизими	1794,7	44 га
Шаҳар электротранспорт паркини янгилаш	24	2 га

Дастур доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимизнинг асосий транспорт турлари — ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти тизимини, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миқёсда фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳасида ҳам 2012 йилда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида устувор вазифаларнинг яна бири сифатида темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларининг изчиллик билан жорий қилиниши ушбу ижобий натижаларнинг яққол мисолидир. Бу ишлар поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш, 830 километрлик Тошкент—Термиз темир йўлини тўлиқ электрлаштириш имконини беради.

2012 йилда узунлиги 240 километр бўлган темир йўлни қайта тиклаш ишлари давом эттирилди. Узунлиги 70 километрдан ортиқ бўлган Даштобод—Жиззах темир йўл тармоғи бўйлаб юк ва йўловчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда арзон транспорт ҳисобланган темир йўл транспортларининг узлуксиз қатновини йўлга қўйиш иқтисодий ўсишнинг ва барқарор ривожланишнинг яна бир муҳим омилли десак, муболага бўлмайди.

#### **4.2. Ахборот-коммуникация соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида иқтисодиётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар қаторида ахборот-телекоммуникация соҳасида эришилган натижалар ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2012 йилда мамлакатимиз ахборот-телекоммуникация соҳасидаги ўсиш 26,1 фоизни ташкил этди. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича катта ишлар бажарилди. Бу борада кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида узунлиги 180 километрдан зиёд бўлган „Бойсун—Денов“, „Ургут—Шаҳрисабз“ оптик толали алоқа линияси ишга туширилди. Фаргона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали босқичма-босқич рақамли телевидениега ўтиш амалга оширилди. Бу аҳолини мамлакатимиз бўйича рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоизга етказиш имконини берди.


„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият олиб бораётган 12 та корхона қаторида мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва Интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик корхона ҳам борлиги маърузада алоҳида қайд этилди.

2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидеги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлари хизмати 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси корхоналари томонидан 2013 йилда 3081,1 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди, йиллик

ўсиш 22,6 фоизни ташкил этди, аҳолига 2064,3 миллиард сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди (4.2.1-расм).

Инвестиция дастурида тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича белгиланган 236,52 миллион АҚШ доллари ўрнига 260,98 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиб, режа 110 фоизга бажарилди (4.2.1-жадвал).



4.2.1-расм. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси корхоналари томонидан 2013 йилда кўрсатилган хизматларнинг қиймати.<sup>93</sup>

4.2.1-жадвал

Инвестиция дастурининг бажарилиши<sup>94</sup>

Кўрсаткич	Режа (млн. АҚШ долл.)	Ҳақиқатда (млн. АҚШ долл.)	Ўсиш (фоизда)
Жами: инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича	236,6	261,0	110
Жумладан, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар	189,8	208,2	110

Қуйида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасининг асосий йўналишлари бўйича 2012 йилда эришилган натижалар ҳамда маълумотлар келтирилган.

**Телекоммуникация йўналиши:** „Ўзбектелеком“ АК томонидан белгиланган инвестиция лойиҳалари бўйича йил якунига қадар бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан:

- Автоматик телефон станция (АТС)ларни рақамлаштириш даражаси 98 фоизни ташкил этди.

- Қўқон ва Бухоро шаҳарларида халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш бўйича ишлар амалга оширилиб, коммутацияларнинг умумий сифими 2 ҳисса кўпайди. Бу ишни амалга ошириш учун 2012 йилда 6,7 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди, лойиҳа

<sup>93</sup>Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>94</sup>Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

бўйича ишларни тўлиқ тугаллаш 2013 йилга белгиланган. Акциядорлик компанияси корхоналарига 292,05 минг сизимга эга бўлган коммутация станцияларини модернизация қилиш мақсадида телекоммуникация ускуналари келтирилиб, монтаж ишлари якунланди ва мавжуд абонентларни янги АТСларга улаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларни амалга оширишга 18,14 миллион АҚШ доллари сарфланди. Халқаро пакетли коммутация марказини (ХПКМ) кенгайтириш ва модернизация қилиш натижасида ХПКМнинг ахборот сигналларини ўтказиш имконияти 40 Гбит/с га етказилди.

- Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги 7780 Мбит/с га етказилиб, ўтган йилга нисбатан 160,9 фоизга ўсди. Бунинг натижасида оператор ва провайдерлар Интернет хизматлари учун белгиланган тариф 2012 йил бошига нисбатан йил охирида 25 фоизга камайтирилди.

- Бойсун—Денов оралигида 102,27 км, Ургут—Шахрисабз оралигида 72,6 км, жами 184,87 км узунликдаги оптик алоқа линияси қуриб, фойдаланишга топширилди.

**Мобиль алоқа йўналиши.** „Ўзбектелеком“ АКнинг „Ўзмобиайл“ филиалининг CDMA-450 симсиз тармоғи билан қамраб олиш даражасини 58 фоиздан 71,2 фоизгача кўпайтириш имкониятини берадиган 121 та база станцияси ўрнатилди. Натижада абонентларга, шу жумладан, қишлоқ жойларидаги фойдаланувчиларга Интернет хизматини кўрсатиш имкони яратилди. Шунингдек, мобиль алоқа тармоғини ривожлантириш бўйича мобиль алоқа компаниялари томонидан маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш, яъни учинчи (3G) ва тўртинчи (4G) авлод мобиль алоқа тармоғини кенгайтиришга қаратилган 175,7 миллион АҚШ долларилек лойиҳалар амалга оширилди. Режага мувофиқ, юртимизнинг қишлоқ ҳудудларидаги 120 та аналог АТСдаги 19271 та абонентни CDMA-450 мобиль алоқа тармоғига ўтказиш ишлари тўлиқ якунланди.

**Кенг полосали телекоммуникация алоқа тизими йўналиши.** 2012 йил охиригача кенг полосали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ўрнатилган портлар сони 378 мингтага, фойдаланилган портлар сони эса 202,7 мингтага етказилди. Ўсиш мос равишда 55,5 фоиз ва 37,2 фоизни ташкил этди (4.2.2-расм). Таққослайдиган бўлсак, 2011 йил якунида умумий ўрнатилган портлар сони 243082 тани, фойдаланилган портлар сони эса 147760 тани ташкил этган эди.



4.2.2-расм.



„Ўзбектелеком“ АК томонидан 573 км оптик толали алоқа кабеллари ётқизиilib, мамлакатимиз бўйича кўп қаватли биноларда 21834 порт сифими орқали FTTB технологияси асосида аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди, уланган абонентлар сони 1754 тани ташкил этди.


Операторлар ва провайдерлар томонидан кенг поласали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ўрнатилган ва фойдаланилган портлар сони кўпайган бўлса-да, „Sharq telecom“, „East telecom“ ва „Альбатрос“ операторларининг портлари сони камайгани кузатилди (4.2.2-жадвал).

4.2.2-жадвал

Ўрнатилган ва фойдаланилган портлар сони


Оператор/ провайдерлар	2012 йил якуни ҳолати		2012 йилнинг бошида		Фарқ	
	ўрнатилган сифим	фойдаланилган сифим	ўрнатилган сифим	фойдаланилган сифим	ўрнатилган сифим	фойдаланилган сифим
„Ўзбектелеком“ АК	225497	116024	107782	64195	117715	51829
„Sharq Telecom“ МЧЖ	12624	7779	14744	8042	-2120	-263
„Sarkor Telekom“ МЧЖ	34968	18720	33400	22454	1568	-3734
„DosTLink“ МЧЖ	129	70			129	70
„Альбатрос“ ХК	480	220	585	479	-105	-259
„iPlus“ МЧЖ	2240	1380	1760	1015	480	365
„SKS“ МЧЖ	456	149	472	178	-16	-29
„Super iMax“ МЧЖ	9077	9077	1200	1200	7877	7877
„Buzton“ ХК	46786	21226	34755	16386	12031	4840
„ARS Inform“ МЧЖ	3800	3000	3705	2667	95	333
„Net-city“ МЧЖ	3120	1950	1838	819	1 282	1 131
„ИСТ-Телеком“ МЧЖ	38800	23134	41049	19574	-2249	3560
Жами:	377977	202729	243082	147760	134895	54969

Ўрнатилган портларнинг асосий сони Тошкент шаҳрига гўғри келади, шунинг учун вилоятларда ҳам портлар сонини ошириш чораларини кўриш лозим (4.2.3-расм).



4.2.3-расм.

**Миллий ахборот тизими йўналиши.** Интерактив давлат хизмат (ИДХ)лари рўйхатиغا кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, эндиликда уларнинг умумий сони 197 тани ташкил этди. ИДХни кўрсатадиган давлат органларининг сони 111 та. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, давлат органлари томонидан жами 617 та ИДХдан 457 таси Онлайн тартибида тақдим этилмоқда (4.2.4-расм).



4.2.4-расм.


2012 йилда миллий ахборот тизимиغا уланадиган олти та ахборот тизими комплексини яратиш ва интеграция қилиш ишлари амалга оширилиб, бугунги кунда якунига етказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг компютерлаштириш марказларига UZ доменларини рўйхатга олиш мақоми берилди. Келгусида уларнинг сонини ошириш режалаштирилган.

2011 йилда дастурий маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотлар сони 235 та эди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 238 тани ташкил этди.

Ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланишнинг „Е-ҳужжат“ тизимиغا 140 дан ортиқ давлат органи уланган.

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган ЭРИ калитлари сертификатлари ва амалдаги калитларнинг умумий сони 286503 тага етди (4.2.5-расм).



4.2.5-расм.

**Почта ва матбуот тарқатиш йўналиши.** „Ўзбекистон почтаси“ АК почта алоқаси корхоналарида автоматлаштирилган тизимларга багишланган иш ўринлари сони 1879 тага етказилиб, шундан хизмат кўрсатишда фойдаланилаётган иш ўринлари 1298 тани ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан мос равишда 21 фоиз ва 11,1 фоизга кўпайган.

„Матбуот тарқатувчи“ АК томонидан ва ҳамкор корхоналар билан биргаликда компания обуна каталоги бўйича 240 дан ортиқ газета (2011 йилда 222 та) ва 202 та журналга жами 42962,9 миллион сўмлик обуна қабул қилинди, бу эса ўтган йилга нисбатан 31,7 фоизга кўп демакдир. Интернет орқали обуна қабул қилиш тизимида 2012 йилда жами 10050 та обуна буюртмаси ҳамда 2013 йил учун бугунги кунга қадар 12600 та обуна буюртмаси қабул қилинди.

**Таълим ва кадрлар тайёрлаш йўналиши.** Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ва унинг Самарқанд, Фаргона, Нукус, Урганч, Қарши филиалларида ҳамда бир қатор касб-ҳунар коллежларида тайёрланади. 2012 йилда ТАТУ ва унинг филиалларида соҳа корхоналари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасини ривожлантиришга ва модернизация қилишга оид муаммолари ва долзарб мавзулари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. 2011—2012 ўқув йилида 26 та диссертация иши ҳимоя қилиниши режалаштирилган бўлиб, 2012 йил июль ойига қадар 13 та диссертация иши ҳимоя қилинди.

Кўмита тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан соҳа йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 36 та касб-ҳунар коллежларининг ҳар бирига 4 донадан „L-Plata“ ўқув тўплами ва бир қатор фанлардан „виртуал лаборатория“ ишлари жамламаси тақдим этилди. Бундан ташқари, ТАТУ профессор-ўқитувчилари томонидан касб-ҳунар коллежлари учун мутахассислик фанларидан 26 номдаги ўқув қўлланмаси ёзилиб, нашрдан чиқарилди ва тегишли касб-ҳунар коллежларига тақдим этилди. Юқорида таъкидлаб ўтилган 36 та касб-ҳунар коллежи компьютер ички тузилмасини ўргатадиган стендлар билан таъминланди.

Болалар ва ўсмирлар учун учта миллий компьютер ўйини ярагилиб, ICTEXPO-2012 кўргазмасида намоиш этилди.

„ZiyoNet“ тармогининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ишларини тарғиб қилиш бўйича илмий-амалий конференция ўтказилди. „ZiyoNet“ порталига 2170 тадан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва 3450 тадан ортиқ ахборот ресурслари жойлаштирилди.

„Электрон таълим“ лойиҳаси доирасида 2012—2015 йилларда олий таълим муассасалари кутубхона фондиди электрон шаклга ўтказиш режаси асосида ТАТУ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кутубхона фондидан 3000 дан ортиқ китоб электрон шаклга ўтказилди. 2012 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 86 та олий ўқув юрти ва филиалларига „видеоконференция алоқаси“ тизими ўрнатилди ва олий ўқув юртлари орасида Онлайн режимида видеоконференция ташкил этиш имконияти яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган энг муҳим йўналишлардан бири алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўлиб, мазкур соҳада ўтган ҳисобот йилида жами 9734,5 миллион сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 26,1 фоизни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарида иш ўринлари ташкил этиш режаси 113 фоизга, шу жумладан, асосий иш ўринларини ташкил этиш режаси 106 фоизга ва касаначилик иш ўринларини ташкил қилиш 126 фоизга бажарилди. Касб-ҳунар коллежлари ва соҳа корхоналари билан тузилган уч томонлама шартномаларга асосан, 2012 йил якунига кўра 12,5 минг нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури ижросига ҳисса шаклида 260,4 минг дона FM-радиоприёмниги келтирилиб, кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилди.

„Оила даврасида“ газетаси таъсисчиси „Ўзбектелеком“ АК ва „Матбуот тарқатувчи“ АК, „Ўзбекистон почтаси“ ОАЖ томонидан ушбу газета ҳисоб рақамига зарур маблағлар ўтказилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг йирик корхоналаридан бири Республика радиотелевидение маркази давлат унитар корхонаси томонидан 2017 йилга қадар аналог телекўрсатувлардан рақамли телекўрсатувларга тўлиқ ўтиш давлат дастури асосида 2012 йилда Лангар, Қўқон, Гулистон ва Ваҳшивор радиотелевизион станцияларида рақамли телеузаткичлар ўрнатилиб, улар тест синови шаклида ишга туширилди.

Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш қурилмаларини ўрнатиш натижасида ушбу вилоятлар рақамли телевидение билан қамраб олинди ва мамлакатимиз ҳудудини рақамли телевидение билан қамраб олиш кўрсаткичи 37,5 фоиздан 42 фоизга етди.

„Матбуот тарқатувчи“ АК томонидан 2012 йилда режага мувофиқ Тошкент шаҳри туманларининг аҳоли гавжум жойларига 43 та ҳамда вилоят туманларига 55 та, жами 98 та матбуот дўконлари жойлаштирилди.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг аҳоли ва корхоналарга кўрсатган хизматлари 2012 йил натижалари бўйича 2011 йилга нисбатан неча фоизга ошди?
2. 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми қанчани ташкил этди ва 2011 йилга нисбатан неча фоизга ошди?
3. 2012 йилда неча километр оптик толали алоқа линияси қуриб ишга туширилди?
4. Мамлакатимизнинг неча фоиз ҳудуди рақамли телекўрсатув дастурлари билан қамраб олинган?
5. Вилоятлар ва туманлар марказларигача ахборот сигналларини узатиш тезлигини неча баробар ошириш режалаштирилган?
6. Қишлоқ аҳолисини телефон алоқаси билан таъминлаш қандай усул билан амалга оширилмоқда?
7. „Электрон таълим“ тизимидан қандай мақсадларда фойдаланилади?
8. „Матбуот тарқатувчи“ корхонаси аҳолига қандай хизмат турларини кўрсатади?
9. Интерактив давлат хизматлари тури нечтани ташкил этади?
10. Электрон рақамли имзонинг амалдаги калитлари сони 2012 йил якуни бўйича нечтани ташкил этди?
11. „Электрон ҳукумат“ тизими нима учун керак?
12. Мамлакатимизнинг қайси вилоятларида рақамли телекўрсатувлар ташкил этилган?
13. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 2013 йил учун режалаштирилган асосий тadbирлардан 3—4 тасини айгиб беринг.
14. Кенг полосали мультисервис алоқа тизимидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

## 5-БОБ. ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР — ХУДУДЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕСУРС САЛОҲИЯТИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

### 5.1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви шароитида эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти

Президентимиз маърузасида устувор вазифа сифатида белгиланганидек, кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш борасидаги истиқболли мақсадларимизни амалга оширишда ҳудудларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳудудларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини жадаллаштиришнинг самарали усулларида бири бу эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдир.

Эркин иқтисодий зона мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир<sup>95</sup>. Жаҳон амалиётининг гувоҳлик беришича, бундай иқтисодий зоналар мамлакатнинг яхлит ҳолда ёки иқтисодий фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича рағбатлантирувчи восита бўлиши мумкин. Масалан, эркин иқтисодий зоналар экспортни ёки минтақавий ва саноат ривожланишини рағбатлантириши мумкин. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бу каби зоналар воситасида экспортнинг ўсиш даражасини 20 фоизга, фойда нормасини 30—35

*Янгитдан ташкил этилган „Навоий“ ва „Ангрен“ эркин индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда.*

**Ислом Каримов**

фоизга ошириш ва маблағ қўйилмаларини 3 йил муддат ичида қоплаш ҳар йил 7—10 миллиард доллар миқдоридаги кенг қамровли хорижий инвестицияларни жалб этиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида инвестицияларни жалб этиш борасида қатъий рақобатли кураш давом этмоқда. Бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда жамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лар воситасида тегишли ҳудудларда халқаро стандартларга мос келадиган замонавий саноат ишлаб чиқариши ва технологияларни жорий этиш комплексларини яратиш, уларга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш кўзда тутилади. Бундай ЭИЗларда иқтисодиётимиз эҳтиёжларини қондириш ҳамда саноат ва илмталаб маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришга қаратилган, саноат асосида чуқур қайта ишлов бериладиган, юқори технологияларга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳалар амалга оширилади. Бундан ташқари, ЭИЗлар

<sup>95</sup>Ўзбекистон Республикасининг „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ 1996 йил 25 апрелдаги 220-1 сонли қонуни.

фан ва техниканинг илгор ютуқларига асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳам шароит яратади. Бундай мақсаддаги ЭИЗлар технопарклар кўринишида ташкил этилиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ЭИЗларни ташкил этиш инвестицион ва тадбиркорлик фаоллигини оширишга хизмат қилади ва бу мақсадга куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади:

- ҳукумат институтлари ва улар томонидан чиқарилаётган қарорлар, жумладан, инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга нисбатан ишонччи орттириш;
- бизнес юритиш инфратузилмасини ривожлантириш;
- бизнесга маъмурий-бюрократик юк даражасини камайтириш;
- мулкни тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ҳимоя этиш ҳуқуқи борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини узоқ муддатли барқарор амалга оширишни ҳуқуқий кафолатлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги „Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида“ги ПФ-4059-сонли Фармони юртимизда ишлаб чиқариш потенциалини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, юқори технологияларни қўллаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга замин яратади.

**Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий зоналар.** Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда турли кўринишдаги 2000 дан ортиқ ЭИЗлар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, уларнинг 400 таси эркин савдо ҳудуди, 400 таси илмий ишлаб чиқариш ҳудуди, 300 таси ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт ҳудуди, 100 таси эса махсус ҳудудлардан (оффшор марказлар, рекреация ҳудудлари, экологик-иқтисодий ҳудудлар ва туристик ҳудудлар) иборат. Оффшор марказларда жаҳон депозитларининг учдан бир қисми тўпланган бўлиб, бу депозитлар ҳажми 2005 йилда жаҳондаги товарлар айланмасининг 10—25 фоизини ташкил этди (5.1.1-жадвал).

5.1.1-жадвал

Эркин иқтисодий зоналар кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси<sup>96</sup>

1970 йил	2009 йил
30 та мамлакатда мавжуд	120 тадан кўпроқ мамлакатда мавжуд
80 та эркин ҳудуд	2000 дан ортиқ эркин ҳудуд*
Экспортнинг умумий ҳажми 4 миллиард АҚШ доллари	Экспортнинг умумий ҳажми 600 миллиард АҚШ доллари
Иш ўринлари — 1 миллион	Иш ўринлари — 50 миллиондан ортиқ

\* сони 1000 дан ортиқ бўлган ҳудуд-корхоналар киритилмаган.

Оффшор ҳудудларнинг асосий қисми АҚШда жойлашган бўлиб, 1996 йилда уларнинг сони 300 дан ортиқ бўлган. 100 га яқин оффшор ҳудудлар Фарбий Европада жойлашган бўлиб, уларнинг 150 дан ортиги ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. ЭИЗларнинг тез ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири уларда (70-йилларда атиги 10 та ЭИХ ташкил этилган бўлса, 80-йилларнинг бошларида 50 та, 90-йилларнинг бошида эса 300 га яқин ЭИХ фаолият кўрсата бошлаган) яратиб берилаётган қулай имкониятлардир.

Бу имкониятлар ҳар иккала томон учун қурилиш, саноат ва бошқа кенг қўламдаги ишларни ривожлантиришда қўл келади. Масалан, чет эл ишбилармонларига ЭИЗлар янги ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва янги корхоналарни қуриш учун катта миқдорда капитал қўйилмаларни сарф этиш имкониятини туғдиради.

Шу билан бирга, бу ҳудудларда истиқболли лойиҳаларни қисқа муддатда мукамал бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Ишбилармонлар учун ишлаб чиқарилган

<sup>96</sup><http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>

## Жаҳон иқтисодиётида ЭИЗлар таснифи



5.1.1-расм. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарнинг таснифи.

— эркин иқтисодий-интеграция ҳудудлари. Бундай ҳудудларга биргаликда ҳамкорлик қилиш ҳудудларини киритиш мумкин;

— халқаро миқёсда ташкил этилган махсус ҳудудлар.

Кўпчилик адабиётларда эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги бўйича, биринчидан, эркин савдо ҳудудлари, иккинчидан, саноат ва ишлаб чиқариш ҳудудларига, учинчидан, техника ва технологияни жорий этиш ҳудудларига, тўртинчидан, хизмат кўрсатиш ҳудудларига, бешинчидан, комплекс ҳудудларга бўлинади. ЭИҲларни ташкил этиш турларига қараб эса, биринчидан, территориал ҳудудлар, иккинчидан, махсус тартибот ҳудудларига бўлиш мумкин (5.1.1-расм).

**ЭИҲлар асосий турларининг хусусиятлари.** Жаҳон иқтисодиётида ЭИҲларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг жаҳон бозорига чуқур интеграциялашуви билан боғлиқ бўлган ҳудудлар (эркин савдо, экспорт саноати, боғхона ҳудудлари ва бошқалар) билан бир қаторда маълум бир ишлаб чиқариш тармоқларига эга бўлган махсус ҳудудлар ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, иқтисодий қолоқ районларни ривожлантиришни (саноатлаштиришни) қўллаб-қувватлайдиган ҳудудлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ўзининг яратилиш сабаби ва мақсадлари билан бир-биридан ажралиб туради. Дарҳақиқат, АҚШ каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар, асосан, депрессив (иқтисодий тушкунликка тушган) районларда кичик ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган. Бундай ҳудудларда тадбиркорларга (кичик ва ўрта тадбиркорларга) мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан катта эркинлик ва молиявий имтиёзлар берилади. Аммо бу дастурлар хорижий капиталларни жалб этишга қаратилмаган (5.1.3-жадвал).

5.1.3-жадвал

#### Турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ЭИҲлар<sup>99</sup>

Соҳалар	Махсус ҳудуд
Нефть-кимё ҳудуди	Мап Та Фут ҳудуди (Таиланд)
Молия хизматлари ҳудуди	Лабуан Оффшор молия маркази (Малайзия)
Технологик парклар	Сингапур илмий парки
Эркин савдо ҳудудлари	Д1 Логистика парки (Чехия Республикаси)
Эркин аэропорт ҳудуди	Кўала-Лумпур аэропортидаги эркин ҳудуд
Туристик ҳудуд	Барё ороли (Колумбия)

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам ЭИҲлар худди шундай мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу иқтисодий қолоқ ҳудудларнинг ривожланадиган ҳудудларга айланишини таъминлайди. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда ушбу мамлакатларда ЭИҲларни яратишдан асосий мақсад хорижий капиталларни кенгроқ жалб қилишга қаратилганидир.

## 5.2. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишига таъсир этадиган муҳим омиллардан бири — ҳудудларнинг истиқболлини белгилаш ва самарадорлигини аниқлаш, шунингдек, назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборат. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий асосларни тўлалигича ишлаб чиқмасдан туриб, ҳеч бир эркин

<sup>99</sup><http://www.fias.net/conference/EcozonesIndiadocs/KRao.pdf>



иқтисодий зона етарли даражада самарали фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эркин иқтисодий ҳудуддаги хўжалик субъектлари учун ҳам, чет эл инвесторлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали замонавий технологиялар асосида товар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлган узоқ муддатли капитал қўйилмалар учун барча қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, иқтисодий ислохотлар баробарида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бормоқда. „Чет эл инвестициялари тўғрисида“, „Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида“, „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“, „Валютани тартибга солиш тўғрисида“, „Экспорт назорати тўғрисида“ каби қонунлар қабул қилиниб, улар Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга замин яратмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида инвестиция фаолияти билан шуғулланадиган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади ва муҳофаза қилинади. Бундан ташқари, Ўзбекистон хорижий инвестицияларни муҳофаза қилувчи ҳуқуқий инструментларни белгилайдиган қатор халқаро конвенцияларнинг аъзосидир, шунингдек, у кўпгина давлатлар билан икки томонлама шартномаларга эга ва уларга оид ўз мажбуриятларига тўла-тўқис амал қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида“ги Фармони иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва маълум ҳудудлар, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган. Ушбу Фармонга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида“ги ПФ-4059-сонли Фармонига мувофиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилаётган ва тегишли тармоқларда маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл фондига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида кўзда тутилган бошқа кўринишдаги солиқ имтиёзлари ҳам қўлланиши мумкин.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эса амалдаги қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизмини ўзида акс эттиради.

Эркин иқтисодий зоналарнинг хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун вакиллик қиладиган ташкилотларнинг функциялари қонунда кўрсатилган тарзда амалга оширилади. Бундай вакиллик Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган „Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида“ги қонуннинг 21-бандига асосан Маъмурий кенгашга берилади. Қонунда қўшимча равишда шу нарса ҳам кўрсатилганки, агар ЭИҲларнинг маъмурий чегаралари бирор-бир район ёки шаҳар чегарасига тўғри келиб қолса, Маъмурий кенгашга раҳбарлик қилиш шу район ёки шаҳар ҳокимига юклатилади.

Қонуннинг „Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув органлари“ деб номланадиган 20-моддасида бу ҳудуд фаолияти эркин зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши ҳамда зона дирекцияси эркин иқтисодий ҳудуднинг оператив бошқарув органи экани, „Эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши“ номли 21-модданинг

биринчи қисмида эса Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

„Навоий“ ЭИИЗ фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда „Навоий“ ЭИИЗ концепциясини самарали амалга ошириш учун ҳозирги пайтда ЭИИЗ фаолиятининг қонуний ва ташкилий шароитларига мувофиқ кенг қўламли ишларни амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли Фармонида мувофиқ, „Навоий“ ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати қуйидаги тартибда тасдиқланди (5.2.1-жадвал).

5.2.1-жадвал

**„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар<sup>100</sup>**

№	Ҳужжат номи	Масъул ижроочилар
1.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси Маъмурий кенгаши ва дирекцияси тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
2.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириш учун инвесторлар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси
3.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасининг хўжалик фаолияти қатнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириш, чиқиб кетиш, ҳудудда бўлиш ва меҳнатга ёлланишининг содда-лантирилган тартиби тўғрисида низом	Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида алоҳида валюта режими фаолияти тартиби	Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
7.	„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги

ЭИИЗ фаолиятининг қонуний асосларини 2009 йилнинг январида қабул қилинган „Навоий“ ЭИИЗ ҳақидаги низом белгилаб беради. Низомга мувофиқ, ЭИИЗ фаолиятининг оператив ва мувофиқлаштирилган бошқаруви давлат ташкилотлари вакиллари ва зона дирекциясидан иборат бошқарув кенгаши томонидан амалга оширилади.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган

<sup>100</sup> „Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами“, 2008 йил, 49-сон, 478-модда.

тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади:<sup>101</sup>

— 3 миллион евродан 10 миллион еврогача — 7 йилга;

— 10 миллион евродан 30 миллион еврогача — 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

— 30 миллион евродан ортиқ бўлганда — 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

ЭИИЗда белгиланган тартибга кўра, рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга (ҳозирча 30 йил) экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ички бозорида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоиз миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади. Бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши ҳам мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилади:

— улар ўртасида тузилган шартнома ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

— экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш ва ҳоказолар.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирадиган ҳужжатлар татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга соладиган ҳужжатлар бундан мустасно).

Президент Фармонида, шунингдек, қуйидагилар ҳам белгилаб қўйилган:

— „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасининг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин;

— ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетиш, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши;

— алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилиши;

— „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши;

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида“ги ПФ-4059-сонли Фармони. 02.12.2008 йил.

— „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилиши;

— „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланиши ва бошқалар.

### **5.3. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ташкил этишнинг табиий-иқтисодий омиллари**

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга тобора чуқур интеграциялашиб бориши нафақат ички бозорда, айтини вақтда хорижда ҳам, айтиниқса, 300 миллион аҳолига эга бўлган, Ўзбекистон билан эркин савдо ҳудуди ўрнатилган МДХ давлатларида ҳам харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни рағбатлантиради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, инновацион технологияларни жорий қилишни ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган товарлар турларини ўзлаштиришни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатимизда биринчи маротаба Навоий вилояти ҳудудида алоҳида маъмурий марказга эга бўлган „Навоий“ ЭИИЗни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда юртимизнинг йирик минтақавий бозорлари: Жануби-шарқий Осиё, Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва МДХ мамлакатларининг қулай савдо йўналишларининг кесишиш нуқтасида жойлашгани ҳал қилувчи омил ролини ўйнади. Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро транспорт логистика марказини яратиш учун қулай шароитларнинг мавжудлиги бу ерда янги рақобатдош маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни Европа ва Осиёдаги охириги истеъмолчиларга тўхтовсиз етказиб бериш заруратини кун тартибига қўйди.

Ўзбекистон Республикасида биринчи эркин иқтисодий зонанинг Навоий вилоятида ташкил этилишига қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

**1. Навоий шаҳрининг индустриал характерга эга экани**, яъни шаҳар кимё, энергетика, тоғ-металлургия, цемент саноатининг йирик корхоналари атрофида шаклланидир. Вилоят иқтисодиётининг асосини Навоий тоғ-металлургия комбинати, „Навоийазот“ ОАЖ, „Электрокимё завод“ ҚК, „Қизилқумцемент“ АЖ, Навоий ИЭС каби корхоналар ташкил этади. Навоий вилояти Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари билан биргаликда республиканинг 6 та йирик саноат ишлаб чиқарадиган ҳудуди сирасига киради. 2012 йил яқунларига кўра, мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришида вилоятнинг улуши 9,8 фоизни ташкил этди.

Навоий вилоятининг саноат корхоналари ҳозирги кунда 50 дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, аммиак селитраси (юртимизда ишлаб чиқарилаётган аммиакнинг 70 фоизи), нитрон тўқималари (100 фоизи), олгингугурт кислотаси (25,4 фоизи), кимёвий воситалар (4,1 фоизи), оммон сульфати (1 фоизи), цемент (50 фоизи), темир-бетон маҳсулотлар (4,2 фоизи), пахта толаси (3,5 фоизи), пойабзал маҳсулотлари (1 фоизи) ва кийим-кечак (0,5 фоизи), заргарлик маҳсулотлари (5 фоизи), биноларни жиҳозлаш материаллари (6 фоизи), озиқ-овқат маҳсулот турларидан нон-булочка маҳсулотлари (2,4 фоизи), гўшт ва гўшт маҳсулотлари (2,5 фоизи), кондитерлик маҳсулотлари (1,3 фоизи), пиво (2,6 фоизи) ва бошқа маҳсулотлар айнан шу вилоятда ишлаб чиқарилмоқда.

**2. Навоий шаҳрининг транзит ва транспорт-логистика потенциали.** Навоий шаҳридан 3,5 километр узоқликда Навоий халқаро аэропорти жойлашган бўлиб, унинг хизматларидан „Кореан Эйр“ ва „Московия“ (Россия) каби халқаро юк ташувчи компаниялар фойдаланади. Ҳозирги кунда ушбу аэропорт базасида халқаро интермодал логистика маркази фаолият юритмоқда. Навоий халқаро аэропорти Ўзбекистон Республикасининг географик марказида жойлашгани боис ташқи савдо юк ташувларини оптималлаштириш ва юкларга қайта



ишлов бериш, ташқи савдонинг транспорт харажатларини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Навоий аэропорти замонавий техник-технологик жиҳозлангани билан халқаро стандартларга жавоб бериб, барча русумдаги самолётларни қабул қилиш имкониятига эга. Аэропортда узунлиги 4 минг метр, кенлиги 45 метр бўлган учиш ва қўниш майдонларида реконструкция ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, аэродромда иккинчи категорияли ИКАО ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятларини берадиган радиотехник ёруглик сигналлари ўрнатилди.

Навоий аэропорти негизда халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши нагжасида йилига 200 минг тонна экспорт-импорт юklarини қайта ишлаш имконияти яратилди.

Мамлакатимиз ҳаво коридоридан фойдаланиш юklarни транспортда ташишга кетадиган вақт ва харажатларни сезиларли иқтисод қилиш имконини беради. Жануби-Шарқий Осиёдан Европагача бўлган масофа Навоий шаҳри орқали ўтадиган бўлса, Дубай орқали учишга қараганда 1000 километрга қисқаради. Шунингдек, авиақатновлар вақти 1,5 соатга, ёқилги сарфи 15 тоннага камаяди. Навоий аэропорти базасидаги халқаро транспорт хабини яратиш дастури доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг „Кореан Эйр“ компанияси ўртасида узоқ муддатли шартномани имзолашда ушбу шарт-шароитлар ҳисобга олинган.

Халқаро юklar транзитининг деярли ярми Навоий шаҳридан 4 километр узоқликда жойлашган темир йўл магистрالي орқали амалга оширилади.

Навоий орқали Жанубий Эрон ва Туркиянинг портларига, шунингдек, ғарб ва шимол томондан Қора ва Болтиқ денгизлари портларига чиқадиган барча асосий темир йўл трассалари ўтган. Хитойдан Европагача бўлган энг қисқа темир йўл маршрути ҳам Навоий орқали ўтган. „Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон“ темир йўлини ишга тушириш орқали Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга чиқадиган энг қисқа транзит алоқани ўрнатиш мумкин.


Ҳозирги пайтда шаҳарни қуйидаги магистрал темир йўлларга боғлаш учун аэропорт яқинида қурилиш ишлари олиб борилмоқда:

- шимоли-ғарбий йўналишда — Учқудуқ—Нукус—Волгоград (Россия) орқали Европа мамлакатларига чиқиш;
- шарқий йўналишда — Самарқанд—Тошкент—Дўстлик орқали Хитой ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш;
- жанубий йўналишда — Бухоро—Туркменистон—Бандар Аббос (Эрон) орқали Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш.

Бундан ташқари, 2007 йилда ишга туширилган Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли Навоий шаҳри темир йўл разъездига яқин бўлиб, жанубий йўналиш бўйича Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга тўғридан-тўғри чиқиш имконини беради.

ЭИИЗнинг бевосита „Е-40“ автомобиль магистралига яқинлиги энг қисқа йўл билан Европа ва Хитойга қўшилиш имконини беради, шунингдек, бу ердан ўтадиган темир йўллар орқали Марказий Осиё, МДҲ, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази бозорларига кириш имконини беради.

Хитой — Европа йўналишида Навоий халқаро логистика марказидан унчалик узоқ



бўлмаган масофада ўтган „Е-40“ автомобиль магистрალი орқали юк ташувлари Хитой — Россия чегараси орқали ўтадиган йўналишга нисбатан 1000 километрга яқин. Бу транспорт харажатларини ҳар бир автомобиль ҳисобидан 800 долларга қисқартиради. Тошкентдан Бандар Аббос портигача йўлни контейнерли поезд 7 суткада, Тошкентдан Техрон орқали Истанбулга эса 10 суткада босиб ўтади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонни четлаб ўтишдаги вақтга нисбатан 2 бараварга тезроқ.

Мавжуд транспорт, энергетика ва инженерлик коммуникациялари ҳудудга хорижий инвестицияларни самарали жалб этишга, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқлари, жумладан, табиий ресурсларни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга туртки беради.

**3. Навоий вилоятининг истиқболли географик жойлашуви.** Вилоят республика ҳудудининг 25 фоизини ташкил этади. Навоий ва у билан қўшни бўлган Бухоро, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган ҳудудларидан ҳисобланади. Ушбу вилоятлар жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми ва прогноз кўрсаткичлари бўйича мамлакатимизда етакчи ўринларни эгаллайди. Навоий ва ундан 150 километр узоқликда жойлашган Самарқанд ва 110 километр узоқликда жойлашган Бухоро вилоятлари халқаро бизнес ва туризмнинг ҳудудий марказлари сифатида юқори салоҳиятга эга.

Туризм жаҳоннинг кўплаб давлатларининг миллий иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Навоий вилояти, гарчи Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши ва Термиз каби шаҳарлардан бир неча юз километр узоқликда жойлашган бўлса-да, муҳим халқаро туристик марказлардан бири ҳисобланади. Тарихий аҳамиятга эга бўлган кўплаб ёдгорликларни (Кармана, Нурота, Сармишсой қадимги ёдгорликлари ва бошқалар) ва дам олиш зоналарининг (Янгиқазғон дам олиш чўл зонаси, Ҳайдарқўл дам олиш зонаси ва ҳоказолар) мавжудлиги кўплаб туристларни ўзига жалб қилиш имконини беради.

**4. Навоий ва унга чегарадош вилоятларда мавжуд минерал хом ашё базаси.** Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари йирик минерал ресурс захираларига эга бўлиб, улар қурилишда ишлатиладиган мрамор, гранит, оҳақтош, бўр ва бошқа хом ашёлар (Самарқанд вилояти); табиий газ, графит, безак тошлари, оҳақтош, силикат, бетон ва гишт ишлаб чиқариш учун керак бўладиган қум конлари (Бухоро вилояти); нефть, табиий газ конлари, қора ва рангли металлургия учун зарур бўлган рудали ва рудасиз қазилма конлари, чинни ва керамика хом ашёси, бентонит тупроғи ва глауконит захиралари ва бошқалардир.

Олтин, вольфрам, мис, қўрғошин ва рух, алюминий, сурьма, тошкўмир, ёнувчан сланец ва олтингургуртнинг истиқболли рудалари кўринишидаги захиралар ҳам разведка қилинган (Қашқадарё вилояти).

Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё ресурсларининг асосий захираси Қизилқум минтақасида жойлашган. Марказий Қизилқум ҳудудида каолиннинг 50 дан ортиқ тури борлиги аниқланган бўлиб, унинг захираси 240,8 минг тоннани ташкил этади. Лангар фойдали қазилма конлари ёнувчи сланец, доломит, оҳақтош, дала шпати каби фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, захираси 9,2 миллион тоннани ташкил этади.

Навоий вилояти ҳудудида кенг кўламли разведка-қидирув ишлари олиб борилиши натижасида Ловилакон (Конимех тумани) ва Тузқудуқ (Учқудуқ тумани) каби йирик туз конлари борлиги аниқланди. Вилоят ҳудуди қурилиш материалларига (Ғозғон ва Нурота мрамари, Лангар ва Қорасой гранити ва габроси, Азлартол ва Қорасой гранит тошлари, волостонит ва бошқалар) ҳам бойдир.

**5. Малакали кадрлар ва интеллектуал салоҳият, аҳолининг юз фоизли саводхонлиги, нисбатан арзон ишчи кучи, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган таълим тизими.** Ўзбекистоннинг тарихан шаклланган юқори илмий мактаби, академик ва илмий-текшириш

институтларининг кенг тармоғи инновацион ишланмаларнинг ривожини рағбатлантиради. Мамлакатимизда ҳар йили хорижий ва маҳаллий ихтирочилар иштирокида инновацион технологиялар ярмаркалари ўтказиб турилади.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида келажак технологиялари, янги ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни жалб қилиш йўли билан кейинги 20—30 йил ичида долзарб бўлиб қоладиган экологик тоза, замонавий, диверсификацияланган саноат базасини яратиш имконияти мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам, эркин индустриал-иқтисодий зонада ишлайдиган инвесторлар учун етарли инновацион лойиҳалар мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимиз илм-фани саноатдаги технологик жараёнлар, қурилма ва материаллар, био- ва нанотехнологиялар, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, тиббиёт ва тиббий техника, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишга тайёр бўлган ўнлаб ишланмаларни таклиф қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда исталган замонавий ва мураккаб технологияларни эгаллаш ва жорий этиш мумкинлигининг тасдиғидир.

#### **5.4. „Навоий“ ЭИИЗга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари**

Навоий вилоятида хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларимизда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-3594-сонли Қарори қабул қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу, аввало, хорижий инвесторлар иштирокида йирик ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш имкониятини бермоқда. Ҳозирги кунда вилоят хўжалигида хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган 40 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатиб турибди. АҚШ, Панама, Хитой, Россия ва Украина инвесторлари иштироки билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми озиқ-овқат саноатига (7 та), кимё саноати (6 та), транспорт ва алоқа тармоғи (5 та), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати (6 та), машинасозлик (4 та), энгил саноат (4 та), савдо (3 та), рангли металлургия (2 та), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (1 та) саноат тармоқларига тўғри келади.

Юқорида қайд этилганидек, Навоий вилоятининг инвестицион мавқеини (имижини) кўрсатадиган устувор омиллар қуйидагилардан иборат:

- транспорт йўллари (автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари) ривожлангани ва замонавий алоқа телекоммуникация воситалари билан таъминлангани;
- энергетика бозорининг мавжудлиги;
- интеллектуал кадрлар салоҳиятига эга экани;
- қулай ижтимоий-иқтисодий ва маданий, шунингдек, туристик муҳитнинг мавжудлиги;
- ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг барқарорлиги;
- шаҳар аҳолисининг юқори тўлов имкониятларига эга экани;
- инфратузилмани ривожлантириш ва, шунингдек, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлайдиган имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар.


Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилган:

— қайта тиклаш, мавжуд корхоналарни техник жиҳозлаш ва кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, комплекс иқтисодий чора-тадбирларни кўриш;

— вилоятда хом ашё ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиб, янги корхоналар қуриш;

— минерал хом ашё ва сув ресурсларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган бўлса, „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 12 та корхона фойдаланишга топширилди. Навоий кон-металлургия комбинати, „Навоийазот“ компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.



5.4.1-расм. „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасининг мултимодал транспорт логистика узели.

**„Навоий“ ЭИИЗнинг концепцияси.** Навоий шаҳри аэропорти базасида эркин иқтисодий-индустриал зонани ташкил қилиш концепцияси инновацион-индустриал, транспорт-логистика ва ижтимоий-рекреацион комплексни ташкил этишга асосланган.

Яратилаётган индустриал ЭИИЗ комплексида маҳаллий хом ашёга асосланган хорижий бозорда рақобатдош ишлаб чиқаришни ташкил қилиш режалаштирилган. Мавжуд хом ашё потенциали йирик номенклатурада тайёр маҳсулотларни, айниқса, тўқимачилик, тикув ва чарм-пойабзал товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий, нефть-кимё, фармацевтика, қурилиш, шунингдек, электротехника, телекоммуникация ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Инновацион технологияларни қўллаш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш натижасида экологик жиҳатдан тоза ва энергияни тежайдиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

Ишлаб чиқариш комплекси Навоий шаҳрига яқин бўлган 564 гектар майдонда 21 та кластерга бўлинган ҳолда жойлаштирилган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, давлатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 40 тага яқин лойиҳа бўйича 900 миллион долларлик хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти мавжуд. Мазкур лойиҳалар доирасидаги ишлаб чиқариш корхоналари тўла қувват билан ишлашга ўтганида улар томонидан 1,5 миллиард доллардан зиёд экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Яқин келажакда эса амалга оширилаётган лойиҳалар сони 100—120 тага етказилади ва натижада „Навоий“ ЭИИЗда ички ва ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган 5,5 миллиард долларга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади.

„Навоий“ ЭИИЗ махсус иқтисодий ҳудуднинг барча классик функцияларини — янги технологияларни, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқаларни бажаради.

*„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва Интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна еттига лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.*

**Ислом Каримов**



ЭИИЗ „ўсиш нуқтаси“нинг локомотивини ташкил этиб, умумий миллий масштабда иқтисодий модернизация жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади.

„Навоий“ ЭИИЗнинг ташкил этилиши Навоий вилоятининг бир тармоқли тараққиётини баргараф этиш имконини беради. Ҳозирги кунда бу ерда тоғ-металлургия тармоғи яхши ривожланган. Аммо ҳар қандай конлар ҳам одатда тугайди. Стратегик тараққиёт дастури асосида 20—30 йилдан сўнг вилоятдаги мавжуд тармоқлар атрофида янги соҳаларни яратиш орқали ҳудуднинг индустриал-инновацион тараққиёт салоҳияти янада ошади.

„Навоий“ ЭИИЗда саноатнинг машинасозлик, станоксозлик тармоқларини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Минтақада фойдаланилмаётган катта кремний захираси мавжуд бўлиб, унинг негизида қуёш батареялари учун кремний пластиналарини ишлаб чиқарадиган корхона ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун фақат замонавий техника ва технологияларни олиб келиш керак. Маҳаллий хом ашёга асосланган замонавий тўқимачилик тармоғини, озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

**„Навоий“ ЭИИЗда ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари.** „Навоий“ ЭИИЗдаги хўжалик субъектларининг асосий хўжалик фаолияти юқори технологик рақобатдош хорижий асбоб-ускуналарни, техникаларни, технологик линиялар ва моделларни, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш орқали жаҳон товарлар бозорига кенг доирадаги рақобатдош маҳсулотлар етказиб берадиган, технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат.

„Навоий“ ЭИИЗ ҳудудида саноатнинг барча тармоқларида хом ашёдан то тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида тўлиқ акс эттирадиган саноат комплексини яратиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

„Навоий“ ЭИИЗни яратиш концепцияси ва устувор йўналишлари асосида „Навоий“ ЭИИЗда қуйидаги тармоқ ва йўналишларда корхоналар жойлаштирилмоқда:

- электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш;
- машинасозлик, асбобсозлик ва ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқарадиган комплекс корхоналар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- пластик ва полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

„АгроФреш“ корхонаси „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига киради. Ушбу янги корхона „Марказ-саноатэкспорт“ ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг „Kefaya General Trading Co“ компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона Италиянинг 3000 тонна мевасабзавот маҳсулотини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали бошқариладиган музлатиш ускуналари билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.

„Ўзбектелеком“ акциядорлик компанияси ва Сингапурнинг „Servetechno Pte.Ltd“ компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган „Telecom Innovations“ қўшма корхонаси рақамли телевидение учун йилига 50 минг дона приёмник ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 миллион долларни ташкил қилади. Янги корхона 30 нафардан ортиқ ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Уларнинг аксарияти маҳаллий касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

**Навоий вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг 2011 йил якунидаги ҳолати тўғрисидаги маълумот<sup>102</sup>**

№	Шаҳар (туман)лар бўйича корхоналар кесимида	Ташкил этилган йил (ой)	Асосий фаолият тури	Амалда фаолиятини бошлаган (йил, ой)	2011 йил		Иш ўринлари
					ишлаб чиқариш (млн. сўм)	шундан экспорт (минг АҚШ долл.)	
„Навоий“ ЭИИЗда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар							
1	„O‘ZMINDA“ Ўзбекистон — Ҳиндистон ҚК	15.03.2010	автомобиль ва трактор эҳтиёт қисмлари	2010 й	2142	193,9	11
2	„UZKOR LIGHTING“ Ўзбекистон — Корея ҚК	18.03.2010	тежамкор лампалар	2011 й	190		5
3	„TELEKOM INNOVATIONS“ Ўзбекистон — Сингапур ҚК	23.02.2010	рангли рақамли ТВ сигналлар қабул қилиш ускуналари	2010 й	7051		30
4	„UzEraeCabel“ Ўзбекистон—Корея ҚК	31.12.2009	автомобилларга кабеллар	2010 й	11140,0	0,9	62
5	„AGROFRESH“ Ўзбекистон — БАА ҚК	23.09.2009	тайёрлов корхонаси	2010 й	2639,8		21
6	„DUGASTECH“ Ўзбекистон — Корея ҚК	20.05.2010	электрон газ ҳисоблагичлар				14
7	„Navoiy — Beauty cosmetics“ Ўзбекистон — Корея ҚК	09.07.2010	косметика маҳсулотлари	2010 й	501		19
8	„O‘zEraeAlternator“ Ўзбекистон — Корея ҚК	23.07.2010	автомобиль генераторлари ва компрессорлари	2011 й	3664	0,4	23
9	„CFM Proenergies“ Ўзбекистон — Сингапур ҚК	27.08.2010	диодли лампалар				1
10	„Navoiy — Hunan Pulp“ Ўзбекистон — Хитой ҚК	01.11.2010	санитария-гигиена маҳсулотлари	2011 й	748		12
11	„KO-UNG CYLINDER“ Ўзбекистон—Корея ҚК	08.04.2011	автомобиллар учун газ баллонлари				5
	Жами:	x	x	x	28075,8	195,2	203

Шунингдек, полиэтилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарадиган яна икки завод ҳам ишга тушди. „Полиэтилен қувурлари“ корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача бўлган 8,6 минг тонна полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион долларни ташкил этади. Корхона 40 нафардан ортиқ ёш мутахассисни, хусусан, маҳаллий касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади. Бу ерда

<sup>102</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимиятининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

келгусида 50 фоизгача бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Энг муҳими, 70 га яқин янги иш ўрни яратилди. Корхона тўла қувват билан ишлаб бoшлагач, унинг экспорт ҳажми 5,9 миллион доллардан ошади. Йилига 2300 погон километр қувватга эга „Полипропилен қувурлари“ корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача бўлган полипропилен қувурлар ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллион долларни ташкил қилади.

Яна бир янги корхона — „UzEgaeCabel“ қўшма корхонаси „Ўзавтосаноат“ акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг „Egae cc Ltd“ компанияси томонидан ташкил этилди. Мазкур корхона йилига 150 минг километр автомобиль симларини ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 13 миллион долларни ташкил этади. „GM Ўзбекистон“ заводи учун автомобиль жгутларини ишлаб чиқарадиган „ЎзКоджи“ қўшма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг асосий буюртмачисидир. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 20 фоизини Женерал Моторсинг яқин мамлакатлардаги корхоналарига экспорт қилиш кўзда тутилган.

„UzMinda“ ҚК „Ўзавтосаноат“ АК ва Ҳиндистоннинг „Minda Capital“ компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхона автомобиллар спидометрлари ва хавфсизлик тизимларини ишлаб чиқаради ҳамда маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш истиқболига эга. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 251 минг автокомплектни ташкил этади. „UzMinda“ ҚК 195 тагача, шу жумладан, 191 нафар маҳаллий мутахассислар учун янги иш ўринлари яратишни кўзда тутган.

„Навоий“ ЭИИЗ ҳудудиди, шунингдек, „Навоийазот“ ОАЖ ҳамда „DK Cosmetics“ (Корея) компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган „Navoi Beauty Cosmetics“ ҚК ҳам фаолият юритмоқда. Корхона ҳар йили 2,1 миллион дона косметика маҳсулотлари (лосьонлар, кремлар, пудралар ва бошқалар) ва ювиш воситалари ишлаб чиқаради. Корхона 42 нафар ходимни иш билан таъминлайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонасида умумий қиймати 14 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган бешта янги корхона очилди. Уларнинг барчаси замонавий, юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган ҳамда ички бозорда харидоргир ва жаҳон бозори учун рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга. Хорижий инвесторлар қаторига Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг йирик компаниялари киради.

„Ўзэлтехсаноат“ ассоциацияси ва „Shinghwa Lighting“ (Корея Республикаси) компаниялари томонидан яратилган „UZKOR Lighting“ МЧЖ ҚК бугунги кунда ишлатилаётган чўғланма лампаларни энергияни тежайдиган лампаларга босқичма-босқич алмаштириш бўйича вазифаларни амалга оширишга ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Қўшма корхона йилига 6 миллион дона энергияни тежайдиган газ разрядли ихчам лампалар ишлаб чиқаради, шундан сўнг корхона тўла қувват билан бу рақамларни 13,7 миллион донага етказиши назарда тутилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 4,7 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда 45 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг деярли ярми экспорт қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг „Ўзпромшароит“ ДАЖ ҳамда „СФМ холдинг“ (Сингапур) компанияси ҳамкорлигида „SFM ProEnergies“ МЧЖ ҚК ташкил этилди. Қўшма корхона ёруғлик диодли лампалар, кўчаларни ёритиш ускуналари, светофорлар, прожектор ва ёруғлик диодли реклама панелларини йилига 2 миллион донадан ортиқ ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш нафақат мазкур ҳудудда, балки МДХ давлатларида ҳам илк бор йўлга қўйилмоқда. Лойиҳа қиймати 5 миллион долларни ташкил этмоқда. 50 та иш ўрни яратилган бўлиб, корхона тўла қувват билан ишга туширилгач, бу ерда 150 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Корхона маҳсулотининг 50 фоиздан ортиғи ташқи бозорга чиқарилади. Бозорда фаолият олиб бораётган рақамли телевидение учун приёмниклар (Set-Top Box) йиғиш билан шуғулланадиган Ўзбекистон—Сингапур „Telecom Innovations“ ҚК негизиди „ЗТЕ“ (ХХР) ва Ўзбекистон Алоқа ва ахбо-

роғлаштириш агентлиги иштирокида уч томонлама қўшма корхона ташкил этилди. Корхонада телекоммуникация ускуналари бўлган ADSL ва DSLAM модемлари ишлаб чиқарилади. Бу оддий телефон линиясидан бир вақтнинг ўзида ҳам телефон, ҳам тезкор Интернетдан фойдаланиш имконини яратадиган маълумотлар узатиш технологияларидир.

Мазкур импорт ўрнини босувчи ускуналар йилига жами 25 минг дона чиқарилади. „Ўзфармсаноат“ ДАЖ нинг „Хансанг фарм“ МЧЖ тайёр дори воситалари ва тиббиётга мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқара бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион доллар бўлиб, уни амалга ошириш 10 миллиондан ортиқ таблетка ва галенли препаратларни ишлаб чиқариш имконини яратади. Корхона маҳсулотининг 15 фоизи экспорт қилиниши мўлжалланмоқда. 45 та иш ўрни яратилган. 2013 йилнинг охирига қадар автомобиллар учун газ баллонлари, электрон газ ҳисоблагичлар ҳамда ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган яна тўртта корхонани ишга тушириш режалаштирилмоқда.

### 5.5. Ўзбекистон Республикасининг янги эркин иқтисодий зоналари

Мамлакатимиз иқтисодиётини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси тажрибасига таяниб, ҳукуратимиз томонидан янги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш амалиёти изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудидаги иккинчи эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ангрен“ махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида“ги 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонига биноан Тошкент вилоятида ташкил этилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, „Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, „Ангрен“ махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди“.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларини Фарғона водийси вилоятлари билан боғлайдиган транспорт йўлакларидан бири айнан Камчиқ довони орқали, яъни Ангрен шаҳри ҳудудидан ўтади. Бу вазифани „Ангрен“ логистика маркази бажармоқда. Юклар, аввало, логистика марказида йигилади ва у ердан оғир юк ташувчи автомобилларга юкланиб, водий вилоятларига жўнатишмоқда. Ўтган йили 2,6 миллион тонна юк ташилгани ушбу ҳудуднинг аҳамиятини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, янги махсус марказ бу борада ҳам муҳим роль эгаллаши турган гап.

Умуман, Ўзбекистонда ташкил этилган иқтисодий зона тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилади. Бу, айниқса, Ангрен шаҳрини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

„Ангрен“ махсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. „Ангрен“ МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади.

„Ангрен“ махсус индустриал зонасида қатнашадиган инвесторлар, корхоналар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланади:

*Қўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрен каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфра-тузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.*

**Ислом Каримов**



- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

- „Ангрен“ МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йигимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

**Юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан, эквиваленти:**

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

Ҳозирги кунда „Ангрен“ махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан **учинчи эркин индустриал зона**ни Жиззах вилоятида ташкил этиш бўйича Президент Қарори қабул қилинди. У Хитой билан ҳамкорликда барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатда манфаатдор вазирлик ва идораларга, шунингдек, Жиззах вилояти ҳокимлигига 2013 йилнинг I чорагида, Хитой Халқ Республикасининг ваколатли органлари билан таъсис ҳужжатларини келишишни тугаллаш тўғрисида кўрсатма берилган.

Махсус зона Жиззах вилояти ва у билан туташ ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестициялар ва илгор инновацион технологияларни жалб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш учун қандай ижтимоий-иқтисодий имкониятлар мавжуд?
2. Ўзбекистонда ЭИХларни ташкил қилиш учун қандай лойиҳалар ишлаб чиқилган?
3. „Навоий“ ЭИИЗда хорижий инвесторлар учун қандай имтиёзлар мавжуд?
4. „Жиззах“ эркин иқтисодий ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил қилиш афзалликлари нималардан иборат?
5. „Навоий“ ЭИИЗ фаолиятининг ўзига хос томонларини тушунтириб беринг.
6. ЭИХларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий асослар қандай аҳамиятга эга?
7. ЭИХларни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари нималардан иборат?
8. ЭИХларга хорижий инвестицияларни киритишнинг шарт-шароитларини тушунтириб беринг.
9. ЭИХлар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари ҳақида гапириб беринг.
10. ЭИХлардаги инвестицион муҳитнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?




6.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, фоизда<sup>103</sup>.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990—2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробар, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошгани фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки, асосан, интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.



6.1.2-расм. Мамлакатимиз бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариши динамикаси, гектарига центнердан<sup>104</sup>.

<sup>103</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>104</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Мустақиллик йилларида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавотлар ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоизга ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарор-

*Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча қишлоқ меҳнаткашларига уларнинг мардлиги ва матонати, мамлакатимизнинг тараққиёти ва равнақиға қўшаётган улкан ҳиссаси учун ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.*

**Ислом Каримов**

лиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз имкониятларимиз билан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меъёрга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мева бўйича 42,6 фоизни, узум бўйича 93,8 фоизни, картошка бўйича 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич мева бўйича 119,7 фоизни, узум бўйича 156,3 фоизни, сабзавот бўйича 229,2 фоизни, картошка бўйича 135,4 фоизни ва полиз бўйича 245,1 фоизни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 фоизга, узум 166,7 фоизга, сабзавот 186,9 фоизга ва картошка 453,6 фоизга ошгани бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди (6.1.1-жадвал).

6.1.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, килограмм ҳисобида<sup>105</sup>

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	Ҳақиқатда, кг		1991 йилда меъёрга нисбатан, фоизда	2012 йилда	
		1991 йилда	2012 йилда		меъёрга нисбатан, фоизда	1991 йилга нисбатан, фоизда
Мева	56,4	24,0	67,5	42,6	119,7	281,2
Узум	25,6	24,0	40,0	93,8	156,3	166,7
Сабзавот	113,0	138,6	259,0	122,6	229,2	186,9
Картошка	50,6	15,1	68,5	29,8	135,4	453,6
Полиз	19,3	39,0	47,3	202,1	245,1	121,3

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли юртимизда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори ҳам барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш (сўйилган вазнда) 36,7 килограммни (талабга нисбатан 91,8 фоиз), сут 247,5 килограммни (талабга нисбатан 176,8 фоиз), тухум 131 донани (талабга нисбатан 108,4 фоиз) ташкил этди.

<sup>105</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

## 6.2. Аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

- мулкӣй ва таркибий ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилган туб иқтисодий ислоҳотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирлари натижасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари юзага келди;

— қишлоқ меҳнаткашларининг ер, мулк ва ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилишини кафолатлайдиган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилди;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган хўжалик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг бозор муносабатларига мос механизмлари амалиётга жорий қилинди;

— юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобидан қондириш, энг асосийси, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилди;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хўжалик субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, уларнинг маҳсулотига нарх белгилаш, моддий-техник таъминот ва бошқа йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар жорий қилинди;

— аграр соҳада устувор йўналиш сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегик жиҳатдан самарали йўл деб белгиланди.

Соҳада амалга оширилаётган мулкӣй-таркибий ислоҳотларда энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, турли мулк шаклларига, энг аввало, хусусий мулкчиликка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008—2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Фермерларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнларини кучайтириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш мақсадида 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг Фермерлар уюшмасидан фарқ қиладиган муҳим белгилари:

- нодавлат нотижорат ташкилот экани;
- кенгаш ижро аппаратини алоҳида шахс бошқариши;
- Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг барча аъзолари фермер хўжаликлари раҳбарларидан ташкил топиши;
- юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий тузилмаларнинг мавжудлиги;
- кенгашларнинг ҳуқуқшунос, иқтисодчи, ҳисобчи каби мутахассислар билан таъминлангани;
- кенгашлар муҳокамасига қўйилган масалалар очиқ ва кўпчилик овоз билан ҳал этилиши;
- кенгашларда тафтиш комиссияларининг мавжудлиги.

Фермерлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар:



- фермер хўжаликларига ер участкаси бериш бўйича туман комиссияси таркибига туман фермерлари кенгаши раиси киритилади;
- фермер хўжаликлари томонидан контракция шартномаларини тузишда туман фермерлар кенгаши ҳуқуқшуноси иштирок этиши шарт;
- фермер хўжаликларига янги солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш бўйича қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда;
- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда;
- ривожланган давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, амалиётга илғор хорижий тажрибалар жорий этилмоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни янада мақбуллаштириш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар орасида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қўйидагиларда кўриш мумкин:


- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- „Микрокредитбанк“нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирадиган фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003—2012 йилларда юртимизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2012 йилда 1 630,7 миллиард сўмга ошди (6.2.1-расм).



6.2.1-расм. Мамлакатимизда 2003—2012 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштирадиган қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, миллион сўмда<sup>106</sup>.

Тижорат банкларининг фермер хўжаликларига ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари тижорат кредитлари фоиз ставкаларидан 2—3 баробар паст бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижаси бўлиб, фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

**Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш** мақсадида Ўзбекистон Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- янгитдан ташкил этилган, пахта, галла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли Қарорига асосан чет эл техникасини олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникаси учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда фермерлар қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли Қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Аграр соҳада амалга ошириладиган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги „Пахта

<sup>106</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

нархини шакллантириш механизми тўғрисида“ги ПФ-3114-сонли Фармонида асосан давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли Қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга соғиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшилган қиймат солиги тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари шунча миқдорда кўтарилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирадиган фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли Қарорига асосан пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушаётган маблағларнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 218 627 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олишлари учун кенг имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги „**Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**“ги ПҚ-725-сонли Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиги бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси белгилаб берилган эди.


„Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етиштирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида“ги низомга асосан ушбу мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағлари:

— фермер хўжаликларининг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорликни, банк кредитлари ва иш хақи, шунингдек, пахта хом ашёси етиштириш учун сотиб олинган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзларни тўлашга;

— келгуси йил ҳосили учун сотиб олинмаган ресурслар ва кўрсатилмаган хизматлар учун олдиндан тўловларга;

— ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилда 60 миллиард сўмдан 2013 йилда 200 миллиард сўмгача ёки 333,3 фоизга ошди. 2008—2013 йилларда бу мақсадлар учун ажратилган жами маблағлар қиймати 810 млрд. сўмни ташкил этди ва бу фермер хўжаликларининг молиявий аҳволини яхшилашга муҳим ҳисса қўшди (6.2.2-расм).



6.2.2-расм. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликларига давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар қиймати, миллиард сўмда<sup>107</sup>.

Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда.

### 6.3. Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик тармоқларида илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011—2015 йиллар мобайнида:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

*Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.*

**Ислом Каримов**

<sup>107</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

— қишлоқ хўжалигида илгор агротехнологиялар, ресурс тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уругчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

— мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

— наслчилик ишларини такомиллаштириш, озиқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озиқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

— зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари бош сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 1,3 марта ошириш;

— паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажминини кенгайтириш тadbирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни — 1,7 баробар, гўшт консерваларини — 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини — 1,8 баробар, сут маҳсулотларини — 1,9 баробар ошириш;

— суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

— қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совитиш камераларига эга омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011—2015 йилларда 120,8 минг тонна сифимга эга бўлган янги совитиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сифимга эга бўлган мавжуд совитиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси, биринчи навбатда, суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги

*Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда.*

*Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради.*

**Ислom Каримов**

шўрланмаган ерларга нисбатан 50—60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90—100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги „Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008—2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурда мелиорация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалға ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказадиган иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалға ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришға давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилға бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2012 йилға келиб бу кўрсаткич 201,5 миллиард сўмға етди. Ўтган 2008—2012 йиллар давомида жами ажратилган маблағлар қиймати 751,4 миллиард сўмни ташкил этди (6.3.1-жадвал).

2012 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда, ижтимоий соҳани янги босқичға кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати 541,65 миллион АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та лойиҳа амалға оширилмоқда. Шундан 2012 йилда қиймати 79,94 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маблағлар ўзлаштирилиб, бу лойиҳалар асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалға оширилмоқда. Амалға оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006—2012 йиллар мобайнида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2109 минг гектардан 2192 минг гектарға кентайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 118 минг гектарға қисқарди. Ерости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 272 минг гектардан 177 минг гектарға қисқарди.

6.3.1-жадвал

Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларға ажратилган маблағлар, миллиард сўмда<sup>108</sup>

Тадбирлар номи	Жами 2008—2012 йилларда	шу жумладан:				
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	310,3	22,4	57,3	63,8	81,6	85,2
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	313,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришға	127,6	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7
<b>Жами</b>	<b>751,4</b>	<b>90,3</b>	<b>130,8</b>	<b>150,2</b>	<b>178,6</b>	<b>201,5</b>

<sup>108</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илгор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғоришнинг пахта экиладиган майдонларда қўлланиши орқали сув сарфини 30—40 фоизга, меҳнат сарфини 50—60 фоизга тежаш ва ҳосилдорликни 90—150 фоизгача ошириш мумкин.

Юртимиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда бир қатор худудларда экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Шу кунгача 5495,8 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 1208,7 гектарга эгатта полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 1662,7 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир. Истикболда — 2013—2017 йиллар давомида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

— суғориладиган ерларда ерости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;

— хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;

— қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларнинг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда

қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилги сарфлаш меъёри замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннари ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илгор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг „Класс“ компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дона трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

*Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз. Айтиш пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим.*

**Ислом Каримов**

*Масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Таққослаш учун қуйидаги бир мисолни келтираман: Дания ва Жанубий Кореяда сут соғиб олиш бўйича ўртача кўрсаткич 8—9,5 минг килограмми, Венгрия, Германия, Голландияда эса 6—7 минг килограмми ташиқ қилаётган бир пайтда бизда кейинги беш йилда бу рақам 1,7 минг килограмм даражасида сақланиб қолмоқда.*

**Ислом Каримов**

**2006—2011 йилларда мамлакатимиз бўйича янги сотиб олинган  
қишлоқ хўжалиги техникалари<sup>109</sup>**

Техникалар номи	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2006—2011 йиллар давомида жами
Тракторлар, жами	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Ҳайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Культиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Плуглар	130	90	117	244	67	153	801
Дон ўриш комбайнлари	116	93	332	123	167	245	1076

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурларида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, юртимизда чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамасдан, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдор ва касалликларга чидамли зотларининг етишмаслиги, чорвачиликнинг мустақкам озиқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикаимиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озиқа базасини мустақкамлашга қаратилган. Бунинг учун:


- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустақкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озиқа экин майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озиқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда чорвачилик ривожланган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006—2012 йиллар мобайнида Украина, Белорусь, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 28174 бош насли голштинфриз (Германия, Польша), қора-ола (Белорусь, Украина), қизил-чўл (Украина), симентал (Австрия) зотларига мансуб зотдор қорамоллар келтирилди.

Четдан келтирилган моллардан туғилган бузоқлар сони 55519 бошга етди. Кейинги йилларда кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 448 тага етказилиб, уларда 107751 бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Биргина 2012 йилда уларда 7,2 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилди (6.3.1-расм).

<sup>109</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.





6.3.1-расм. Хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар сони<sup>110</sup>.

Чорва моллари наслини ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича наслчилик-селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Завод типидagi наслчилик фермер хўжалик-лари четдан келтирилган голштинфриз, бушуев, симентал, швиц, қора-ола ва қизил-чўл зотли моллар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжалик-ларда сигирлардан бир кунда 20—30 килограммдан ёки лактация давомида 6—7 минг кило-граммдан сут соғиб олинмоқда.

Республикаимиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

#### 6.4. Аграр секторни истиқболда ривожлантириш йўналишлари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги сугориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдор, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларини жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармогини комплекс ривожлантиришда, асосан, чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан уларнинг маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

— чорвачилик тармогининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

— наслчиликни тубдан яхшилаш;

— тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;

— паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;

— чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;

— озиқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озиқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

— қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

— ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

— ҳудудларнинг экологик ҳолати бўйича географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш тармогини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хом ашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

— давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва галла етиштиришда асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

— пахта ва галладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган хўжаликларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

— қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

— қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

— маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида про-тектионизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

— унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштирадиган фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

— атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

— ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

— қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

— қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда, миллий тизим яратиш;

— экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

— хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Аграр сектор тармоқларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?

2. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг қандай устувор йўналишларини биласиз?

3. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?

4. Фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажмини мақбуллаштириш жараёнининг мазмуни ва мақсади нималарда кўринади?

5. Фермер хўжаликлари учун қандай молия-кредит ва солиқ имтиёзлари яратилган?

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш деганда нимани тушунасиз?

7. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилишнинг асосий устувор йўналишлари нималардан иборат?

8. Суғориладиган ерларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолати тушунчасига таъриф беринг.

9. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

10. Истиқболда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

---

## 7-БОБ. АҲОЛИГА КЕНГ КЎЛАМЛИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

### 7.1. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолати

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда хизматлар бозори хизматларнинг янги истиқболли турлари — туризм, банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматларни ривожлантириш ҳисобидан такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт билан таъминлашни кескин ошириш уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тобора кўпайишига имкон яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор фармонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор берилиб, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ҳам туризм тўғрисида кўрсатув ва материаллар берилётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида:

*2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.*

**Ислом Каримов**

„Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012—2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54—56 фоизга етказилишини назарда тутиши лозим“<sup>111</sup>, деб бу соҳага алоҳида эътибор қаратганини кўришимиз мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда қабул қилинган „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида“ги Қарори ушбу соҳани янада ривожлантиришда кучли туртки бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожлангани ва ушбу йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсгани, соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этгани таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ва бу соҳада қўшимча иш ўринларини ташкил этиш учун шароитлар яратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Куйидаги 7.1.1-жадвалда аҳолига кўрсатилган юқори кўламли хизматларнинг мамлакатимиз минтақалари бўйича ривожланиш даражаси акс этирилган.

<sup>111</sup> Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 21 январь.

**2008—2012 йилларда Ўзбекистон минтақалари бўйича хизматлар ривожланишининг ҳолати (солиштирма нархларда)<sup>112</sup>**

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақалар номи	Хизматлар ҳажми ўсиши									
		2012 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
	Ўзбекистон Республикаси	118	121,3	118,9	116,7	121,8	114,9	115,0	113,2	114,9	114,2
<i>Шу жумладан:</i>											
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	118,5	123	118,7	116,2	119	116,4	114,1	117,7	115,5	106,7
2.	Андижон вилояти	117	123,5	117,2	120,1	118	116,6	114,3	116,2	116,8	116,3
3.	Бухоро вилояти	118	123,5	118,2	121,2	119	118,4	117,2	116,5	116,5	116,8
4.	Жиззах вилояти	119,7	120,2	122	114,8	125	119,6	113,3	118,8	116,5	118,6
5.	Қашқадарё вилояти	117,7	117,7	118,2	117,1	121,6	115,1	116,7	118,0	117,0	118,5
6.	Навоний вилояти	120,6	124,6	121,2	120,6	125	116,4	111,4	116,8	115,0	111,9
7.	Наманган вилояти	119,4	120,6	122,1	122,8	125	121,6	114,2	119,4	116,0	117,3
8.	Самарқанд вилояти	117	135,6	117,2	121,6	120	121,6	115,5	117,3	117,4	117,6
9.	Сурхондарё вилояти	122	120,7	122,1	120	124	116,4	114,2	120,4	116,5	117,3
10.	Сирдарё вилояти	116,2	126,6	116,7	124,3	120	117,2	115,1	124,4	117,0	112,3
11.	Тошкент вилояти	122,2	132	122,5	123,7	125	119,6	114,4	114,2	116,5	112,2
12.	Фарғона вилояти	120	125,6	120,1	124,5	122,5	120,5	113,6	116,5	116,0	117,5
13.	Хоразм вилояти	120	121	120,1	118,9	122	115,8	115,9	119,1	115,9	116,8
14.	Тошкент шаҳри	114,5	124,3	116,2	116,6	121	115,4	117,4	117,2	117,0	114,8

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан ўтган 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсганини кузатишимиз мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз маърузасида мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлиги белгилаб берилган.

Ўтган 2012 йилда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда асосий масалалардан бири бўлиб келди.

Шунингдек, Президентимиз ўз маърузасида, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустақамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида“ги Қарори мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожланишига кенг имкониятлар яратди.

Қайд этиш лозимки, ушбу қарорга асосан мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2011 йилда 52 фоиздан зиёдга ўсди<sup>113</sup>. Хизматларнинг эса ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида қайд этганидек, 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга янги иш ўрни ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор, қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асносида мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

2012 йилда қабул қилинган „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури“ ўз ичига қуйидагиларни олган:

2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари;

2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари;

2012—2016 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган янги хизмат турларини ривожлантиришнинг прогноз параметрлари белгиланган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури мақсадли параметрларининг белгиланган муддатларда сифатли ҳамда тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда қуйидагиларни ишлаб чиқди:

2012—2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини шаҳарлар, туманлар ва хизмат турлари бўйича ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари;

---

<sup>113</sup> Президент Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

2012—2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда эса қуйидагиларга алоҳида аҳамият берилган:

— хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида талаб катта бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдириш;

— шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда, тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

— биринчи навбатда, қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан ёшларни кенг жалб этиш.

Ушбу дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича „Микрокредитбанк“ ОАТБ маблағлари ҳисобидан 2012—2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтириладиган имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Ана шу кредит ресурсларини, асосан, қуйидагиларга йўналтириш режалаштирилган:

— ажратиладиган имтиёзли кредит ресурслари хизмат кўрсатиш соҳасининг янги объектларини барпо этишга, шунингдек, хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган амалдаги тадбиркорлик субъектларини техник ва технологик жиҳозлашга (қайта жиҳозлашга) мақсадли тарзда йўналтирилади;

— имтиёзли кредит ресурсларини олиш учун устувор ҳуқуқ қишлоқ жойларда хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига берилади.

## **7.2. Ўзбекистонда туристик хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмнинг ҳам ўрни катта бўлиб, ундан даромад олиш, маҳаллий аҳоли талабларини қондириб, унга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Давлат миқёсида амалга ошириладиган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса мамлакатимизга жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор фармонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган нутқида: „2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши эса бугунги кунда

52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда<sup>114</sup>, деб бу соҳа ривожига яна бир бор катта эътибор қаратди.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ташкил этилишига назар ташлайдиган бўлсак, соҳанинг асосий ҳуқуқий ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг „Туризм тўғрисида“ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонундаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида бундай дейилган: „Туристик хизматлар — туристик фаолият субъектларини жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар“.

Туристик хизматлар — турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характери ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар — туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланадиган туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Сирасини айтганда, хизматлар — кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди. Хизматнинг товардан асосий фарқи ҳам шунда. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг пайдо бўладиган ерига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристик хизмат таркибига хизматларни буюртма қилиш, ташиш, жойлаштириш ва бошқа барча расмийлаштириш ишлари, ташиб беришнинг барча турлари, трансфер, овқатлантириш, экскурсия ва аттракционлар, тиббий кўрик ва суғурта, таржимон хизматлари, учрашувлар ҳамда бошқа хизматлар билан таъминлаш киради. Хизматлар таркибига яна гуруҳ бошлиғи хизмати билан гид — таржимоннинг хизмати ҳам киритилиши мумкин.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, хусусан, туризм соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳада ҳам туристларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида техник модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги меҳмонхоналар қайта таъмирланмоқда ҳамда замонавий транспорт воситалари сотиб олинмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ривожланишига назар ташласак, 2011 йилда туристик хизматлар 127,3 фоизга ўсди ва 64,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Туристик хизматларнинг ўсиши туристларнинг оқими ҳисобидан таъминланмоқда ва соҳада 2011 йили 1 миллион кишига хизмат кўрсатилди. „Бухоро“ (Бухоро ш.) янги меҳмонхонасида туристларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошди ва унинг ўсиш даражаси қарийб 2 баробар кўпайди.

2012 йилда эса қуйидагича ўсиш суръатига эришилди:

- туристик хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 138,9 фоизни ташкил этди (2012 йилда туризм соҳасини ривожлантириш дастурида 116,1 фоиз этиб белгиланган эди);
- туристларга хизмат кўрсатиш — 117,5 фоиз;
- шу жумладан, хорижий туристларга хизмат кўрсатиш — 110,5 фоиз;
- туристик хизматлар экспорти — 115,1 фоиз.

„Ўзбектуризм“ миллий компанияси томонидан соҳани ривожлантириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. 2012 йилнинг 6 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>114</sup> Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.



Вазирлар Маҳкамаси туристик фаолиятни лицензиялаш комиссияси баённомасига асосан 80 та юридик шахсга лицензия берилди ва ҳисобот йилида 31 та туристик корхонанинг лицензияси фаолияти тўхтатилди. „Ўзбектуризм“ миллий компаниясининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича тасдиқланган режасига мувофиқ, 2012 йилда 16 та туристик ташкилот текширувдан ўтказилди.

Шунингдек, ўтган йил давомида 25 та жойлаштириш воситасида қурилиш ишлари якунига етказилди, 30 та жойлаштириш воситаси эса қайта таъмирланди ва модернизация қилинди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда 11 та янги меҳмонхона ва жойлаштириш воситаси қурилиши давом эттирилмоқда ҳамда 11 та жойлаштириш воситаси капитал таъмирланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда туристлар оқими кунда-кунга кўпаймоқда. Буни инобатга олган ҳолда, тарихий меъморий ёдгорликлар реставрация қилинмоқда ҳамда туристлар ташриф буюрадиган, туристларга сервис хизматларини кўрсатадиган объектлар қайта таъмирланмоқда ва модернизация қилинмоқда.

2012 йилнинг 31 октябридан 2 ноябригача Тошкент шаҳрида 18-Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада 700 та компания, шу жумладан, 40 та мамлакатдан ташриф буюрган 145 та хорижий, шунингдек, 550 та Ўзбекистон компанияси иштирок этди, 10000 дан ортиқ кишилар ярмаркага ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 110-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида 2011 ва 2012 йилларда 890 та туроператор ҳамда 42 та мамлакатнинг ОАВ вакиллари учун танишув турлари ташкил этилди.

Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида „Ўзбектуризм“ МКнинг Республика илмий-ўқув марказида 2012 йили гидларни тайёрлаш курсида 169 киши, Меҳмонхона ва туроператорлик фаолиятини ташкил этиш курсида 118 киши тайёрланди. 2012 йил давомида туризм соҳасида 734 та мутахассис малака оширди.

Халқаро миқёсда қабул қилинган тамойилларга кўра, ҳар бир туристик пакетда энг камидан иккита хизмат тури бўлади, булар — ташиш ва жойлаштириш хизматлари пакетидир. Шунинг учун ҳам асосий туристик хизматлар иккита дейилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, кўшимча туристик хизматлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 400 дан ортиқ ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган иккита асосий хизмат туридан ташқари, қолган барча хизматлар кўшимча туристик хизматлардир. Ҳатто, овқатлантириш ва экскурсия хизматлари ҳам. Саёҳатчининг хоҳишига кўра, ташкилотчи томонидан хизматлар кенгайтирилиши мумкин ёки бу нарса ташкилотчилар томонидан туристнинг танловига кўра белгиланади. Иккинчиси маъқулроқ, чунки, умумий нархлар рақобатнинг тамойил ва қадриятларига кўра минимал даражага тушмоқда. Бу эса, авваламбор, хизматлар пакетининг ҳам минималлашувига олиб келмоқда. Шу аснода ҳар қандай миллатдаги сайёҳ бўлса ҳам нархларга эътибор беришини ҳисобга олиш зарур.

Туризм соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ иш ўринлари яратади. Ўзбекистоннинг беқийс туристик имкониятларини жаҳонга танитишда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Президентимиз ўз маърузасида оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратиб, „Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевожута жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди“<sup>115</sup>, деб таъкидлади. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз минтақаларидаги туристик ресурслар, яъни вилоятлардаги тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар, зиёратгоҳлар ҳамда рекреация ресурслари, дам олиш ҳудудлари, соғломлаштириш масканлари, экотуристтик объектлар тўғридан-тўғри бу тармоқнинг истиқболини белгилайди.

<sup>115</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. 2010 йил 27 январь. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат.

**1. Туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш.** Бунинг замирида шундай сиёсат мужассамки, туризмни ривожлантириш учун туристик индустрияни, яъни туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, пансионатлар, умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари, транспорт корхоналари, маданият ва спорт муассасалари каби туристик объектларни халқаро андозалар даражасида ривожлантириш талаб этилади. Бу жараён қайси мулк ҳисобидан амалга оширилишидан қатъи назар, давлат ўзининг шу соҳага оид ташкилотлари орқали уни мувофиқлаштириб туради. Туристтик объектлар қанча бўлмасин, туристик индустрия ривож топмаса, туризмни ривожлантириш борасида қилинган барча ҳаракатлар бефойда. Чунки, мамлакатимизга ҳавас қилиб келган турист, агар туризм хизмати жойида бўлмаса, қайта келишни орзу қилмайди ва ўз танишларига ҳам бу жойга бормасликни тарғиб этади. Бу туристларни қабул қиладиган мамлакат учун жуда қимматга тушиши табиий.

**2. Фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтида дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш.** Бунда, энг аввало, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш катта салоҳият касб этади. Чунки хавфсизлик таъминланмаган жойда эркинлик ҳам, дам олиш ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Бу ҳам давлат ҳудудидаги туристларнинг ҳаммаси учун дахлдордир. Чунки туристларга давлат, нодавлат, хусусий туристик фирмалар хизмат қилиши мумкин. Лекин мулк шаклидан қатъи назар, давлат туристларнинг эркин ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлашни қонун билан ўз зиммасига олган. Бу туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардан биридир.

**3. Туристтик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш.** Мамлакатимизда туристик ресурсларнинг, яъни туристлар қизиқиб кўрадиган тарихий ва маданий обидаларнинг, маърифий, ижтимоий-маиший объектларнинг, бетакрор табиат, иқлим ва ландшафт масканлари мавжудлигининг ўзи Оллоҳнинг инъоми. Уларни асраб-авайлаш ҳар бир авлоднинг муқаддас фарзандлик, фуқаролик бурчидир. Бу ноёб обидалар неча асрлардан буён бизгача безавол етиб келган. Биз ҳам уларни келгуси авлодларга яхши сақланган ҳолда етказишимиз керак. Бу эса мазкур объектларни асраб-авайлаб, улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларининг амалга ошигани шу борадаги катта эътибор самарасидир.

**4. Туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш.** Ҳозирги пайтда юртимизда туризм тўғрисидаги қонун қабул қилинган, Президентнинг ўнлаб фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинган. Бу эса ушбу соҳада қонуний ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини кўрсатади.

**5. Болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.** Бу бевосита мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий ҳимояга асосланган бозор муносабатларини қарор топтириш мақсадидан келиб чиқади. Бу тоифа давлат кўмагига муҳтож аҳоли қатламидир. Аҳолининг мазкур қисми мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши билан қисман камайиб боради. Аммо бутунлай барҳам топмайди, чунки аҳолининг аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, унинг таркибида болалар доимий равишда бўлади, ёшлар, ногиронларнинг мавжудлиги ҳам муқаррар. Ниҳоят, кам таъминланган аҳоли қатлами аста-секинлик билан камайиб бориши мумкин. Бу вазият давлатимизнинг кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсат юритишини тақозо этади. Бу сиёсатнинг бевосита туризмга ҳам жорий қилиниши давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоянинг изчиллигидан далолат беради.

**6. Туристтик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш сиёсати.** Бу сиёсат ҳам мамлакатимизда туристик объектларни яхши ҳолатда ушлаб туриш ва уларни ривожлантиришга қаратилган. Бу соҳада мустақиллик йилларида жуда кўп туристик иншоотлар қурилди. Булар жумласига Самарқанддаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий

ёдгорлик мажмуалари, Ғовсул Аъзам қадамжоси, Хўжа Аҳрор Валий мақбарасининг қайта таъмирланиши, Аҳмад Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Амир Темур каби буюк зотларга қўйилган ёдгорликларни киритиш мумкин. Бу улуг аждодларимизга қўйилган ёдгорликлар нафақат туристик объект сифатида қад кўтармоқда, балки, энг муҳими, улар ўз тарихимизни чуқур англашга ҳам хизмат қилади. Бу эса мустақил тараққиёт йўлини тутган ва ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини намоён этишга азму қарор қилган халқимиз иродасининг ифодасидир.

**7. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш сиёсати** ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги муҳим йўналишларидан биридир. Барча соҳалар сингари туризм соҳасида давлат ташкилотлари билан биргаликда нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий қисмини хусусий ёки аралаш мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Бу субъектларга тегишли шароит яратиб бериш, уларнинг эркинлиги, мулкий муносабатларда дахлсизлигини таъминлаш каби тадбирлар туризм соҳасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун асосий омиллардан бирини яратиш имконини беради. Мамлакатимизда амал қилаётган „Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонун (2000 йил 25 май) ҳам тўлалигича мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бел боғлаган тадбиркорларга ҳам дахлдор. Бундан ташқари, туризм соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектларга қўшимча равишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар „Туризм тўғрисида“ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, бу соҳада туризмни ривожлантиришда давлат ўз сиёсатини амалга ошириш учун уларнинг фаолиятида эркинликни таъминлаш борасида тегишли меъёрий ҳужжатлар мажмуасини яратган.

**8. Туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш** ҳам бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Чунки ҳар қандай турист бир жойдан иккинчи жойга борар экан, асосан, ҳар томонлама хавфсизлиги таъминланган тақдирдагина бунга жазм этади. Туристлар томоша қиладиган, дам оладиган шахс сифатида ўз қонуний манфаатларига эга бўлиши, мол-мулки дахлсизлиги таъминланишини хоҳлаши табиийдир. Бунинг учун эса туристларни қабул қиладиган мамлакат ана шу шароитларни тўлиқ яратиб берган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан давлатимизнинг мазкур йўналишдаги сиёсати айнан туристларнинг шу муҳим талабларини қондиришга қаратилган. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, халқаро терроризм батоси кучайган бугунги кунда ўта муҳимдир. Бу тадбир, ўз навбатида, туристларни кутиб олиш, олиб юриш ва кузатишда туристик фирмалар ходимлари билан бирга миллий хавфсизлик ва ички ишлар хизматлари ходимларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

**9. Туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш** ҳам давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки, бу соҳа — ўта мураккаб соҳа. Уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳани иқтисодийнинг асосий қисмига айлантириш ва тегишли фойда олишга эришиш учун уни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш талаб этилади.

Давлат ўз зиммасига чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласини ҳам олган ва бу йўналиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибидаги Жаҳон туризм ташкилотининг тўлақонли аъзосидир ва эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон 2012 йилдан буён ушбу нуфузли ташкилотнинг Ижроия қўмитасини бошқариб келмоқда. „Ўзбектуризм“ миллий компанияси ва бир қатор туристик фирмалар Япония, Россия, Германия, Европанинг бир қанча мамлакатлари, Шарқий Осиёдаги давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда ва бу ҳамкорликни кенгайтириш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, туризм соҳаси мамлакатимизда келажакда катта истиқболга эга бўлган соҳалардан бирига айланади. Давлатимиз сиёсати ҳам айнан шунга қаратилган.

### **7.3. Ўзбекистонда намунавий уй-жойлар қуриш ҳамда коммунал хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари**

Аҳолига кенг қўламли хизматлар кўрсатиш ва юртдошларимизнинг турмуши даражасини яхшилаш юзасидан мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсадида 2009 йил „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили“, деб эълон қилиниб, қишлоқларимиз инфратузилмасини тубдан яхшилаш, замонавий уй-жойлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга қаратилган алоҳида давлат дастури тасдиқланди. Ана шундай улкан ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ушбу соҳани ривожлантиришга яна бир бор эътибор қаратилиб, 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши зарурлиги таъкидланди.

Қабул қилинган Давлат дастури, асосан, қуйидагиларга йўналтирилган:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш;

- мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда, қишлоқда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш ва бошқалар.

„Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили“ Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишида узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1083-сонли Қарори билан „Қишлоққурилишбанк“ ташкил этилди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили“ Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори;

- „Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли Қарори;

- „Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 90-сонли қарори;

- „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли Қарори;

- „Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун „Қишлоққурилишбанк“ акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сонли қарори;

- „Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сонли қарори;

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Осиё тараққиёт банки иштирокида „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш“ лойиҳасини кўп марталиқ транш бўйича молиялаштириш дастурини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида“ 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1683-сонли Қарори;

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги „2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида“ги ПҚ-1687-сонли Қарори;

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 октябрдаги „2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қурилиши бўйича дастурни тайёрлаш чоралари“ тўғрисидаги 291-сонли қарори;

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги „2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида“ги ПҚ-1902-сонли Қарори.

Мамлакатимиздаги „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли Қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш бўйича ягона буюртмачи ташкилот ҳисобланади.

„Қишлоққурилишлойиҳа“ МЧЖ эса қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий жиҳатдан режалаштиришни ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, шу асосда қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида ташкил қилинган корхона ҳисобланади.

Ўзбекистонда намунавий уй-жой қурилишини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаси „Қишлоққурилишлойиҳа“ лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй-жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини юртимиз минтақаларининг табиий иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Намунавий уй-жой қурилиши фуқароларга кредит бериш йўли билан истеъмолчиларга сотилади ва фуқароларга кредит ажратиш шартлари қуйидагича:

- мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган;
- кредитга лаёқатли қишлоқ фуқароларига;
- намунавий лойиҳа бўйича уй-жой қийматининг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бошлангич бадалини тўплаганларидан сўнг;
- энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача (шунингдек, уй-жой смета қийматининг 75 фоизигача);
- имтиёзли фоиз ставкаси билан;
- асосий қарзни қайтариш бўйича бир йил муддатга имтиёзли давр билан;
- 15 йил муддатгача кредит ажратилади.

Аҳоли томонидан кредит олиш эса қуйидагича белгиланган:

1. „Қишлоқ қурилиш“ инжиниринг компаниясининг тегишли филиалига мурожаат қилиб, намунавий лойиҳани танлайди ва дастлабки шартномани тузади.

2. Лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги маблағни омонатга қўйиб, кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни банкка тақдим этади.


3. Банк томонидан дастлабки бадал қўйилгани ва кредит ажратишга ижобий ҳулоса берилганидан сўнг „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси ҳудудий филиали билан уй-жой қурилиши учун асосий шартнома имзоланади.

4. „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси билан тузилган шартнома асосида қурилиш босқичма-босқич молиялаштирилади. Бунда аввал 25 фоиз аванс тўловлари, улар молиялаштирилганидан сўнг кредит, кейин якуний тўлов амалга оширилади.

5. Объект давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинади ва уй-жой эгасига топширилади.


## 2012 йилда қишлоқларда қурилган уй-жойларнинг нархи

■ 3 хонали    ■ 4 хонали    ■ 5 хонали



7.3.1-расм. 2012 йилда қишлоқ жойларда қурилган яқка тартибдаги уй-жойларнинг ўртача нархи<sup>116</sup>.

2009—2012 йилларда 580 та янги қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 23557 та уй-жой қурилди.



7.3.2-расм<sup>117</sup>.

2009—2012 йилларда қурилиш объектларининг умумий қиймати 1 962,1 миллиард сўмни, шу мақсад учун ажратилган имтиёзли кредитлар 1 186,3 миллиард сўмни ташкил этди.


<sup>116</sup> „Қишлоққурилишбанк“ маълумотлари.

<sup>117</sup> „Қишлоққурилишбанк“ маълумотлари.



7.3.3-расм.<sup>118</sup>

2013 йилда қурилиши режалаштирилаётган намунавий уйлар қуйидаги расмда келтирилган:



7.3.4-расм.<sup>119</sup>

**Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизими.** Шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги долзарб масалалардан бир бўлиб келмоқда.


2012 йил маълумотларига кўра, ичимлик суви таъминоти тизимининг ҳолати қуйидаги кўринишга эга:

1. Мамлакатимизда марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти 119 шаҳар (100 фоиз) ва 12 262 қишлоқ аҳоли пунктидан 9 060 тасида (73,1 фоиз) мавжуд.

<sup>118</sup> „Қишлоққурилишбанк“ маълумотлари.

<sup>119</sup> „Қишлоққурилишбанк“ маълумотлари.

Республикадаги ХУЖМШ лар (5009 та) тасарруфидаги 28 988 та кўп қаватли уйнинг 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра таркиби



- 1 хонали
- 2 хонали
- 3 хонали
- 4 хонали
- 5 хонали
- 6 хонали ва ундан юқори

7.3.5-расм<sup>120</sup>.

2. Ўрта ҳисобда суткасига 6,25 миллион куб метр, шу жумладан, очиқ ҳавзалардан 2,4 миллион куб метр (38 фоиз) ва ерости сув манбаларидан 3,85 миллион куб метр (62 фоиз) сув олинади.

3. Ичимлик суви қувурлари ва тармоқларининг умумий узунлиги 62,9 минг км.

4. Марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси:

— 89,4 фоиз шаҳар ва туман марказларида;

— 73,1 фоиз қишлоқ аҳоли пунктларида.

7.3.1-жадвал

Марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти қамрови<sup>121</sup>

Худудлар	1991 йил	2001 йил			2012 йил		
	жами	жами	жумладан		жами	жумладан	
			шаҳар	қишлоқ аҳоли пунктлари		шаҳар	қишлоқ аҳоли пунктлари
<b>Мамлакатимиз бўйича:</b>	<b>69,2</b>	<b>80,4</b>	<b>87,2</b>	<b>72,3</b>	<b>82,6</b>	<b>89,4</b>	<b>73,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	59,4	61,6	77,1	62,3	68,8	72,0	65,0
Андижон вилояти	69,3	87,7	84,9	83,9	89,8	93,5	85,5
Бухоро вилояти	43,8	68,0	88,4	43,8	59,3	82,3	46,3
Жиззах вилояти	50,7	76,9	86,7	72,3	71,2	73,9	69,1
Қашқадарё вилояти	27,3	75,0	79,3	69,2	82,1	87,0	76,9
Навоий вилояти	49,7	66,6	88,2	64,2	79,3	73,8	94,4
Наманган вилояти	50,6	75,0	96,6	77,5	75,9	88,4	59,9
Самарқанд вилояти	70,9	78,5	87,4	73,9	84,6	92,5	78,0
Сурхондарё вилояти	67,5	76,1	71,1	75,0	81,3	79,4	82,5
Сирдарё вилояти	42,8	93,8	64,8	47,1	80,5	80,1	80,9
Тошкент вилояти	67,9	91,5	84,6	81,2	81,2	85,9	73,3
Фарғона вилояти	53,8	89,3	89,0	83,1	92,5	96,3	87,0
Хоразм вилояти	57,2	65,0	92,5	67,7	63,6	81,8	52,2
Тошкент ш.	97,8	99,3	99,3	—	99,7	99,7	—

<sup>120</sup> Ўзбекистон „Ўзкоммуналхизмат“ агентлиги маълумотлари.

<sup>121</sup> Ўзбекистон „Ўзкоммуналхизмат“ агентлиги маълумотлари.





7.3.6- расм.<sup>122</sup>

Вазирлар Маъкамасининг 2012 йил 30 ноябрдаги 337-сонли қарорига асосан 2013—2015 йилларда мамлакатимизда ичимлик суви ва канализация тизимларини янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва ундаги устувор йўналишлар қуйидагилардир:

— 2020 йилгача мамлакатимизнинг барча шаҳарларидаги аҳолининг марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 100 фоизга ва қишлоқ аҳоли пунктларида 85—90 фоизга етказиш, канализация хизматлари билан таъминланишнинг шаҳар ва шаҳар типидagi аҳоли пунктларидаги қамров даражасини 70 фоизга етказиш;

— янги технологиялар асосида ичимлик суви ва оқова сувларни тозалашни жорий этиш, узоқ муддат хизмат қиладиган қувур ва ускуналарни қўллаган ҳолда, тармоқларни реконструкция қилиш ва қуриш;

— сув таъминоти объектларидан фойдаланиш тармоқларини тубдан яхшилаш, норматив йўқотишлар, электр энергияси сарфини камайтиришга йўналтирилган янги технологияларни жорий этиш ҳамда замонавий машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражасини ошириш;

— ичимлик суви ва канализация тармоқларини, жумладан, халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган ҳолда, комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида доимий равишда молиялаштириш.

#### **7.4. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашда нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлашнинг долзарб масалалари**

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисига кенг кўламдаги юксак сифатли хизматлар кўрсатилиши натижасида юртдошларимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Айниқса, ёқилги-энергетика ресурсларининг аҳолига вақтида етказиб берилиши ва улардан кенг фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги фаровон турмуш кечиришнинг муҳим омилларидан бири бўлмоқда.

<sup>122</sup> Ўзбекистон „Ўзкоммуналхизмат“ агентлиги маълумотлари.

Мамлакатимизда нефть маҳсулотлари ва газдан самарали фойдаланишни назорат қиладиган ташкилот „Ўздавнефьгазинспекция“ дир. Бу ташкилот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июндаги „Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида“ги 220-сонли қарори билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги „Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида“ги ПФ-3358-сонли Фармони асосан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги „Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги 328-сонли қарорига мувофиқ „Ўздавнефьгазинспекция“нинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

— нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

— энергияни тежайдиган давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш;

— нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

— нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

„Ўздавнефьгазинспекция“ тизимида 14 та ҳудудий бўлим мавжуд ва штат жадвалига асосан инспекция ходимлари 209 нафарни ташкил этади, жумладан, 6 та бошқарув ходими, 155 та инженер-техник ходим ва 48 та техник ҳамда ёрдамчи ходим.

„Ўздавнефьгазинспекция“ назорати остидаги объектлар қуйидагилар ҳисобланади:

— 15,7 км магистрал газ қувурлари, 25 та компрессор станцияси, 3 та ерости газ сақлаш омбори, 321 та газ тақсимлаш станцияси;

— 2039 та ишлатилаётган нефть, газ ва газ конденсат қудуғи;

— 5 та нефть ва газни қайта ишлаш корхонаси;

— 126,7 минг км газ тақсимлаш тармоғи (жумладан, юқори босимли — 13,6 минг км, ўрта босимли — 29,96 минг км, паст босимли — 83,1 минг км), 94,4 мингта газ тақсимлаш ва сошлаш шохобчаси — ГТШ (шу жумладан, юқори босимли — 7,5 мингта, ўрта босимли — 86,9 мингта), 83452 та улгуржи газ истеъмолчиси (шу жумладан, 5205 та саноат корхонаси, 53766 та маиший хизмат объекти ва 24481 та хусусий тадбиркор);

— 39 та нефть базаси (улардан 16 таси хусусий), 42 та нефть базаси филиали, 2578 та АЁҚШ, 1368 та ФЁТШ, 236 та мой алмаштириш шохобчаси, 88,4 мингта нефть маҳсулоти истеъмолчиси;

— 717 та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси;

— 184 та автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор шохобчаси олинган.

7.4.1-жадвал

**2012 йил маълумотларига кўра қуйида мамлакатимиз бўйича истеъмолчилар сони ва газ қувурлари тўғрисида маълумотлар келтирилган<sup>123</sup>**

Номи	Сони
Мамлакатимиз бўйича жами газлашган улгуржи истеъмолчилар	83452 та
<i>шу жумладан:</i>	
саноат корхоналари	5205 та

<sup>123</sup> „Ўзбекнефьгаз“ холдинг миллий компанияси маълумотлари.

маиший хизмат ва ижтимоий объектлар	53766 та
хусусий тадбиркорлар	24481
Жами газлаштирилган хонадонлар	4 млн.465 мингта
<i>шу жумладан:</i>	
якка тартибдаги хонадонлар сони	3 млн.433 мингта
кўп қаватли хонадонлар сони	1 млн.031 мингта
газ қувурларининг узунлиги	126,7 минг км
юқори босимли	13,6 минг км
ўрта босимли	29,96 минг км
паст босимли	83,1 минг км
газ тақсимлаш ва созлаш шохобчалари	94,4 минг дона
юқори босимли	7,5 минг дона
ўрта босимли	86,9 минг дона

7.4.2-жадвал

2012 йил давомида мамлакатимиз истеъмолчиларига етказиб берилган табиий газ ҳажми<sup>124</sup>

Номи	Ҳажми
„Ўзбекэнерго“ компанияси корхоналарига	141 78,2 млн.м <sup>3</sup> (38,5 %)
„Ўзкимёсаноат“ компанияси корхоналарига	2272,2 млн.м <sup>3</sup> (6,2 %)
„Ўзқурилишматериаллари“ АК корхоналарига	783,8 млн.м <sup>3</sup> (2,1 %)
Навоий ТМК га	130,5 млн.м <sup>3</sup> (0,4 %)
Олмалиқ ТМК га	291,1 млн.м <sup>3</sup> (0,8 %)
„Ўзметкомбинат“ бирлашмасига	87,0 млн.м <sup>3</sup> (0,2 %)
„АГТКШ“ бирлашмасига	1127,0 млн.м <sup>3</sup> (3,1 %)
Бошқа истеъмолчиларга	5306,0 млн.м <sup>3</sup> (14,4 %)
Мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжларига	12639,6 млн.м <sup>3</sup> (34,3%)

Миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантириш мақсадида 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг „Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида“ги қонуни қабул қилинган.

Қонунда миллий энергетика ресурслари сақланиши, уларни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш, юксак технологияларнинг жорий этилиши, энергиядан нооқилона фойдалангани учун юридик шахсларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланиши белгиланган.

<sup>124</sup> „Ўзбекнефтегаз“ холдинг миллий компанияси маълумотлари.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, нефть маҳсулотлари, газ, электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ноқонуний сотиш (бериш), ўзлаштириб олиш ва уларнинг сифати бузилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 9 мартда „Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида“ги 124-сонли қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисини обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, одамлар истиқомат қиладиган масканларнинг ободонлаштирилиши, зарур инфратузилмани ривожлантириш билан бирга кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳолининг иссиқлик, электр энергияси ҳамда газ таъминотига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз истеъмолчилари томонидан 2012 йил давомида жами 36 миллиард 815 миллион куб метр ҳажмида табиий газ етказиб берилган, жумладан:

**Бугунги кунда, 2012 йил маълумотларига кўра, мамлакатимиз газ таъминоти техник кўрсаткичлари қуйидаги кўринишга эга:**

<b>1. Газ тақсимлаш станциялари (ГТС) сони</b>	<b>— 345 та</b>
<b>2. Газ тақсимлаш қувурлари узунлиги</b>	<b>— 121 580,3 км</b>
Шу жумладан:	
юқори босимли газ қувурлари узунлиги	— 13 479,2 км
ўрта босимли газ қувурлари узунлиги	— 29 044,8 км
паст босимли газ қувурлари узунлиги	— 78 217,8 км
<b>3. Жами ГТПлари сони</b>	<b>— 94 764 дона</b>
Шу жумладан:	
юқори босимли ГТПлари сони	— 7 482 дона
ўрта босимли ГТПлари сони	— 85 282 дона
<b>4. Жами газлаштирилган хонадонлар сони</b>	<b>— 4 464 628 та</b>
Шу жумладан:	
табиий газ билан	— 3 878 148 та
шундан кўп қаватли уйлар	— 26 543 та (2 859 436 та аҳоли)
иссиқлик таъминоти мавжуд эмас	— 12 495 та (1 170 987 та аҳоли)
табиий газ танқислиги кузатилган	— 1 077 704 та
суюлтирилган газ билан газлаштирилган	— 586 480 та
<b>5. Жами улгуржи истеъмолчилар</b>	<b>— 73 676 та (ижтимоий соҳа объектлари 21 923 та)</b>
<b>6. Суюлтирилган газ етказиб бериш ҳолати</b>	
суюлтирилган газ тўлдириш шохобчалари сони (ГНС)	— 24 та
газ тарқатиш сервис марказлари сони	— 84 та
суюлтирилган газ сақлаш омборлари	— 154 та
<b>7. 2012 йилда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми</b>	
табиий газ етказиб бериш амалда	— 18 578 955 минг куб м
100 фоиз таъминлаш учун талаб этилади	— 20 877 539 минг куб м
шундан 100 фоиз: ёз мавсумида талаб этилади	— 4 302 539 минг куб м
қиш мавсумида талаб этилади	— 16 575 000 минг куб м
<i>шундан: аҳолига амалда</i>	— 12 639 612 минг куб м
<i>100 фоиз таъминлаш учун талаб этилади</i>	— 14 877 539 минг куб м

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш бўйича газ етиб бормайдиган ҳудудларда хонадонларга маиший газ баллонларида суюлтирилган газ етказиб бериш тизимини яхшилаш ҳамда янада такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Хизмат бозори таркибига қандай хизмат турлари киради?
  2. Мамлакатимизда сўнгги йилларда қандай хизмат турлари ривожлантирилмоқда?
  3. Мамлакатимизда хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида қандай дастурлар қабул қилинмоқда?
  4. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
  5. Туристик хизматлар деганда қандай хизмат турларини тушунасиз?
  6. Туризмда асосий ва қўшимча хизмат турларига қандай хизмат турлари киради?
  7. „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили“ Давлат дастури қачон қабул қилинган ва унинг асосий моҳияти нималардан иборат?
  8. Мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига оид қабул қилинган қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
  9. Мамлакатимиз аҳолисини кафолатланган иссиқлик билан таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
  10. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотларнинг қандай асосий йўналишларини биласиз?
-

## 8-БОБ. ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР

### 8.1. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги кенг қўламли ишлар

Таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида „Таълим тўғрисида“ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 августда) қабул қилинди. Қонун ва дастур талабларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Шу асосда қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос давлат таълим стандартлари (ДТС) ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Шу аснода таълим-тарбия олишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишлари яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда эътибор марказида бўлгани қайд этилди: „Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-ҳунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш аҳамиятга эга бўлди“<sup>125</sup>. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2—3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарни ҳам эгаллайди.

Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб қўйилган... Бу биз учун принципиал масала ҳисобланади. Айниқса, олис қишлоқ жойларида, тўғрисида айтганда, ҳамма ҳам 12 йил ўқишни хоҳламайди. Бугунги кунда ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлиши керак. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Чунки ёш оиланинг мустаҳкамлиги, аввало, қизларнинг бирор-бир мутахассисликни эгаллаб, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва ўрнига эга бўлиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий билим берадиган умумтаълим мактабларида 9 йил таълим олганидан кейин ёшларимиз мажбурий тарзда 2—3 та замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлишига биз алоҳида

<sup>125</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

этибор қаратмоқдамиз<sup>126</sup>. 12 йиллик мажбурий таълимдан сўнг уларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

2012 йил мамлакатимиз таълим тизимида алоҳида аҳамиятга эга, Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан асос солинган узлуксиз таълим тизимини, кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини тўлатўкис амалга ошириш йили бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари — шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик тўла таъминланди.

Фаолият юритаётган умумтаълим муассасаларининг барчаси икки поғонали умуммажбурий таълими тизими, яъни 9- синфгача умумтаълим мактаблари ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган ўз вазифаларини тўлақонли бажаришга киришди. Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг навбатдаги босқичи — ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ жалб этишга эришилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз касбини пухта эгаллаган, меҳнат бозори талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган даражада тайёрлаш билан бир вақтда уларнинг меҳнат бозоридан ўз ўринларини топишига кўмаклашишга, юртимизда бугун давлат сиёсати даражасида этибор қаратилмоқда. „Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида этибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиш, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди“<sup>127</sup>, деб Президентимиз бу борада олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Дарҳақиқат, 2012 йилда давлатимиз раҳбари томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичи — таълим сифатини оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилиб, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўринларини топиб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бўғинида 1,7 миллиондан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида 214 та йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш қатъий назоратга олинган. 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди<sup>128</sup>.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими томонидан олиб борилган фаолият таҳлили шуни кўрсатадики, 2011—2012 ўқув йилида мамлакатимиз касб-хунар коллежларини муваффақиятли яқунлаган 501477 нафар битирувчининг қарийб 80 фоизи иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган<sup>129</sup>.

<sup>126</sup> *Каримов И. А.* Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш. 20-т. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2012. — 180—182-б.

<sup>127</sup> *Каримов И. А.* Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // *Халқ сўзи*, 2013 йил 19 январь.

<sup>128</sup> *Матқурбонов Қ.* Кадрлар тайёрлаш миллий модели дунё тажрибаси ва миллий хусусиятларимизни ўзида мужассам этган ўзига хос ноёб ҳодиса // *Маърифат*, 2013 йил 6 февраль, №11 (8556).

<sup>129</sup> *Бурҳонов У.* Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшади // *Маърифат*, 2012 йил 7 ноябрь.

Меҳнат бозори талабларининг 2012 йилдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунар битирувчиларининг:

- муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишида (137870 нафар);
- ижтимоий соҳа, бизнес ва ҳуқуқ йўналишида (78234 нафар);
- таълим йўналишида (59132 нафар);
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналишида (34889 нафар);
- қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида (23170 нафар);
- хизмат кўрсатиш йўналишида (12398 нафар);
- гуманитар фанлар ва санъат йўналишида (2890 нафар) ўз мутахассислиги бўйича

иш ўринларига эга бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2012 йилда „Ўзметкомбат“ ОАЖ, „Олмалик“ КМК, „Ўзвиносаноат-холдинг“ компанияси каби йирик корхоналарда мазкур битирувчиларга талаб юқори бўлганини кузатиш мумкин.

Аммо, таҳлиллар касб-хунар коллежларида айрим йўналишлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда номутаносибликларга йўл қўйилаётгани, ҳудудий меҳнат бозори ҳамда соҳаларнинг кичик мутахассисларга бўлган талаби етарлича ўрганилмаётганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни доимий тарзда меҳнат бозори талабларига ва унинг келажақдаги прогнозларига боғлиқ ҳолда ташкил этишни муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Шу ўринда, ҳар бир коллеж директори ҳудуд ва соҳанинг истиқболи ҳамда мамлакатнинг стратегик йўналишларини чуқур билган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда мазкур вазифага жиддий масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар беришга қаратилган 2011—2012 йилларда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлари кўплаб касб-хунар коллежи битирувчиларини ҳам пухта эгаллаган билим ва касбий малакасига ишонган ҳолда ўз кичик бизнесини, мустақил иш фаолиятини ташкил этишга ундамоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги „Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида“ги Фармонида микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиши кўзда тутилган<sup>130</sup>.

Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини яққол кузатиш мумкин. 2011 йилда битирувчиларнинг 10049 нафари ўз бизнесини ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 9 ойлик яқунларига кўра, бу кўрсаткич 9096 нафарни ташкил этган. Битирувчиларнинг ўз бизнесини ташкил этиш истаги кучайиб боришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Коллежларда таълим-тарбия иши замон талаблари даражасида ташкил этилаётгани, ўқув устахоналарининг соҳага оид энг илгор воситалар билан жиҳозлангани натижасида битирувчиларда ўзи танлаган мутахассислик бўйича етарли билим ва касбий кўникмаларни ўзлаштириш имконияти кенгайиб бораётгани.

2. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани.

3. Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ҳудудларда „Микрокредитбанк“, Савдо-саноат палатаси, „Камолот“ ЁИХ билан ҳамкорликда „Ёш тадбиркор — юртга мадаккор“, „Менинг бизнес ғоям“ каби мавзуларда турли семинарлар ва кўрик-танловлар ташкил этилиши.

4. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга имтиёзли кредитлар тақдим этилиши.

<sup>130</sup> Бурҳонов У. Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшади // Маърифат, 2012 йил 7 ноябрь.



Таъкидлаш жоизки, биргина 2011 йилда битирувчиларга 21 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 28 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратиб, 2012 йилда тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олиб, ўз бизнесини ташкил этган битирувчилар фаолиятини иқтисодиёт соҳалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 679 нафари чорвачилик, 140 нафари паррандачилик, 379 нафари тикувчилик, 279 нафари савдо ва хизмат кўрсатиш, 95 нафари иссиқхона, 400 нафарга яқини қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балиқчилик, асаларичилик, мобиль алоқа хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, миллий ҳунармандчилик, мебел-созлик каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ажратилган имтиёзли кредитларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (1,5 миллиард сўм), Тошкент (2,4 миллиард сўм), Самарқанд (1,3 миллиард сўм), Навоий (1,1 миллиард сўм), Жиззах (1,1 миллиард сўм), Хоразм (1,3 миллиард сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муҳим жиҳат ўзига эътиборни тортади — 2012 йилда ўз бизнесини ташкил этган коллеж битирувчиларининг аксарият қисми — 66 фоизи (ёки 6045 нафари) хусусий тадбиркорлик фаолиятини кредит олмасдан бошлаган. Улар томонидан 10 мингдан ортиқ (масалан, Самарқанд вилоятида — 1236, Тошкент вилоятида — 1156, Хоразм вилоятида — 1098, Андижон вилоятида — 1080) янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсаткич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида асос солинган, пухта ўйланган сиёсатнинг энг муҳим натижаларидан биридир. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кечаётган иқтисодий инқироз туфайли ишсизлик даражаси ошиб бораётган бир пайтда юртимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини очиши, яна бир тенгдошини иш билан таъминлаши каби ижобий тажрибасини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган „портлаш эффекти“нинг дастлабки кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, Хотин-қизлар қўмитаси, „Камолот“ ЁИҲ ва „Маҳалла“ хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда амалий ёрдам бериш юзасидан 2012 йилнинг ўзида 226 та касб-ҳунар коллежида амалий семинар-тренинглари ташкил этилди.

2012 йилда касб-ҳунар коллежларининг қарийб беш юз минг нафар битирувчи курс ўқувчиси 116,1 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот томонидан 30 фоизлик иш ҳақи билан таъминланди. Битирувчилар малакасини ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежлари устахоналарини хом ашё ва материаллар билан таъминлаш учун 6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Мутахассислик фанлари ўқув дастуридан маънавий эскирган 4603 та мавзу чиқарилиб, замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилаётганини эътиборга олган ҳолда, 6613 та янги мавзу ўқув дастурларига киритилди. Ўқув режаларидаги аудитория соатлари 5 фоиз камайтирилиб, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти соатлари ҳажми 10 фоизга оширилди. 23 та касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилиб, 387 та касб-ҳунар коллежида 98 та касб бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди. 603 та касб-ҳунар коллежида 143 та касб бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2012 йилда 1913 нафар битирувчига 9,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, шунинг ҳисобидан 2400 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида битирувчиларнинг қарийб 87 фоизи иш билан таъминлангани ҳолда, уларнинг 43 фоизи ўзлари амалиёт ўтаган жойларда ишга жойлашди.


Умуман, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг танлаган касбларини пухта эгаллашига эришиш билан бирга, уларда бизнесни ташкил этишнинг асосий тушунчаларини шакллантириш, ўз мустақил хўжалик фаолиятини юритишда битирувчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш ва бу борада доимий мониторингни ташкил этиш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

## 8.2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашдаги ислохот натижалари

Бугунги кунда фан-техника жадаллик билан тараққий этмоқда. Бундай шароитда ҳар бир соҳа вакили замон талабига ҳамоҳанг, қадам-бақадам фаолият юритиши табиий. Айниқса, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ишлаётган раҳбар ва педагог ходимлар бу борада барчадан кўра илдамроқ ҳаракат қилиши лозим. Чунки таълим тизими кадрлари ҳар томонлама замонавий фикрлаши, юксак касбий тайёргарликка эга бўлиши ҳамда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаши, ўз устида тинимсиз изланиши зарур. Ана шундай кадрларни танлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва улар билан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини таъминлаш долзарб масала. Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги „Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида“ги Қарориди бу масалага эътибор қаратилганининг ўзиёқ ушбу масала нечоғлиқ долзарб ва аҳамиятли эканини билдиради.

**Ўрта махсус касб-хунар таълими.** Уч йилга мўлжалланган мажбурий ўрта махсус касб-хунар таълими (ЎМКХТ) узлуксиз таълим тизимининг мустақил кўриниши ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилади (8.2.1-расм).


Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими яратилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида 214 та талаб этилаётган йўналиш ва мутахассислик бўйича 115,8 минг нафар педагог ходим кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқда, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроғи 40 ёшгача бўлган юқори малакали мутахассислардир<sup>131</sup>.




8.2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси академик лицей ва касб-хунар коллежларининг худудлар бўйича тақеимоти тўғрисидаги маълумот.<sup>132</sup>

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги „Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида“ги Қарори // Халқ сўзи, 2012 йил 29 май, №104 (5524).

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.



8.2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг хуудлар бўйича тақсимоги тўғрисидаги маълумот.<sup>132</sup>



8.2.3-расм. Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларнинг хуудлар бўйича тақсимоги тўғрисидаги маълумот.<sup>133</sup>

Шу билан бирга, махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваламбор, уларнинг малакаси етарли эмаслиги ҳамда қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ жиддий камчилик ва нуқсонлар аниқланди ва уларни бартараф этишга қаратилди. Касб-хунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлашда кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёргарлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олиш ўқтирилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёнини тегишли даражада

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

ташқил қилиш, машғулотларни, асосан, анъанавий мактаб таълими услублари асосида эмас, балки замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълими негизида олиб бориш лозимлигига эътибор қаратилди. Касб-хунар коллежларини хорижий тилларда дарс берадиган малакали мутахассислар билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Қарорга мувофиқ, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркиби педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустақкамланди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида шаклланган тизими замон талабларига мослаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрлайдиган кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибга кўра, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилиши кўзда тутилган.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари 82 та лаборатория хонаси, 16 та лингафон синфи, 988 та замонавий компьютер ўрнатилган 75 та компьютер синфи, „Ўқитувчи 30 (60)“ тизими билан жиҳозланган 11 та синф, 17 та электрон доска билан таъминланди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги „Таълим секторини ривожлантириш дастури“ лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташқил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг „режали-мажбурий“ тизимидан „йўналтирилган мақсадли“ такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори (2011 йил 20 май) бу борада дастуруламал бўлди. Мамлакатимиздаги ёш, истиқболли мутахассислар дунёдаги етакчи илмий ва таълим марказларида бевосита малака оширмоқда. 2016 йилга қадар бу борада аниқ чора-тадбирлар жорий этиш давом эттирилади. Хусусан, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг хорижда малака ошириши 1,5 марта, магистр ҳамда ёш ўқитувчилар учун эса 1,7 марта кўпайиши режалаштирилган. Шу маънода, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизими ҳам ислоҳ этиляпти.

Юртимизда педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича 45 та муассаса мавжуд. Эндиликда улар 5 та ҳудудий ҳамда 10 та тармоқ малака ошириш муассасасига айлантирилмоқда. 2012 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрининг ўзида малака ошириш ва қайта тайёрлашни ташқил этадиган илмий-методик бош марказ ишга туширилди. Ҳудудий малака ошириш муассасаларида бакалаврият ва магистратуранинг барча йўналишларида ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар, яъни ўқув режаларининг биринчи блок фанларидан ҳамда иккинчи блок фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малака ошириши йўлга қўйилмоқда. Тармоқ малака ошириш муассасалари

умумий касб ва мутахассислик фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун режалаштирилмоқда. Илмий-методик марказ эса уларнинг ишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради. Шунингдек, у кадрлар тайёрлаш масаласида хорижий тажрибани ўрганиб, умумлаштириб, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларига татбиқ этиш билан шуғулланади. Ислохотлар жараёнида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимига бир қанча янгиликлар жорий қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда биринчи марта олий таълим муассасаларидаги ёрдамчи ўқув ходимларининг малакасини ошириш тажрибаси йўлга қўйилди. Дастур доирасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар қаторида уларни янги ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Демак, ёрдамчи ўқув ходимларининг малакаси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Педагог кадрларнинг малакасини оширишда уларнинг: 1) компьютер технологиялари; 2) инглиз тилини чуқур ўрганишига алоҳида урғу берилмоқда. Янги турдаги малака ошириш муассасалари ишини ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди.

Дастурга мувофиқ, 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳам тасдиқланди. Олий таълим муассасаларида ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, 14 та олий таълим муассасасида замонавий илмий тадқиқот лабораториялари ташкил қилиниб, яна 296 та лаборатория қайта жиҳозланмоқда. Бу мақсадларга 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Режага киритилган 15 та замонавий илмий тадқиқот лабораториясидан 2 таси Ўзбекистон Миллий университетиде фаолият кўрсатмоқда. 7 таси ҳудудий университетлар базасида очилди. Бундай лабораториялар энг сўнгги талаблар асосида тўлиқ жиҳозланибгина қолмасдан, илм-фаннинг долзарб муаммолари билан янада мукамал шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратади. Масалан, Қорақалпоқ давлат университетида Оролбўйи минтақаси биопотенциали бўйича экофизиологик тадқиқотлар, Қарши давлат университетида табиий бирикмалар ва полимерларнинг спектроскопик тадқиқотлари, Урганч давлат университетида ресурсларни тежовчи қишлоқ хўжалиги технологияларини, Тошкент кимё-технология институтида энергия тежайдиган қурилиш материалларини яратиш бўйича, Тошкент тиббиёт академиясида эса тиббий-генетик, молекуляр-ҳужайравий, фармакологик ҳамда биологик тадқиқотлар олиб бориш имконини берадиган замонавий илмий тадқиқот лабораториялари ташкил этилмоқда.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 76 та олий таълим муассасасида 850 та йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингдан зиёд талаба билим олмақда.

Юртимиздаги умумтаълим мактаблари орасидан замонавий компьютер техникаси ва унинг қурилмалари билан жиҳозланган, тажрибали информатика фани ўқитувчиларига эга бўлган 2467 та таянч мактаби танлаб олинди, уларда 2011 йил давомида умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган барча фан ўқитувчиларининг ушбу йўналиш бўйича малака ошириши белгиланди. Бу борадаги ишларнинг дастлабки босқичида 2500 нафарга яқин мураббий тайёрланди. 72 соатлик (2 ҳафталик) ўқув курсларига юртимиз бўйича 411 мингдан зиёд (97,6 фоиз) ўқитувчи жалб этилди.

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбарлари ва педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мамлакатимиздаги 41 та ихтисослаштирилган олий таълим муассасаси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида олиб борилмоқда. Қарор асосида соҳа яхлит тизим шаклига келтирилиб, ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассасага айлантилди. Энг аввало, раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашнинг низоми ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Институт тузилмаси янгиланиб, замонавий педагогика, ахборот технологияларини жорий этиш ва масофадан

ўқитишни ташкил этиш ҳамда ўқув жараёнини норматив-методик таъминлаш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлимлари ташкил қилинди.

Албатта, малака оширишнинг замонавий методикаси уч турдаги фанларни қамраб олади: 1) маънавий-маърифий; 2) психологик-педагогик; 3) касбий фанлар. Булар педагогларнинг касбий маҳорати ошишини таъминлайди.

Бугунги кунда олий ва ўрта махсус таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Таянч олий таълим муассасалари расмий веб-сайтларида ланг масофавий ўқитиш дастурлари ҳам жойлаштирилган. 2012 йилда профессор-ўқитувчилар учун масофавий малака ошириш курслари илк марта ҳам онлайн, ҳам оффлайн ўқитиш дастурлари асосида олиб борилди. Уч ой ичида уйғунлаштирилган масофавий таълим тизими орқали 250 нафар педагог ўз малакасини оширди<sup>135</sup>.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустақамлаш ишлари давом эттирилгани алоҳида қайд қилиб ўтилди. „2012 йилда 687 та касб-ҳунар коллежининг директори аттестациядан ўтказилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди“<sup>136</sup>.

Низомга кўра, малака ошириш курсларидан ўтиш даври раҳбар кадрлар учун 3 йилда камида бир марта, педагог ходимларга эса 4 йилда камида бир марта этиб белгиланди. Тизимнинг такомиллашган жиҳати шундаки, эндиликда тингловчилар асосий ишдан бўшаган ҳолда ўқиш билан бирга қайта тайёрлашнинг замонавий ва самарали шакллари — уйғунлаштирилган, масофадан ўқитиш, якка тартибда, „устоз-шогирд“ услуби ва шу каби методлардан кенг фойдаланган ҳолда таълим олиш имконияти юзага келди. Масалан, педагогик қайта тайёрлашдаги ўқитишнинг уйғунлаштирилган шаклида тингловчи-педагог курснинг камида 50 фоизини аудиторияда, қолган қисмини ўзи фаолият олиб бораётган касб-ҳунар коллежида амалий машғулотлар ўтказиш орқали давом эттириши белгиланди. Айнан шу шаклда раҳбар ва педагог ходимлар малака ошириганда эса курс 2+2 (2 ҳафта бевосита базавий муассасада, 2 ҳафта иш жойида мустақил тайёрланиш йўли билан) ёки 3+1 (3 ҳафта бевосита базавий муассасада, 1 ҳафта иш жойида мустақил тайёрланиш йўли билан) тарзда олиб борилиши назарда тутилди<sup>137</sup>.

2012 йилнинг 1 сентябридан бошлаб касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари, малака тоифаларига қараб, касб-ҳунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштирилди.

Демак, мамлакатимиз миқёсида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Чунки таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш орқали умумбашарий мерос ва қадриятларни замонавий билим, тафаккур билан бойитишга қодир, мустақам фикр юрита оладиган баркамол авлодни камол топтириш бугунги кун талабидир. Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мактаб таълими мамлакатимизда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилмоқда.

<sup>135</sup> Умарова Н. Замонавий АКТ таълим хизматида // Туркистон, 2012 йил 19 декабрь.

<sup>136</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

<sup>137</sup> Умарқулов А. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш янги сифат босқичига кўтарилмоқда // Маърифат, 2012 йил 24 октябрь.

2. 9+3 схемаси бўйича умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг, ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

3. Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучига буюртмалари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйган.

4. Ҳар бир ўқув юртида оптик толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона „ZiyoNet“ ахборот таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил этилган махсус жамгарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилган.

### **8.3. Юқори малакали ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини ўтказишнинг бир поғонали тизими ислоҳоти ҳамда докторлик илмий даражаси, илмий унвони бериш тизимининг жорий этилиши**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берадиган узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди.

Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими — бакалавр ва магистратура яратилди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари жорий қилинди, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди.

Шу билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилишнинг объектив зарурати бугунги кунда яққол намоён бўлди.

Илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) ривожланган демократик давлатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайди.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқлайдиган дипломни олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолган ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишнинг турли босқичларида суиистеъмолчилик ҳолатларига олиб келган.

Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалаврият ва магистратура стандартларига ўтказилганидан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутадиган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазибаларини ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини

намоён этишга шароитлар яратиш мақсадида 2012 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди.<sup>138</sup>

Президент Фармонига кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, умумий қабул қилинган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Шунингдек, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти бекор қилиниб, унда таълим олаётган шахслар, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, аттестациядан ўтказилиб, диссертация тадқиқотлари мавзулари танқидий қайта кўриб чиқилиб, катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказилди.

Президент Фармонига кўра, фан доктори илмий даражаси „магистр“ даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар томонидан берилади.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтига „магистр“ даражаси бўлган, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2 йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилинади.

Ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, „бакалавр“ ёки „магистр“ даражаси билан олий маълумотга, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

Амалда мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ, илмий даражалар бериш бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашларга 2012 йилнинг охирига қадар 2012 йил 1 июлгача ОАК веб-сайтида диссертация ишлари ҳимоялари ҳақида эълон қилинган тадқиқотчиларга фан номзоди илмий даражасини бериш бўйича ишларни кўриб чиқишга рухсат берилди.

Президент Фармонига кўра:

1) фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори;

2) профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонларини бериш сақлаб қолинди.

Бунда аттестация ишларини кўриб чиқиш учун 2012 йилнинг 1 июлигача ОАКга тақдим этилган шахсларга илмий унвонлар амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилди.

Шунингдек, Президент Фармонида Вазирлар Маҳкамаси Фармоннинг ижроси бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилишда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб берилди:

1) қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ „магистр“ даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезон ва талабларни ишлаб чиқиш;

2) халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини олиш учун қўйиладиган янги талабларни

---

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги Фармони // Халқ сўзи, 2012 йил 25 июль, №145 (5565).



ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳимоя қилинаётган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш амалиётини жорий этиш;

3) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаб, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони бажариш юзасидан ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ва Олий аттестация комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрда 365-сонли қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, „Илмий кенгашлар, асосан, нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлири қошида ташкил этилади“<sup>139</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сонли Фармони билан ташкил этилган ва олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги 4456-сонли Фармони мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармон билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда умумий қабул қилинган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди.

ОАК ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради. ОАК ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги „Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 365-сонли қарори билан ОАКнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги „Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 365-сонли қарори билан ОАКнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

<sup>139</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

— докторлик диссертацияси ишларига ҳамда фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар талабгорларига талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

— илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифат таркибини яхшилашга, жамият ва давлат эҳтиёжларини, илм-фан, таълим, техника ва технологияларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, илмий ва илмий-педагог кадрлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

— ортқча бюрократик жараёнларни йўқотишга йўналтирилган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида ОАК фаолиятининг очиқлиги ва ошкораликни таъминлаш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида ҳолисликни таъминлаш;

— фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонларга қўйиладиган малака талабларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш.

ОАК ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш ишида халқаро ҳамкорлик бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар, илмий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

— талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларни олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари натижалари асосида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштиради, уларнинг мониторингини олиб боради, шунингдек, уларни рўйхатдан ўтказиш;

— катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчи институтлари томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатининг тизимли мониторингини олиб боради;

— фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар ва эксперт кенгашлари ишини шакллантириш ва ташкил этиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фан доктори илмий даражасини ва илмий унвонларни бериш тартиблари тўғрисидаги низомларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

— вазирлик ва идоралар, Фанлар академиясининг илтимосномалари бўйича олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот муассасалари ҳузурида фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашларни ташкил этади, уларнинг шахсий таркибини тасдиқлайди, илмий кенгашларга диссертацияларни ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқини берадиган ихтисосликлар рўйхатини белгилайди;

— фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширади ва улар иши мониторингини олиб боради, эксперт кенгашларининг таклифлари асосида уларнинг фаолиятини тугатади ёки тўхтатади;

— докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журнал ва нашрлар, шу жумладан, электрон илмий-техник журналлар рўйхатини белгилайди;

— манфаатдор вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан биргаликда илм-фан, техника, таълим ва маданиятни ривожлантириш йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар рўйхатини такомиллаштириш ишларини олиб боради;

— фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг давлат экспертизасини ўтказиш;

— тегишли илмий кенгашнинг фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди, олий таълим муассасалари кенгашлари ёки илмий-тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари тақдимномаси бўйича профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини беради;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва ишлайдиган хорижий мамлакатлар фуқароларига хорижий мамлакатлар аттестация органлари томонидан берилган фан доктори илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация (эквивалентликни аниқлаш) қилади;

— давлат намунасидаги фан доктори дипломларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларини расмийлаштиради;

— ОАКга тушган апелляциялар, таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқади;

— манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ режалаштириладиган докторлик диссертацияси тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштириш ва докторлик диссертацияси тадқиқотларини муҳокама қилиш учун фан тармоқлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этади;

— ҳимоя қилинган диссертация ишларини таҳлил қилади, вазирлик ва идораларга диссертация ишларида баён қилинган илмий тадқиқотлар бажарилгани тўғрисидаги маълумотларни диссертация ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш мумкинлиги ҳақидаги тегишли тавсиялар билан биргаликда юборилишини таъминлайди;

— ОАК ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

— ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий мамлакатларнинг аттестация органлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатади ва уни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда ахборот айирбошлашни ташкил этади.

ОАК ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Фанлар академияси, вазирликлар, идора ва ташкилотлардан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни белгиланган тартибда олиш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича давлатлараро музокараларда иштирок этиш;

— эксперт кенгашларининг қарорлари асосида фан доктори илмий даражасини бериш бўйича бир марталик илмий кенгашлар ташкил этиш ва уларнинг ишини назорат қилиш;

— ОАК Раёсати мажлисларида иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар ва эксперт кенгашлари раисларининг ҳисоботларини эшитиш;

— малакавий имтиҳонлар рўйхатини белгилаш ва уларнинг ташкил этилиши ва савиясини назорат қилиш;

— фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар ишлаб турган ташкилотлардан белгиланган тартибда ҳар йилги ҳисоботларни ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш учун вазирлик ва идоралардан зарур ахборотни олиш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, диссертация тадқиқотларининг сифати, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун идоралараро кенгашларни белгиланган тартибда чақириш;

— ўзига юкланган вазифа ва функциялар доирасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, кенгашлар, конференциялар ишида қатнашиш;

— диссертацияларга қўйиладиган талабларга мувофиқ фан ва иқтисодиёт тармоқлари учун аҳамияти юзасидан қўшимча хулоса олиш мақсадида диссертация ишларини зарур ҳолларда фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашларга юбориш;

— олий таълим муассасалари ёки илмий тадқиқот муассасалари илмий ва тегишли кенгашларининг тавсияларига биноан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни илмий даражалар ҳамда илмий унвонлардан белгиланган тартибда маҳрум қилиш ёки уларни тиклаш;

— ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

— зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқариш.

ОАК ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низомга мувофиқ бажаришга мажбур, мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимининг ҳолати ва уни такомиллаштириш юзасидан жавоб беради.

ОАКга Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади. У ОАКга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради.

ОАК раиси, бош илмий котиб ҳамда фаннинг асосий йўналишлари бўйича фан, техника, таълим ва маданият соҳасидаги етакчи олим ва мутахассислардан иборат бўлган Раёсат ОАКнинг раҳбарлик қилувчи ижро органи ҳисобланади. Раёсатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Раёсат ишига ОАК раиси раҳбарлик қилади. Зарурат бўлганда, ОАК раиси Раёсат аъзолари таркибини қисман ўзгартириш бўйича таклифни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

ОАКнинг аппарати унинг ижро органи ҳисобланади. ОАК аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. ОАК аппарати таркиби Котибият, Мониторинг бўлими ва Ахборот-таҳлил бўлими, шунингдек, бухгалтериядан иборат.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга тааллуқли аттестация ишлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, ОАК фаолиятининг коллегиял қарорини ва унинг бажарилиши юзасидан назоратни талаб этадиган жорий масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун ОАК раиси, бош илмий котиб, илмий йўналишлар бўйича бош инспекторлар, шунингдек, ОАК бўлимлари бошлиқларидан иборат тартибда ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси ташкил этилган.

Тақдим этилган докторлик диссертацияларини, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини илмий экспертизадан ўтказиш, фан доктори илмий даражасини берадиган илмий кенгашлар ишини ва аттестация ўтказишда талабларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш, илмий даража бериш ва илмий унвонлар бериш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш, шунингдек, ОАК Раёсатига тавсиялар тайёрлаш учун фан, техника, таълим ва маданият соҳасидаги етакчи олим ва мутахассислардан фан йўналишлари бўйича эксперт кенгашлари ташкил этилган. Ҳозирги кунда 16 та эксперт кенгаши мавжуд.

ОАК олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича „ОАК бюллетени“ журнални нашр этади. „ОАК бюллетени“ журналида изланувчиларнинг диссертация тадқиқотлари мавзулари, диссертация аннотацияси билан биргаликда докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниши, талабгорларга фан доктори илмий даражаси берилиши ҳамда илмий унвонлар берилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотлар ҳам берилади. „ОАК бюллетени“ журнали ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида нашр этилади. „ОАК бюллетени“ журналнинг бир йилда олти сони нашр қилинади.

*Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида ОАК фаолияти масалалари ОАК веб-сайтида ёритиб борилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги низом;

2. Фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги низом;

3. Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларида қуйидаги таърифлар қўлланиши кўрсатилган:**

1. **Олий ўқув юртидан кейинги таълим** — жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

2. **Катта илмий ходимлар — изланувчилар институти** — ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

3. **Мустақил изланувчилик** — ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражасини олишга талабгорлар учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

4. **Катта илмий ходим-изланувчи** — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

5. **Мустақил изланувчи** — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

#### **8.4. Олий таълимни ривожлантириш тамойиллари ва унинг мамлакатимизни модернизация қилишдаги ўрни**

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги „Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида“ги Қарори олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини амалга оширишни назарда тутди. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011—2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилгани диққатга сазовордир<sup>140</sup>. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг „Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!“ деган эзгу даъватининг ҳаётий ифодасидир.

<sup>140</sup> *Ортиқов Ш.* Юсак салоҳиятли авлодни тарбиялаш — энг муқаддас мақсад // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

Дастурда юксак малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларни мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, мазмуни бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёж қолмаган мутахассисликларни ёпиш ҳисобидан 2016 йилга қадар олий таълим бакалаврият босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тага камайтирилиши режалаштирилган.

Дастур ижроси доирасида инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сонини амалдаги 23 фоиздан 2015—2016 ўқув йилларида 36 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5—10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда „таълим“, „иқтисодиёт ва бизнес“, „ҳуқуқ“ ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камайиши кутилмоқда<sup>141</sup>.

2011—2012 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари битирувчиларига қатъий талаб қўйилди: 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологияларини; 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурлари ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда.

Талабаларнинг халқаро таълим ресурсларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида яқин йиллар ичида олий таълим муассасалари учун замонавий оптик толали ягона компьютер тармоғи ишга туширилади. Юқори тезликдаги Интернетга уланадиган ушбу тармоқ ёрдамида мамлакатимиз ҳамда хориждаги таълим муассасалари билан алоқа боғлаш, видеоконференциялар ўтказиш мумкин бўлади.

Аввало, ушбу дастур: 1) 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган; 2) юксак малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган; 3) 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларни акс эттиради; 4) ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхатини ўз ичига олган; 5) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий тадқиқот лабораторияларининг илова қилинган рўйхатига эга; 6) дастурни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун махсус комиссия таркиби ташкил этилиши таъкидланган; 7) 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатишни назарда тутди.

#### **Президент қарорига кўра:**

1. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти — Андижон машинасозлик институтига айлантирилди.

2. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти — Наманган муҳандислик-технологик институти деб ўзгартирилди.

3. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти — Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди.

Қарорга кўра, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Олий

<sup>141</sup> Умарова Н. Олий таълим тизимидаги муҳим янгилик // Туркистон, 2011 йил 8 июнь.

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамгармаси ташкил этилди.

Айни вақтда, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича киритиладиган таклифларда: 1) ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификацияси такомиллаштирилиши; 2) „доцент“ ва „профессор“ илмий унвонларини бериш тизимининг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз малака ва педагогик маҳоратини мунтазам равишда оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш; 3) юқори малакали ўқитувчиларга касб маҳораги ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш каби масалалар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, „2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Рейтинг тузиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланди. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади“.<sup>142</sup> Яъни, бошқача айтганда, таълим сифатини ошириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқишда олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг „Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида“ги қарорига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. Эндиликда олий таълим муассасалари рейтинги Давлат тест маркази (ДТМ) томонидан аниқланади. Таҳлилий маълумотлар олий ўқув юртининг қандай ривожланаётгани тўғрисида ахборотга эга бўлиш имкониятини бериш билан биргаликда, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имкониятини яратиш билан аҳамиятли ҳисобланади.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида холис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас. Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган муаммоларни ечиш кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш бўйича янги имкониятлар пайдо бўлади.

Маълумки, хорижий тилни билиш аллақачон давр талабига айланиб улгурди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги „Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, юксак маърифатли, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон аҳамиятига интеграциялашувига йўналтирилган тизимни янада кучайтиришни назарда тутди.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор усулларини жорий этиш йўли билан хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот

<sup>142</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2012 йил 19 январь.

ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Қарорда таълим тизими вакиллари олдида бир қатор вазифалар қўйиладики, уларга кўра, чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва огзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланиши кўзда тутилади. Олий ўқув юртларида айрим махсус фанлар, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши ёшларимизнинг нафақат хорижий тилни билишларига шароит яратади, балки хорижий техника ва технологияларни ўзлаштириш, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини юзага чиқаради. Шунингдек, қарорда ёшларнинг чет тилларга бўлган қизиқишларини ошириш, уни эгаллашларига замин яратиш мақсадида 2015—2016 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига қабул жараёнида кириш тестлари блокига чет тилининг киритилиши белгилаб қўйилди<sup>143</sup>.

Юксак тараққиётни таъминлашда Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши фаоллашмоқда.

3. Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келмоқда.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилгандир.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

9. Мамлакатимизда таълим оладиган ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълим ишларининг самарали шакл ҳамда услублари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

10. Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

11. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий самараси ва барқарор ривожланишининг кафолатлари, устувор йўналишларини таъминлайдиган норматив, моддий-техник ва ахборот базаси яратилди.

12. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

13. Кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

<sup>143</sup> Хаитов Ў. Таълим, шахс ва жамият уйғунлиги — шу асосда мамлакатнинг барқарор тараққиёти кафолатланади // Маърифат, 2013 йил 23 февраль.



## 8.5. Инновацион ривожланиш даражаси ва унда Ўзбекистоннинг иштироки

Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан фаол ва баркамол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, гоёвий-мафкуравий тарбия воситасида шахснинг салоҳиятини максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу берилмоқда.

2011 йилнинг 25—26 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахтидаги „Интерконтиненталь“ меҳмонхонасида „Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари“ мавзусида икки кунлик халқаро форум ўтказилди. Унда Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ дастури умуммиллий ҳаракатга айлангани яна бир бор эътироф этилди. 2010 йилда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг „Save the children“ („Болаларни асрайлик“) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича 10 та етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади.

2012 йил 16—17 февраль кунлари Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Юртбошимиз ташаббуси билан „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт“ мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт“ мавзусидаги нутқи форум қатнашчиларида катта таассурот уйғотди. Хусусан, ана шу халқаро анжуманда дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан 270 нафар иштирокчи, таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида юртимизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланган самарали моделни юксак баҳоладилар. Бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган хулосага келдилар.

Таъкидлаш жоизки, бундай эътирофлар географияси кейинги пайтда тобора кенгайиб, улар аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро таҳлилий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Бунинг тасдиғини халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компаниясининг АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида 2012 йил 3 июлда эълон қилинган қиёсий ахбороти мисолида яққол кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, бу ахборот Франциянинг нуфузли „Insead“ халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланиб, 3 июлда эълон қилинган „2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси“ деб номланган таҳлилий маърузасига асосланади.

Таъкидлаш керакки, ушбу тадқиқот дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткичини ўз ичига олади. Тадқиқот 2012 йилда 141 мамлакатни қамраб олди. Бу мамлакатлар жаҳон миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқариши, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи айнан шу давлатларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тадқиқотнинг кўлами, салмоғи ва географиясини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

Маъруза муаллифларининг фикрига кўра, дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси

мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлари бўйича йиғилган умумий баҳолар асосида ҳисобланади.

Биринчи гуруҳ — инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар:

- институтлар;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфратузилма;
- ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши.

Иккинчи гуруҳ — инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари:

- технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш;
- креатив фаолият натижалари.

Яқуний индекс харажатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу, ўз навбатида, тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги инновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни холис баҳолаш имконини беради.

Президентимиз Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида „Insead“ халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги „Инновацияларнинг глобал индекси“ маърузаси ҳақида тўхталиб, бундай деган эди: „Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринглар — дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган“<sup>144</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун гоъят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Белорусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган<sup>145</sup>.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон — 69-ўрин, Қирғизистон — 72-ўрин, Арманистон — 85-ўрин, Грузия — 87-ўрин, Озарбайжон — 89-ўрин, Тожикистон — 107-ўрин.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожини, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилаётган сарф-харажатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони ва неча фоизни ташкил этиши, битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

<sup>144</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

<sup>145</sup> Ўзбекистон таълим тизими: яна бир юксак эътироф // Халқ сўзи, 2012 йил 28 август.

Юқорида баён этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг ҳар йилги харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 10—12 фоизни ташкил этмоқда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 фоиздан ошади. Мактаб ўқитувчилари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлиари ўқитувчиларининг иш ҳақи сўнги 10 йил ичида иқтисодийнинг бошқа тармоқларидаги меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан бир ярим баробар кўпайди<sup>146</sup>.

Шу ўринда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида қайд этиш жоиз. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлиарида мингдан ортиқ талаба таълим олмоқда. Хусусан, 65 та олий ўқув юртининг 32 таси вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификагориди таълим йўналишлари сони 139 тадан 195 тага, мутахассисликлар сони 1145 тадан 1395 тага кўпайди<sup>147</sup>. Бундан ташқари, давр талаби билан янги олий таълим муассасалари барпо этилди. Пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустақкам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлиари — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>148</sup>. Эндиликда ёшлар замон билан ҳамнафас бўлиб, яратилган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни яратилган шароитга кўра, олий ўқув юртлиаридан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўладими, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва усулларини жорий этиш бўладими, бу билим масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўладими — буларнинг барчаси одамнинг гурури ва ҳавасини уйғотадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини кўриш қийин эмас.

Шубҳасиз, таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳозирдан оқ ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 1995 йилгача юртимиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадаларида қатнашмаган бўлса, 1995—2011 йиллар давомида улар кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини дунё аҳлига намён этишди. Иқтидорли болаларимиз мазкур нуфузли олимпиадаларда жами 244 та медаль, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалига сазовор бўлди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани, Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишгани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида юқори погоналарни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришгани барчамизни бирдек

<sup>146</sup> Юксак малакали кадрлар мамлакатимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди // Халқ сўзи, 2012 йил 19 декабрь.

<sup>147</sup> *Маматов А.* Келажакимизнинг мустақкам пойдевори // Халқ сўзи, 2012 йил 4 октябр.

<sup>148</sup> *Каримов И.А.* 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 17 март.

қувонтиради. Бу, албатта, юртимизда таълим-тарбия ва илм-фаннинг қанчалик юқори салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

Шу муносабат билан Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: „Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар“<sup>149</sup>.

Айтиш керакки, бир пайтлар умумбашарий ривожланишдан чиндан ҳам четда қолиб кетган халқимиз ўтмишнинг аччиқ тажрибасидан тўғри сабоқ чиқариб, мустақиллик йилларида илм-маърифатга, интеллектуал тараққиётга интилиш, ёшларимизни айнан шу руҳда тарбиялаш масаласини ўзи учун энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олгани ва бу борада улкан амалий самараларга эришаётгани туфайли бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон тараққиётининг олдинги сафларига чиқиб бормоқда. Буни юқорида зикр этилган рейтинг натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.

## **8.6. Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотларнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши**

2012 йил 16—17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган халқаро конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) деб номланган таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий принципларига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг „ўзбек модели“нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Олий ўқув юртиларида кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мазкур мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида оила омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда юртимизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инobatга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш тизимларининг яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий муштараклигидан ташкил топган.

Юқорида зикр этилган конференция қатнашчилари Ўзбекистондаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Улар юртимизда Президентимиз бошчилигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самарасига юксак баҳо бердилар.

***Габриеле Ментгес, Дортмунд техника университети профессори (Германия):***

Мамлакатингизда иқтидорли ўқувчи-талабаларни давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш тизими самарали йўлга қўйилган... Имтиёзли стипендиялар ва мукофотлар жорий этилган. Кўрик-танловларни мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланган. Айни чоғда ўзбекистонлик ёшлар халқаро олимпиадалар, санъат ва маданият

<sup>149</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. — 18-т. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2010. — 95-б.

кўргазмаларида ҳамиша юқори савияда қатнашиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакат раҳбарининг таълим-тарбия соҳасига қаратаётган юксак эътибори, бу борада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва комплекс чора-тадбирлар самарасидир.

***Рене Толлемер, Халқаро тиббиёт академияси экспертизаси аъзоси, Тулуза университети профессора (Франция):***

Юртингизга бундан икки йил муқаддам келиб, жуда катта таассуротлар билан қайтганман. Ўша ажойиб кунлар ҳали-ҳануз ёдимда. Шу боис Тошкентда таълим соҳасига багишлаб йирик халқаро анжуман ўтказилишини эшитганимда бу бетакрор заминга яна ташриф буюриш имконияти туғилганидан беҳад қувондим. Мен Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларни доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Сабаби, бу мамлакатда фарзанд тарбиясидек ўта нозик масалата давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, йилдан-йилга улкан ютуқларга эришилмоқда. Масалан, бугун жаҳон тиббиётида Ўзбекистон тўплаган тажриба алоҳида эътироф этиляпти. Бу — бежиз эмас. Қабул қилинган қатор дастурлар асосида она ва бола саломатлигини асраш, нафақат шаҳарлар, балки олис ҳудудларда ҳам бирдек сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили катта куч ва маблағ сарфланмоқда. Энг муҳими, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими изчил йўлга қўйилган. Тошкент тиббиёт академиясида профессорлар, ўқитувчилар ҳамда талабалар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Айниқса, ёшларнинг дунёқараши кенглиги, замонавий технологиялардан бемалол фойдалана олаётгани менда алоҳида ҳавас уйғотди. Улар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ.

***Луиза Сердейра, Лиссабон университети проректори (Португалия):***

Очигини айтиш керак, бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳам таълимга сармоя ажратиш, уни модернизация қилиш каби масалалар эътибордан четда қолмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда Президент Ислом Каримов томонидан навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун катта гамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга сазовор. Биргина мисол: ўғил-қизларнинг замонавий ўқув даргоҳларида билим олишлари, ўзлари ёқтирган касбу корни эгаллашлари учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ йўналтирилмоқда.

Айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда коллеж — корхона муносабатларини раванқ топтириш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Пиравардида ёшларнинг ижтимоий бандлиги таъминланмоқда. Чунончи, уларнинг ўз ихтисослиги ва ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганига ҳавас қилсак арзийди. Ўзбекистон таълим тизими алоҳида таҳсинга сазовор<sup>150</sup>.

***Дайен Адачи, Вашингтон университети вице-президенти ёрдамчиси (АҚШ):***

Ўзбекистонда таълим сиёсати ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатингизнинг қўлга киритаётган салмоқли кўрсаткичлари бежиз эмаслигини исботлаб турибди. Ўз навбатида, ўзбек ёшларининг халқаро билим ва спорт ареналарида эришаётган ютуқларининг ўзиёқ бу фикрнинг тасдиғи бўла олади.

Ўзим футболга жуда қизиқаман, мундиалларни қолдирмасдан кўриб бораман. Шу жумладан, ўтган йили Мексикада ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатини диққат-эътибор билан кузатдим. Табиийки, унда АҚШ терма жамоасига мухлислик қилдим. Ўсмирларингиз бизнинг терма жамоа устидан муносиб ғалаба қозонишганида, тўғриси, ўзбекистонлик ёш футболчилар кўрсатган чиройли ўйинга тан бердим. Уларнинг ўйинларини ҳам қолдирмасдан кўриб бордим ва „миллионлар ўйини“ бўйича дунёдаги саккизта энг кучли давлатдан бири айнан Ўзбекистон бўлганидан қувондим.

<sup>150</sup> Ортиқов Ш., Маҳсумов С. „Ўзбекистон таълим тизими алоҳида таҳсинга сазовор“ // Халқ сўзи, 2012 йил 16 февраль.

Юртингизга ташриф буюрганамда, ёшларингизнинг бундай катта натижалари бежиз эмаслигини янада чуқурроқ англаб етдим. Ўғил-қизларнинг нафақат спорт билан шуғулланишлари, балки билим олишлари, илм-фан чўққиларини забт этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилганига гувоҳ бўлдим.

***Тадеуш Бодио, профессор, Польша профессор-ўқитувчилар таркибини аттестация қилиш бўйича комиссия раиси:***

Президент Ислон Каримовнинг халқаро конференциядаги маърузасини диққат ва ҳаяжон билан тингладим. Дарҳақиқат, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртлири фаолиятида ўзаро мантиқий боғлиқлик ҳамда изчиллик йўлга қўйилганига ҳавас қилса арзийди. Бу эса ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб вояга етказиш гарови бўлмоқда.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг замонавий инфратузилмаси ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб барпо этилган. Уларда ихтисослашув ҳамда махсус фан соҳаларига йўналтиришга кучли эътибор қаратилган. Мазкур тамойиллар эса юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий бандликни мустаҳкамлашдек устувор вазифалар бажарилишида айна муддао бўлмоқда. Шу билан бирга, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборлидир.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи менда катта таассурот қолдирди. Коллежда ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш учун барча қулайликлар мавжуд экан. Ўғил-қизлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, илм олишга сидқидилдан интилаётганини кўриб ҳавас қилдик.

***Росарио Де Ла Круз Лопес, Мирандела коллежи директори (Испания):***

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мукамал моделлари ҳамда уларнинг улкан самаралари билан дунёга танилган бетакрор, меҳмондўст мамлакат. Бунга диёрингизга ташрифим ва глобал миқёсда катта аҳамиятга эга бўлган, ўз навбатида, юқори ташкилотчилик руҳида уюштирилган халқаро конференциядаги иштироким чоғида яна бир бор амин бўлдим.

Таъкидлаш жоизки, бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кўплаб ривожланган давлатларда ижтимоий йўналтирилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш тобора мураккаблашиб бормоқда. Юртингизда эса бепул умумий таълим олиш қонуний қафолатлангани соҳа узвийлиги ва самарадорлигини белгилаб берадиган энг муҳим тамойилга айланган. Шулар асосида кенг кўламли ислохотлар, бунёдкорликлар, модернизация ишлари амалга оширилаётгани таҳсинга сазовор.

Пойтахтингиздаги 69-мактаб, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи, Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолияти бунга мисол бўлади. Ушбу масканларда ёш авлоднинг замонавий даражада таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитлар кишини лол қолдиради.

Ўз навбатида, ўқувчи-талабаларнинг билим оламан, илм ўрганаман, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб етишаман, деган интилишларини уларнинг юз-кўзидан уқиб олиш қийин бўлмади. Бундай ёшлар таълим масканларидан Ўзбекистоннинг буюк келажагига учирма бўлишига шубҳа йўқ.

***Петр НГ, „UCSI“ университети президенти (Малайзия):***

Ҳар бир юртнинг куч-қудрати, интеллектуал салоҳияти таълим тизимидаги ислохотларда ҳам намоён бўлади. Шу маънода, Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбиясига юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқдаки, бунга нафақат ҳавас қилиш, шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ислохотлардан ибрат олиш керак, деб ўйлайман. Юртингиздаги таълим тизимининг тубдан ўзгаргани, ўқитиш сифатининг яхшиланиши, ўқитувчи-мураббийлар меҳнати эъзозланаётгани, ўғил-қизларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётгани таҳсинга лойиқ.

Ўрни келганда уч босқичли спорт ўйинларининг йўлга қўйилиши ва бу тизимнинг теран мазмун-моҳиятини таъкидламоқчиман. Дунёдаги кўплаб мамлакатларда бўлган,

хорижий давлатларнинг таълим тизимини ўрганган, таҳлил қилган мутахассис сифатида айтаманки, ёшларни спортга ошно этишнинг бундай усули бошқа ўлкаларда деярли учрамайди. Мана шундай ноёб ва айни пайтда муҳим жиҳатлар асосида баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг янада ёрқин самарасини бериши шубҳасиз.

**Жан Дидье Лекайон, Париждаги „Пантеон Ассас“ университети вице-президенти (Франция):**

Бугунги кунда илм-фан ва таълим жадал ривожланмоқда. Инсон тафаккурининг янги қирралари очилмоқда. Ўзбекистон таълим модели ҳам ана шундай ютуқларга интеграциялашув имкониятини бериши билан аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида бу жуда муҳимдир. Чунончи, таълим тизимингизда коллеж — корхона ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Социал-иқтисодий жабҳаларни кенг тармоқли тараққий топтириш асосида битирувчилар учун янги иш ўринлари яратилаётир. Ёшлар инновацион фаолиятга кенг жалб этилиб, уларнинг ихтирочилик ва рационализаторлик соҳасидаги лойиҳалари рағбатлантирилмоқда. Бу борада нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик ҳамда пухта ҳамкорлик олиб бориляпти. Кўриниб турибдики, соҳадаги диверсификация жараёнлари замонавий стандартларга ҳамқадам бўлиб давом этмоқда<sup>151</sup>.

Халқаро конференция буларни янада кенг ва батафсил ўрганишимизда катта ёрдам берди.

**Муҳаммадамин Холмурод Мирза, Маккадаги „Уммул-Қуро“ университети хирургия кафедраси доктори, Буюк Британия Хирургия коллежи аъзоси (Саудия Арабистони Подшоҳлиги):**

Авалло, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ибн Сино сингари улуғ зотларни вояга етказган заминга қадам қўйганимдан бениҳоя хурсандман. Келажаги буюк бу юртнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам буюқдир. 2007 йил Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро Ислом ташкилоти — ISESCO тарафидан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, деб эътироф этилиши бежиз эмас, албатта. Муҳтарам Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган ушбу конференциянинг асл мазмун-моҳияти ҳам бугунги ёш авлоднинг етук бобокалонларига муносиб бўлиб улгайишлари учун замин яратишга қаратилган. Ва бу эзгу ният шитоб билан амалга ошаётганига гувоҳ бўлдик. Биз 1-Республика тиббиёт коллежида бўлдик. Касбим тақозосига кўра, у ердаги ўқувчилар билан суҳбатлашиб, англадимки, ўзбек ўғил-қизлари илмга чанқоқ, янгиликка интилувчан, ўзларига ишонувчан экан.

Бу бежиз эмас. Зотан, Ўзбекистонда навқирон йигит-қизларнинг мустаҳкам билим олиши учун беқиёс шарт-шароитлар яратилган. Таълим тизими ривожига миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга ошириляпти. Шу боис навқирон авлод вакиллари озод ва обод келажак қуришда асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда, эзгу ислоҳотларга муносиб жавоб беришга интиляпти.

**Йошико Кавабата, Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети проректори (Япония):**

Ўзбек халқи ҳамиша устоз-мураббийларга чексиз эҳтиром кўрсатиб келади. Бу — миллий қадриятларингизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шубҳасиз, қай ерда ўқитувчилар эъзозланса, ўша юртнинг бугуни барқарор, истиқболи ёруғ бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилган таълим сиёсати натижасида ана шу анъаналар булоғи қайта кўз очди. Жамиятда педагогик энг катта эҳтиромга лойиқ касбга айланди. Мазкур шарафли ва масъулиятли юмушни этагидан тутганлар моддий-маънавий жиҳатдан мудом кўллаб-қувватланмоқда. Уларга давлат томонидан алоҳида гамхўрлик кўрсатиляпти.

<sup>151</sup> Жонихонов М., Маҳсумов С. „Ўзбекистонда таълим тизимида амалга ошириляётган изчил ислоҳотлар юксак натижалар бериши шубҳасиз“ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

Юртингизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, ҳар йили кўплаб ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз давлатингизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилиши, улар ўртасида „Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси“ республика кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинаётгани бунинг тасдиғидир.

Тошкент шаҳридаги 50-сонли ихтисослаштирилган мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва университетларни бориб кўрганимизда, бу ҳақда яна бир бор атрофлича маълумот олдик. Ҳамма-ҳаммаси рисоладагидек — жаҳон стандартларига мос ўқув-лаборатория хоналари, кенг ва шинам аудиториялар, кутубхоналар, спорт заллари... Имкониятлар ва қулайликларни санаб, адоғига етиш қийин.

Биз, меҳмонлар учун конференция ишида кўнгилдагидек иштирок этиш, таълим-тарбия, маданият масканлари билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилгани ҳамда юксак даражадаги меҳмонхона, транспорт сервиси ҳамда таржимонлик хизмати учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдираамиз.

***Жозеф Хехтль, Миллатлараро ҳамжиҳатлик ассоциацияси президенти (Австрия):***

Президент Ислом Каримов томонидан амалиётга жорий этилган тараққиётнинг ўзбек модели мазмун-моҳияти барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳамда анъаналарини ҳурмат қилиш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш, фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши каби ижтимоий адолат принципларига тўла мосдир. Шу боис бугун юртингизда миллатлараро тотувлик барқарор, толерантлик руҳи, тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Айни чоғда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари таъминланмоқда.

Мамлакатингизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам мана шундай олижаноб кадриятлар, инсоний фазилатлар асосида амалга оширилмоқда. Пировардида, диёрингизда яшаётган ҳамма миллат ва элат фарзандлари бир хил — замонавий қулайликларга эга зиё масканларида таҳсил олмақда, санъат ва спорт сирларини мукамал ўрганмоқда. Шунга муштарак равишда халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишаётир. Глобал майдонда ўзбекистонлик ёшлар нималарга қодир эканини намоён этмоқдалар.

Ана шундай дўстона ва аҳил муҳитга пойтахтингиздаги таълим муассасаларида меҳмон бўлганимизда ҳам гувоҳ бўлдик. Бундан бир олам таассурот олдик.

Ўтказилган нуфузли ва йирик халқаро конференция кўп томонлама ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатликнинг ёрқин тимсоли сифатида хотирамизда сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

***Сауд бин Салим Ал-Балуший, Уммон Султонлиги таълим вазири ўринбосари:***

Ўзбекистон раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг „ўзбек модели“ асосида эришилаётган юксак натижалардан яхши хабардорман. Таълим соҳасидаги ютуқлар таҳсинга лойиқ. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференциядаги нутқини алоҳида эътибор билан эшитдим.

Айтиш лозимки, мажбурий 12 йиллик таълим тизими ҳаётга татбиқ этилиши бу борадаги ривожланишда муҳим омил бўлди. Айни шу асосда ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, соғлом ва интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли қилиб камол топтириш механизми шакллантирилди. Бунда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий негиз, жумладан, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури салмоқли роль ўйнайди. Ўзбекистон эришган муваффақиятдан ўрнак олса арзийди<sup>152</sup>.

***Жозе Рибейра Кастро, Португалия Ассамблеяси таълим, фан ва маданият қўмитаси раиси:***

Президент Ислом Каримов томонидан амалиётга жорий этилган ўзбек таълим моделининг бугунги самараларида мустаҳкам қонуний пойдевор бор. Шу асосда пухта ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган стратегик дастурлар, чора-тадбирлар тараққиётнинг муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Бепул

<sup>152</sup> Жонихонов М., Маҳсумов С. „Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим тизимидаги янгиланишлар хорижда ҳам тан олинмоқда“ // Халқ сўзи, 2012 йил 22 февраль.



умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатлангани беқиёс ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Айни чоғда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилмоқда. Чунончи, бу йўлда кенг қўламли модернизация, бунёд-корлик ишлари рўёбга чиқарилиб, ушбу масъулиятли юмуш, ҳаттоки, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Пойтахтингиздаги кўплаб таълим муассасалари қатори 50-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига ташрифимиз чоғида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Кўркам бино, кенг ва шинам хоналар, замонавий моддий-техник база, ажойиб кутубхона — барча-барчаси бугунги кун андозаларига уйғун. Ўгил-қизларнинг юзу кўзидаги билимга чанқоқлик, интилувчанликни айтмайсизми?

Ҳайратланарлиси, ўқувчилардан бири билан суҳбатлашиш учун таржимонни чақирганимда, у бурро қилиб „Таржимонга ҳожат йўқ, қандай саволингиз бўлса, мен тайёрман“, деб жавоб қайтарди. Мана шу оддий ҳолатнинг ўзиёқ Ўзбекистонда таълим самарадорлиги юқори эканини намоён этади<sup>153</sup>.

***Юнг Хун Чанг, Ёзу технология университети вице-президенти (Жанубий Корея):***

... Халқаро конференция доирасида мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртли фаолияти билан яқиндан танишиб, уларда таълим бераётган юксак малакали мутахассислар, таҳсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашиб бунга ишонч ҳосил қилдик. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети борганимизда, талабалар энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланган аудиторияларда ўз билим ва маҳоратини ошираётганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон фарзандларининг интилувчанлиги, ёрқин истеъдоди, хорижий тилларда бемалол сўзлаша олиш қобилияти уларнинг келажаги янада порлоқ эканининг яққол тасдиғидир.

***Жан Паул ван Мариссинг, Лейден Вебстер университети (Голландия):***

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимида эришилётган ютуқлар ҳавас қилишга арзийди. Жумладан, халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртлининг филиаллари ташкил этилгани таҳсинга лойиқ.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган ўқув жараёни билан яқиндан танишдик. Ёшларнинг салоҳияти, иқтидорига қойил қолдик. Улар ўзи танлаган мутахассислигини чуқур ўрганишга интилмоқда. Бунга суҳбатимиз асносида амин бўлдик. Шароитлар ҳам ажойиб. Ҳар бир хона замонавий ахборот технологиялари, ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Буларнинг барчаси дунё миқёсида тобора обрў-эътибори ошиб бораётган Ўзбекистоннинг яқин йиллар ичида энг тараққий этган давлатлар сафига қўшилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундай дил сўзларини Франция Сенатининг Маданият, таълим ва коммуникация бўйича комиссия раиси ўринбосари Дюклоз Картрон, Чулалонкорн университети вице-президенти (Таиланд) Калая Тингсабдх, Чехия аграр университетининг илмий-тадқиқот институти директори, профессор Бохумил Хаврланд, Фрайбург педагогика университети проректори (Германия) Хунеке Ханс-Вернер, Рамапо коллежи директори ўринбосари, профессор (АҚШ) Майкл Эдельштейн ҳам билдиришган.

„Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти“ мавзусидаги халқаро конференцияда (2012 йил 12—14 сентябрда) дунёнинг турли мамлакатларидан иштирок этган конференция қатнашчилари айрим вакилларининг дил сўзлари ҳам юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

---

<sup>153</sup> *Ортиқов Ш., Маҳсумов С.* „Ўзбекистон ёшлар жаҳон стандартларига мос шароитда таълим олмақдалар“ // Халқ сўзи, 2012 йил 17 февраль.

### **Шиао Жао, Осиё тараққиёт банки вице-президенти:**

... Кичик бизнесни ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг муҳимлигини қайд этиш зарур. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг асосида касб-ҳунар таълими тизимининг ташкил этилгани бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрланади...

### **Жанамитра Деван, Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти:**

...Таълим соҳаси ва касб кўникмаларини ривожлантириш билан бирга, модернизация қилинган инфратузилмага инвестициялар жалб қилиш узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда беқиёс аҳамият касб этадиган „жамият фаровонлиги“ни яратади<sup>154</sup>.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар изчил давом эттирилди?
2. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежларига жалб этиш ишлари ҳақида гапириб беринг.
3. Юртимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қандай эътибор қаратилмоқда?
4. Касб-ҳунар коллежлари билан иш берувчи корхоналар ўртасида қандай кооперация алоқалари ўрнатилди?
5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган ислохотлар ҳақида нималарни биласиз?
6. Ўзбекистон Президентининг „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги Фармонидан қандай мақсадлар кўзланган?
7. Олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар беришнинг қандай тизими жорий этилмоқда?
8. Олий таълим тизимининг мамлакатимизни модернизация қилишдаги ўрни қандай?

---

<sup>154</sup> Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао нутқи// Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.

## 9-БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР

### 9.1. Соғлиқни сақлаш тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти



Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқлари қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи ҳам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Аввало, бу борада янги замонавий тизимни барпо этиш, кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий, амалий-ташкилий пойдевор яратилди.

Маълумки, собиқ шўро даврида Ўзбекистонда ҳам аҳолига тиббий хизмаг кўрсатиш даражаси ва сифати талабга мутлақо жавоб бермас эди. Масалан, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1991 йилда 67 йилни ташкил этган бўлса, оналар ўлими 65,3 нафарни (ҳар 100 000 та тирик туғилган болага), гўдақлар ўлими 34,5 нафарни (ҳар 1000 та тирик туғилган болага) ташкил этган эди.

1991 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 20,8 миллион кишини ташкил этгани ҳолда, жами шифокорлар сони 71131 нафарни, ҳар 10 000 аҳолига 34,1 нафар шифокор тўғри келар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига амбулатория ва поликлиника хизматини кўрсатишда катта тафовутлар мавжуд эди. Қишлоқ аҳолиси тиббий ёрдамга муҳтож бўлган пайтда биринчи бор фельдшерлик-акушерлик пунктларидаги фельдшерга мурожаат этар, шаҳарларда эса битта оилада яшайдиган турли ёшдаги инсонлар тиббий ёрдам олиш мақсадида камида 3 та поликлиника типидagi тиббиёт муассасасига мурожаат қилишга мажбур бўларди. Яъни оиладаги болалар — болалар поликлиникасига (педиатрларга), катта ёшдагилар — шаҳар поликлиникасига (худудий терапевтларга), ҳомиладор аёллар эса аёллар консультациясига (акушер-гинекологга) қатнар эди. Ушбу муассасалар фаолиятида ўзаро узвийлик, боғлиқлик бўлмагани сабабли катталар поликлиникасида болалар саломатлиги ҳақида, аёллар консультациясида қизлар, ўсмир қизлар тўғрисида тегишли маълумотлар бўлмас, уларга тиббий ёрдам фақат улар мурожаат қилган даврдаги маълумотларга асосланган ҳолда кўрсатилар, профилактик ишларга, айниқса, бирламчи профилактикага умуман эътибор берилмас эди. Бошқача айтганда, амбулатория-поликлиника хизматини кўрсатаётган врачлар диспетчерлик функциясини бажарар эди, холос. Хусусан, худудий шифокорлар беморларни ўзлари даволаш ўрнига уларни асосан бошқа мутахассисларга ёки стационарларга юбориш билан шуғулланар эди.

Аҳолига стационар ёрдам 1370 та касалхона муассасасида кўрсатилар эди. Уларда жами ўринлар сони 256 585 тани, ҳар 10 000 аҳолига эса ўртача 123 тани ташкил этар эди. Касалхоналар, ўринлар сонига кўра жуда катта бўлишига қарамасдан, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати жуда паст эди. Стационар тиббий хизмат қишлоқ аҳолисига кам сонли ўринга эга, ҳеч қандай шароити бўлмаган қишлоқ участка шифохоналарида (25—75 ўринга мўлжалланган) кўрсатилар эди. Бу шифохоналарда беморларнинг аҳоли оғирлашган тақдирда улар туман марказий шифохоналарига, жуда оғир беморлар эса вилоят касалхоналарига юборилар эди. Шифохоналардаги тиббий асбоб-ускуналар эски, лекин аксарият шифохоналарда шу ҳам йўқ эди. Ана шу мисолларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, беморлар сифатли, малакали, ихтисослашган стационар ёрдами олиш учун бир неча босқичлардан ўтишга мажбур бўлар эди. Бунинг устига вақтида тўғри ташхис қўйилмагани, малакали даволанмагани учун беморнинг аҳоли янада оғирлашар, касал-



9.1.1-расм. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси (ёшда)<sup>155</sup>.

лиги сурункали тус олиб, кўп ҳолларда ногиронликка, баъзан эса бевақт ўлимга дучор бўлар эди. Стационарларда нафақат даволаш-профилактика ишларининг сифати, балки санитария-гигиеник ҳолат ҳам талабга жавоб бермас эди. Палаталардаги ўринлар сони 6—8 тани ташкил этар, 1 та беморга 3—4 м<sup>2</sup> жой тўғри келар, аксарият шифохона бинолари таъмирлашга муҳтож, иссиқ сув у ёқда турсин, ҳатто совуқ сув таъминоти ҳам ночор аҳволда эди.

Соғлиқни сақлаш тизими қолдиқ принципига асосан, молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг аксарият қисми (80 фоизи) кўп харажат талаб қиладиган стационар хизматни таъминлашга кетар эди.

Мустақиллик йилларида бундай ҳолатларга бутунлай барҳам берилди. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятнинг энг катта бойлиги бўлган инсон саломатлигини яхшилаш, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш, касалликларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаб вояга етказишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Айни шу мақсадлар асосида юртимизда замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш — бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: „Биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтирмоқчиман. 1991 йилдан буён ўтган даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришдик“<sup>156</sup>.

<sup>155</sup> И.А. Каримов. „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилишидаги нутқ. — Халқ сўзи, Тошкент. 26.11.2011.

<sup>156</sup> И.А. Каримов. „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилишидаги нутқ. — Халқ сўзи, Тошкент. 26.11.2011.

## 9.2. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Мустақиллигимизнинг ўтган қарийб 22 йили ичида соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 20 га яқин қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларида, яъни 1991—1998 йилларда соғлиқни сақлашнинг миллий модели асосларини шакллантириш босқичида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, экстенсив кўрсаткичлардан интенсив кўрсаткичларга ўтиш жараёни бошланди.

Президентимизнинг 1998 йилдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида“ги ПФ-2107-сонли Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг мутлақо янги, замонавий ривожланиш концепцияси қабул қилинди. Стратегик аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириш, унинг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш ва янада мустақамлаш давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бирига айланди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлатимизнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган. Аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча қирралари 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида“ги қонунда тўлиқ акс эттирилди. Бу қонун аҳоли саломатлигини сақлаш борасида мустақил давлатимиз қонунчилигида янги босқични бошлаб берди.

Таъкидлаш керакки, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги ушбу қонун қатта сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳозирги тараққиётини акс эттирган ҳолда, келгусида фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, тегишли ваколатларга эга бўлган қонунчилик органлари томонидан қабул қилинган ва мамлакат ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳуқуқий асосда ечишга — тартибга солишга қаратилган давлат ҳокимиятининг олий даражадаги ҳужжати — қонун деб аталади. Қабул қилинган қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган ҳолатларни ҳаётга татбиқ этишнинг ўзига хос амалий воситаси ҳисобланади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— фуқароларнинг ўз соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

— фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

— давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа шакллари муассам этган ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади:

**Давлат соғлиқни сақлаш тизими.** Давлат соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимида давлат мулки бўлган ва соғлиқни сақлаш тизими бўйича давлат бошқарув органларига бўйсунадиган даволаш-профилактика ва илмий тадқиқот муассасалари, клиникалар, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юрлари, фармацевтика корхона ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббиёт экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт

техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар, асосий фаолияти фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар ташкил этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатади.

**Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа шаклдаги тизимлари.** Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа шаклдаги тизимлари жумласига хусусий таъбиот амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар, хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилот ва жамоат бирлашмалари томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда таъбиот ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни ташкил этишнинг асосий принциплари „Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида“ги қонунда алоҳида келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш.
2. Аҳоли барча қатламларининг тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлиши.
3. Профилактик чора-тадбирларнинг устуворлиги.
4. Фуқаролар соғлиғини ижтимоий ҳимоя қилиш.
5. Тиббиёт фанининг амалиёт билан узвий боғлиқлиги.

Ўзбекистонда фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш юргимизнинг ўзига хос социал-иқтисодий, ижтимоий-географик, демографик, касалланиш, санитария-эпидемиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилмоқда.

### **9.3. Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини ошириш**

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш, унинг сифатини яхшилашдан иборат. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) тиббий-санитария хизматининг муҳим шакли бўлиб, аҳоли ва мамлакатимиз имкониятларидан келиб чиқиб, халқимиз, жумладан, ҳар бир инсоннинг фаол иштирокида унинг эҳтиёжига кўра кўрсатиладиган керакли ва муҳим ёрдам ҳисобланади. Аҳолини бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, мамлакат ривожининг ижтимоий адолат руҳида, иложи борича аҳолининг яшаш ва ишлаш манзилига яқин жойда, жамоатчиликнинг барча кучлари ёрдамида кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш чора-тадбирларидир.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари, ижтимоий таъминот ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан кўрсатиладиган БТСЁ тиббий хизматнинг асосий ва бепул тури ҳисобланади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- энг кўп тарқалган касалликлар, жароҳатланиш ва бошқа нохуш ҳолатларни даволаш;
- санитария-гигиена тадбирлари, эпидемияга қарши тиббий профилактика ишларини ўтказиш;
- оилани, оналик ва болаликни муҳофазалаш, яшаш жойи бўйича тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ўтказиш;
- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш.

БТСЁ аҳолига амбулатория-поликлиника муассасаларида, ҚВПда, шошилинч тиббий ёрдам марказларида, туғуруқхона ва шифохоналарда мурожаат этилган вазиятда кўрсатилади.

БТСЁ кўрсатишнинг етакчи бўғини бўлиб, умумий (оила) амалиёт врачлари хизмати ҳисобланади. Тиббий хизматнинг биринчи бўғинида бемор биринчи маротаба умумий амалиёт шифокори билан мулоқотда бўлади ва ўзининг соғлиғи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун мурожаат қилади.

Умумий амалиёт шифокорининг асосий мақсади ҳар бир инсонга, оилага, шунингдек, жамоага доимий ва ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсатишдир.

Иккинчи Европа конференцияси қарори билан тузилган эксперт гуруҳининг таърифига кўра, умумий амалиёт шифокори — олий тиббиёт ўқув юртининг битирувчиси бўлиб, „у алоҳида киши, оила ва аҳолига, ёши, жинси ва касаллигининг туридан қатъи назар, индивидуал бирламчи ва узлуксиз тиббий ёрдам кўрсатадиган шахсдир“.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисмидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилишини инобатга олсак, улар учун тиббий хизматни ташкил этишнинг аҳамияти нақадар муҳим экани янада яққол намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш ва уни сифатли тиббий хизмат билан таъминлашни яхшилаш борасида ҚВП, поликлиника ва амбулаторияларни, тез ёрдам станциялари ва бўлимларини етарли даражада сифатли ва етарли билимга эга бўлган мутахассис кадрлар, моддий-техник база билан таъминлаш борасида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ аҳолиси учун тиббий хизмат қишлоқ шароитининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- 1) қишлоқ аҳолисининг тарқоқ жойлашгани;
- 2) қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлиги;
- 3) айрим қишлоқларнинг туман марказига узоқ жойлашгани, йўл шароитларининг ёмонлиги;


4) жамоат транспортининг етишмаслиги, уларнинг белгиланган график бўйича мунтазам қатнамаслиги, телефон алоқасининг ёмонлиги;

5) қишлоқ аҳолисининг урф-одатлари, турмуш тарзи, яшаш шароитининг ўзига хослиги;

б) зарур мутахассислар билан кам таъминлангани ва бошқалар.

Қишлоқ аҳолиси учун тиббий хизмат турларини ташкил қилишнинг энг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бир неча босқичдан иборат эканидир.

Қишлоқ аҳолисига даволаш-профилактика, санитария-профилактика ёрдами қишлоқ врачлик пунктидан бошлаб вилоят муассасаларигача бўлган комплекс тиббий муассасалар томонидан кўрсатилади.



9.3.1-расм. Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш чизмаси<sup>157</sup>.

Мустақилликкача бўлган даврда аҳолига соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини қуйидаги беш босқичли вертикалдан иборат бўлган: фельдшер-акушерлик пункти (ФАП), қишлоқ-врачлик амбулаторияси (ҚВА), қишлоқ участка шифохонаси (ҚУШ), туман шифохонаси ва туман марказий шифохонасида (ТМШ) тиббий ёрдам кўрсатилар эди. Бугунги кунда қишлоқ шароитида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ва туман (шаҳар) марказий шифохонаси (ТМШ, ШМШ) дан иборат (9.3.1-расм).

<sup>157</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

**Қишлоқ врачлик пункти.** Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси тиббий ёрдам олиш учун олдингидек фельдшерлик-акушерлик пунктларига — фельдшер, ҳамшираларга эмас, балки замонавий биноларда жойлашган, юксак стандартларга мос асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларига — умумий амалиёт шифокорига мурожаат этади.

Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) — ўзига бириктирилган қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3 минг 200 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари, хизмат кўрсатаётган аҳоли сонига, аҳоли пунктлари сонига, қаерда жойлашганига, хизмат радиусига, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг характерига қараб ташкил этилади.

Хизмат кўрсатаётган аҳоли сонига қараб, ҚВП тўрт типли бўлади:

биринчи тип — 1500 тагача одамга;

иккинчи тип — 1500 дан 3500 тагача;

учинчи тип — 3500 дан 6000 тагача;

тўртинчи тип — 6000 тадан 10 000 тагача.

ҚВПни тузишдан мақсад оилага тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш принципи асосида қишлоқ аҳолисига сифатли бирламчи ёрдам кўрсатиш.

ҚВПда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган асосий мутахассис умумий амалиёт шифокори ҳисобланади.

Умумий амалиёт шифокори миждозларни ҚВПда ва уйда қабул қилади, тез ва шилинч тиббий ёрдам кўрсатади, комплекс профилактик, иммунологик, санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар, диагностика-даволаш, реабилитацияга оид муолажаларни амалга оширади, УАШ малакавий таснифидан келиб чиққан ҳолда, оиланинг тиббий-ижтимоий муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

ҚВП тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ўзига бириктирилган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, яхшилаш, аҳоли, болалар, оналар орасида касаллик ва ўлим ҳолатларини камайтириш мақсадида зарур чора-тадбирларни кўради.


**Шаҳарларда амбулатория-поликлиника хизматини такомиллаштириш.** Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги „Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 91-сонли қарори билан оилавий тиббиётнинг шаҳар моделига ўтиш мақсадида 2012—2016 йилларда 50 мингдан зиёд аҳолиси бор шаҳарлардаги аралаш қабулга мўлжалланган 169 та поликлиника негизида замонавий тамойилларга асосланган 155 та оилавий поликлиника барпо этиш режаси тасдиқланди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёши ва жинсидан қатъи назар, аҳолининг бир жойда малакали тиббий-санитария ёрдами олишини ташкил қилишдир, бу билан аввалгидек беморларнинг болалар, катталар ва диагностика поликлиникалари ҳамда аёллар маслаҳатхонаси орасида сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади.

2012 йилда Тошкент (50 та), Фаргона (7 та), Кўқон (11 та), Қувасой (1 та)да 69 та янги типдаги оилавий поликлиника барпо этилди. „Саломатлик-3“ лойиҳаси доирасида оилавий поликлиникаларни замонавий асбоб-ускуна ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилди. 2007—2012 йилларда шаҳар поликлиникаларининг 1267 нафар шифокори 10 ойлик махсус курсларда қайта тайёрланди ва 2012—2013 ўқув йилида яна 218 нафар шифокор махсус курсларда малака оширмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи малакали тиббий ёрдамни ташкил қилиш мақсадида шаҳар кўптармоқли поликлиникаларида, туман поликлиникаларида барча тор соҳа мутахассислари бир ерда жамланади, „Саломатлик-3“ лойиҳаси доирасида бу муассасалар зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланади.

Амбулатор тизим тобора такомиллашиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани боис ҳудудлардаги тарқоқ жойлашган шифо ўринларига талаб сусайиб, ўрин жойларининг самараси камайиб бормоқда. Ана шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда,





9.3.2-расм. Тез ва шошилинч тиббий ёрдам муассасаларининг ташкилий тузилмаси<sup>158</sup>.

2012—2015 йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларнинг тармоғи ва шифо ўринлари фондини мақбуллаштириш режалаштирилган. Бундан асосий мақсад ҳудудлардаги кам қувватли ва тарқоқ жойлашган даволаш-профилактика муассасаларини барта-раф этиш ҳисобидан барча турдаги тиббий ёрдамни ягона ҳудудда ташкил қилиш ҳамда муассасаларда самарасиз ишлаётган шифо ўринларини қисқартириш орқали мақбуллаш-тириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони билан юртимизда шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими барпо этилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг энг муҳим қонда ва вазифалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари шакллантирилди.

Аҳолига юксак малакали бепул тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаб ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги 13 та филиали, шаҳар ва туман марказий шифохоналарида 171 та бўлими ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда (9.3.2-расм).

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мамлакатимиз аҳолисига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатадиган бош даволаш ва илмий-услубий муассаса бўлиб ҳисобланади.

Марказ фаолиятининг асосий мақсади илмий асосланган услублар асосида аҳолига малакали ва ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдамни ўз вақтида, замонавий талаблар даражасида ва мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил қилишдир.

<sup>158</sup> Республика тез ва шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази маълумотлари асосида тузилди.

### Марказнинг асосий вазифалари:

- шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини замон талабларига жавоб берадиган, юксак технологияларга асосланган ва юқори самарали бўлган давлат хизмати даражасига кўтариш ва уни ташкил қилиш;
- марказнинг Нукус шаҳри ва вилоятлардаги филиаллариға ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш;
- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшайдиган аҳолига ихтисослаштирилган ва малакали тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;
- шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида ногиронлик ва ўлим ҳолатлари даражасини пасайтириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этишда қатнашиш;
- аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил қилиш усуллари ва шакллари ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- шошилинч ҳолатларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг янги, самарали усуллари яратиш борасида илмий текширишлар олиб бориш ва уларни соғлиқни сақлаш тизимиға татбиқ этиш;
- шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;
- чет эл давлатларининг тегишли муассаса ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;
- мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида шошилинч ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига доир санитария-оқартирув ишларида қатнашиш;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат автоинспекцияси ходимлари, ёнғинга қарши ва қутқарувчи хизматлар ходимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари учун шошилинч ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўргатадиган ўқув курсларини ташкил этиш.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолиға тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқарадиган, бу йўналишда илмий изланишлар олиб борадиган, услубий қўлланмаларни татбиқ қиладиган, шошилинч тиббий хизмат тизимида ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини амалга оширадиган бош муассаса ҳисобланади.

Шошилинч тез тиббий ёрдам тизими томонидан 2012 йилда жами 9,2 миллион беморға тиббий хизмат кўрсатилди, шу жумладан, 730 мингдан зиёд беморға стационар ва 1 миллиондан ортиқ беморға амбулатор ёрдам кўрсатилди. Тез тиббий ёрдам „103“ хизмати ва санитар авиация хизмати томонидан деярли 7 миллион чақирик бўйича зарур хизмат кўрсатилди.

Шундай қилиб, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган, аҳолиға тезкор шошилинч тиббий ёрдам кўрсатадиган янги тизим шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими деб аталадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги „Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш ҳақида“ги ПҚ-1114 сонли Қарорига кўра, Республика тез тиббий ёрдам хизмати учун 2009—2011 йилларда 698 та махсус автотранспорт воситаси сотиб олинди ва ушбу тизимнинг автотранспорт воситалари билан таъминланиши 94 фоизга етди. Хизмат таркибидаги бўлинмалар ҳозирги кунгача энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди ва жиҳозланмоқда.

Биз учун устувор йўналишлардан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз ва давлатимиз томонидан соғлом авлодни дунёға келтириш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурларнинг муҳим таркибий қисми сифатида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилди.

Оналар ва болаларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, Акушерлик ва гинекология марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида филиаллари ва барча ҳудудларда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Соғлом оилани шакллантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, соғлом оила ва соғлом авлод тушунчаларини кенг тарғиб этиш, ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш (ФХДЁ) муассасалари ёшларга тиббий кўрикдан ўтиши учун ҳудудий поликлиникаларга йўлланма беради. Поликлиникада тиббий кўрик, тегишли текширишлар бепул ўтказилиб, уларга тегишли маълумотнома берилади.

Ёшларда генитал ва айрим экстрагенитал касалликлар аниқланган тақдирда улар комплекс даволаниш учун тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади ва кейинчалик уларнинг биргаликдаги турмуш жараёнининг биринчи беш йили ичида яшаш жойида ҳудудий поликлиникада диспансер кузатувида бўлишларини таъминлайди ҳамда уларнинг саломатлик ҳолати фақат текширишдан ўтганларга маълум қилиниб, шифокор этикаси ва тиббиёт деонтологияси принципларига амал қилган ҳолда бошқалардан сир тугилади.

Мазкур тадбир ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб-ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлаш, соғлом оила шаклланиши соғлом бола туғилишида катта аҳамият касб этади.

Она ва бола скрининг марказлари ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Ташкилий жиҳатдан скрининг марказлари 12 та минтақавий ва Тошкент шаҳридаги Республика скрининг марказидан ташкил топган. Скрининг марказлари ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг текширувларидан ўтказилади.

Скрининг — бу аниқ бир касаллик бўйича касалланиш хавфини аниқлаш, яширин туғма ва ирсий касалликларни диагностика қилиш учун шундай хавф мавжуд бўлган аҳоли гуруҳини ёппасига чуқур текширувдан ўтказиш.



9.3.3-расм. Оналар ўлими (ҳар 100 мингта тирик туғилган болага) ва гўдаклар ўлими (ҳар 1000 та тирик туғилган болага) динамикаси<sup>159</sup>.

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик институти маълумотлари асосида тузилди.

Скрининг марказининг асосий мақсади — ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш ва ҳомиланинг турли нуқсонлар билан ривожланишига ёки ногиронликка олиб келадиган касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказишдан иборат.

Скрининг марказлари замонавий юксак технологияларга асосланган тиббий жиҳозлар ва малакали ходимларга эга бўлиб, қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб боради:

- пренатал (туғуруққача бўлган) даврда ҳомиллада ривожланиш нуқсонини аниқлаш;
- янги туғилган чақалоқларнинг туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига чалинган ёки чалинмаганлигини аниқлаш учун оммавий скрининг ўтказиш;
- ирсий ва туғма касаллик билан туғилган гўдакларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериш;
- скрининг марказларида текширувдан ўтишга йўлланмалар соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини — қишлоқ врачлик пунктлари ёки оилавий поликлиникаларнинг акушер-гинекологлари томонидан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги ПҚ-1096-сонли ва ПҚ-1144-сонли Қарорлари ижроси бўйича 2009 йилнинг июнь ойидан ҳозирги кунгача „Фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш“ ҳафталиклари доирасида тиббиёт олий ўқув юртлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманлари, қишлоқ врачлик пунктларида туғиш ёшидаги аёллар ва болалар йилда 2 марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги „Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 156-сонли қарорига асосан 2011—2015 йилларда ҳар йили қишлоқ жойларда яшайдиган 440 мингга яқин ҳомиладор аёллар 8 миллиард сўмлик поливитаминлар комплекси билан бепул таъминланиши режалаштирилди.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш бўйича олиб борилган тадбирлар (витамин А саплементацияси, унни фортификация қилиш, ош тузини йодлаш) натижасида кам вазнли болалар сони ва туғуруқ ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳолаб келинмоқда. 2007 йилда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди.

2011 йилда „Save the Children“ („Болаларни асрайлик“) халқаро ташкилоти дунёда болалар саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича энг яхши давлатлар рейтингини тузди. Шунини алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон болаларга кўрсатилаётган тиббий-профилактик ёрдам даражаси бўйича 161 та давлат ичида жаҳоннинг энг яхши ривожланган ўнта етакчи мамлакати қаторига киритилди: Швейцария, Финляндия, Ирландия, Норвегия, Белорусь, Дания, Швеция, Куба давлатларидан сўнг Ўзбекистон 9-ўринни ва Германия 10-ўринни эгаллади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда жаҳондаги юксак талаблар даражасидаги юқори технологияларга асосланган ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 февралдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-3214-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 февралдаги 14-сонли ҳамда 2004 йил 8 июндаги 264-сонли қарорлари қабул қилинди. Ана шу фармон ва қарорларга мувофиқ Тошкент шаҳрида 4 та ихтисослаштирилган: урология, кардиология, хирургия ва кўз микрохирургияси марказлари ташкил этилди.

Қуйидагилар мазкур марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

— марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усуларини жорий этиш ҳамда аҳолига юксак малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

— мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштирилиб борилишини таъминлаш, марказни жаҳон тиббиётининг илғор ютуқлари даражасида юксак малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

— марказнинг ўзини ўзи молиялаш ва ўзини ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

— марказ тиббиёт ходимлари, жумладан, мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларида амалий малака оширишларини ташкил этиш ҳисобидан уларнинг касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;


— беморларни даволашнинг илғор усул ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббиёт амалиётига жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

— соҳага алоқадор илғор хорижий тиббиёт муассаса ва марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг қўламда айирбошлашни таъминлаш.

Ташкил этилган ихтисослаштирилган марказларнинг ижобий фаолиятини эътиборга олган ҳолда, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифатини ошириш, унинг ҳажмини кенгайтириш, замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юксак малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармогини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида“ги 3923-сонли Фармонида асосан янги 6 та: акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Шундай қилиб, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳозирги кунда аҳолига юксак малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та илмий-амалий тиббиёт маркази фаолият кўрсатмоқда (9.3.4-расм).

Мазкур марказлар ўз фаолият йўналишлари бўйича аҳолига юксак ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, вилоят ва туман даражасида соғлиқни сақлаш



9.3.4-расм. Республика ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлари<sup>160</sup>.

<sup>160</sup> Муаллиф томонидан Президент қарорлари асосида тузилди.

муассасаларига ташкилий-услугий ёрдам кўрсатади. Бу эса тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касб малакасини ошириш, шу билан бирга, илмий-амалий марказларда ишлаб чиқилган янгиликларни амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Президентнинг 2007 йил 19 сентябрдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида“ги 3923-сонли Фармонида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Вилоят ва туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини, тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган даволаш ва диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги „Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-700-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги „Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 48-сонли қарорлари қабул қилинди ва уларга асосан:

— даволашнинг асосий йўналишлари (режали жарроҳлик, терапия, кардиология, урология ва бошқалар) бўйича тиббий хизмат кўрсатадиган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

— вилоят болалар тиббий муассасалари негизида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

— Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда ҳар бир вилоят марказида пуллик асосда фаолият юритадиган тиббий диагностика марказлари;

— туман (шаҳар) марказий шифохоналари ва туман марказий поликлиникалари негизида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил қилинди.

Ўз навбатида, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари беморларни текширувдан ўтказиш, юксак малакали тиббий маслаҳат ёрдами, касалликларнинг асосий йўналишлари бўйича (режали жарроҳлик, терапия, кардиология, гинекология ва б.) стационар даволаш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, улар шу билан бирга, вилоят тиббий муассасаларига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усул ва технологияларининг татбиқ қилинишини услубий таъминлайди.

Ушбу марказларда имтиёзли йўлланмалар асосида қуйидаги шахсларга бепул ёрдам кўрсатилади:

- чин етимлар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 1941–1945 йиллар уруши қатнашчилари ва ногиронлари (шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар);
- ишламайдиган нафақахўрлар;
- ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турадиган ёлғиз қариялар;
- Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф қилишда қатнашиб, ногирон бўлганлар;
- байналмилал жангчилар;
- ўзини ўзи бошқариш органларида моддий ёрдам оладиган кам таъминланган оила аъзолари.

**Туман тиббиёт бирлашмаси.** Туманларда (шаҳарларда) аҳолига тиббий ёрдам сифатини янада ошириш мақсадида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ташкил этилди. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси туман (шаҳар) марказий касалхонаси негизида, Тошкент

шаҳрида эса қўп тармоқли туман поликлиникалари базасида ташкил этилди. Бирлашма тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун клиник база ҳисобланади.

Бирлашманинг асосий мақсади ягона — касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу билан бирга, юқумли ва вирусли касалликлар бўйича профилактик тадбирлар олиб бориш, аҳолига сифатли бирламчи амбулатор-поликлиника ёрдами кўрсатиш, бирламчи тез тиббий, шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни стационар шароитда даволаш ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), оилавий поликлиникаларга (ОП) ва бошқа тиббиёт муассасаларига даволаш-профилактика, санитария-маърифий тадбирларни ўтказиш ва соғлиқни сақлашни тиклашга оид тиббий хизматлар кўрсатишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда янгича услубий ёрдам бериш.

Бирлашма олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун аҳолига бепул юксак малакали даволаш-профилактика, консултатив тиббий ёрдам кўрсатади, замонавий сифат талаблари даражасида диагностика ва даволаш стандартларини янада ривожлантиради, қўллаб-қувватлайди, ходимларни қайта тайёрлайди, малакасини оширади, бирлашманинг моддий-техник базасини ривожлантиради, замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларини амалиётга жорий этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам хусусий сектор изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Бугунги тиббиётнинг нодавлат секторида 2000 дан зиёд хусусий тадбиркорлик субъекти (тиббий муассасалар ва яқка тартибда фаолият кўрсатадиган шифокорлар) аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Галдаги вазифа — хусусий секторнинг ривожланишида сон кўрсаткичларига эмас, балки тиббий хизматнинг сифат кўрсаткичларига асосий эътиборни қаратишдан иборат.

Нодавлат секторни ривожлантириш йўналишида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари, юксак малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаниш жараёни стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари қаторида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли Қарорига асосан, тиббий хизматларнинг таннархини пасайтириш ва беморларнинг даволаниш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2018 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича чет элдан олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги „Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-700-сонли Қарорида хусусий тиббий секторни ривожлантиришда қуйидаги бир қатор мажбурий талаб ва шартлар белгиланган:

— ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари даволаш фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади;

— хусусий тиббий секторда фаолият кўрсатиш учун янги ташкил этилаётган тиббий муассасалар замонавий моддий-техник базасига эга бўлиши шарт, яъни уларда замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари мавжуд бўлиши талаб қилинади;

— хусусий тиббий муассасаларда фақат ушбу муассаса штатида турган, тегишли ихтисослик йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юксак малакали шифокор мутахассисларгина фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур муассасалар диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил, яъни бошқа тиббий муассасалар ёрдамига таянмасдан, ўз имкониятлари асосидагина олиб боришлари мумкин;

— хусусий тиббий муассасалар ўз фаолиятини фақат даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган махсус бино ва хоналарда ташкил этишлари мумкин.

Соғлиқни сақлашнинг нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги „Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида“ги 92-сонли қарори билан тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги нодавлат секторнинг бундан кейинги ривожланиши ва тараққиётини мувофиқлаштириш, хусусий сектордаги фаолият учун лицензия бериш ва ушбу муассасалар фаолияти устидан назорат олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида Лицензия бериш ва нодавлат муассасалар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари таркибига нодавлат тиббий муассасалар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш бўйича 2 нафардан бош мутахассис лавозими жорий этилди. Бу янги бошқарма заммасидаги асосий вазифалар тиббиётда хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш, нодавлат муассасаларга тиббий фаолият учун лицензиялар бериш ва уларда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини назорат қилишдан иборат.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган 50 та мутахассислик рўйхати тасдиқланди ва аввал мавжуд бўлган 70 та мутахассислик туридан 20 таси, шу жумладан, акушерлик, қон-томир хирургияси, жаг-юз жарроҳлиги, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ мутахассислик турлари рўйхатдан чиқарилди.

Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, тиббиёт асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, жумладан, тиббиёт анжомларига бўлган минимал талаблар тасдиқланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг тубдан ўзгариб бораётган турмуш тарзи, қишлоқ хўжалиги, саноат ва турмушда, инсонлар ҳаёт фаолиятида янги кимёвий, физик ва биологик воситаларнинг кенг қўлланиши санитария-эпидемиология хизмати муассасалари фаолиятининг, давлат санитария назоратининг ҳажми кундан-кунга кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

„Давлат санитария назорати тўғрисида“ги қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ислох қилишнинг давлат дастурида санитария-эпидемиология хизмати муассасалари ва органлари тизимини, уларнинг фаолиятини қайта кўриш, давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш бўйича асосий тамойил ва вазифалар белгилаб берилган.

**Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари.** Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

атроф-муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуасини амалга ошириш асосида инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш;

халқ хўжалиги объектлари, технология асбоб-ускуналарини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш чоғида атроф-муҳит омиллари аҳоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган фаолиятнинг устуворлигини таъминлаш; аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаолиятнинг мажбурий қисми сифатида амалга ошириш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ҳамда санитарияга доир ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслик натижасида аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;



санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши, санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш.

Мамлакатимизда санитария-эпидемиология меъёрлари бузилиб, юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи туғилган тақдирда санитария-эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишнинг бутун бир тизимини яратиш ва мувофиқлаштириш мақсадида республика, вилоят, шаҳар ва туман ДСЭНМлари ташкил этилди. Улардан ташқари, Республикада ОИТС маркази, Республика ўлатга қарши станция, Республика дезинфекция станцияси ва уларнинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги филиаллари санитария-эпидемиология хизматини амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар натижасида ўлат, вабо, сариқ иситма, куйдирги, парранда гриппи каби карантин ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг юртимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

Касалликларнинг четдан кириб келишининг олдини олиш мақсадида чегара постларида 39 та санитария назорати пункти (СНП) фаолият кўрсатмоқда. СНПда касалликларнинг четдан кириб келишининг олдини олиш билан бирга хорижий давлатлардан олиб келинаётган озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли молларининг сифати ҳамда хавфсизлиги назорат қилинмоқда. Мазкур СНПлар 215 та контактсиз термометр (пирометр) билан таъминлангани ҳамда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Урганч халқаро аэропортларига замонавий тепловизорлар ўрнатилгани, йўловчилар орасида юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда эпидемияга қарши керакли профилактик тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасида 1991—2012 йиллар давомида ЎЮИК ва дизентерия билан касалланиш кўрсаткичлари динамикасини пасайтириш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида ўткир юқумли инфекцияли касалликлар 4,9 мартаба ва дизентерия касаллиги 7,3 мартаба камайишига эришилди. 2012 йил ЎЮИК кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 115,5 тани, дизентерия касаллиги кўрсаткичи эса 8 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Миллий профилактик эмлаш календарига биноан, 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 10 та юқумли касалликка қарши режали тарзда эмланди. Режани бажариш жараёнида вакциналар харид қилиш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2012 йилда 2 ёшгача бўлган болаларни ҳамда 2 ёшдан катта аҳолини эмлаш учун зарур маблағлар 100 фоиз давлат бюджети томонидан қопланди.

Ўзбекистон Республикасида 1991—2012 йилларда полиомиелит касаллиги бўйича эпидемиологик вазият ва 2 ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши эмлаш кўрсаткичлари олиб борилаётган ишларнинг самарали эканидан далолат беради. Ўтказилган тадбирлар натижасида Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб полиомиелит касаллиги қайд этилмади ва 2002 йилда мамлакатимиз полиомиелит вирусидан холи ҳудуд экани тўғрисида ЖССТнинг сертификатига эга бўлди.

Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Афғонистон, Покистон ва Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-уйғур автоном районида полиомиелитнинг эндемик ўчоқлари мавжуд. Шунинг учун ҳам, ЖССТнинг маълумотларига кўра, мамлакатимиз четдан полиомиелит кириб келиши мумкин бўлган минтақалар қаторига киритилган.

Минтақада юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасига полиомиелит касаллигининг четдан кириб келишининг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан, 2010 йилнинг 29 апрелида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари ўртасида „Полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларини ташкил этиш ва ўтказиш“ бўйича меморандум имзоланди. Мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда полиомиелитга қарши саккиз босқичдан иборат Миллий эмлаш кунлари ўтказилди. МЭКнинг 1—3 ва 5—8-босқичларида 2,9—3 миллион ҳамда 4 ва 6-босқичларининг ҳар бирида 10 миллиондан ортиқ бола ва фуқаро эмланиб, бу тадбирнинг қамров кўлами 99 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон чет давлатлардан полиомиелит вирусининг кириб келиши хавфи бор минтақада жойлашгани учун 2013 йилнинг апрель ва май ойларида 5 ёшгача бўлган болалар орасида Миллий эмлаш кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда дифтерия касаллиги бўйича вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мақсадида 1996—1997 йилларда 3 ёшдан 60 ёшгача бўлган 18,3 миллион аҳоли дифтерияга қарши оммавий эмланди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2015 йилгача қизамиқ билан касалланишни юртимиз ҳудудида элиминация қилиш (тугатиш) режалаштирилган.

2002 йилда Миллий эмлаш календарига вирусли гепатитнинг В турига қарши вакцинанинг киритилиши касалликни 2012 йилда 1990 йилга нисбатан 82 марта камайтириш имконини берди.

#### **9.4. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш**

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестиция ва маблағларда ўзининг амалий исботини топмоқда.

Мамлакатимиз давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди.

Президентимиз ўз маърузасида соҳа ривожини ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: „Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ҳам 2012 йилда изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун ўтган йили Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармасига айлантирилди. Бу фақат ўтган йил давомида Жамгарма маблағи ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва 1 сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббий муассасаларни замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамгарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди“<sup>161</sup>.

Ўзбекистонда аҳоли учун биринчи тиббий ёрдамнинг барча турлари бепул ҳисобланади. ШОшилиш тиббий ва педиатрия ёрдами, туғуруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юкумли ҳамда бошқа бир қатор ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида тиббий ёрдам кўрсатишда диагностика ва даволаш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек, дори-дармонлар баҳоси кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни 100 фоиз ўз зиммасига олган давлатни дунёда топишнинг ўзи қийин. Барча мамлакатларда соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг аралаш тизимлари амал қилади, қаердадир даромад тўплаш манбасининг у ёки бу шакли устунлик қилади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар рўйхати (ёки асосий хизматлар пакети) ҳар бир мамлакатда ундаги мавжуд иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва

<sup>161</sup> Каримов И.А. „Бош мақсадимиз—кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Халқ сўзи, Тошкент. 2013 йил 19 январь.

бошқа шароитлардан келиб чиқиб белгиланади ва давлат бюджетидан ёки ижтимоий суғурта ҳисобидан молиялаштирилади. Бу иккала манба жамоат фондлари дейилади.

**Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш — бепул тиббий хизмат кўрсатиш тизими.** Давлат қуйидаги ҳолларда аҳолини кафолатланган, бепул бирламчи тиббий-санитария хизмати билан таъминлайди:

- шошилиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш;
- соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш;
- бир қатор юқумли касалликларга қарши аҳолини эмлаш ва иммунлаш;
- ижтимоий хавфи катта бўлган касалликлар ва ён-атрофдагилар учун юқумли ва зарарли бўлган касалликлар (сил, саратон, руҳий, наркологиқ ва эндокрин хасталиклар ҳамда касб касалликлари) билан оғриган беморларга ихтисослашган ёрдам кўрсатиш;
- болаларни текшириш ва даволаш (пулли шифохоналардан ташқари);
- 15—17 яшар ўсмирларни, чақириқ комиссиясининг йўлланмаси билан келган чақириқ ёшидаги (18—27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш;
- туғуруқ хизматини кўрсатиш (пулли муассасалардан ташқари);
- имтиёзга эга бўлган шахсларни (ногиронлар, уруш қатнашчилари, етимлар) даволаш. Уларга, асосан, ихтисослашган шаҳар, вилоят ва республика тиббиёт муассасалари киради.

Аралаш молиялаштириш қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- бепул тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланмаган (тиббиёт ва илмий текшириш институтлари клиникаларида, кўп тармоқли даволаш-профилактика муассасаларида, шаҳар ва туман шифохоналарида) беморларни текшириш ва даволаш учун (имтиёзли шахслардан ташқари);
- имтиёзга эга бўлган шахсларни (ногиронлар, уруш қатнашчилари, етимлар) даволаш учун;
- айрим кўп тармоқли болалар шифохоналари учун;
- соғлиқни сақлашнинг санитария ва фармакология соҳасида амалий илмий тадқиқот ўтказиш учун;
- давлат грантида белгиланган миқдордан ташқари тиббиёт ходимларини тайёрлаш учун.

Давлат грантида белгиланмаган тиббий хизматлар учун жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатилади. Пуллик тиббий хизматларнинг молиявий маблағларини жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри тўловлари ёки тиббий суғурта тизими (эркин тиббий суғурта) орқали тўлаш йўли билан шакллантириш мумкин.

Нодавлат тиббиёт муассасалари, жумладан, хусусий амалиёт билан шуғулланадиган врачлар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар хусусий молиялаштирилади. Уларнинг асосий қисмини бевосита олинган тиббий хизмат учун жисмоний шахсларнинг тўловлари ташкил этади. Хусусий молиялаштиришни эркин тиббий суғурта тизими орқали ҳам шакллантириш мумкин.

**Давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш принциплари.** Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастурига мувофиқ, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига молиялаштириш принципига ўтказиш кўзда тутилган. Бундай молиялаш принципининг асосий хусусияти шундан иборатки, тиббиёт муассасалари ўзига бириктирилган аҳоли сонига қараб молиялаштирилади (ҳар бир аҳоли учун қатъий белгиланган сўмларда). Ажратилаётган маблағ тиббиёт муассасасининг айрим кўрсаткичларига (категориясига, штатлар сонига, мурожаатлар сонига ва бошқаларга) боғлиқ бўлмайди. Бу, ўз навбатида, аҳолига тиббий ёрдамдан тенг ва баробар фойдаланиш ҳуқуқини беради.

#### **9.5. Аҳоли саломатлиги ҳақида тушунча ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш**

Тиббиёт аҳоли саломатлигини сақлаш, яхшилаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш мақсадида амалга оширилаётган илмий билимлар ва амалий

фаолият мажмуидир. Тиббиётнинг асосини икки асосий тушунча ташкил этади: „саломатлик“ ва „касаллик“.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) таърифича: саломатлик — нафақат касаллик ва жисмоний камчиликларнинг бўлмаслиги, балки соғлом, жисмоний, руҳий ва ижтимоий тетик, бардам бўлишдир.

Шахс, инсон саломатлиги фақат касаллик, хасталик ёки жисмоний камчиликларнинг йўқлиги билангина белгиланиб қолмасдан, инсоннинг барча аъзо ва органлари фаолиятининг ташқи табиий ва ижтимоий муҳит билан гармоник мутаносиблиги, одамнинг ижтимоий, биологик ва руҳий ҳолатининг уйғунлигидир. Бу уйғунлик бузилган тақдирда эса касаллик пайдо бўлади ва хасталикка олиб келади. Аҳоли, жамоат саломатлигини тавсифлашда эса қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: демографик кўрсаткичлар, касалланиш, ногиронлик ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари.

Қадим даврлардан бошлаб файласуфлар, шифокорлар саломатлик ва хасталикни инсон табиатига, ҳаёт фаолиятига, хулқига, турмуш тарзига боғлаб ўрганишга ҳаракат қилишган. Тиббиётнинг отаси бўлмиш Гиппократ ўз даврида: „Инсон фаолияти қандай бўлса, унинг ўзи шундай, унинг табиати ва касалликлари шундай“, деб таъкидлаган эди.

9.5. 1-жадвал

Саломатликка хавф соладиган салбий омиллар ва уларнинг таъсир даражаси<sup>162</sup>

Омиллар	Саломатликдаги аҳамияти (таъсир кучи, фоиз)	Омиллар гуруҳи
Турмуш тарзи ва турмуш шароити	50	Меҳнат, уй, турмуш шароити. Нотўғри, нораціонал овқатланиш. Меҳнат ва дам олишни нотўғри ташкил этиш. Стрессли (асабий) вазиятлар. Адинамия, гиподинамия. Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, чекиш, тамаки истеъмол қилиш. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш, ортиқча дори-дармон истеъмол қилиш. Ёлғизлик, оиланинг мустаҳкам эмаслиги. Тиббий маданият, тиббий фаолликнинг пастлиги, ўз саломатлигига масъулиятсизлик.
Генетик омиллар	20	Наслий касалликларга мойиллик.
Ташқи муҳит омиллари	20	Ҳаво, сув ва тупроқнинг турли зарарли моддалар билан ифлосланиши. Экологиянинг бузилиши. Турли ноқулай географик ва иқлим шароитлари.
Соғлиқни сақлаш	10	Профилактик тадбирларнинг самарасизлиги. Тиббий ёрдам сифатининг пастлиги.

Демак, инсон саломатлигига у яшаб турган конкрет муҳитдан ва унинг конкрет фаолиятдан, ҳаёт фаолиятининг ҳар томонлама кўринишидан, инсоннинг мақсадидан, яшашидан, ижтимоий ҳолатидан, турмуш тарзидан айри ҳолда қараш мумкин эмас (9.5.1-жадвал). Инсонлар ўз саломатлигини сақлаш, яхшилаш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини амалга ошириш билан шуғулланмас экан, соғлиқни сақлашга қаратилган барча тадбирлар самарасиз бўлиб қолаверади.

Турмуш тарзи деганда, тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган хатти-ҳаракат ва фаолият мажмуаси тушунилади.

Соғлом турмуш тарзи инсоннинг ҳаётини интилишларини, соғлигини мустаҳкамлаш ва унинг бузилиши олдини олишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг йиғиндисини қамраб олади. Демак, соғлом турмуш тарзи — бу одамларнинг ўз саломатликларини сақлаш ва яхшилашга қаратилган фаолиятидир.

<sup>162</sup> Ю.П. Лисицын. Общественное здравоохранение. Учебник. Москва, „Геотар“, 2010 г.

Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шахсий гигиенага риоя қилиш, оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриш ва шу каби бошқа кўплаб таркибий қисмлардан иборатдир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси буларни ўз турмуш тарзига татбиқ этса, соғлом ҳаёт кечиради.

Одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш лозим.

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, қолаверса, узоқ умр кўришнинг ягона йўли соғлом турмуш тарзи экани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда яшайдиган аҳоли кўпроқ турмуш тарзини соғломлаштиришга ҳаракат қилади. Бинобарин, ҳар қайси инсон энг аввало ўз соғлигини ўйлаши даркор. Иккинчидан, замонавий одам соғлиқни таъминлаган ҳолда, ўз иқтисодини ҳам мустаҳкамлаб бориши лозим. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир фуқаро соғлом, бақувват бўлиши керак. Соғлом турмуш тарзи тарафдорларининг фикрича, агар одамлар қуйидагиларга амал қилишса, деярли касал бўлишмайди.

Биринчи шарт: овқатланишни тўғри ташкил қилиш. Бу — кундалик истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларни киши танасидаги физиологик, биологик талаблар асосида ташкил этиш. Тўғри овқатланиш шундай ташкил этилиши керакки, у ўзининг физик, кимёвий ҳамда биологик хусусиятлари билан инсон танасига оғирлик қилмаслиги, аксинча, тез ва осон ҳазм бўлиб, организмни керакли озиқ моддалар билан таъминлай олиши лозим.

Иккинчи шарт: жисмоний фаоллик, ҳаёт — ҳаракатдир. Инсон кундалик ҳаётида жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирадиган муолажалар билан кўпроқ шуғулланса, унинг танасидаги физиологик, биологик жараёнлар тезлашади ва оқибатда кайфияти кўтарилади, ишчанлиги ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчи шарт: кун ва ишни биологик режим асосида ташкил қилиш. Коинотда табиий ҳодисалар маълум бир тартиб асосида такрорланади. Хусусан, кۈёшнинг ҳар куни маълум вақтда чиқиши ва ботиши, йил фасллариининг ҳар йили такрорланиши табиатдаги барча ҳаракатларнинг маълум бир тартибга бўйсунганига мисол бўла олади. Худди шу каби тартибли ҳаракатлар инсон танасида ҳам содир бўлади. Масалан, юракнинг ҳар дақиқада 70—75 маротаба бир маромда уриши, нафас олишнинг бир дақиқада 16—20 марта такрорланиши киши танасида маълум бир қонуният борлигидан дарак берали. Бундай тартибга солинган биологик ҳодисалар 100 дан ортиқ. Одам танаси тўқималаридаги ўзгаришлар ҳам шу қонуниятга бўйсунди. Демак, табиат ва танамиздаги ҳодисалар ўзига хос қоидаларга амал қилар экан, биз кундалик турмушимизни маълум бир тартиб асосида ташкил этишимиз ва бу тартиб баданимиздаги ўзгаришларга мос бўлиши керак. Масалан, инсон пайдо бўлганидан бери унинг танасидаги фаоллик кундузи ортади, кечаси сусаяди. Борди-ю, биз шу тартибга бўйсунмасдан, фақат овқат ейиш, ичкилик-бозлик ва турли номақбул ишлар билан банд бўлсак, бундай ҳолат соғлиғимизга катта зарар етказилади. Энг муҳими, иш куни, дам олиш вақти тўғри режалаштирилган бўлиши керак.

Тўртинчи шарт: руҳий осойишталик ёки асабий мувозанатни таъминлаш. Бу шартнинг моҳияти катта. Негаки, бизнинг танамиз, ички аъзоларимиз фаолияти асаб тизими орқали бошқарилади. Ички аъзоларнинг меъёрий иши эса руҳий ҳолатимизни, кайфиятимизни белгилайди. Шунинг учун ҳуда-беҳудага жиззакилик қилмаслик, яхши нарсалар тўғрисида ўйлаб, оқилона фикрлаш, ёмон ва гуноҳ ишлардан ўзини тийиш, нафсга эрк бермаслик, ота-боболар ўғитларини ҳаётда қўллаш, хушфезл, хушмуомала бўлиш соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бешинчи шарт: ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби одатлардан ўзини тийиш. Бу иллатларнинг киши танасига, соғлиғига, турмуш тарзига зиёни бисёрлиги шубҳасиздир. Бу одатларнинг зарарини билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бундай иллатларга муккасидан кетган шахсларни ҳаётга бефарқ, таваккалига яшайдиган ва ўз соғлиғини ўйламайдиган, фақатгина бир кунлик роҳати, бир дақиқалик лаззат, ўткинчи кўнгилхушлик учун яшайдиган нафс бандалари дейиш мумкин.

Олтинчи шарт: озода-орасталикка риоя қилиш, атроф-муҳитга бўлган муносабат масаласи. Инсон ўз фаолияти билан танаси ва атроф-муҳитга маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, бирор иш қилса, бадан ва ички аъзоларнинг фаолияти туфайли модда алмашилиши натижасида ҳосил бўлган чиқитлардан қўл, кийим-бош, шунингдек, тери ифлосланади. Ҳаётимиз учун зарур бўлган озиқ-овқат ва бошқа истеъмол қилинадиган моддалардан чиқиндилар пайдо бўлади. Агар улар тўғри келган жойга ташланаверса, атроф-муҳит зарарланади. Оқибатда сувда, тупроқда, ҳавода киши саломатлигига салбий таъсир этадиган моддалар пайдо бўлади. Шунинг учун озодаликка риоя қилиш кундалик турмушимизда одатий ҳолга айланиши керак.

Еттинчи шарт: жинсий тарбия. Одамларнинг барча фаолият турлари сингари жинсий муносабатлар ҳам хавф-хатардан холи эмас. Жуда ҳам эрта оила қуриш, эрта ҳомиладор бўлиш ёш қизлар саломатлигига кучли салбий таъсир кўрсатади. Бутун дунё бўйлаб аёлларнинг ҳомиладор бўлиши учун энг маъқул деб топилган ёш 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврдир. 18 ёшгача бўлган қиз бола ҳомиладор бўла олади, лекин унинг танаси оналикка тайёр бўлмайди, бу эса ҳомила учун ҳам, ёш оила ҳаёти учун ҳам салбий оқибатлар олиб келиши мумкин.

Ёшлар турмуш қуришдан бир ой олдин тиббий кўриқдан ўтиш лозимлигини унутмасликлари керак. Чунки соғлом фарзанд кўришнинг ўта зарур омилларидан бири соғлом оила қуришидир.

Шунингдек, қариндош-уруғлар ўртасида тузилган никоҳ келгусида ногирон, тугма етишмовчиликлари бўлган болаларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Ёшлар ҳаётда пала-партиш жинсий алоқалардан ўзларини тийиши зарур. Ҳозирги кунда ёшлар орасида жинсий фаолликнинг ортиши ҳамда никоҳгача бўлган жинсий алоқаларнинг оммавий тарқалиб бориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай номақбул хатти-ҳаракатлар жинсий йўл билан юқадиган касалликларга ҳамда ОИТВ (орттирилган иммун танқислиги вируси)га дучор бўлишга олиб келади. ОИТВ охир-оқибатда ОИТС (орттирилган иммун танқислиги синдроми)ни келтириб чиқаради. Одам борди-ю ОИТС билан касалланиб қолса, унинг организми ўзини инфекциялардан ҳимоя қила олмайди, оқибатда киши кўплаб касалликларга мойил бўлиб қолади ва бу касалликлар унинг ўлимига сабаб бўлади. ОИТС даволаб бўлмайдиган касалликдир.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш — мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг бош йўналиши бўлган профилактик йўналишнинг бош омили ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган юрак-қон томир, онкологик, асаб, ошқозон-ичак, ўпкадаги носпецифик касалликларнинг олдини олишда ва улар сабабли келиб чиқадиган ўлим ҳолатларини камайтиришда етакчи роль ўйнайди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан, бирламчи профилактикани амалга ошириш давлат ва жамоат ташкилотларига, тиббиёт муассасалари ҳамда кўп жиҳатдан аҳолининг ўзига боғлиқ.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва профилактик ишларни кучайтириш ҳозирча касалликлар тиббиётига, патология илм-фанига айланиб қолган тиббиётни қайта шакллантиришнинг асосий йўли ҳисобланади. Шу билан бирга, беморларга бўлган диққат-эътиборни камайтирмаган ҳолда, тиббиётни патологиялар тиббиётдан саналогия тиббиётига, соғлом шахслар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган илмий ва амалий фаолиятга айлантириш лозим. Поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, профилакторийлар, консультация бериш муассасалари ва айниқса, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги тиббиёт муассасалари профилактикани, тиббий фаолликни, соғлом турмуш тарзини шакллантирадиган, саналогияни амалга оширадиган тузилмалар сифатида амалий фаолият кўрсатиши зарур.

„Шу кунларда биз ислоҳотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини оптималлаштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, уларда акциядорлаштириш жараёнлари амалга оширилади, ушбу муассасаларда ишлаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, якуний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилади“<sup>163</sup>, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари юқорида зикр этилган мажлисда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил ноябрдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-1652-сонли Қарори билан 2012—2015 йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди:

1. Соғлиқни сақлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.
2. Аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда, тиббий-санитария ёрдами сифати ва қулайлиги даражасини ошириш.
3. Ихтисослаштирилган марказлар, жумладан, онкологик ва сил касалликлари муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш.
4. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш.
5. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш.
6. Соғлиқни сақлашнинг нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш.

Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий натижалари сифатида қуйидагиларни белгилашимиз мумкин:

1. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустақкам меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди.

2. Аҳолига бепул бирламчи тиббий санитария хизматини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди. Аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли соғлиқни сақлаш тизими ўрнига тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг замонавий, оммабоп, ташкилий тузилмаси яратилди.

3. Аҳолига малакали бепул тез тиббий ва ихтисослашган стационар ёрдам кўрсатиш ва барча аҳолининг ундан баҳраманд бўла олишини таъминлаш мақсадида дунёда ягона бўлган шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш тизимига асос солинди.

4. Давлатимизнинг ижтимоий соҳадаги устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг энг самарали илғор тизими яратилди.

5. Аҳолига юксак малакали тор йўналишдаги ихтисослашган тиббий ёрдамни ташкил этиш мақсадида юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тор йўналишдаги республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилди.

6. Вилоятларда қишлоқ туман аҳолисига кўрсатилаётган юксак малакали ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш ва такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида кўп тармоқли вилоят тиббиёт марказлари; кўп тармоқли вилоят болалар тиббиёт марказлари; вилоят диагностика марказлари, туманларда эса туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди.

7. Санитария-эпидемиология хизмати тизимида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда санитария-эпидемиологик барқарорлик таъминланди, аҳолини ёппасига иммунлаш тизими яратилди.

8. Кадрлар тайёрлашнинг замон стандартларига мос бўлган узлуксиз, кўп босқичли тизими барпо этилди.

---

<sup>163</sup> Каримов И.А. „Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. — Халқ сўзи, Тошкент. 2013 йил 19 январь.

9. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими такомиллаштирилди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари жон бошига молиялаштириш принципига ўтказилди. Тиббиёт муассасаларининг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси кескин оширилди.

Президентимиз Ўзбекистон тиббиёт тизимининг ана шундай хусусиятлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: „Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда“<sup>164</sup>.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Мустақилликка қадар юртимизда соғлиқни сақлаш тизими қандай аҳволда бўлгани ҳақида гапириб беринг.
2. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қайси ҳужжатларда ўз ифодасини топган?
3. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Ўзбекистонда қандай соғлиқни сақлаш тизими амал қилмоқда?
5. Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принципларига нималар киради?
6. Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича юртимизда қандай ишлар амалга оширилди?
7. Қишлоқ шароитининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Шаҳарларда амбулатория-поликлиника хизматини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида гапириб беринг.
9. Дунё тиббиёт тизимида ноёб бўлган шошилинич ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш ҳақида нималарни биласиз?
10. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
11. Скрининг марказининг асосий мақсади нима?
12. Аҳолига кўрсатилаётган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизмати соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
13. Соғлиқни сақлаш тизимидаги нодавлат секторни ривожлантириш ва тараққий эттириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб беринг.
14. Санитария-эпидемиология хизматини такомиллаштириш, юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятни барқарорлаштириш бўйича юртимизда қандай ишлар амалга оширилди?
15. Тиббиёт кадрларини дунё стандартларига мос равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
16. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган қандай ишларни биласиз?
17. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштиришнинг 2012—2015 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари нималардан иборат?
18. Турмуш тарзи ва соғлом турмуш тарзи тушунчаларини изоҳлаб беринг.
19. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бўйича эришилган асосий ютуқлар ҳақида нималарни биласиз?

---

<sup>164</sup> Каримов И.А. „Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. — Халқ сўзи, Тошкент. 2013 йил 19 январь.




# 10-БОБ. ЯНГИ ИШ ҶУМЛИНИ ЯРАТИШ — АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

## 10.1. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ислохотлар

Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоизга яқинини меҳнат ресурслари ташкил этади. Меҳнат ресурслари жисмоний ва ақлий қобилиятга эга бўлиб, меҳнат жараёнида моддий неъмат ва хизматларни яратади. Меҳнат ресурслари таркибига киритилган, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган нофаол аҳоли эса меҳнат захирасини ташкил этади. Чунки вақти келиб улар ҳам иқтисодий фаол аҳоли таркибига қўшилиши мумкин.

Меҳнат ресурсларининг шаклланиш жараёнлари, шарт-шароит ва омилларини кўриб чиқишдан олдин уларнинг таснифи ва гуруҳланишига эътибор қаратамиз (10.1.1-расм).



10.1.1-расм. Меҳнат ресурслари таркиби<sup>165</sup>.

10.1.1-расмдан кўринадики, жамиятдаги иштироки ва ижтимоий-иқтисодий мавқеи нуқтаи назардан меҳнат ресурслари иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳолига ажратилади. Бунда аҳолининг фаол қисми меҳнат билан бандлиги ёки унга муҳтожлигига кўра

<sup>165</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

белгиланса, фаол бўлмаган аҳоли мамлакатимиз иқтисодиётида пасив (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар, туғуруқ таътилидаги аёллар ва ишлашни хоҳ-ламайдиганлар) кўринишга эга бўлади. Расмда мазкур тоифаларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган, чунки фаол аҳоли нофаолга, нофаоллар эса фаол аҳоли тоифасига тез ўтиши мумкин. Масалан, буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: меҳнатда банд бўлган ёшлар ўқишга киргач, иқтисодий фаол бўлмаган тоифага айланади ёки ўқишни тамомлаган ёшлар тез орада ўзига муносиб иш топиб, фаол аҳолига айланиши мумкин бўлади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони мунтазам кўпайиб бормоқда (10.1.1-жадвал).

10.1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таркиби динамикаси  
(минг киши ҳисобида)<sup>166</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	+, -	%
Аҳоли сони	27072,2	28001,4	29123,4	29555,4	29994,6	2922,4	110,8
Меҳнат ресурслари сони	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	17663,1	2018,2	112,9
шундан:							
Меҳнатга лаёқатлилар	15458,7	15872,7	16263,6	17156,8	17550,2	2091,5	113,5
Ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони	186,2	250,9	240,6	153,0	112,9	-73,3	60,6

10.1.1-жадвалдан кўришиб турганидек, 2008—2012 йилларда мамлакатимизда аҳоли сони — 10,8 фоизга, меҳнат ресурслари сони — 12,9 фоизга ўсган. Бу даврда аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 57,8 фоиздан 58,9 фоизга ошган.

Юртимизда аҳоли сони йилига ўртача 450—500 минг кишига кўпаймоқда. Таҳлиллар эса 2010 йилда 2009 йилга нисбатан аҳоли сонининг 1122 минг кишига кўпайганини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги „Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 71-сонли қарорига<sup>167</sup> асосан мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва шаҳрида аҳоли сонининг 10 фоизини қамраб олган ҳолда ўтказилган аҳоли сонининг танлама статистик кузатувида 642,5 мингта кишининг механик кўпайгани аниқлангани билан боғлиқ.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2008—2012 йиллар давомида меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати Андижон (14,2 фоиз), Жиззах (15,8 фоиз), Қашқадарё (15,9 фоиз), Наманган (18,3 фоиз), Самарқанд (16,8 фоиз), Сурхондарё (17,1 фоиз), Фарғона вилоятларида (16,4 фоиз) мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Айтиш жоизки, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, юртимиз бўйича меҳнат ресурсларининг 50 фоизга яқини 5 та вилоят, яъни Самарқанд (11,1 фоиз), Фарғона (11 фоиз), Андижон (9,3 фоиз), Қашқадарё (9,2 фоиз) ва Тошкент вилоятлари (9 фоиз) улушига тўғри келади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, меҳнат ресурслари таркибида меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар сони 13,5 фоизга ўсган, аксинча, ишлаётган ўсмир ва пенсионерлар сони эса

<sup>166</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>167</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги „Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 71-сонли қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

39,4 фоизга камайган. Мазкур ҳолат меҳнат бозорига демографик омилнинг сезиларли ва бевосита таъсири билан боғлиқ. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5—99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, қолган 1,0—1,5 фоиз қисми ишлаётган ўсмир ва пенсионерлардан иборат.

Олиб борилган таҳлиллар меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий нофаол аҳоли сони ва улушининг иқтисодий фаол аҳолига нисбатан юқори суръатда ўсиб бораётганини кўрсатмоқда (10.1.2-расм).



10.1.2-расм. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари таркиби (минг киши ҳисобида)<sup>168</sup>.

10.1.2-расм маълумотларига кўра, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан Ўзбекистонда меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 10,7 фоизга, иқтисодий нофаол аҳоли сони эса 19,1 фоизга ўсган. Бу даврда меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳолининг улуши 74,2 фоиздан 72,8 фоизга ёки 1,4 бандга камайган, аксинча, иқтисодий нофаол аҳолининг улуши эса 25,8 фоиздан 27,2 фоизга ортган. Мазкур ҳолат иқтисодий нофаол аҳоли таркибида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақиға ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчи ва талабалар улушининг 38,8 фоиздан 39,5 фоизга, ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар улушининг эса 27 фоиздан 30 фоизга ортгани билан боғлиқ.

Бундан ташқари, иқтисодий нофаол аҳоли улушининг ортиши аҳоли таркибида 16—24 ёшдаги аҳолининг салмоқли улуши (20,5 фоиз) билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, таълим олаётган ёшларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки, мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида янги қурилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларнинг жалб этилиши иқтисодий нофаол аҳолининг ўсишига бевосита таъсир қилмоқда.

Юртимизда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган:

- қишлоқ хўжалигидан ташқари тармоқларда янги иш жойларини яратиш;
- меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ва қайта таъмирлаш;
- ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб қилиш;
- янги ерларни ўзлаштириш;

<sup>168</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

- қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли бандлигининг янги шакллари янги жорий этиш ва ўзини ўзи иш билан таъминлашни рағбатлантириш;
- ишсизларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш.

## **10.2. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ижобий тенденциялар**

Бозор ислохотлари шароитида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Чунки меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқалигина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлабгина қолмасдан, энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида мукамал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш гоят муҳим аҳамият касб этади.<sup>169</sup>

<b>Иш билан банд бўлган аҳоли таркиби</b>	
	Ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, хусусан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар.
	Касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар.
	Ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар, тадбиркорлар, кооператив аъзолари, фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидида меҳнат билан банд бўлганлар, қорамол боқадиганлар, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва сотувчилар, кўрсатиб ўтилган фаолият турларида қатнашадиган оила аъзолари.
	Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик ҳамда ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётганлар.
	Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

*10.2.1-расм<sup>170</sup>.*

Инсон ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлган фаолият билан машғул бўлиши натижасида банд кишига айланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги „Ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида“ги 106-сонли қарори<sup>171</sup>га асосан, қуйидагилар иш билан банд бўлган инеонлар ҳисобланади (10.2.1-расм).

<sup>169</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 264-б.

<sup>170</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги „Ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида“ги 106-сонли қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос хусусиятга айланмоқда (10.2.1-жадвал).

10.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони динамикаси  
(минг киши ҳисобида)<sup>172</sup>**


Ҳудудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	561,1	566,1	580,8	590,0	600,2	39,1	107,0
вилоятлар:							
Андижон	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	1176,4	129,1	112,3
Бухоро	729,1	748,5	768,1	784,7	804,5	75,4	110,3
Жиззах	360,6	396,6	381,6	392,4	403,0	42,4	111,8
Қашқадарё	908,7	934,9	971,7	1003,8	1036,6	127,9	114,1
Навоий	396,7	404,6	408,0	413,4	418,6	21,9	105,5
Наманган	763,3	790,1	815,3	841,7	872,2	108,9	114,3
Самарқанд	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	1314,5	162,5	114,1
Сирдарё	304,1	318,9	320,0	327,5	334,8	30,7	110,1
Сурхондарё	722,5	744,6	784,5	817,8	843,0	120,5	116,7
Тошкент	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	1215,5	118	110,8
Фарғона	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	1398,8	118,7	109,3
Хоразм	571,1	583,0	606,7	625,2	643,4	72,3	112,7
Тошкент ш.	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	1162,3	21,5	101,9
Мамлакатимиз бўйича	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12223,8	1188,4	110,8

2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1188,4 минг кишига ёки 10,8 фоизга ўсган. Олиб борилган таҳлиллар барча ҳудудларда иш билан банд аҳоли сонининг ортганини кўрсатди. Жумладан, ўтган 5 йил давомида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон (12,3 фоиз), Жиззах (11,8 фоиз), Қашқадарё (14,1 фоиз), Наманган (14,3 фоиз), Самарқанд (14,1 фоиз), Сурхондарё (16,7 фоиз) ва Хоразм вилоятларида (12,7 фоиз) мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда минглаб янги иш ўринларини яратишга эътибор қаратилгани боис аҳолининг бандлик даражаси йил сайин ортиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 95,1 фоизни ташкил этмоқда.

Меҳнат ресурслари балансига кўра, иш билан банд аҳоли таркиби иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслардан иборат. Статистик маълумотларга кўра, юқоридаги уч тоифадаги банд бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (10.2.2-расм).

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.



10.2.2-расм. Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлик таркибининг тақсими, минг киши<sup>173</sup>.

Расмдан кўришиб турибдики, 2008—2012 йиллар давомида иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар сони — 15 фоизга, норасмий секторда банд бўлганлар сони — 3,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони эса 4,8 фоизга кўпайган. Бироқ олиб борилган таҳлиллар иш билан банд бўлганлар таркибида ўзгаришлар юз берганини кўрсатади. Хусусан, 2012 йилда иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар улуши 62,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу рақам 64,6 фоизга етган ёки 2,4 фоиз бандига ортган. Ваҳоланки, бу даврда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар улушининг 34,9 фоиздан 32,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар улушининг эса 2,9 фоиздан 2,7 фоизга камайганини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги „Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида“ги 97-сонли қарори<sup>174</sup> билан тасдиқланган схема бўйича қуйидагиларни ўз ичига оладиган интеграциялашган ахборотлар модули асосида аниқланади:

а) чет элга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи маълумотлари;

б) меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йилги социологик ўрганишлар маълумотлари;

в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

г) Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжалиklarини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ҳар чоракда ўрганишлар маълумотлари.

Энди иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар тоифаси ва улар таркибидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

<sup>174</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги „Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида“ги 97-сонли қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар** давлат статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланади ва ҳисоблаб чиқилади ҳамда қуйидагилардан иборат бўлади:

- ёлланиб (меҳнат шартномаси бўйича), шу жумладан, сайланадиган лавозимларда доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишлаётган ходимлар;
- ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари;
- кооператив ва ширкатлар аъзолари;
- хусусий корхоналар эгалари (иш берувчилар), шу жумладан, фермерлар;
- юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар;
- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган деҳқон хўжаликлари аъзолари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари<sup>175</sup>.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлган аҳоли таркибида кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар, юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар, деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони ортган, аксинча, йирик бизнесда банд бўлганлар сони камайган (10.2.2-жадвал).

10.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли таркибининг ўзгариши, минг киши<sup>176</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан банд бўлганлар сони	6867,0	7022,8	7264,9	7787,4	7899,4	1032,4	115,0
Шундан:							
Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлганлар сони (йирик бизнесда)	2589,4	2599,5	2541,3	2779,8	2523,1	-66,3	97,4
Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони	2162,3	2206,9	2016,8	2338,4	2401,1	238,8	111,0
Юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар сони	147,4	375,6	628,8	698,4	735,3	587,9	498,8
Деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони	1525,5	1615,0	1630,2	1745,0	1792,1	266,6	117,5
Бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан банд бўлганлар сони	442,4	225,8	447,8	225,8	447,8	5,4	101,2

Мамлакатимиз бўйича 2008—2012 йиллар давомида расмий секторда банд бўлганлар таркибида йирик бизнесда банд бўлганлар сонининг 2,6 фоизга камайганини, қолган тармоқларда эса органини кўрсатади. Шу билан бирга, кўрилатган даврда юридик шахс

<sup>175</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. — Т.: „Fan va texnologiya“, 2012. — 75—76-б.

<sup>176</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар улушининг 2,1 фоиздан 9,3 фоизга, деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар улушининг 22,2 фоиздан 22,7 фоизга ортганини, аксинча, йирик бизнесда банд бўлганлар улушининг 37,7 фоиздан 31,9 фоизга, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар улушининг 31,5 фоиздан 30,4 фоизга, бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан банд бўлганлар улушининг эса 6,4 фоиздан 5,7 фоизга камайганини кўришимиз мумкин.

10.2.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли таркибининг ўзгариши, минг киши<sup>177</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
		2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
1.	Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар сони	3853,5	4018,0	4074,3	3833,3	3994,3	140,8	103,7
	Шундан:							
1.1.	Вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони	1547,6	1348,5	1661,2	1326,9	1553,3	5,7	100,4
1.1.1.	Вақтинчалик, бир марталик ишларни бажарувчилар сони	769,0	652,3	816,4	641,3	751,1	-17,9	97,7
1.1.2.	Вақтинчалик мавсумий ишларни бажарувчилар сони	778,6	696,2	844,8	685,6	802,0	23,4	103,0
1.2.	Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари	781,4	1273,9	840,2	1283,9	1151,1	369,7	147,3
1.3.	Рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатсиз фаолият олиб борадиган тадбиркорлар	1524,5	1395,6	1572,9	1222,4	1289,9	-234,6	84,6
1.3.1.	Бозорларда ишловчилар (савдотиқ, харидга ва сотувчиларга хизмат кўрсатадиганлар) ва бозордан ташқарида савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар (раста ва муқим савдо жойига эга бўлмаганлар)	670,2	699,2	716,0	576,1	582,6	-87,6	86,9
1.3.2.	Бошқа турдаги тадбиркорлик (шахсий автомобилларда одам ташиш, хунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш)	854,3	696,4	856,9	646,4	707,4	-146,9	82,8

**Норасмий бандлик** деб фуқароларнинг ҳеч қандай расмий рўйхат, рухсатнома ва ҳуқуқий асосга эга бўлмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланишига айтилади. Шунингдек, ушбу бандлик ҳуқуқий-иқтисодий кафолатланмаган ва ижтимоий ҳимояланмаган ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Давлат статистика

<sup>177</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.



қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ, **иқтисодийнинг норасмий секторида банд бўлганлар** жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида рўйхатдан ўтмаган шахслар киради (10.2.3-жадвал).

10.2.3-жадвалдан кўриниб турганидек, таҳлил қилинаётган даврда норасмий иш билан банд бўлмаганлар таркибида доимий бўлмаган, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар ҳамда меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берадиган оила аъзолари сони ортган, қолган норасмий бандлар сони эса камайган. Шу билан бирга, сўнгги беш йил давомида норасмий бандлик таркибида фақат оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берадиган оила аъзолари улушининг ортганини кўришимиз мумкин. Яъни, норасмий бандликнинг бу турида банд бўлганлар улуши 2008 йилдаги 20,3 фоиздан 2012 йилда 28,8 фоизга ортган.

Айтиш жоизки, норасмий бандлик қишлоқ жойларда ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши етарли бўлмаган туманларда, жумладан, демографик омиллар таъсирида ишчи кучи таклифи талабдан кўпроқ бўлган худудларда кўпроқ намоён бўлмоқда. Қишлоқ жойларда банд бўлганларнинг 44,1 фоизи айнан норасмий секторда меҳнат қилмоқда.

Норасмий бандлик бевосита мамлакатда яширин иқтисодийнинг авж олишига сабаб бўлади. Чунки:

- норасмий бандлик ҳеч қандай ҳуқуқий ва иқтисодий асосга эга эмас;
- мазкур секторда банд бўлганларнинг ўз меҳнат фаолияти орқали эртанги кунда ҳам даромад олишлари кафолатланмаган;
- норасмий банд бўлганлар меҳнати ижтимоий ҳимояланмаган ва муҳофазаланмаган;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва инфратузилмаларнинг ўзгариши натижасида ушбу секторда банд бўлганлар ўз иш жойларини йўқотиб қўйишлари мумкин;
- ушбу бандлик мавсумий ва вақтинчалик характерга эга бўлиб, об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариши ҳамда мавсумнинг алмашинуви оқибатида фуқаролар осонгина ишсиз бўлиб қолишади;
- бандликнинг мазкур кўринишидан республика ва маҳаллий бюджетга ҳеч қандай солиқ ва мажбурий тўловлар амалга оширилмайди;
- бюджетдан пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлаш бўйича ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради, яъни пенсия жамғармасининг даромадларига нисбатан унинг харажатлари юки ошиб кетади;
- шунингдек, мамлакат иқтисодиёти учун энг муаммоли ҳисобланган ишсизликнинг яширин ва мавсумий турлари айнан норасмий бандлик сабабли вужудга келади.

Фикримизча, яширин иқтисодийда банд бўлган ходимларни расмий иш билан бандликка ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун, норасмий, қонунан тақиқланмаган маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки хизмат кўрсатаётган яқка тадбиркорларни ўзлари тўлайдиган солиқ ҳисобидан пенсия жамғармасига тўловлар амалга оширилиб, уларнинг фаолияти меҳнат дафтарчаларида қайд қилиниши лозим. Норасмий тарзда, оғзаки келишув асосида ишлайдиган ёлланма ишчилар фаолиятини расмий иш билан бандликка ўтказиш учун иш берувчи ва ёлланма ишчи ўртасида тузиладиган келишув ёзма шаклда меҳнат муассасалари ходимлари иштирокида тузилиши керак. Бунда бир марталик ишга жойлаштириш тадбирлари яхши йўлга қўйилиши лозим. Аста-секинлик билан иш берувчи билан ишчи ўртасида норасмий келишув асосидаги ишларни камайтириш, бундай ишларни амалга ошираётган иш берувчи ва ходимларни жавобгарликка тортиш ишларини йўлга қўйиш зарур. Бу тадбирлар бир марталик норасмий ишларни бажаришда ходим ва иш берувчи ўртасидаги турли низоларни камайтиради.

### **10.3. Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши**

Ишсизлик меҳнат бозорининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, бирор-бир мамлакат иқтисодиёти бундай муаммодан холи эмас. Ишсизлар сонини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан аввал „ишсизлик“ деган тушунчанинг маъно-моҳиятини англаб олиш муҳимдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат даромади келтирадиган иш ўрнига эга бўлмаслигини билдиради. Бу тушунча халқаро ташкилотларда, шунингдек, турли мамлакатларда турлича шарҳланади. Масалан, АҚШда ишсиз шахс деб охирги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган ва сўнгги тўрт ҳафта ичида ишга жойлашиш учун бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш агентликларига мурожаат қилган, меҳнат лаёқатига эга бўлган фуқароларга айтилади. Японияда эса сўнгги ҳафтада бир соат ҳам ишламаган ва иш қидираётган, Буюк Британияда охирги бир ҳафтада иш билан банд бўлмаган ҳамда иш излаётган шахс ишсиз сифатида белгиланган<sup>178</sup>.

10.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)<sup>179</sup>**

Худудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	41,9	42,2	44,5	41,7	41,3	-0,6	98,6
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	64,1	65,6	65,1	64,6	66,3	2,2	103,4
Бухоро	33,6	40,9	40,0	40,3	40,2	6,6	119,6
Жиззах	15,5	21,8	22,0	21,5	21,2	5,7	136,8
Қашқадарё	47,9	57,0	56,6	56,2	58,3	10,4	121,7
Навоий	20,3	20,9	20,1	20,5	21,5	1,2	105,9
Наманган	46,7	49,3	48,3	48,5	49,0	2,3	104,9
Самарқанд	65,3	75,2	74,8	74,1	74,6	9,3	114,2
Сирдарё	12,8	14,8	14,4	14,6	13,9	1,1	108,6
Сурхондарё	35,4	47,0	46,1	46,3	46,6	11,2	131,6
Тошкент	44,9	47,9	47,4	47,3	45,4	0,5	101,1
Фарғона	72,6	72,5	77,1	71,4	73,2	0,6	100,8
Хоразм	28,0	35,1	33,6	34,6	35,6	7,6	127,1
Тошкент ш.	38,6	41,2	38,0	40,6	39,2	0,6	101,6
Республика бўйича	567,7	631,5	628,2	622,4	626,3	58,6	110,3

Бизнинг мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ишсиз шахс қуйидагича таърифланган: ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга лаёқатли шахслар ишсиз деб эътироф этилади<sup>180</sup>.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони нисбатан барқарорлашиб, унинг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши эса камайиб бормоқда (10.3.1-жадвал).

<sup>178</sup> Мўминов Х.И. Бухоро вилоятида меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг фаолиятини ривожлантириш. – Т.: Иқтисодий институт, 2008. – 89-бет.

<sup>179</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // www.lex.uz

10.3.1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2008—2012 йиллар давомида иш билан таъминланишга муҳтож бўлган аҳоли сони 58,6 минг кишига ёки 10,3 фоизга ортган. Бу даврда мазкур тоифадаги аҳоли сонининг ўсиш суръати Бухоро (19,6 фоиз), Жиззах (36,8 фоиз), Қашқадарё (21,7 фоиз), Самарқанд (14,2 фоиз), Сурхондарё (31,6 фоиз) ва Хоразм вилоятларида (27,1 фоиз) мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган. Айтиш жоизки, таҳлил қилинаётган даврда иш билан таъминланишга муҳтож бўлган аҳоли сони фақат Қорақалпоғистон Республикасида 41,9 минг кишидан 41,3 минг кишига ёки 1,4 фоизга камайган.

Ўзбекистонда иш билан таъминланишга муҳтож бўлган аҳолининг 50 фоизга яқин қисми Фарғона (11,7 фоиз), Самарқанд (11,9 фоиз), Андижон (10,6 фоиз) ва Қашқадарё вилоятининг (9,3 фоиз) улушига тўғри келади.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда 6,0 минг нафар ёки иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли сонининг 0,05 фоизи ишсиз ҳисобланади. Айни вақтда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларига қараганда, ишсизликнинг реал даражаси 4,9 фоиз атрофида бўлди. Бу кўрсаткич 2011 йилда 5 фоизни ташкил этган.

10.3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли таркиби (минг киши ҳисобида)<sup>181</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони, жами	567,7	631,5	628,2	622,4	626,3	58,6	110,3
Шундан:							
Меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони	22,7	20,1	16,2	12,9	6,0	-16,7	26,4
Мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони	545,0	611,4	612,0	609,5	620,3	75,3	113,8

Бугунги кунда мамлакатимизда ишсизликнинг қуйидаги турлари кўп учрамоқда:

— таркибий, иқтисодийнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эски тармоқларнинг барҳам топиши ва мулкчилик шакллариининг ўзгариши билан юзага келади;

— яширин, бу асосан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқлари учун хос ва ҳақиқий ишчи кучини кам миқдорда талаб қилтади. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганидан далолат беради;

— мавсумий, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва тайёрлаш муддати билан боғлиқ. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мавсумий омиллари баравар таъсир қилиши натижасида намоён бўлади;

— технологик ўзгарувчан, бундай ишсизлик корхонада технологик ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва корхонанинг модернизация қилиниши натижасида юзага келади. Масалан, фан-техника ютуқлари туфайли қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши сабабли юзага келади.

Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар ва мустақил тарзда иш излаётган ишсизлардан иборат. Статистик маълумотларга кўра, юртимизда меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони камайган, аксинча, мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони эса ортган (10.3.2-жадвал).

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

10.3.2-жадвалдан кўриниб турганидек, 2008—2012 йилларда мамлакатимиз бўйича меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 22,7 минг кишидан 6 минг кишига ёки 73,6 фоизга камайган. Аксинча, бу даврда мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони 75,3 минг кишига, яъни 13,8 фоизга ортган. Бошқача қилиб айтганда, таҳлил қилинаётган даврда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли таркибида расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши 4,0 фоиздан 1 фоизга камайган, мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони улуши эса 96 фоиздан 99 фоизга ортган.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ишсизларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (20,7 фоиз), Қашқадарё (11,7 фоиз) ва Сурхондарё (10,3 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иш қидириб, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилганларнинг аксарияти ишга жойлаштирилмоқда (10.3.3-жадвал).

10.3.3-жадвалдан кўриниб турганидек, 2009 йилда иш излаб, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига мурожаат қилганларнинг 85,8 фоизи ишга жойлаштирилган бўлса, 2012 йилга келиб бу рақам 90,4 фоизга тенг бўлган. Бундай кўрсаткичга эришишга бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ва уларнинг ҳар бир йирик қишлоқ фуқаролик йиғинида жойлашган муқим пунктларида фуқароларни ишга жойлаштиришга индивидуал равишда ёндашилгани кўмаклашди.

2012 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига энг кўп мурожаат қилганлар Фарғона (мурожаат қилганлар умумий сонининг 13,7 фоизи), Самарқанд (11,1 фоиз) ва Андижон (10,4 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Меҳнат органларига кўпроқ қишлоқ (72,9 фоиз) аҳолиси ҳамда 30 ёшгача бўлган ёшлар (54,3 фоиз) мурожаат этмоқда.

Фуқароларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш, иш қидириш муддатларини қисқартириш мақсадида 2012 йили 768 та бўш иш ўрни ярмаркаси ўтказилди ва уларда 36,6 мингдан ортиқ иш берувчи ва 264 минг нафардан ортиқ иш изловчи қатнашди. Ушбу ярмаркаларда 100,5 минг киши, жумладан, 62,9 минг ёш йигит-қиз, ўқув муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатирилганлар, жазони ўташ муассасаларидан қайтганлар ишга жойлашишга йўлланма олган.

Ўзбекистонда ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда ижтимоий нафақалар тўланади, ишсизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилади, касбга ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги „**Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида**“ги 353-сонли қарорига<sup>182</sup> асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

— иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

— биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;

— турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;

— иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг рўйхати 10.3.3-жадвалда келтирилган.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги „Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида“ги 353-сонли қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг рўйхати<sup>183</sup>

Т/р	Иш турлари	Иш мазмуни
1.	Шаҳарлар, туманлар, посёлкалар, қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, дам олиш зоналари, корхоналарни ободонлаштириш	Ирригация тармоқларини ётқизиш ва тозалаш; ҳудудларни тозалаш, қишқи юмушлар: супуриш ёки қор кураш, яхмалакни йўқ қилиш, қорни ва қор-музни кўчириш; ёзги юмушлар: ҳудудларни супуриш ва ахлатларни тўплаш; ҳовли-жой ҳудудини қўл билан йиғиштириш: намлаб супуриш ва зинапоя атрофини ювиш, деразаларни ювиш, даҳлизга чиқишдаги майдончани супуриш ва ювиш; ишлаб чиқариш ҳудудларини, йўлларни, айланма кўприк ва кўприкларни тузатиш* ва қуриш*; ҳудудларни кўкаламзорлаштириш; ўтказилган дарахтларни парвариш қилиш (сугориш, шакл бериш, органик ва маъданли ўғитлар билан қўшимча озиклантириш); электр таъминоти объектлари билан боғлиқ бўлган ишлар (электр тармоқларини қуриш ва улардан фойдаланиш*); сув таъминоти объектлари (сув қувурлари тармоқларини қуриш ва улардан фойдаланиш*); дам олиш зоналарини ободонлаштириш (парк зоналарини кўкаламзорлаштириш)
2.	Қурилиш-монтаж ишлари	Болалар майдончалари ва спорт объектлари, чўмилиш ҳавзалари, мактаблар, касалхона ва бошқа объектлар* қурилиши
3.	Юк ортиш-тушириш ишлари	Вагонлар, автомашиналардан юк тушириш; вагонларга, автомашиналарга юк ортиш, омборларда ишлаш
4.	Ижтимоий таъминот соҳасидаги ишлар	Меҳрибонлик уйларидаги кекса ва ногиронларга қараш ишлари ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш ишлари
5.	Соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар	Касалхоналарда ва бошқа тиббий муассасалардаги беморларга қараш ишлари
6.	Халқ таълими тизимидаги ишлар	Умумтаълим муассасалари ўқувчиларига хизмат кўрсатиш ишлари (фаррошлар, қоровуллар, ошпазлар*, буфетчилар)
7.	Маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш, маданият тизими ва бошқа тармоқлардаги ишлар	Ушбу объектларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ турли ишлар
8.	Мева-сабзавот базаларидаги ишлар	Мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва идишларга жойлаштириш, идишларни тузатиш, ортиш, тушириш
9.	Агросаноат комплексидаги мавсумий ишлар	Мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари (мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиштириш, пахта териш, ўташ, озиқа тайёрлаш, мол боқиш ва бошқалар)
10.	Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиб ишлайдиган ишлар	Аҳолидан шиша идишлар қабул қилиш; ташиб ва кўтариб юриладиган савдо, спорт ва томоша тадбирларига хизмат кўрсатиш (чипталар, буклетлар, салқин ичимликлар, музқаймоқ ва шу кабиларни тарқатиш)
11.	Иккиламчи хом ашёларни тайёрлаш ва топшириш бўйича ишлар	Мақулатура, ишлатилган шиналар, иккиламчи полимерлар, иккиламчи металл буюмларни тўплаш ва шу кабилар

**Эслатма:**

1) малака ва касб-ҳунар кўникмаларига эга бўлмаган ишсизлар фақат (\*) билан белгиланган ёрдамчи ишларга жалб қилинади;

2) ишларни бажариш учун ходимнинг тегишли малакаси талаб қилинадиган айрим иш турлари бўйича зарур малака ва касб-ҳунар кўникмасига эга бўлган ишсизлар жалб қилиниши мумкин.

<sup>183</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги „Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида“ги 353-сонли қарори // www.lex.uz.

**Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси<sup>184</sup>**

Худудлар	Иш қидириб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилганлар сони, бирлик				Ишга жойлаштирилганлар сони, бирлик				Мурожаат қилганларга nisbatan ишга жойлаштирилганлар улуши, фоиз			
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	47339	48256	45115	44851	42976	44395	43333	42154	90,8	92,0	96,1	94,0
вилоятлар:												
Андижон	55229	67210	68236	67677	48313	59614	62577	61620	87,5	88,7	91,7	91,1
Бухоро	39819	44636	44475	43330	31668	38159	40507	40116	79,5	85,5	91,1	92,6
Жиззах	32526	20520	21457	20961	27957	17147	18170	18033	86,0	83,6	84,7	86,0
Қашқадарё	58855	57586	56419	55335	52175	52665	50671	50492	88,7	91,5	89,8	91,2
Навоий	30269	22969	23121	23268	26811	21245	21373	21742	88,6	92,5	92,4	93,4
Наманган	58851	48301	49655	50408	49861	43060	45103	46266	84,7	89,1	90,8	91,8
Самарқанд	64355	73197	76350	72721	59020	64937	68360	67303	91,7	88,7	89,5	92,5
Сирдарё	20908	16508	16210	41885	17725	14131	14407	39162	84,8	85,6	88,9	93,5
Сурхондарё	38012	41807	42689	14972	32911	38859	38913	13328	86,6	92,9	91,2	89,0
Тошкент	43343	56189	56743	54686	39203	51121	52943	51459	90,4	91,0	93,3	94,1
Фарғона	76723	92946	87934	89680	66596	80911	77128	77519	86,8	87,1	87,7	86,4
Хоразм	46111	37404	36291	37221	32073	30614	31401	32653	69,6	81,8	86,5	87,7
Тошкент ш.	46158	43953	36746	36020	38018	38839	30805	28651	82,4	88,4	83,8	79,5
Мамлакатимиз бўйича	658498	671482	661441	653015	565307	595697	595691	590498	85,8	88,7	90,1	90,4

<sup>184</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ишсизлар сони ортиб, 2007 йилга қараганда 77,2 фоизга кўпайганини кўришимиз мумкин (10.3.5-жадвал).

10.3.5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган фуқаролар сони динамикаси (киши ҳисобида)<sup>185</sup>**

Худудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2009	2010	2011 й	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	4461	5006	3406	3487	3538	-923	79,3
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1379	2446	4929	5010	5160	3781	374,2
Бухоро	1475	3568	3680	4246	4064	2589	275,5
Жиззах	1208	2138	1862	1880	1733	525	143,5
Қашқадарё	3324	3240	4349	4504	4627	1303	139,2
Навоий	790	1684	1927	1990	2104	1314	266,3
Наманган	3474	4125	3597	3600	3852	378	110,9
Самарқанд	1633	3245	5500	5596	4215	2582	258,1
Сирдарё	728	1051	3255	3293	3427	2699	470,7
Сурхондарё	918	2328	1241	1297	1235	317	134,5
Тошкент	1273	2658	4273	4274	3291	2018	258,5
Фарғона	3071	6730	6273	6343	6431	3360	209,4
Хоразм	1771	4254	2587	2661	2672	901	150,9
Тошкент ш.	2122	4104	2729	2716	2593	471	122,2
Ўзбекистон бўйича	27627	46577	49608	50897	48942	21315	177,2

10.3.5-жадвалдан кўринадики, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган фуқаролар сони 2007 йилдаги 27,6 минг кишидан 2012 йилда 48,9 минг кишига ёки 77,2 фоизга кўпайган. Бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси бундан мустасно) кузатилган. Жумладан, бу даврда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган фуқаролар сонининг ўсиш суръати Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини маблағ билан таъминлаш иш берувчилар томонидан ўз маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг:

— жойлардаги давлат ҳокимияти органларига қарашли корхоналар, муассаса ва ташкилотлар бўйича — эллик фоизи иш берувчилар маблағлари ва эллик фоизи маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

— бошқа корхоналар, муассаса ва ташкилотлар бўйича — етмиш беш фоизи иш берувчилар маблағлари ва йигирма беш фоизи Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш — тўла ва сзмарали иш билан таъминлашга кўмаклашадиган энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

бир тури сифатида қаралади. Янги иқтисодий-ижтимоий шароитда кадрлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги „Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида“ги низомида<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими орқали уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш босқичлари ва тартиби ёритилган бўлиб, бу тизим таркибига:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга доир масалалар билан шуғулланадиган тузилмавий бўлинмалари;

— ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг барча турлари ва шакллари бўйича касбий таълимни ташкил қиладиган ҳудудий меҳнат органларининг жойлардаги ўқув марказлари;

— касб-хунар коллежлари;

— корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўқув бўлинмалари;

— малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлири (академик лицейлар) қошидаги ўқув муассасалари;

— таълимни ташкил этиш хусусида рухсатномаси бўлган тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, уюшмалар;

— шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган „Хунарманд“ уюшмасига аъзо бўлган тадбиркор халқ усталарининг мактаблари киради.

10.3.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилган ишсизлар сони динамикаси (киши ҳисобида)<sup>187</sup>

Худудлар	Йиллар					2012 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	317	381	972	980	715	398	225,6
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1288	1484	2735	2520	2800	1512	217,4
Бухоро	778	1251	1707	1622	1878	1100	241,4
Жиззах	700	302	840	908	883	183	126,1
Қашқадарё	695	658	1385	1261	1520	825	218,7
Навоий	495	1164	982	1007	1231	736	248,7
Наманган	501	455	802	805	893	392	178,2
Самарқанд	555	652	1072	1125	974	419	175,5
Сирдарё	489	702	1966	1677	1686	1197	344,8
Сурхондарё	329	2303	721	730	838	509	254,7
Тошкент	1028	613	2218	2181	1853	825	180,3
Фарғона	1735	1139	3126	3000	3235	1500	186,5
Хоразм	934	728	1273	1313	1298	364	139,0
Тошкент ш.	3832	5016	6440	5230	5566	1734	145,3
Ўзбекистон бўйича	13676	16848	26239	24359	25370	11694	185,5

<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги „Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида“ги низоми // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.



Мамлакатимизда ишсизларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатининг ошиб бораётгани боис ишсизлар орасидан касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда (10.3.6-жадвал).

10.3.6-жадвалдан кўринадики, мамлакатимиз бўйича ишсизлар орасидан касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилганлар сони 2007 йилда 13,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 25,3 минг кишига етган ёки ўтган олти йил давомида 85,5 фоизга ортган. Бундай ўсиш тенденцияси барча ҳудудларда кузатилган.

Касбга тайёрланганларнинг аксарияти тузилган шартномалар асосида базавий коллежларда иқтисодиётда талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича, яъни тикувчилик, тўқувчилик, электрик, пайвандчилик, бўёқчилик, сувоқчилик, компьютер техникаси оператори ва шу каби бошқа касблар бўйича ўқитилган. Бундан ташқари, 13,5 минг нафар ишсиз „Устоз-шогирд“ усулида гилам тўқиш, ганчкорлик, теридан, дарахтдан ва темирдан бадиий маҳсулотлар тайёрлаш, миллий қандолатчилик ва миллий ҳунармандчиликнинг бошқа турлари бўйича ўқитилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги „Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида“ги 117-сонли қарорига<sup>188</sup> асосан меҳнат бозоридagi вазиятни белгилайдиган асосий индикаторлар ҳисоблаб борилади.

Унга кўра:

1. **Ишсизлик даражаси** 10 фоиздан юқори бўлса **салбий**, 6 фоиздан 10 фоизгача ўртача, 3 фоиздан 6 фоизгача **мўътадил** ва 3 фоиздан кам бўлса **паст** ҳисобланади.

2. **Меҳнат бозоридagi танглик даражаси** (1 та бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони нисбати) — бир бўш иш ўрнига тўғри келадиган ишсизлар сони 6 кишидан юқори бўлса **салбий**, 4 кишидан 6 кишигача **ўртача**, 2 кишидан 4 кишигача **мўътадил** ва 2 кишидан кам бўлса **паст** ҳисобланади.

3. **Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш даражаси** — ишга жойлаштирилганлар улуши 75 фоиздан кам бўлса **паст**, 75 фоиздан 85 фоизгача **мўътадил**, 85 фоиздан 90 фоизгача **ўртача** ва 90 фоиздан баланд бўлса **юқори** ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда ишсизлик ва меҳнат бозорининг танглик даражалари мўътадил бўлса, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш даражаси юқори ҳисобланади.

#### **10.4. Иш ўринларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши**

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида прогноз параметрлари бажарилишини таъминлади.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 967,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Амалда эса 973,5 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 0,6 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микро-фирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

<sup>188</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги „Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида“ги 117-сонли қарори // [www. lex.uz](http://www.lex.uz)

Юртимиз ҳудудларида иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда (10.4.1-жадвал).

10.4.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган иш ўринлари сони  
динамикаси (бирлик)<sup>189</sup>**

Ҳудудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	28602	48064	48118	48362	49 478	20876	173,0
вилоятлар:							
Андижон	55670	77889	77902	78292	78 364	22694	140,8
Бухоро	54266	72904	72998	73363	73 370	19104	135,2
Жиззах	29566	43297	43317	43515	43 858	14292	148,3
Қашқадарё	59191	85734	86444	86890	88 335	29144	149,2
Навоий	30139	39870	40321	40596	40 849	10710	135,5
Наманган	49672	70762	71039	71778	74 984	25312	151,0
Самарқанд	63570	91712	92020	92700	93 427	29857	147,0
Сурхондарё	44296	63686	63706	64644	65 615	21319	148,1
Сирдарё	28660	37899	37920	38623	39 852	11192	139,1
Тошкент	52719	85333	85500	86000	86 500	33781	164,1
Фарғона	63286	90050	91173	91246	91 805	28519	145,1
Хоразм	37110	59192	59182	59575	59 774	22664	161,1
Тошкент ш.	64159	74140	80361	80663	81 253	17094,0	126,6
Ўзбекистон бўйича	660906	940532	950001	956247	973 497	312591	147,3

2008—2012 йиллар давомида мамлакатимизда яратилган иш ўринлари сони 312,6 мингтага ёки ўтган 5 йилда 47,3 фоизга кўпайган. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси барча ҳудудларга ҳам хос бўлган. Айниқса, ишсизлик даражаси юқори бўлган (6,4 фоиз) Қорақалпоғистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони 73 фоизга кўпайганини алоҳида қайд этиш лозим.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг амалга оширилиши натижасида иш билан таъминланишга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда, хусусан, Фарғона (75,5 минг иш ўрни), Самарқанд (74,7 минг), Қашқадарё (69,8 минг), Тошкент (68,4 минг), Андижон (62,8 минг), Наманган (59,3 минг), Бухоро (59,1 минг), Сурхондарё (51,9 минг) ва Хоразм (47 минг) вилоятларида иш ўринлари кўпайди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2012 йилда мамлакатимизда 973 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган (10.4.2-жадвал).

10.4.2-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар юртимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан яратилганидан далолат беради.

<sup>189</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик<sup>190</sup>

Т/р	Йўналишлар	Йиллар		
		2010	2011	2012
	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950001	956247	973497
	<i>шу жумладан:</i>			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56316	57469	58631
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408	365888	484 954
	<i>шундан:</i>			
2.1.	Саноатда	52 882	54941	55921
2.2.	Қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	43 632	43863	43988
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177	111871	117180
4.	Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш	207 972	216165	218 560
4.1.	<i>Шу жумладан,</i> корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначиликни ташкил этиш	62 518	55357	—
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	127 732	122399	123 622
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320	72850	72994
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889	9605	13594
8.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187	—	—

Айтиш жоизки, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тасдиқланган прогноз параметрларининг бажарилишига кўмаклашди:

а) 2011—2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг, 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурининг, 2011—2013 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожланиш бўйича ҳудудий дастурларнинг, ҳудудий инвестиция дастурларининг амалга оширилишини давом эттириш 45,6 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Юқорида қайд этилган дастурлар доирасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва шунга мувофиқ равишда ярагилаётган иш ўринларининг кўпайишига саноат корхоналарига берилган имтиёз ва преференциялар, яъни мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган қурилмалар, материал ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларидан озод қилиш, саноатнинг базавий соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳагача ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун имтиёзли кредитлар олиш, инвестиция лойиҳалари бўйича „тайёр ҳолда

<sup>190</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

топшириш“ шартномалари асосида техник иқтисодий асослари тасдиқланадиган бир босқичли тартибда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга доир имтиёз ва преференцияларнинг берилгани ва бошқалар жиддий таъсир кўрсатди;

б) кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун имтиёзли солиқ имкониятлари яратилишини таъминлаш сиёсати амалга оширилишининг давом эттирилиши, хусусан, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши кичик бизнес субъектларининг бўшаб қолган маблағларини ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш имконини берди, бу эса 281 мингта иш ўрни, яқка тадбиркорликда 88 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил қилиш бўйича молиявий имкониятларини сезиларли даражада оширди. 2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 4,2 триллион сўмни ташкил этди, бу эса 2011 йилнинг шу даври прогноз параметрларига нисбатан 12 фоиз кўп демакдир.

Кичик бизнес соҳасида яратилаётган иш ўринларининг салмоқли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушига тўғри келади. Кўп ҳолларда аҳолининг кўпайиши натижасида меҳнат бозорида юзага келган юқори демографик босимга қарамасдан, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши туфайли банд бўлган аҳоли сонининг жадал суръатларда ошиб боришини таъминлашга эришилди, бунда мамлакатимиз умумий аҳолиси сонига нисбатан банд бўлганлар салмоғи ҳам кўпайди;

в) ҳуқуқий ва норматив базанинг яратилиши, касаначиликнинг барча турларини, авваламбор, корхоналар билан ҳамкорликдаги меҳнат шартномалари асосидаги касаначиликни, хунармандчилик, шунингдек, қорамол боқиш ва уйда турли хизматлар кўрсатишга асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш 183,4 минг нафар шахсни ишга жойлаштириш имконини берди.

Ўтган даврда 8 мингдан ортиқ саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш корхоналари касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига киришди, бу корхоналар касаначилар билан меҳнат шартномалари асосида бирлашиб, 51,6 минг киши банд бўлишини таъминлади.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар 131,8 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини берди;

г) қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли равишда ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, хусусан, сўнгги уч йил ичида 540 дан зиёд янги корхонанинг ишга туширилиши, 152 та янги маҳсулот тури ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши ва шунинг натижасида қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши, қишлоқ хўжалиги ва унга кирадиган барча тармоқлар ва ишлаб чиқариш мажмуасини модернизация қилиш, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши 105,5 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилишини таъминлади;

д) ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация қурилишининг ривожлантирилиши, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кенгайтирилиши 58,8 мингта иш ўрни яратилишига олиб келди.

Мазкур йўналишда иш ўринлари яратилишида инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган вазирликлар, идора ва корхоналарга мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган жиҳозлар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюм ва узеллар, технологик ҳужжат ва ускуналар учун 2016 йилнинг январига қадар божхона тўловларидан озод бўлиш бўйича имтиёзлар берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди ва шу орқали ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини камайтириш, бўшаган маблағларнинг салмоқли қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтириш ҳамда йирик инфратузилма объектларининг қурилиши ва қайта қурилишида иш ўринлари яратишни таъминлашга имкон берди;

е) тўхтаб қолган корхоналар, жумладан, тижорат банклари балансига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш натижасида 10,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Меҳнат ресурсларининг таркибини тушунтириб беринг.
  2. Мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ҳақида нималарни биласиз?
  3. Мамлакатимиз бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетганлар сони қандай тартибда аниқланади?
  4. Аҳолининг иш билан бандлиги деганда нимани тушунаси?
  5. Бандликнинг қандай турларини биласиз?
  6. Мамлакатимизда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида нималарни биласиз?
  7. Юртимиздаги иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли таркибини тушунтириб беринг.
  8. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг қандай турларини биласиз?
  9. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
  10. Иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган қандай чора-тадбирларни биласиз?
-

**2013 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**II-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИНГ БАРҚАРОР ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИНИ, МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**11.1. Изчил юқори барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маърузасида таъкидлаганидек, жаҳон ҳўжалигида глобализация жараёнларининг чуқурлашуви шароитида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги кучаймоқда, жаҳон бозорларида рақобат ортмоқда ва молиявий-иқтисодий беқарорлик давлатларни миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш ҳисобидан барқарор иқтисодий ривожланиш йўлларини излашга ундамоқда. Давлатимиз раҳбари жорий йилда ва ўрта муддатда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашдан олдин „2013 йил ва яқин келажакда ҳамон давом этиб келаятган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг барча хавф-хатар ва оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш алоҳида принципиал аҳамият касб этишини“<sup>191</sup> таъкидлаб ўтди.

2000—2012 йилларда эришилган иқтисодий ўсишнинг энг муҳим белгиси унинг барқарор даражага эгаллиги ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида „... бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти 20 йил давомида 3,5 баробардан

зиёд ўсди. Агарки шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008—2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган

*Ана шундай мураккаб шароитда 2013 йил ва яқин келажакда ҳамон давом этаётган глобал инқирознинг барча хавф-хатар ва оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш алоҳида принципиал аҳамият касб этади.*

**Ислон Каримов**

<sup>191</sup>Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом этириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 19 январь.

тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бутун дунёда эътироф этилган, „Ўзбек модели“ деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган“<sup>192</sup>.

Миллий иқтисодий-иқтисодийнинг охириги беш йил мобайнидаги ривожланиш хусусияти шундаки, у глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида барқарор ўсиш суръатларига эга бўлди. Дунё мамлакатлари ривожланишининг қиёсий таҳлили кўрсатишича, жаҳон инқирози аксарият давлатларда, жумладан, ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечириётган мамлакатларда иқтисодий ривожланишни жиддий секинлаштирди. Ўзбекистон иқтисодиёти эса глобал инқироз шароитида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлади ва юқори макроиқтисодий барқарорлик даражасини кўрсатди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инқироздан олдинги даврда миллий иқтисодиётни ислоҳ этишнинг йўналиш ва чоратадбирлари тўғри танлангани ҳамда 2008 йилнинг охирида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарали амалга оширилганини исботлайди. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, „Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда“<sup>193</sup>.

Барқарор иқтисодий ўсиш — бу узоқ вақт давомида иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодий назарияси ва жаҳон амалиётининг кўрсатишича, мамлакатларнинг йиллик ЯИМнинг ўсиш суръати 7 фоиздан кам бўлмаса, ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10 фоиздан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми 7 йилда 2 марта кўпаяди. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида 2005 йилдан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ана шу талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқди ва муваффақиятли амалга оширмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш концепциясига мувофиқ, мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароит яратади.

Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари амалга оширилган мутаносиб макроиқтисодий сиёсат, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнининг жадаллашуви ва чуқурлашуви натижасидир. Эътиборли жиҳати шундаки, барқарор иқтисодий ўсиш анъанавий хом ашё тармоқлари, жаҳон бозоридаги айрим хом ашё ва материал турларининг юқори баҳоси ва қулай конъюнктураси ҳисобидан эмас, балки иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тайёр рақобатдош маҳсулотни ва ҳозирги замон хизматларини кўрсатишга қаратилган тармоқларни жадал суръатларда ривожлантириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тармоқлари, қулай инвестиция муҳити, амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодий ўсиш сифатини ошириш муҳим роль ўйнади.

Иқтисодиёт фанида „иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги“ ва „иқтисодий ўсишнинг сифати“ каби тушунчалар турлича маъноларни англатади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги деганда, „ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги“ тушунчасининг ҳамма таркибий қисмлари, жумладан, товар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, уларнинг рақобатдошлигининг ортиши, юксак технологияни ўзида мужассам этган тайёр товарларни

<sup>192</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир / „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 9 декабрь.

<sup>193</sup> Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 19 январь.

ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурслар қайтимининг ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши тушунилади.

„Иқтисодий ўсишнинг сифати“ тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ижтимоий йўналишнинг кучайишини ифода этади.

Иқтисодий ўсиш сифатининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли моддий фаровонлигининг яхшиланиши;
- шахснинг ҳар томонлама камол топишининг асоси ҳисобланган бўш вақтнинг кўпайиши;
- ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасининг ўсиши;
- инсон капиталига сарфланадиган инвестициянинг кўпайиши;
- кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ишсизларни ва меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни қўллаб-қувватлаш.

11.1.1-жадвал

**Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш индикаторлари<sup>194</sup>**

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Меҳнат унумдорлиги	%	98,0	104,5	104,5	106,8	106,0	105,3	105,7	105,2
Капитал қайтими	%	93,9	102,4	101,6	102,2	96,1	89,3	86,5	90,8
Энергия қайтими	%	101,4	105,7	105,4	107,1	106,3	104,8	106,2	106,4
Материал қайтими	%	102,7	103,5	99,7	102,3	108,7	102,2	101,8	101,0
Ҳосилдорлик	%		108,0	101,6	102,9	102,2	103,7	104,2	103,4
Ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги	%	1,0	3,5	3,6	4,8	2,4	-0,2	1,0	2,5

2000—2011 йилларда миллий иқтисодиёт ривожланишининг барча макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, капитал қайтимини истисно қилганда, яхшиланди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги ва энергия қайтими кўрсаткичлари тез суръатлар билан ривожланиб, ЯИМнинг ўсиш манбалари таркибида жадал ўсиш омиллари улушининг ортиб бораётганини ифода этади.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтиш қуйидагиларни англатади:

- иқтисодий ривожланишга асосан илмий-техник тараққиёт омиллари ҳисобланган компьютерлар, ресурсни тежайдиган юксак технологияларни қўллаш орқали эришилади;
- иқтисодий ривожланиш товар ва хизматлар сифатини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобидан таъминланади;
- иқтисодий ривожланишга инсон яшайдиган экологик муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги талабларни бажариш ҳисобидан эришилади;
- иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлилининг кўрсатишича, инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатларига, асосан, экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибининг тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобидан эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиёт эркинлашувининг чуқурлашуви ва миқёсининг кенгайиши, валюта бозорининг барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



2000 йилдан бошлаб иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ҳажми ортиб, молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Мустақиллик йилларида нодавлат секторнинг шаклланиши инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган харажатларни кескин қисқартириб, бўш қолган молиявий маблағларни ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Шунингдек, ушбу даврда хорижий инвестицияларнинг ўрни ортиб бормоқда ва уларнинг ҳиссасига инвестицияларнинг 22 фоизи тўғри келмоқда. Хориждан жалб қилинаётган инвестицияларнинг 79 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Хизмат соҳаларининг миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсирини 11.1.2-жадвал яққол ифода этади.

11.1.2-жадвал

**Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим секторлари улушининг ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)<sup>195</sup>**

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ ўсиши — жами (фоизда)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ умумий ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизли йиллик ўсишининг 40 фоизи ушбу соҳада яратилган қўшилган қиймат ҳисобидан таъминланган бўлса, 2011 йилга келиб унинг улуши 60 фоизга етди.

Инқироз шароитида илгари эришилган юқори иқтисодий ривожланиш суръатларини таъминлашда миллий иқтисодиётда юз бераётган ижобий таркибий ўзгаришлар муҳим роль тутди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, инқирозгача бўлган даврда ялпи ички маҳсулот ўсишининг тўртдан уч қисми хизматлар ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Лекин инқироз шароитида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси жиддий қисқарди (масалан, 2005 йилдаги 24 фоиздан 2008 йилда 15 фоизга). Ушбу даврда қурилишнинг ҳиссаси, аксинча, ортган (2000—2008 йилларда ўртача 7,4 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилда 25 фоизни ташкил этган). Буларнинг барчаси инқирозга қарши чоралар дастури самарали амалга оширилганини кўрсатади. Чунки уй-жой қурилишини рағбатлантириш чоралари ушбу дастурнинг таркибий қисми эди.

Миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилини ички талаб ташкил этади. Жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда амалга оширилган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида аҳолининг ялпи ички талабини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида пировард истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотни тақрор ишлаб чиқариш таркибидаги улуши ортиб бормоқда. Жумладан, 2008—2012 йилларда пировард истеъмол харажатларининг ЯИМдан фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6 фоиздан 68 фоизга ёки 3,4 пунктга ортди. „Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги беқарорлик шароитида бундай ёндашув иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутди“ (11.1.3-жадвал).

<sup>195</sup> Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари.

**ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби (фоиз ҳисобида)<sup>196</sup>**

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

Қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитининг яратилиши, иқтисодиётга жалб этилаётган инвестиция ҳажмининг барқарор суръатларда ортиб бориши иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларини амалга ошириш имконини бермоқда.

Иқтисодиёт таркиби унинг яхлитлигини таъминлайдиган хўжалик тизими элементлари ўртасидаги нисбат ва муносабатларнинг йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, ижтимоий-иқтисодий жараённи акс эттирадиган таркибларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби мустақиллик йилларида қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб бормоқда: ижтимоий меҳнат тақсимоти, илмий-техник тараққиёт, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурслари кўлами ва миқёсининг чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар.

**Иқтисодиёт таркибининг сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:**

- 2012 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторнинг улуши 83,6 фоиздан ортиқроқ бўлиб, улгуржи ва чакана савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100 фоизи нодавлат сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ўз навбатида 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 54,6 фоизга етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3 фоиздан 2012 йилда 52 фоизга ўсди;

- 1991–2012 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11 фоиздан 24 фоизга ўсди;

- 1991 йилда экспорт қилинадиган товар таркибининг қарийб 90 фоизини хом ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийб 70 фоизни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

11.1.4-жадвал

**ЯИМнинг тармоқ таркиби (фоиз ҳисобида)<sup>197</sup>**

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт бўйича жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

<sup>196</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 120-б.

<sup>197</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 120-б.

Мустақиллик йилларида хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар улушининг ортишига қарагилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари улушининг ортиши кузатилмоқда. Масалан, 2000—2012 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга қисқаргани ҳолда, саноат ҳамда хизматнинг улуши, аксинча, мутаносиб равишда 14,2 фоиздан 24,0 фоизга ва 37,2 фоиздан 44,9 фоизга ортди. Хизматлар соҳаси таркибида миллий иқтисодиётимиз учун амалда янги бўлган соҳалар — банк фаолияти, аудит, суғурта, консалтинг хизматлари салмоқли ўрин эгалламоқда (11.1.4-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган „Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“да баён этилган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини яқин йиллар ичида ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Маърузада таъкидланганидек, „Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда“.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металл қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор<sup>198</sup>.

11.1.5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасини 2013 йилда ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан фоизда)<sup>199</sup>**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қўйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107—109
Давлат бюджети камомати (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	−1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

<sup>198</sup> Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 19 январь.

<sup>199</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги „2013 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида“ги ПҚ-1887- сонли Қарори.

2011—2015 йилларда ЯИМнинг йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, умуман, 2011—2015 йиллар давомида унинг ҳажми 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар ўсишига эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади<sup>200</sup>.

Жаҳон амалиёти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаларига кўра макроиқтисодий барқарорлик даражаси билан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Масалан, инфляциянинг юқори даражаси иқтисодиётни инвестициялашнинг мавжуд манбаларини камайтиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилинаётган инвестициялар (жумладан, хорижий инвестициялар) ҳажмини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва уни диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун хизмат қилади. Мамлакатимиздаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили унинг барқарорлиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

2013 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига мувофиқ, унинг дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмаслик ҳамда уни тўлиқ ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг шаклланишига таъсир қиладиган омилларни, жаҳон бозоридаги нархлар динамикасини, шунингдек, ички талабни рағбатлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади<sup>201</sup>.

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш мақсадида 2013 йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттиради ва ушбу мақсадда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фаол фойдаланади.

Бу борада асосий эътибор пул бозорининг барқарорлиги ва банк депозитлари жозибдорлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

*2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади.*

**Ислом Каримов**

<sup>200</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 119—120-б.

<sup>201</sup> 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти — [www.cbu.uz/uzc/node/39959](http://www.cbu.uz/uzc/node/39959)

*Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7—9 фоизни ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади.*

**Ислом Каримов**

Пул массасининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари прогнози ва инфляциянинг 7—9 фоизли мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини 2013 йил давомида 12 фоиз даражасида сақлаб туриш режалаштирилмоқда.

Валюта алмашув курси экспортни рағбатлантирувчи ва инфляциянинг олдини олишга қаратилган механизм сифатида қўлланилади. Ушбу мақсадда ўзгариб борадиган бошқариладиган алмашув курси стратегияси қўлланади ва алмашув курси мақсадли коридор доирасида ушлаб турилади. Бунда асосий эътибор сўмнинг реал самарали алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

2013 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган „2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар“ дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, банк назоратини амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг кредит портфели сифатини янада яхшилаш, кредитларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш, кредитлар муддатларини узайтириш амалиётини чеклашга алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банклари ресурс базасини янада ошириш ва диверсификация қилиш, кўрсатилган банк хизматлари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари давом эттирилади:

— қўшимча акцияларни чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш орқали банкларнинг жами капитали йил мобайнида камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

— банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш;

— депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, тижорат банкларида аҳолидан жамгарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини камида 30 фоизга ошириш;

— тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва пул бозорида жойлаштириш;

— банк инфратузилмалари, хусусан, минибанклар ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш;

— ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали банк хизматларининг сифатини янада юксалтириш ва кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилиши борасидаги 2013 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

— банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

— банклардан ташқарида жойлашган ва хавфсизлиги таъминланган идора ва ташкилотлар, йирик супермаркет биноларида банк инфокиосклари тармоғини кенгайтириш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизимини ва алоҳида банкларнинг юксак халқаро

рейтинг баҳоларига эга бўлишни таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳажмини кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

2013 йилда тижорат банклари томонидан

иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажмининг 25 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида янги турар жойларни барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олиш каби инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан 6 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда<sup>202</sup>.

2013 йилда иқтисодийнинг макроиқтисодий даражада барқарор ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйида келтирилган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши билан бевосита боғлиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-4434-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги „Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида“ги ПФ-4436- сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги „Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-4453-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартдаги „Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-1725- сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги „Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатдош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-1731-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги „2012—2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида“ги ПҚ-1743-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида“ги ПҚ-1754-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги „2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида“ги ПҚ-1758-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги „Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларини давом эттириш тўғрисида“ги ПҚ-1816-сонли Қарори;

*Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Банк тизими жами капиталини камида 20 фоизга кўпайтириш мулжалланмоқда.*

**Ислом Каримов**

<sup>202</sup> 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари/ [www.cbu.uz/uzc/node/39959](http://www.cbu.uz/uzc/node/39959)

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 августдаги „2012—2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 234-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 августдаги „2012—2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 252-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги „Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 333-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги „Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 379-сонли қарори.

2013 йилда капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,3 фоизга ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишининг етакчи омили ҳисобланади. Жорий йилда ялпи инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилдаги 22,9 фоиздан юқори бўлиши режалаштирилмоқда.

„Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юқини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади“<sup>203</sup>.

Юқоридаги натижаларга иқтисодиётда модернизация ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, унинг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиламасдан эришиб бўлмайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш мақсади — мамлакатимиз иқтисодиётини янгилаш, илм-фан ютуқлари кенг қўлланиладиган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида миллий иқтисодиётимизни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, унинг рақобатдошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилишнинг жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатни модернизация қилиш учун дастлаб мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ва конкрет баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, „... иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди“<sup>204</sup>.

**2011—2015 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантириш дастури қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:**

1. 2011—2015 йилларга мўлжалланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш чоралари дастури.

2. 2011—2015 йилларга мўлжалланган инфратузилмани, транспорт ва коммуникацион қурилишни жадал ривожлантириш дастури.

3. Молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва барқарорлигини оширишнинг 2011—2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари дастури.

<sup>203</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 121-б.

<sup>204</sup> Каримов И.А. Асосий вазиғамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2010. — 43-б.

4. Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари дастури.

Мамлакатимизда чуқур ўйланган ва пухта таҳлиллар асосида 2011—2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастур амалга оширилмоқда. Уларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилган.

„2011—2015 йиллардаги энг муҳим вазифа — макроиқтисодий барқарорлик ва изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг сифат кўрсаткичларини иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация этиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш ҳисобидан яхшилашдан иборат“<sup>205</sup>.

11.1.6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари<sup>206</sup>**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, фоизда	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, миллион АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, фоизда	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, фоизда	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8

Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари дастурини амалга ошириш мақсадида саноатда умумий қиймати 47,3 миллиард долларга тенг бўлган 119 та йирик инвестицион лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу дастурга мувофиқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати 9—12 фоизни ташкил этади, саноатнинг ЯИМдаги улуши 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга етади. Саноат маҳсулоти таркибида жиддий ижобий таркибий ўзгаришлар содир бўлади ва қайта ишлаш саноатининг ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 41 фоиздан 49 фоизга етади. Юқоридаги амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли экспорт қилинаётган саноат маҳсулотларининг экспорт умумий ҳажми таркибидаги улуши 2010 йилдаги 42,3 фоиздан 2015 йилда 63,2 фоизга етади (11.1.6-жадвал).

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва уни янада диверсификация қилиш саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга, қурилишнинг улушини эса — 6,4 фоиздан 7,6 фоизга ошириш имконини беради. Натижада 2011—2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

<sup>205</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 119- б.

<sup>206</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги ПҚ-1442-сонли Қарори.



1,3 баробар ортгани ҳолда, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,5 фоиздан 13,5 фоизга тушади<sup>207</sup>.

**Юқорида қайд этилган концепцияда мўлжалланган стратегик вазифаларни амалга ошириш ўрта муддатда қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:**

- макроиқтисодий ривожланишнинг бошқариладиган модели асосида барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- тўхтовсиз иқтисодиётни узлуксиз модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш талабларига мувофиқ ривожлантириш;
- банк-молия тизими барқарорлигини ошириш ва унинг инвестиция миқёсини кенгайтиришдаги ролини ошириш;
- нодавлат сектори, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини янада ошириш;
- юксак агротехнологиялар асосида замонавий самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни яратиш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш;
- аҳоли, жумладан, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлайдиган замонавий ижтимоий секторни шакллантириш.

## **11.2. Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатдошлигининг моҳияти ва омиллари**

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатдошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Рақобатдошлик деганда, одатда, товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминлайдиган нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатдошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмасдан, макроиқтисодий мазмунга ҳам эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, „ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас“<sup>208</sup>.

Мамлакатларнинг рақобатдошлиги концепцияси тарихан миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаб берадиган қиёсий афзалликлар (арзон ишчи кучи, бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув, иқлим, инфратузилма омиллари ва ҳ.к.) назариясига асосланган.

Қиёсий афзалликлар мамлакатга табиатдан берилган бўлиб, улар абадий эмас ва такрор ишлаб чиқарилмайди. Мазкур афзалликлар фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ишлаб чиқариш даражасида глобаллашуви ва товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичларда инновацияларга асосланади.

Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга:

- қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим шароитининг мавжудлиги;
- бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгаллиги;

<sup>207</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 120-б.

<sup>208</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2012. — 20-б.

- бой маданият-тарихий меросга эга экани ички ва ташқи туризмни ривожлантириш имконини беради;

- қулай географик жойлашуви;
- халқнинг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат соҳасидаги афзалликларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги;
- инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта маблағлар йўналтирилаётганлиги;

- аҳолининг ўртача умр кўриш даражасининг ортиб бораётгани;
- меҳнат ресурсларининг рақобатдошлиги;
- мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мамлакатимизнинг қиёсий афзалликлари билан бирга миллий иқтисодиётимизнинг рақобат соҳасидаги афзалликларини ҳам ривожлантириш зарур. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан, мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатдошлиги ва аҳоли таълим даражасининг юқорилиги<sup>209</sup>.

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, юксак инновацион технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатида кўра чексиздир. Мамлакатнинг қиёсий ва рақобат соҳасидаги афзалликларини аниқ фарқлаш лозим. Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат соҳасидаги афзалликларнинг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодиётдаги рақобатдошлигини кучайтиради.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шартини дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг эркинлашуви тобора чуқурлашиб, очиқлик даражаси ортиб, жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув жараёнига кам даражада жалб этилгани ва, асосан, ички бозорга йўналтирилгани билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиқлиги халқаро иқтисодий рақобатнинг муҳим шартини ҳисобланади. Ҳар қайси мамлакатнинг рақобатдошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима сабабдан баъзи мамлакатлар рақобатдошлиги жиҳатидан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган?

Рақобатдошлик тушунчасига иқтисодий адабиётларда фирмаларнинг муайян шароитда ўз рақобатчиларига нисбатан товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятлари қанчалик юқори эканини билдирадиган категория сифатида таъриф берилди.

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портернинг фикрича, мамлакатнинг рақобатдошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатдошлиги таъминлайди. Шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатдошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатдошлигини таҳлил этиш лозим. Америкалик олим мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлайдиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқ эканини таъкидлайди.<sup>210</sup>

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- ўзаро яқин ва хизмат кўрсатадиган тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

<sup>209</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Фуломов таҳрири остида. —Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. — 26-б.

<sup>210</sup> Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. — М.: Издательский дом „Вильямс“, 2002. — С. 176.

Миллий компанияларнинг ана шу шартлар доирасидаги самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатдошлик рейтингини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида мутахассислар миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткич ва 100 дан ортиқ усулдан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатдошлигини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар асосий омил бўлиб хизмат қилади: иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари; саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари; халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш; ички бозор ҳажми ва динамикаси; иқтисодиётда давлатнинг роли; молия тизимининг эгилувчанлиги; меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси; ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат; иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктураси талабига мослашиш даражаси ва қобилияти.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатдошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади: миллий иқтисодиёт тавсифи — ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамгармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси; иқтисодиётнинг байналмилаллалашув даражаси; сиёсий тизимнинг барқарорлиги; молия тизими; инфратузилма; бошқарувнинг самарадорлиги; фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси; меҳнат ресурсларининг тавсифи.



11.2.1-расм. Рақобатдошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши<sup>211</sup>.

Дунёдаги мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил этадиган халқаро тадқиқотлардан бири — бу Жаҳон иқтисодий форуми методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрга ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифлаб берадиган муҳим макро- ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатдошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатдошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Муайян бир мамлакатнинг рақобатдошлигини баҳолаш кўп сонли маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, умумлаштириш асосида рақобатдошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутди. Кейин барча омилларнинг рақобатдошлик кўрсаткичига

<sup>211</sup>The Global Competitiveness Report 2009—2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

қўшган ҳиссасини акс эттирадиган агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий миллий иқтисодийнинг рақобатдошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий омил ажратиб кўрсатилади (11.2.1-расм).

Қайд этиб ўтилган омиллар уч гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ базавий талабларни ўз ичига олади, иккинчи гуруҳ бизнес муҳит самарадорлигини оширадиган омилларни қамраб олади, учинчи гуруҳ эса бизнесни такомиллаштириш омилларини бирлаштиради. Ҳар бир гуруҳ муайян субиндекслар билан тавсифланади. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг вазни қуйидагича белгиланади: биринчи гуруҳ — 25 фоиз, иккинчи гуруҳ — 17 фоиз, учинчи гуруҳ — 50 фоиз (11.2.1-жадвал).

11.2.1-жадвал

**Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида<sup>212</sup>**

Субиндекслар	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Инновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик кўрсаткичлари	35	50	50
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30

11.2.2-жадвал

**2009—2010 йиллар учун глобал рақобатдошлик индекси бўйича биринчи ўнликка кирадиган мамлакатлар<sup>213</sup>**

Мамлакатлар	2009—2010 й.		2008—2009 й.
	Ўрни	Балл	Ўрни
Швейцария	1	5,60	2
АҚШ	2	5,59	1
Сингапур	3	5,55	5
Швеция	4	5,51	4
Дания	5	5,46	3
Финляндия	6	5,43	6
Германия	7	5,37	7
Япония	8	5,37	9
Канада	9	5,33	10
Нидерландия	10	5,32	8

Бунда ҳар бир субиндекснинг муайян бир мамлакат учун ҳисобланган якуний Глобал рақобатдошлик индексига қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатдошлигини таққослаш имконини беради.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири турли мамлакатларнинг рақобатдошлик кўрсаткичларига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, глобал рақобатбардошлик индексида биринчи ўнликка кирадиган АҚШ, Дания, Канада ва

<sup>212</sup>The Global Competitiveness Report 2009—2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

<sup>213</sup>The Global Competitiveness Report 2009—2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 13.

Нидерландия каби мамлакатлар 2008—2009 йиллардаги рўйхатда эгаллаган ўринларидан бироз пастга тушиб кетишган (11.2.2-жадвал).

### 11.3. Миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг устувор йўналишлари

Глобализация жараёнининг чуқурлашуви шароитида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, жаҳон бозорларида рақобат ва молиявий-иқтисодий беқарорликнинг ортиши, мамлакатларнинг рақобатдошлигини ўстириш ҳисобидан уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўллари топишга ундайди.

Рақобатдошликнинг юксак даражаси мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ва сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг таркиби, инфратузилмаси, бошқаруви, геоиқтисодий ҳолати, унинг миллий қадриятлари ҳамда ривожланиш тарихидаги тафовутлар — буларнинг барчаси муайян даражада мамлакат ва унинг корхоналари рақобатдошлигига таъсир қилади.

Глобализация жараёнида миллий товар ва хизматларнинг рақобатдошлигини таъминлайдиган ташқи омиллар миқёси ва таркибида салмоқли ўзгаришлар юз беради. Рақобатдошликнинг ташқи омилларига макроиқтисодий муҳит, ривожланишнинг инновацион йўлини танлаш, миллий институт ва инфратузилмаларнинг ҳолати, инсон капиталининг сифати, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ жиҳатдан баланслашув даражаси киритилиб, улар ички омилларга ўзгарувчан таъсир ўтказди.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга оширишнинг барча босқичларида ички ва ташқи рақобатдошликни ошириш таркибий ўзгартиришларнинг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бу масалани ҳал этишнинг долзарблиги янада ортди ва у иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизация қилишнинг изчил давом эттириладиган стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда.

Мамлакат рақобатдошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири — барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувнинг асосий омиллари қаторига 2005 йилдан бошлаб кузатилаётган бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлат ташқи қарзларининг паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар каби омилларни киритишимиз мумкин.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаш, маҳсулот тан-нархи ва харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш, жумладан, энергия тежамкорлигининг самарали тизимини жорий этиш ва энергия сифимини қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқа тадбирлар белгиланган эди.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш бўйича чораларнинг амалга оширилиши, хом ашёни қатъий тежаш тизимининг қўлланиши маҳсулот тан-нархининг 15—20 фоизга пасайишини таъминлади. 2012 йилда маҳсулотнинг энергия сифими ва моддий харажатларнинг 10—15 фоизга қисқартирилишига эришилди.

*2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор*

**Ислом Каримов**

Реал секторда юқори даражадаги қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, рақобатдош тармоқларни ривожлантириш мақсадида хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган тармоқлар улушини оширишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар Ўзбекистон корхоналарининг ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига кириши билан боғлиқ бўлиб,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан асослаб берилган иқтисодий сиёсат стратегияси айнан шу мақсадга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг олис истиқболдаги рақобатдошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга куч ва ресурслар йўналтирилмоқда:

— иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ресурслар ва энергия сифимини 2 баробар пасайтириш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8 фоиз);

— модернизациянинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир иқтисодий тузилмалар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмалари ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

— ўта янги маҳсулот турлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатдошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияларни жорий этиш;

— миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш;

— мамлакатимизнинг ёқилги-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётнинг энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори бўлгани учун истиқболли энергия тежайдиган технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро миқёсда айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур<sup>214</sup>.

Мамлакат миқёсида рақобатдошликни аниқлашда асосий эътибор яратилган макро-иқтисодий муҳитга (инфляциянинг белгиланган меъёри, солиқ юки, кредит ресурсларини олиш имконияти, миллий валюта курсининг динамикасини билиш ва унинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мос келиши), давлат институтларининг сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва таълим тизимининг сифати, тадбиркорлик муҳити, товар, молия ва меҳнат бозорларининг ривожланишига қаратилади.

Қулай макроиқтисодий муҳит билан маҳсулотнинг рақобатдошлиги ўртасида ўзаро барқарор боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назариянинг асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган. Масалан, инфляциянинг юқори даражаси иқтисодиётни инвестициялашнинг мавжуд манбаларини камайтиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада чеклайди, ишлаб чиқарувчилар харажатларини кўпайтиради ва нарх-наво бўйича рақобатдошликни пасайтиради. Товарларнинг рақобатдошлигига бюджет дефицитининг юқори эканини солиқ юки, валюта курсининг беқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг юқори оддий сифими ва иқтисодий ўсишнинг капитал сифим даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда рақобатдошликни таъминлаш борасидаги устувор йўналиш, аввало, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда темир йўл тизимининг ривожлангани асосий ўрин тутса (ҳар минг квадрат километрга ўртача 9,5 километр темир йўл тармоғи тўғри келади, бу борада намуна бўладиган давлатларда бу рақам минг квадрат километрга 9,3 километрни ташкил этади), мамлакатимизнинг яна бир устун жиҳати аҳоли саводхонлиги бўйича жаҳонда етакчи ўринда туришидир. „Global Innovation Index and Report 2008—2009“ маълумотида кўра, аҳолини таълим билан қамраб олиш бўйича Ўзбекистон

<sup>214</sup> Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. —Т.: BaktriaPress, 2012. — С. 8.

26- ўринда бўлиб, Хитой, Чехия, Испания, Украина ва Туркиядан олдинги ўринни эгаллайди<sup>215</sup>.

Иқтисодиёт рақобатдошлигининг барча бўғинлари (макродаражада) бир-бири билан боғлиқ. Улардан бирининг ривожланмаслиги бошқаларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион салоҳиятни юксак технологияларни фойдаланишга мослаштирадиган олий таълим тизимисиз ҳамда илмий ишланма ва тадқиқотларни молиялаштиришда самарали ўрин тутадиган молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Соғлом рақобат шароитининг йўқлиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантирмайди ҳамда миллий инновацион тизим ва инфратузилмаларнинг, илмий-техник ишланмалар тижоратлашувининг ривожланмагани уларнинг пировард истеъмолчига етиб бориши учун имкон бермайди.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусиятлари саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришилгани билан ажралиб туради. Меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиши саноат бўйича 2005—2011 йилларда 9 фоизни ташкил қилди. Саноатнинг машинасозлик, енгил, озиқ-овқат тармоқларида ўсиш даражаси анча юқори бўлган (ўртача 15,4 фоиз), ёқилги-энергетика тармоқларида 3,4 фоизни ташкил қилди. Қайта ишланиш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларда фонд қайтимининг жадал ўсиш даражасида ижобий тенденция кузатилган. Бу тармоқларда фонд қайтими ўртача 1,8 марта, жумладан, машинасозликда 2 марта, енгил саноатда 1,5 марта, озиқ-овқат тармоғида 1,7 марта ортган<sup>216</sup>.

11.3.1-жадвал

Ўзбекистонда рақобат афзаллигига эга бўлган саноат тармоқлари<sup>217</sup>

Гуруҳлар	Иқтисодиёт секторлари	Иқтисодиёт тармоқлари	Рақобат афзалликлари
Кучли рақобат мавқеига эга бўлган тармоқлар	Хом ашё ва қазиб чиқариш	Рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш, нефть-газ, оғир саноат	Юксак рақобатдошлик афзалликларига эга
Нисбий рақобатдошлик мавқеига эга бўлган тармоқлар	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	Машинасозлик, автомобилсозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат	Нисбатан паст рақобатдошлик афзалликларига эга
Потенциал рақобатдошлик мавқеига эга тармоқлар	Юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Микроэлектроника-ах-борот комплекси, фармацевтика, микробиология	Потенциал ривожланган рақобатдошлик афзалликларига эга

Қайта ишлаш тармоқларида биринчи категорияли кучли рақобатдош гуруҳга саноатнинг қуйидаги хом ашё ва қазиб чиқариш секторлари киради (11.3.1-жадвал): нефть-газ, рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш саноати. Ушбу тармоқлар ҳиссасига мамлакат саноат экспортининг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади. Ташқи бозорда тармоқнинг рақобатдошлигини акс эттирадиган кўрсаткич ҳисобланган умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотлари улуши ўсиш тенденциясига эга: рангли металлургияда 72 дан 85 фоизга, қора металлургияда 28,2 дан 55 фоизга, нефть-газ соҳасида 20,1 дан 47 фоизга, пахта гозалашда 87 фоиздан 90 фоизга ўсган. Ушбу тармоқларнинг рақобатдошлик индикатори бошқа ишлаб чиқариш турларига нисбатан анча юқори ҳисобланади.

<sup>215</sup> Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. —Т.: BaktiaPress, 2012. — С. 17.

<sup>216</sup> Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. —Т.: BaktiaPress, 2012. — С. 28.

<sup>217</sup> Зикриллаева Н.А. Теоретические аспекты повышения конкурентоспособности национальной экономики в системе рыночных отношений (на материалах реального сектора экономики Узбекистана). Автореферат дисс. пред. на соис. уч. степ. к.э.н. —Т.: 2008. — С. 16.

Рақобатдошлик салоҳиятига эга бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган иккинчи гуруҳ тармоқларга қуйидаги тармоқлар киради: енгил саноатнинг қайта ишлаш тармоқчалари, озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик. Маҳаллий истеъмол товарлари рақобатдошлиги индекси хом ашё ишлаб чиқаришдаги шакланган рақобатдошлик кўрсаткичига нисбатан бирмунча паст. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотларининг енгил саноатдаги улуши 35 фоиз, машинасозликда 25,5 фоиз, озиқ-овқат саноатида 5 фоиз. Ушбу тармоқларнинг ташқи бозордаги рақобатдошлиги саноатнинг ўртача даражасидан тахминан 20—25 фоиз паст ҳисобланади<sup>218</sup>.

Умуман олганда, саноат тармоқларининг рақобатдошлигининг пастлиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Қайта ишлаш сектори тармоқларидаги асосий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ички харажатлари жаҳондаги ўртача нарх даражасига яқинлашиб қолгани ҳолда, баъзи маҳсулотлар турлари бўйича ўртача жаҳон баҳосига нисбатан юқори. Ушбу тенденция моддий техника ва энергетика харажатлари улушининг юқори даражада сақланиб қолаётгани билан белгиланади.

Саноатда инновацияларни ривожлантиришда фойдаланилмаган қуйидаги имкониятлар мавжуд: сотилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулот улуши 2,8 фоизни ташкил этади.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида юксак технологик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улуши 2011 йилда 10,8 фоизни ташкил этди. Бу эса саноат соҳаси тараққий этган мамлакатларга нисбатан паст ҳисобланади (30—35 фоиздан кам эмас)<sup>219</sup>.

Юксак технологик секторнинг ривожланишида радиосаноат, ҳисоблаш техникаси саноати, тиббиёт, физиология ва биология асбоб-ускуналари, оптик ва оптик-механик жиҳозлар ва аппаратуралар, технологик жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш асбоблари, физика, микробиология саноати, кимёвий тола ва иплар тадқиқоти учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат саноатнинг умумий рақобатдошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашда мамлакат саноати етакчи ўрин тутди. Шунинг учун саноатнинг рақобатдошлигини ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

— технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда хом ашё, материал ва энергия ресурслари сарфи меъёрини 10—15 фоизга тушириш ҳисобидан таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, 2015 йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30 фоизга камайтириш;<sup>220</sup>

— ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ва саноат бўйича йилига меҳнат унумдорлигини 6—7 фоизга ошириш, истеъмол ва ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, ходимлар сонини оптималлаштириш;

— саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш ҳамда корхоналарда жаҳон андозаси талаблари даражасида муваффақиятли синовдан ўтган замонавий технологияларни жадал жорий этиш;

— ишлаб чиқаришнинг самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, пахта толасини қайта ишлаш) таъминлайдиган хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилган йўналишларга инновацияларни қўллаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида илм-фан ютуқларини қўллаш имконияти юқори бўлган, юксак технологик лойиҳалар доирасида инновацияларни молиялаштириш фондини яратиш;

<sup>218</sup> Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. —Т.: BaktriaPress, 2012. — С. 29.

<sup>219</sup> Ҷша манба: — С. 30.

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 126-б.



— йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро инновацион ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини яратиш;

— маҳаллий маҳсулотларни сотиш бозорларини ўрганиш ва уларнинг тегишли бозор сегментларидаги ўрнини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

— бозор „сигналлари“нинг доимий мавжуд миқёси ва турли товар ва хизматларга истиқболдаги талаби, уларнинг техник, иқтисодий ва эксплуатацион даражасига талаблар мониторингини (ички ва ташқи) ташкил этиш;

— технологиялар трансферти соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

— юксак технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун божхона қонунчилиги ва маъмурчилигини такомиллаштириш;

— корхоналарнинг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш: саноат тармоқлари корхоналари таркибининг молиявий менеджер ва бошқарувчилари тайёрлаш даражасини ошириш<sup>221</sup>.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. „Барқарор ривожланиш“, „барқарор иқтисодий ўсиш“ ва „иқтисодий ўсишнинг сифати“ тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Ўзбекистонда 2013 йилда мутаносиб барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда?
3. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторига кирадиган муҳим тармоқларни ўрта истиқболда ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини амалга оширишга қаратилган қандай чора-тадбирлар қабул қилинган?
4. 2011—2015 йилларга мўлжалланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш чоралари дастурининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари дастурида нечта йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган?
6. Ўзбекистон саноатининг ўрта истиқболда рақобатдошлигини оширишнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
7. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишнинг 2011—2015 йиллардаги устувор йўналишлари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлик соҳасидаги афзалликларини таъминлашда инфратузилмаларни ривожлантириш қандай аҳамият касб этади?
9. 2013 йилда банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг молия-банк тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
10. 2013 йилда Ўзбекистонда асосий макроиқтисодий ва ижтимоий индикаторлар қандай кўринишга эга бўлади?
11. Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик кўрсаткичлари қандай аниқланади ва гуруҳланади?
12. Ўзбекистон саноати тармоқларини рақобатдошлик жиҳатидан гуруҳланг.
13. Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий мутаносиблик ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

---

<sup>221</sup> Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. —Т.: BaktriaPress, 2012. — С. 30—31.

## **12-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ВА УНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭТИШ**

### **12.1. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва тамойиллари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда модернизация ва диверсификация атамаларининг мазмунига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. „Модернизация — ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгилашни жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгилаш натижалари юқори технологик, рақобатдош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради“<sup>222</sup>.

Ваҳоланки, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади. Диверсификация — юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисасидир“<sup>223</sup>.

Юқорида қайд этилганидек, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади (12.1.1-раем).


Сўнги йилларда мамлакатимизни модернизация қилиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация этиш муҳим аҳамият касб этмоқда (12.1.2-расм).

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан „чидамлилиқ“, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг

---

<sup>222</sup>Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг техник модернизация ва диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. Тавсия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (№2-1-7/49, 22.09.2010 й.) ва Давлат статистика қўмитаси (№04-8, 14.09.2010 й.) томонидан тасдиқланган.

<sup>223</sup> Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг техник модернизация ва диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. Тавсия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (№2-1-7/49, 22.09.2010 й.) ва Давлат статистика қўмитаси (№04-8, 14.09.2010 й.) томонидан тасдиқланган.



12.1.1-расм. Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация этишининг пировард натижаси<sup>224</sup>.



12.1.2-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишни амалга оширишнинг асосий йўналиш ва воситалари<sup>225</sup>.

турли тармоқларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни, барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислоҳот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутди. Кези келганда модернизация жараёнларининг жамият ҳар бир аъзосининг онгу тафаккури, дунёқарашини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизация қилиш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этадиган, уларни амалга оширадиган ва доимий равишда такомиллаштириб борадиган жамият аъзоларининг дунёқарашини, онгу тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқ.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш борасида 2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур муҳим аҳамият касб этади. Дастурнинг асосий мақсади — мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб

<sup>224</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>225</sup> Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий — необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари“ мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. — Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекс ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифа ва устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- таркибий тузилма ҳосил қиладиган тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришда иқтисодийнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;

- мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатдошлигини ошириш, саноат ва бутун иқтисодийни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юксак технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатимизнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобидан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Юқорида зикр этилган йўналишларни умумлаштирган кўринишда тасвирлаш мумкин (12.1.3-расм).

Мамлакатимизда етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқлар улушини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

**ИСЛОҲОТНИНГ МОҲИЯТИ:** иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларининг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация этишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришдан иборат.

**ИСЛОҲОТ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Иқтисодиётни модернизация қилиш:**

- иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларига энг замонавий юксак технологик ускуналар, илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш;
- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

**Иқтисодиётни диверсификация қилиш:**

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари рақобатдошлигини ошириш, уларни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш;
- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қўймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўлайитириш ва уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ўртасида кооперацияни ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш.

12.1.3-расм. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий моҳияти ва тамойиллари<sup>226</sup>.

- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга кўмаклашадиган давлат дастурлари, асосан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:<sup>227</sup>

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро йўллар қурилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланиши;
- темир йўллар қурилиши ва электрлаштирилиши;
- электр станцияларини модернизация қилиш, юқори вольтли электр узатиш тармоқларини қуриш ва таъмирлаш;

<sup>226</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>227</sup> Салимов А. Ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари. – Т., 2010.

- газ узатиш тизими ва газ тақсимлаш линияларини қуриш ва капитал таъмирлаш;
- хом ашё компонентларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш;
- маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- янги технологиялар ривожлантирилишига кўмаклашиш, илм-фан ва саноат ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш;
- логистика марказларини ривожлантириш.

Иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича ислохотлар бевосита давлатимиз томонидан, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналарнинг ўз маблағлари ва АҚШнинг „Женерал Моторс“, „Тексако“, Германиянинг „МАН“, „Даймлер Бенц“, „Клаас“, Буюк Британиянинг „БАТ“, Испаниянинг „Максам“, Япониянинг „Исузу“, „Иточу“, Малайзиянинг „Петронас“, Кореянинг „Кореан Эйр“, „СНОС“, „LG“, Хитойнинг „СНПС“, Россиянинг „Лукойл“, „Газпром“ каби жаҳондаги энг йирик ва машҳур компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий диверсификация этиш, иқтисодий тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги улушини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солидиган 50 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, жумладан, „Концессиялар тўғрисида“ги, „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ги, „Чет эл инвестициялари тўғрисида“ги, „Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида“ги, „Инвестиция фаолияти тўғрисида“ги, „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“ги қонунлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, сўнгги пайтларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамаздан, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидоқорона меҳнати эвазига ижобий натижаларга эришилмоқда, иқтисодий тармоқларида жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Буларнинг барчаси биринчи галда халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги мавқеининг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш даражасини таъминлайди.

## **12.2. Мамлакатимиз иқтисодиётида тармоқ корхоналарининг технологик даражасини баҳолаш ва истиқболни белгилаш**

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва келажакда ушбу корхоналарда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим йирик саноат корхоналарида технологик жиҳатдан маънавий эскирган ва муддатини ўтаб бўлган асбоб-ускуналар салмоғи юқориликча қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, йирик корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш, корхоналарга замонавий ва жаҳон миқёсида муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни жадал жорий этиш орқали мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги „Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 72-сонли қарори қабул қилинди.

**Вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган йирик саноат корхоналарида  
ўтказилган техник аудит натижалари тўғрисида маълумот<sup>228</sup>**

Вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналар номи	Жами текширилган асбоб-ускуналар	шундан:			
		ишга яроқли		Фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиганлар	
		жами	фоиз	жами	фоиз
„Ўзбекэнерго“ ДА	36924	18097	49,0	18827	51,0
„Ўзбекнефтгаз“ МХК	19350	15173	78,4	4177	21,6
„Ўзкимёсаноат“ ДАК	13815	10859	78,6	2956	21,4
„Ўзметкомбинат“ ОАЖ	905	857	94,7	48	5,3
„Ўзбеккўмир“ ОАЖ	362	121	33,4	241	66,6
„Навоий кон-металлургия комбинати“ ДК	5838	1218	20,9	4620	79,1
„Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати“ ОАЖ	2960	2948	99,6	12	0,4
„Олмалик тоғ-металлургия комбинати“ ОАЖ	2964	710	24,0	2254	76,0
„Ўзавтосаноат“ АК	4642	3884	83,7	758	16,3
„Ўзэлтехсаноат“ уюшмаси	5684	3206	56,4	2478	43,6
„Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси“ ДАЖ	3064	1895	61,8	1169	38,2
„Файз“ ХК	475	377	79,4	98	20,6
„ТТЗ“ ОАЖ	4780	3713	77,7	1067	22,3
„Агрегат заводи“ ОАЖ	1152	703	61,0	449	39,0
„Технолог“ ОАЖ	1146	610	53,2	536	46,8
„Чирчиққишлоқмаш“ ОАЖ	1353	257	19,0	1096	81,0
„Ўзбекистон темир йўллари“ ДАТК	1531	964	63,0	567	37,0
„Ўзбекистон ҳаво йўллари“ МАК	350	255	72,9	95	27,1
„Ўзавтойўл“ ДАК	96	26	27,1	70	72,9
„Ўзқурилишматериаллари“ АК	1391	1114	80,1	277	19,9
„Ўзмонтажмахсуқурилиш“ уюшмаси	71	55	77,5	16	22,5
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	877	790	90,1	87	9,9
„Ўздонмахсулот“ АК	14680	11100	75,6	3580	24,4
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	3380	2750	81,4	630	18,6
„Ўзпахтасаноат“ уюшмаси	7069	6826	96,6	243	3,4
„Ўзвинсаноат-холдинг“ ХК	3006	2892	96,2	114	3,8
„Ўзбекенгилсаноат“ ДАК	21916	20252	92,4	1664	7,6
„Ўзагромашсервис“ уюшмаси	103	80	77,7	23	22,3
„Ўзфармсаноат“ ДК	907	803	88,5	104	11,5
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	373	307	82,3	66	17,7
„Шарқ“ НМАК	175	127	72,6	48	27,4
Ўзбекистон бўйича	161410	113040	70,0	48370	30,0

<sup>228</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги „Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ги 115-сонли қарори// [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Қарорга мувофиқ, йирик корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида техник аудит ўтказиш бўйича махсус дастур тасдиқланиб, унга асосан, иқтисодиёт тармоқларида фаолиятни амалга оширадиган йирик корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида 2011 йилда техник аудит ўтказиш бўйича тармоқ ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг замонавий талабларга мувофиқлигини хатловдан ўтказиш ва шу асосда фойдаланишдан босқичма-босқич чиқарилиши керак бўлган эскирган ва энергияни кўп талаб қиладиган технологик асбоб-ускуналар, маънавий эскирган технологияларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

- фойдаланадиган технологик асбоб-ускуналарнинг норматив-техник ҳужжатларини, тармоқни ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини ҳисобга олган ҳолда, замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти бўйича ўрганиш;

- тармоқ ишчи гуруҳларига экспертиза ўтказиш ва энг мақбул қарорлар ишлаб чиқиш учун корхона ва хўжалик бирлашмалари маблағлари ҳисобидан ихтисослаштирилган лойиҳа институтлари, инжиниринг ва консалтинг компаниялари, асбоб-ускуналар, технологиялар, жиҳозлар ва воситалар ишлаб чиқарадиган заводларнинг мутахассис ва экспертларини жалб этиш.

Мазкур қарорнинг бажарилиши ва ундан олинган натижаларга асосан 2012 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ги 115-сонли қарори қабул қилинди.


Унга мувофиқ, 2011 йилда вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган 418 та йирик саноат корхонасида технологик техник аудитини ўтказиш натижасида 161,4 мингта асбоб-ускуна текшириб чиқилди, улардан асбоб-ускуналарнинг 30 фоизи янгилашни ёки 2012—2014 йилларда ва кейинги йилларда фойдаланишдан чиқаришни талаб этади (12.2.1-жадвал).

Бугунги кунда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар таркибида янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар улуши юқори бўлган вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналар қуйидагилардир: „Чирчиққишлоқмаш“ ОАЖ — 81 фоиз; „Навоий кон-металлургия комбинати“ давлат корхонаси — 79,1 фоиз; „Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати“ ОАЖ — 76 фоиз; „Ўзавтойўл“ ДАК — 72,9 фоиз; „Ўзбеккўмир“ ОАЖ — 66,6 фоиз; „Ўзбекэнерго“ ДАК — 51 фоиз; „Технолог“ ОАЖ — 46,8 фоиз.

Янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар, асосан, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига тўғри келмоқда (12.2.1-расм). Жумладан, бу кўрсаткич „Ўзбекэнерго“ ДАКда — 38,9 фоиз, „Навоий кон-металлургия комбинати“ ДКда — 9,6 фоиз, „Ўзбекнефтгаз“ МХКда — 8,6 фоиз, „Ўздонмаҳсулот“ АКда — 7,4 фоиз ва „Ўзкимёсаноат“ ДАКда — 6,1 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур тадбирни амалга оширишдан асосий мақсад корхоналарда замонавий ва жаҳон миқёсида муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни жадал жорий этиш орқали ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишни давом эттириш ва мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат.





12.2.1-расм. Мамлакатимиз бўйича янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар ҳажмида вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган sanoat корхоналари улуши, фоизда<sup>229</sup>.

2013—2014 йилларда sanoat тармоқларидаги йирик корхоналарнинг маънавий эскирган асбоб-ускуналарини замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгилашнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилди (12.2.2-жадвал).

12.2.2-жадвал

**2013—2014 йилларда sanoat тармоқларининг йирик корхоналарида маънавий эскирган асбоб-ускуналарни замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгилашнинг МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ<sup>230</sup>**


Вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналар номи	Жами 2013—2014 йилларда эскирган асбоб-ускуналар ўрнига алмаштирилганлари сони	шу жумладан:			
		2013 йил		2014 йил	
		Алмаштирилган асбоб-ускуналар сони	Тахминий қиймат, минг доллар	Алмаштирилган асбоб-ускуналар сони	Тахминий қиймат, минг доллар
„Ўзбекэнерго“ ДАК	3500	1689	74781,5	1811	99402,7
„Ўзбекнефтгаз“ МХК	1458	737	154941,1	721	205655,1
„Ўзкимёсаноат“ ДАК	1643	1370	19292,8	273	27972,4
„Ўзметкомбинат“ ОАЖ	3	1	300,0	2	7870,0
„Ўзбеккўмир“ ОАЖ	70	42	36517,0	28	43112,0
„Навий кон-металлургия комбинати“ ДК	540	254	30957,3	286	25984,8

<sup>229</sup> Вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган йирик sanoat корхоналари эскиргандаги асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги 72-сонли қарорига мувофиқ ўтказилган техник аудит натижалари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

<sup>230</sup> Вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган йирик sanoat корхоналари эскиргандаги асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги 72-сонли қарорига мувофиқ ўтказилган техник аудит натижалари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

1	2	3	4	5	6
„Олмалик тоғ-металлургия комбинати“ ОАЖ	819	400	11968,0	419	13759,0
„Ўзавтосаноат“ АК	219	107	8923,3	112	17434,7
„Ўзэлтехсаноат“ уюшмаси	145	86	6192,6	59	2249,8
„Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси“ ДАЖ	89	40	1585,2	49	2794,5
„Файз“ ХК	14	7	258,0	7	146,0
„ТГЗ“ ОАЖ	20	20	1200,0	0	0,0
„Агрегат заводи“ ОАЖ	11	3	235,0	8	530,0
„Технолог“ ОАЖ	4	2	122,1	2	122,1
„Чирчиққишлоқмаш“ ОАЖ	10	4	270,0	6	395,5
„Ўзбекистон ҳаво йўллари“ МАК	27	10	600,0	17	1000,0
„Ўзавтойўл“ ДАК	70	43	2240,0	27	828,0
„Ўзқурилишматериаллари“ АК	236	229	3410,0	7	1037,0
„Ўзмонтажмахсуқурилиш“ уюшмаси	4	2	152,2	2	100,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	57	33	11416,0	24	15274,0
„Ўздонмаҳсулот“ АК	1413	658	5605,0	755	5892,0
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	109	61	2404,0	48	1591,0
„Ўзпахтасаноат“ уюшмаси	30	21	2016,0	9	3623,0
„Ўзвинсаноат-холдинг“ ХК	87	81	3466,7	6	1920,0
„Ўзбекенгилсаноат“ ДАК	404	221	3120,0	183	1296,0
„Ўзагротмашсервис“ уюшмаси	8	3	38,9	5	55,8
„Ўзфармсаноат“ ДК	74	25	301,6	49	1004,8
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	6	4	3500,5	2	315,4
„Шарқ“ НМАК	7	4	3173,7	3	594,5
Ўзбекистон бўйича	11077	6157	388988,5	4920	481960,1

2013—2014 йилларда мамлакатимиз бўйича 11077 та маънавий эскирган асбоб-ускуна замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирилиб, улар учун 870,9 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Жумладан, 2013 йил учун белгиланган параметрларга асосан алмаштириладиган жами асбоб-ускуналар ҳажмида асосий ўринни „Ўзбекэнерго“ ДАК (27,4 фоиз), „Ўздонмаҳсулот“ АК (10,7 фоиз), „Ўзкимёсаноат“ ДАК (22,3 фоиз) ва „Ўзбекнефтогаз“ МХК (12,0 фоиз) эгалламоқда (12.2.2-расм).



12.2.2-расм. 2013 йилда мамлакатимиз бўйича алмаштириладиган жами асбоб-ускуналар ҳажмида вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган саноат корхоналари улуши, фонда<sup>231</sup>.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда стратегик аҳамиятга молик тармоқлардаги корхоналарда маънавий эскирган технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу эса, иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда уларнинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Истиқболда иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва бу йўналишда махсус дастурларни тайёрлашни тақозо этади.

### 12.3. 2013 йилда иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этишининг устувор йўналишлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“ деб номланган маърузасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди. Шу билан бирга, унда мамлакат ҳаётида эришилган ижобий натижа ва ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, 2013 йилдаги вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 йил ва яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда иқтисодийнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Хусусан, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2012 йилдан бошлаб ўсганини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин ва узоқ истиқболда инновация сифими юқори ва юксак технологик саноат маҳсулотларини (енгил ва юк автомобиллари, музлатгичлар, телевизорлар, энергия тежайдиган лампалар ва бошқалар) ишлаб чиқариш кескин ўсиб боради (12.3.1-жадвал).

<sup>231</sup> 2013—2014 йилларда саноат тармоқларининг йирик корхоналарида маънавий эскирган асбоб-ускуналарни замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгиланишнинг мақсадли параметрлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

Айни вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижобий тенденциясини кимё саноатида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, чуқур модернизация, диверсификация жараёнлари натижасида келажакда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг 4 маротаба ошиши имконияти яратилмоқда.

12.3.1–жадвал

**Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози<sup>232</sup>**

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлатгичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежайдиган лампалар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Кальцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	миллион кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	миллион дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	миллион жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Бугунги кунда мамлакатимиз енгил саноати салоҳиятидан оқилона фойдаланиш натижасида ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилмоқда ва бу тенденция истиқболда янада ортиб боради.

Яқин ва узоқ истиқболда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиб боришига иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш борасидаги ислоҳотлар замин яратади. Хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, „2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодийтимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури гоят муҳим аҳамият касб этади“<sup>233</sup>.

Дарҳақиқат, мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодий тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг биргина янги корхоналарни ташкил этиш, фаолият юритаётганларини инновацион техник ва технологик жиҳатдан модернизация ва реконструкция қилиш бўйича йирик лойиҳалар йўналишидаги қамрови, шунингдек, ушбу лойиҳалар доирасида ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашув даражасининг ошиб бориши фикримизга яққол далил бўла олади. Хусусан, 2013 йилнинг ўзида 115 та объект ва

<sup>232</sup> Прогноз кўрсаткичлари 2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур асосида тузилган.

<sup>233</sup> Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилади ва унда 8754 ишчи ўрни яратилади (12.3.2-жадвал). Ушбу лойиҳалар, асосан, нефть-газ, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатдош, импорт ўрнини босадиган маҳаллий ҳамда сифатли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва шу асосда истеъмол товарлари тайёрлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган.

12.3.2-жадвал

**2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объектлар ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари<sup>234</sup>**

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрни, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм-пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8754


Шу ўринда, 2013 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларни тармоқлар бўйича таҳлил қилиб чиқамиз.

**Нефть-газ саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 244 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Хусусан, янги объект қуриш бўйича 3 та лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда.

Жумладан, „Резинотехника“ ОАЖнинг бўш қувватлари негизида лойиҳа қуввати 30 минг тоннага тенг бўлган мой ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ҳудудида лойиҳа қуввати 120 минг комплектга тенг бўлган замонавий иситиш ва сув қайнатадиган қозонлар ишлаб чиқариш ва „Ангрен“ махсус индустриал зонаси (МИЗ) ҳудудида Д-325 мм юқори босим кучига эга бўлган янги газ қувурини қуриш ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 3 та лойиҳа режалаштирилган.

<sup>234</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида“ги ПҚ-1855-сонли Қарори асосида муаллиф томонидан тузилди.



**Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи.**

Хусусан, босим қувватини 16 дан 25 МВт гача оширишни таъминлайдиган Газли компрессор станциясининг мавжуд — 1, 2, 3, 4 линиялари алмаштирилган ҳолда модернизация қилинади, Шимолий Шўртан, Гармистон, Қумчи ва Шакарбулоқ конларида йўлдош газларни утилизация қилиш ишлари амалга оширилади ва „Ўзтрансгаз“ АКнинг газ қувурлари ва тақсимлаш тизимини оптималлаштириш учун техникалар харид қилинади.

**Энергетика саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 9 та лойиҳа амалга оширилиб, 40 та янги иш ўрни яратиш кутилмоқда. Жумладан, 3 та янги объект қуриш режалаштирилган. Хусусан, Деҳқонобод туманида лойиҳа қуввати 2x125 т. кВА, 2x37 километр, 2x16 километр га тенг энергия таъминоти тизими кенгайтирилади, лойиҳа қуввати 218 километр, 3x167 МВА га тенг бўлган Таллимаржон иссиқлик электр станцияси (ИЭС) қурилади, „Ангрен“ МИЗ ҳудудида лойиҳа қуввати 110/35/6 кВ га тенг бўлган „Шакар заводи“ электр подстанциясини қуриш амалга оширилади. Жумладан, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 6 та лойиҳа, яъни лойиҳа қуввати 40 МВт га тенг бўлган Навоий иссиқлик электр станциясини реконструкция қилиш, лойиҳа қуввати 27 МВт га тенг бўлган „Тошкент иссиқлик электр станцияси“ ОАЖда газ турбинаси асосида электр ва иссиқлик энергиясини олиш технологиясини жорий қилиш, „Ангрен“ МИЗ ҳудудида лойиҳа қуввати 25 МВА „Оҳангарон“ электр подстанциясини реконструкция қилиш, „Энерготаъмир“ ОАЖнинг таъмирлаш бўлимини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, лойиҳа қуввати 50 МВт бўлган Сирдарё иссиқлик электр станциясининг 2-энергоблокни тўлиқ модернизация қилиш, „Л-Советобод“ ва „Л-Ташахур“ 110 кВ ҳаво линиясининг 20 километрини реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади.

**Тоғ-металлургия саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 446 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, тармоқ бўйича 8 та янги объект қуриш лойиҳаси, яъни Навоий вилоятидаги Шимолий Конимех, Аланди, МойлисоЙ конлари, Аулбек ва Шимолий Майзоқ конларининг қазиб олиш участкаси, Навоий кон-металлургия комбинатида техник сув узатувчи ва шўрсизлантирувчи қурилма қуриб ишга туширилади. Шунингдек, „Ангрен“ МИЗ ҳудудида лойиҳа қуввати 8 минг тоннага тенг бўлган турли диаметрли мис қувурлар ишлаб чиқариш ҳамда лойиҳа қуввати 127 донага тенг бўлган тоғ-шахта ишлари учун ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш амалга оширилади.

Модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 2 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан,

Навоий кон-металлургия комбинатида фосфор хом ашёсини бойитиш бўйича ишлаб чиқариш кенгайтирилади ҳамда маънавий эскирган асбоб-ускуналар янгиланади.

**Кимё саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 3 та лойиҳа амалга оширилиб, 944 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 1 та янги объект қуриш ҳамда 2 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, лойиҳа қуввати 1,25 минг тоннага тенг бўлган нитрон толасидан ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича модернизация ишларининг иккинчи босқичи ва „Навоийазот“ ОАЖда цианол ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш амалга оширилади.

**Металл ва металлни қайта ишлаш саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 4 та лойиҳа амалга оширилиб, 114 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, Ангрен шаҳрида „Ўз-шиндонг Силикон“ қўшма корхонасида лойиҳа қуввати 5 минг тоннага тенг бўлган техник кремний ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 3 та лойиҳа „Ўзметкомбинат“ ОАЖда амалга оширилиб, биринчи лойиҳа қуввати 370 минг тоннадан 850 минг тоннага, иккинчи лойиҳа 700 минг тоннадан 850 минг тоннагача қўйилган пўлат ишлаб чиқаришга мўлжалланган. „Технолог“ ОАЖда лойиҳа қуввати 1000 дона қолип, қўйма шакл, экструдер, фильер ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбобсозлик бўлими замонавий технологиялар асосида модернизация ва реконструкция қилинади.

**Кўмир ишлаб чиқариш саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 2 та лойиҳа амалга оширилиб, 180 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 1 тадан янги объектни қуриш ҳамда модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади. Ангрен конида лойиҳа қуввати 300 минг тоннага тенг бўлган глиеж қазиб олиш йўлга қўйилади. Шунингдек, маънавий эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилади.

**Автомобилсозлик саноати.** Тармоқда 2013 йил мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 13 та лойиҳа амалга оширилиб, 283 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, „ЎзКорам“ МЧЖ негизида лойиҳа қуввати 150 минг комплектга тенг бўлган автомобиллар учун экстерьер ва интерьерларнинг бўялган пластик қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ҳамда „Ласетти“ автомобилнинг лойиҳа қуввати 45 минг комплектга тенг бўлган бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

„ЎзКоджи“ ҚК негизда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун лойиҳа қуввати 120 минг комплектга тенг бўлган эшилган тасмалар (жгут) ишлаб чиқариш бўйича қувватлар оширилади. „Автоойна“ МЧЖдаги мавжуд 270 минг комплект қувватни сақлаб қолган ҳолда, автомобиль ойналарини термо қайта ишлаш линияси модернизация қилинади.

„ЎзДонгВон“ ҚК негизда лойиҳа қуввати 250 минг комплектга тенг бўлган автомобиль ойналарининг кўтаргичлари ва лойиҳа қуввати 8 минг тоннага тенг бўлган полипропилен компаундлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. „ЎзТонгХонг“ ҚК негизда лойиҳа қуввати 92 минг комплектга тенг бўлган нишабланувчи ва сирпанувчи механизмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

„ЎзСэмюнг“ ҚК негизда лойиҳа қуввати 45 минг комплектга тенг бўлган „Ласетти“ автомобилларининг йирик габаритли панелларини ишлаб чиқариш ташкил этилади. „GM Uzbekistan“ ЁАЖнинг эскирган ускуналарни алмаштириш ва технологик модернизация қилиш ишлари амалга оширилади.

Шу билан бирга, „Тошкент трактор заводи“ ОАЖда „Клаасс“ қишлоқ хўжалиги техникаларининг лойиҳа қуввати 200 комплектга тенг бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ташкил қилинади. Шунингдек, заводнинг электр энергия таъминоти тизими модернизация қилинади. „Агрегат заводи“ ОАЖ негизда лойиҳа қуввати 150 дона экишдан олдинги тупроқни ишлаш механизми (механик белкурак) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

**Электротехника саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 279 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 4 та янги объектни қуриш — „Навоий“ ЭИИЗ ҳудудида қайта тузилган „Uzkabel“ ОАЖ ҚК билан биргаликда лойиҳа қуввати 10 минг километрга тенг бўлган кучли ток кабеллари ҳамда „Навоий ҳудудий электр тармоқлар корхонаси“ ОАЖда лойиҳа қуввати 700 минг донага тенг бўлган электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Тошкент шаҳрида „Elektr Quvvat Qurilmalari“ корхонаси негизда лойиҳа қуввати 100 минг дона трансформатор ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва „Ангрен“ МИЗ ҳудудида лойиҳа қуввати 2500 дона диодли ёриткичлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона ташкил этилади.


Шунингдек, 2 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. „Фотон“ ОАЖда лойиҳа қуввати 15 минг донага тенг бўлган электрон тарозилар ва 13 минг донага тенг бўлган замонавий назорат-касса аппаратлари, 35 минг донага тенг бўлган телевизор моделини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган.

**Қурилиш материаллари саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 1356 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 2013 йил 7 та янги объектни қуриш режалаштирилган. Жумладан, „Story Max invest“ МЧЖ да лойиҳа қуввати 200 минг куб метрга тенг бўлган газбетон ишлаб чиқариш, Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги „Nauman Mel“ МЧЖда лойиҳа қуввати 21 минг тоннага тенг бўлган кимёвий йиғилган бор ишлаб чиқариш, Фаргона шаҳридаги „Moderna Ceramic Industries“ ҚКда лойиҳа қуввати 3,5 миллион квадрат метрга тенг бўлган керамик плита ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги „Eshon Maybod Manufacturing Group“ МЧЖ да лойиҳа қуввати 2,1 миллион квадрат метрга тенг бўлган керамик плита ишлаб чиқариш, Самарқанд шаҳридаги „Prime Ceramics“ МЧЖ да лойиҳа қуввати 2,75 миллион квадрат метрга тенг бўлган керамик плита ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги „Ихтиёр Қурилиш Файз“ ҚКда лойиҳа қуввати 6 миллион дона қопламали меъморий фишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Жарқўргон туманидаги „Сурхонцементинвест“ корхонасида лойиҳа қуввати 420 минг тоннага тенг бўлган янги цемент заводи қуриб ишга туширилади.

Шунингдек, 3 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади. „Оҳангаронцемент“ ОАЖда технологик линиялар модернизация қилинади ва „Қизилқумцемент“ ОАЖда 1,2-сонли магистрал конвейерларда лойиҳа қуввати 4 комплектга тенг бўлган майин ишлайдиган хом ашё тегирмони тизими жорий этилади. Ангрен шаҳридаги „Kapsantex“ УКда лойиҳа қуввати 12,5 минг донага тенг бўлган санитар-техник керамика ишлаб чиқариш қуввати модернизация қилинади.






„Қизилқумцемент“ ОАЖ.



„Оҳангаронцемент“ ОАЖ.

**Енгил саноат.** Тармоқда 2013 йил янги объектлар қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 9 та лойиҳа амалга оширилиб, 2210 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 4 та янги объектни қуриш режалаштирилган. Хусусан, Тошкент вилоятидаги „Textile Technologies Group“ корхонасида лойиҳа қуввати 6 минг тонна пахтадан йигирилган ип, 7,5 миллион квадрат метр ип газлама, 5 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган текстил мажмуаси, шунингдек, Жиззах шаҳридаги „А.Сатторов“ МЧЖ негизда 6 минг тонна пахтадан йигирилган ип ва 4 минг



„Daewoo Textile Fergana“ компанияси.

тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қуввати, Хоразм вилоятидаги „Қатқалъатекс“ МЧЖда 12 миллион жуфт пайпоқ ва 780 минг дона бўлган трикотаж мато ишлаб чиқариш корхонаси, Андижон вилоятидаги „Саховоттекс“ МЧЖда 6,3 минг тоннага тенг бўлган йигирилган ип ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилади.

Шу жумладан, 5 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикасидаги „Мангит“ МЧЖ негизда лойиҳа қуввати 5 минг тоннага тенг бўлган пахтадан йигирилган ип ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятининг Бўка туманида Кореянинг „Yong One“ компанияси билан ҳамкорликда 5 миллион дона уст кийим ва 2 минг тонналик аралаш газламалар ишлаб чиқариш, „Намимпекс текстил“ МЧЖда лойиҳа қуввати 4,75 минг тонналик пахтадан йигирилган ип, 8,2 миллион квадрат метр газлама, 5 миллион дона тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган текстил мажмуаси ташкил этилади. Фарғона вилоятидаги „Индорама Коканд текстил“ ҚКда (II босқич) лойиҳа қуввати 5 минг тоннадан кам бўлмаган миқдорда қўшимча пахта толасини қайта ишлаш ва Бухоро вилояти, Пешку туманидаги „Пешкутекс“ ҚКда лойиҳа қуввати 1 минг тонна пахтадан йигирилган ип, 2,5 миллион квадрат метр газмол ишлаб чиқарадиган корхоналар кенгайтирилади.

**Чарм пойабзал саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объектлар қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 2 та лойиҳа амалга оширилиб, 98 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 1 тадан янги объектни қуриш ҳамда модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади. Жумладан, Самарқанд вилоятида лойиҳа қуввати спорт машғулотлари учун 300 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш бўйича янги корхона ташкил этилади. Лойиҳа қуввати 12,2 миллион квадрат дециметр тери ҳамда 120 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқаришга мўлжалланган „Нафис Чарм“ МЧЖ ва „Самарқанд Арсел Продукт“ модернизация қилинади.

**Озиқ-овқат саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объектлар қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 15 та лойиҳа амалга оширилиб, 705 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 8 та янги объект қурилади. Жумладан, „Чимбой дон маҳсулотлари“ АЖ да суткасига 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон қурилади. Шунингдек, „Ўздонмаҳсулот“ АЖ томонидан жойларда Германиянинг „Wachtel“ компаниясининг замонавий технологиясига асосланган 15 та қолипли нон ишлаб чиқариш (лойиҳа қуввати суткасига 45 тонна қолипли нон ишлаб чиқариш) бўйича лойиҳа амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги „Интеграл-Инвест“ ҚК ва Хоразм вилоятидаги „Урганч-ёғ“ ОАЖ да лойиҳа қуввати 1 минг тоннага тенг бўлган дистилланган глицерин ва ёғ кислотаси, Қорақалпоғистон Республикасида „Кўнғирот натрий сульфат“ шўъба корхонасида лойиҳа қуввати 21 минг тоннага тенг бўлган йодланган туз ва сульфат натрий ишлаб чиқариш, шунингдек, „Тошкент ёғ-мой комбинати“ ОАЖда лойиҳа қуввати 8 минг тоннага тенг бўлган ёғларни переэтерификациялаш линияси ишга туширилади.

„Меҳнат“ МЧЖ агрофирмасида, ўз хом ашё базасини ташкил этган ҳолда, лойиҳа қуввати 3,5 минг тонна консерва маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган консерва заводи қурилади. Жиззах вилоятида чет эл инвестицияси иштирокидаги „Тошкент вино комбинати“ ОАЖ томонидан табиий мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқариш тармоғи ташкил қилинади.

„Қувасой насли парранда“ МЧЖда лойиҳа қуввати 20 миллион дона тухум ва 450 тонна парранда гўшти ишлаб чиқаришга мўлжалланган паррандачилик мажмуаси ташкил этилади.

Тармоқда 7 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, „Ғалла Алтег“ АЖ ва „Оқтош“ АЖда суткасига 880 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмонлар, „Самарқанд дон маҳсулотлари“ АЖ ва „Жиззахдонмаҳсулотлари“ АЖда суткасига 180 тонна чорва озиқаси ишлаб чиқарадиган цех техник қайта жиҳозланади ва модернизация қилинади.

Тошкент вилоятидаги „Фотих Лаззат Майя“ ҚКда 6 минг тоннага тенг бўлган прессланган хамиртуруш ишлаб чиқариш бўйича қўшимча технологиялар ўрнатиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қуввати оширилади. Сурхондарё вилоятидаги „Сурхондарё савдо“ МЧЖда вафли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Шунингдек, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тасарруфидаги 21 та корхона техник қайта жиҳозланади ва модернизация қилинади.

Сурхондарё вилоятидаги, „Деноввиноарақ“ ОАЖда лойиҳа қуввати 3 минг тонна узумни қайта ишлашга мўлжалланган узумни бирламчи қайта ишлаш пункти, шунингдек, „Андижон биокимё заводи“ ОАЖда лойиҳа қуввати 915 минг деколитр этил спирти ишлаб чиқаришга мўлжалланган (2-навбати) тизим модернизация қилинади.

**Фармацевтика саноати.** Тармоқда 2013 йил янги объект қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 14 та лойиҳани амалга ошириш ва 860 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 11 та янги объект қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Хусусан, Тошкент вилоятидаги „SALUBRIS VITA“ МЧЖ ҚКда лойиҳа қуввати 6 миллионга капсула шаклидаги пробиотиклар, Тошкент шаҳрида „AlBi-Farma“ ҚКда лойиҳа қуввати 10 миллион шартли бирликда витаминлар, антибиотиклар ва субстанциялар, Тошкент вилоятидаги „Dentalill Plyus“ хусусий корхонасида 36 миллион флакон стерилли, ампулалари, инфузион ва кўз учун дори-дармонлар, Тошкент вилоятидаги „UZGERMED PHARM“ МЧЖ ҚКда лойиҳа қуввати 13,75 миллион ампулалари, инъекцион дори-дармонлар, Тошкент шаҳридаги „Nobel Pharmsanoat“ МЧЖ да лойиҳа қуввати 1,96 миллион упаковка таблеткалари, капсулалари дорилар, „Ангрен“ МИЗ ҳудудида „Астелас Фарма“ МЧЖда лойиҳа қуввати 50,8 миллион дона флаконлар учун пўкак буюмлар, шунингдек, ушбу ҳудудда лойиҳа қуввати 500 минг шартли бирликда тиббиёт буюмлари, „Ангрен коттон“ мажмуасида лойиҳа қуввати 2 минг тонна тиббиёт пахтаси ва пахта целлюлоза, Тошкент вилоятидаги „Fazo-luxe“ МЧЖда лойиҳа қуввати 3,63 минг тонна тиббиёт пахтаси, докиси ва бинтлар, „Medstandartglass“ МЧЖда лойиҳа қуввати 2,4 минг тонна ампула ва флаконлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. „FayzImalSistem“ МЧЖ ҚКда лойиҳа қуввати 8 миллион жуфт латексдан бир марталик тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқариш линияси ишга туширилади.

Тармоқда 3 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, Тошкент вилоятидаги „Jurabek Laboratories“ ҚКда лойиҳа қуввати 1 миллион шартли бирликда, „Ўзхимфарм“ ОАЖда лойиҳа қуввати 60 миллион шартли бирликда таблеткалари дорилар ишлаб чиқариш цехи, Ўзбекистон фанлар академияси ҳузуридаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида лойиҳа қуввати 9 тоннага тенг бўлган ўсимликлардан ноёб субстанциялар яратиш ва ишлаб чиқариш жараёни модернизация ва реконструкция қилинади.

**Транспорт соқаси.** Тармоқда 2013 йил янги объектлар қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 6 та лойиҳани амалга ошириш ва 92 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 1 та янги объект, яъни Жиззах-Янгиер йўналишидаги 187 километр электрлашган темир йўл линияси қуриш амалга оширилади.

Тармоқни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 4 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, „Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи“ ОАЖда 2 та йўловчи вагон модернизация ва реконструкция қилинади. „Қуйиш-механика заводи“ корхонасида 1200 та юк ташиш вагонини қуриш, 1500 та юк ташиш вагонини капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш, 950 та контейнер ишлаб чиқариш, 26,5 минг тонна қуйма буюм, 600 тонна металл конструкция ишлаб чиқаришга мўлжалланган таъмирлаш базасини ривожлантириш амалга оширилади.

„Ўзбекистон темир йўллари“ давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан 3 та замонавий йўловчи вағони сотиб олинади ҳамда Тошкент — Самарқанд (2-босқич) темир йўл линиясида тезюрар йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилади.

Шунингдек, „Бухоро-Нукус“ автомобил йўлининг 91 километрли тармоғини цемент-бетон қоплама усулида барпо этиш ишлари тугатилади.

**Бошқа соҳалар.** 2013 йил янги объектлар қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 722 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, 2 та лойиҳа янги объект қуриш, яъни „Fayz“ ҚКда лойиҳа қуввати 30,98 миллион погон-метр бўлган кромочли пластик ишлаб чиқариш линияси ташкил этилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 294 ўринли янги меҳмонхона мажмуаси қуриш режалаштирилган. Айни вақтда, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 4 та лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, „Электромагнит мослашув маркази“ ДУКда радио-мониторинг ва телерадиоэшиттириш тизими модернизация қилинади, „Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси“ давлат акциядорлик жамиятида лойиҳа қуввати 1000 тоннага тенг бўлган халқ хўжалиги учун металл буюмлар ишлаб чиқариш мўлжалланган цех, „Кувасой чинниси“ ОАЖ да лойиҳа қуввати 200 минг дон сантехника буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқ модернизация ва реконструкция қилинади. Сурхондарё вилоятида сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича модернизация ва реконструкция ишлари олиб борилади.

Юқорида келтирилган лойиҳалар билан бир қаторда бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқларида янги объектлар қуриш ва модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар давом эттирилмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

- Устюрт газ-кимё мажмуаси ва унинг ташқи энергия таъминотини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар;
- „Шўртангазкимё“ мажмуасида тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш (синтетик суюқ ёқилғи — суюлтирилган газ, авиакеросин ва „премиум класс“ тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси) бўйича лойиҳалар;
- „Таллимаржон иссиқлик электр станцияси“да умумий қуввати 900 мегавольт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси, Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегавольтни ташкил этадиган буғ-газ қурилмасини, „Ангрен иссиқлик электр станцияси“да қуввати 130—150 мегавольтдан иборат энергоблокни, Фаргона водийсида янги энергетика қувватларини барпо этиш, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш билан боғлиқ лойиҳалар;
- Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати бўйича лойиҳалар;
- Камчиқ довонида автомобиль йўли участкаларида реконструкция ишлари, шунингдек, қатор кўприк ва йўлўтказгичларни барпо этиш билан боғлиқ лойиҳалар;
- „Мароқанд — Қарши“, „Қарши — Термиз“ темир йўл участкаларини электрлаштириш ва ҳаракатланадиган таркибни модернизация қилиш билан боғлиқ лойиҳалар;
- „Навоий“ ЭИИЗ ва „Ангрен“ МИЗ ҳудудларида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва бошқалар.

## Такрорлаш учун савол ва тошпириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастурининг асосий кўрсаткичлари нималардан иборат?
  2. „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги дастурнинг асосий кўрсаткичлари нималардан иборат?
  3. Мазкур дастурнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
  4. Йирик корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирларига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тузилган техник аудит ўтказиш бўйича тармоқ ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
  5. „Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг асосий моҳиятини тушунтириб беринг.
  6. „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва „Ангрен“ махсус индустриал зонаси ҳудудларини ташкил этишдан қандай мақсадлар кўзланган?
  7. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва диверсификация этишнинг моҳияти ва тамойиллари нималардан иборат?
  8. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, диверсификация этишнинг асосий омиллари нималардан иборат?
  9. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш бўйича қабул қилинган дастурлар, асосан, қайси йўналишларда амалга оширилмоқда?
  10. Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация этишнинг пировард натижаси нималардан иборат?
-

**13.1. Автомобиль транспорти соҳасида амалга оширилиши  
мўлжалланаётган ишлар**

„Ўзавтосаноат“ акциядорлик компанияси бўйича 2013—2015 йилларга бажарилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари сони 26 та бўлиб, уларнинг умумий нархи 352 575 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида транспорт-коммуникация тармоқларини инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмаслигини яна бир бор таъкидлагани ушбу тармоқнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини англатади (13.3.1-жадвал).

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобиль йўллари тармогининг умумий узунлиги 183685 километрни ташкил этади. Мазкур йўллар тармоғи умумий фойдаланишдаги йўллар (42654 километр), шаҳарлараро ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари (61664 километр) ва хўжалик автомобиль йўллари (79367 километр) дан иборат. Шу ўринда Ўзбекистон миллий автомобиль магистралининг иқтисодиётимизда алоҳида ўринга эга эканини таъкидлаш зарур. Президентимиз маърузасида эътироф этилганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда 2012 йилда 500 километрли тўрт полосали автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари якунланди. Узунлиги 116 километр бўлган „Гулистон—Оҳангарон“ автомобиль йўли, Кўқон шаҳрини айланиб ўтадиган автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларида ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтирилди.

2013 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Мамлакатимиз йўл жамғармаси бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қурилишига 921 миллиард 572 миллион сўм йўналтирилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳларининг кўмаги билан бирга жами бўлиб 1 триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ шу йўналишда сарфланиши режалаштирилган.

Бу маблағлар 2013 йилда Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган, умумий узунлиги 526 километр бўлган автомобиль йўллари қуришга ажратилган бўлиб, ундан 440 километр йўл янгитдан қурилиши ва реконструкция қилиниши, 86 километр йўлда эса 13 тонналик юкка бардош бера оладиган мустақамликка эга бўлган йўл қопламаларини ётқизиш ва мустақамлигини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизни барқарор ривожлантиришда минтақаларнинг ўзаро узвий иқтисодий алоқасини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан доимий ва тезкор боғлаш масаласи узоқ йиллар давомида анча долзарб масала бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, „Тошкент — Андижон“ автомобиль йўлининг „Камчиқ“ довонида 71 километр автомобиль йўли тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

**„Ўзавтосаноат“ акциядорлик компанияси бўйича 2013—2015 йилларда бажарилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари (2013 йил учун)<sup>235</sup>**

<b>№</b>	<b>Лойиҳа ва ташаббускорларнинг номи</b>	<b>Лойиҳанинг умумий нархи, минг АҚШ доллари</b>	<b>2013 йилда ўзлаштириш ҳажми, минг АҚШ доллари</b>
	Андижон вилояти	87 085,0	46 867,5
1	„Ласетти“ автомобилнинг чиқинди газлар тизими ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „Ўз Донг Вон“ ҚК	795,0	797,5
2	Резинали зичлаштиргичларни ишлаб чиқариш локализациясини чуқурлаштириш, СП „ЎзДонгЖу“	3 000,0	2 000,0
3	„Ласетти“ моделининг бутлаш деталларини ўзлаштириш, „Ўз Корам“ ҚК	650,0	650,0
4	Автомобиль ўриндиқларининг салазка ва қияловчи механизмини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „Ўз Тонг Хонг“ ҚК	3 200,0	3 200,0
5	„Ласетти“ автомобилнинг катта габаритли панелларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „ЎзСемюнг“ ҚК	10 000,0	9 050,0
6	Евро-5 модификациясида „Матиз“ ва „Нексия“ моделларини ўзлаштириш, „GM Uzbekistan“ ҚК	9 790,0	2 000,0
7	„GM Uzbekistan“ автомобилларига жгутлар ишлаб чиқариш қувватини ошириш, „ЎзКоджи“ ҚК	2 300,0	2 300,0
8	„Ласетти МСЕ“ (фейслифт) модернизацияланган моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	23 400,0	8 000,0
9	Эскирган жиҳоз ва технологик асбоб-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, „GM Uzbekistan“ ҚК	16 250,0	12 270,0
10	Экстерьер ва интерьерни бўялган пластик деталлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, „ЎзКорам“ ҚК	7 640,0	650,0
11	Пластмасса қисмларини хромлаш учун асбобдан ускуналар (II), „ЎзКорам“ ҚК	1 800,0	1 800,0
12	Орқа ўқларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „Узавто-Аустем“ ҚК	3 450,0	3 450,0
13	„Кобальт“ ва „Ласетти“ моделлари зичлагичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, „ЎзДонгЖу“ ҚК	1 200,0	700,0
14	„GM Uzbekistan“ ЁАЖ янги моделларининг автомобиль ўриндиқлари учун ўта мустаҳкам панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „Ўз Тонг Хонг“ ҚК	3 610,0	
	Фарғона вилояти	2 120,0	1 560,0
15	Автомобиль ойналарига термоишлов бериш линиясини модернизация қилиш, „Автоойна“ МЧЖ	2 120,0	1 560,0
	Наманган вилояти	1 300,0	700,0
16	„Ласетти“ моделига фара ва ёритгичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „ЎзЧасис“ ҚК	1 300,0	700,0

<sup>235</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида“ 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855-сонли Қарори.

	Тошкент шаҳри	14 770,0	9 890,0
17	Ойна кўтаргичлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	9 770,0	4 890,0
18	Компаундли полимер материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	5 000,0	5 000,0
	Тошкент вилояти	130 000,0	10 000,0
19	„Ангрен“ МИЗ да чўян қуйиш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш	80 000,0	10 000,0
20	Чўян деталларга механик ишлов бериш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш	25 000,0	
21	„Ангрен“ МИЗда тормоз тизими элементларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	25 000,0	
	Самарқанд вилояти	26 700,0	4 400,0
22	Юк автотранспорт воситалари кабинасини йиғиш ва локализациясини ўзлаштириш, „JV MAN AUTOUzbekistan“ ҚК, „UZAUTOTRAILER“ МЧЖ	16 000,0	2 000,0
23	Юк автомобилларининг кабинасини йиғиш ва бутловчи деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „ЎзХанву“ ҚК, „Автоойна“ МЧЖ ва „ЎзЧасис“ ҚК	6 200,0	900,0
24	Юк автомобилларининг деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, „ЎзКорам“ МЧЖ ва „ЎзДонгЯнг“ ҚК	4 500,0	1 500,0
	Навоий вилояти	90 600,0	
25	Базавий ойна ишлаб чиқаришни ташкил этиш	90 000,0	
26	„Навоий“ ЭИИЗ да автотранспортни сиқилган табиий газга ўтказиш учун капотости жиҳозларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	600,0	

Ўзбекистон миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг қарийб 120 миллион долларга тенг маблағларини йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Йўл қурилиши техникалари паркинни янгилаш дастурида махсус мобиль асфальт-бетон комплексидан 6 дона, кўприк қурилиш ишлари учун мўлжалланган комплекслардан 2 дона, сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари учун йўл қурилиш техникасидан 444 дона харид қилиниши режалаштирилган.

Президентимиз маърузасида алоҳида урғу бериб таъкидланганидек, „Ўзавтойўл“ давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги Инвестиция дастури тўғрисида“ги ПҚ-1855-сонли Қарорига асосан, 2013 йили Молия вазирлиги қошидаги Мамлакатимиз йўл жамғармаси томонидан бюджетдан ташқари марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан бажариладиган ишлар режалаштирилган (13.1.2-жадвал).



**Молия вазирлиги қошидаги Мамлакатимиз йўл жамғармаси томонидан ажратиладиган бюджетдан ташқари марказлашган капитал маблағлар<sup>236</sup>**

№	Йўналиш номлари	Ажратилган маблағ, миллион сўм
	Жами бўлиб Шундан:	921 572,2
A	Ўзбек миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш учун	673 554,0
I	Бейнов—Қўнғирот—Бухоро—Навоий—Самарқанд—Тошкент—Андижон	307 980,0
II	Бухоро—Қарши—Фузур—Термиз	44 200,0
III	Самарқанд—Фузур	21 100,0
IV	Камчиқ довони	42 160,2
V	4P-112 „Фарғона ҳалқа йўли“ 0-75 километр участкасини реконструкция қилиш учун	1 000,0
VI	Тошкент айланма ҳалқа йўлининг 63 километр тармоғи (Сергели массивини айланиб ўтадиган янги йўналиш бўйича 22 километр автомобиль йўли)	19 195,0
VII	A-380 Фузур — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлидан Амударё устидан ўтадиган кўприккача бўлган 16 километр йўлни қуриш учун (Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида)	13 000,0
VIII	A-380 Фузур — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлининг 561 километр-дан 4P-156 „Урганч—Хонқа—Ҳазорасп“ автомобиль йўлининг 73 километригача бўлган 11 километрли йўлни қуриш учун	10 000,0
IX	4P-161 „Урганч—Чолиш—Беруний“ автомобиль йўлида Амударё устидан ўтадиган кўприкни қуриш учун	11 000,0
X	A-380 Фузур—Бухоро—Нукус—Бейнов автомобиль йўлининг 208 километрдаги темир йўл устидан ўтган йўлўтказгични реконструкция қилиш (Бухоро вилояти Когон тумани)	3 000,0
XI	4P-143 „Фарғона—Қувасой“ автомобиль йўлининг 0—5.5 километр участкаси учун	20 000,0
XII	4P-144 „Фарғона—Ҳамзаобод“ автомобиль йўлининг 0—3.6 километр участкаси учун	5 000,0
B.	Ўзбек миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобиль йўлларининг участкаларини 13 тонна автомобиль оғирлигига бардош берадиган йўл қопламаси мустақамлигини ошириш ва геометрик ўлчамларини талаб даражасига етказиш учун Шу жумладан:	258 113,8
I	Бейнов—Қўнғирот—Бухоро—Навоий—Тошкент—Андижон	140 385,0
II	Бухоро—Олот	21 858,8
III	Бухоро—Қарши—Фузур—Термиз	85 870,0
IV	Самарқанд—Фузур	10 000,0

<sup>236</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида“ 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855-сонли Қарори.

В.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ва сақлаш учун ишлатиладиган жиҳозлар	31 500,0
Г.	„Ўзавтойўл“ ДАК нинг саноат ва ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш	34 500,0
Д.	Олдинги объектлар учун олинган 5 фоизлик кредиторлик қарзларини тўлаш	25 000,0
Е.	Қидирув-лойиҳа ишларига	25 000,0
Ж.	Умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш, таъмирлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар	49 832,2

### **13.2. Алоқа-коммуникация соҳасида амалга оширилиши мўлжалланаётган вазифалар**

Маърузада 2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация, шу жумладан, ахборот-телекоммуникация инфратузилмасини жадал равишда ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши алоҳида қайд этиб ўтилди.

Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, айтиш мумкин, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур.

Жорий йилнинг ўзида Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бешта рақамли телевизион узаткич ўрнатиш йўли билан рақамли телевидениени ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш, рақамли телевидение билан мамлакатимиз ҳудудини қамраб олиш даражасини 42 фоиздан 45 фоизга етказишни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Замонавий технологиялар асосида видеотелефонлар, Интернет телевидение, юқори тезликдаги Интернет, юқори сифатли HDTV телевидение каналлари орқали теледастурларни намойиш қилиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш имкониятларини берадиган 2 минг километр узунликдаги кенг полосали оптик толали алоқа тармоғи қурилишини якунига етказиш бу борада айниқса муҳимдир.

Янги ташкил этилган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари давлат қўмитаси бу соҳада асосий мувофиқлаштирувчи орган сифатида, 2012 йилда қабул қилинган ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва янада ривожлантириш дастури бажарилишини қатъий назоратга олиши, унинг ижроси натижалари тўғрисида Ҳукуматга мунтазам равишда ахборот бериб бориши зарурлиги маърузада алоҳида таъкидланди.

Бу борада „Электрон ҳукумат“ тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун соҳа корхоналари 2013 йилда бажариши керак бўлган устувор йўналишлар сифатида қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилди:

— амалдаги ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

— „Электрон ҳукумат“ тарзида бизнесга ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва Миллий ахборот тизимларини ривожлантириш комплекс дастурини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлашга киритиш ҳамда унинг бажарилишини жиддий назоратга олиш;

— ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари истеъмолчиларига хизмат кўрсатишнинг янги тизимини яратиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг функционал ва операцион жараёнларини тизимли равишда қайта ташкил этиш ишларини амалга ошириш;

— кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини ошириш, хизматлар кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш ҳамда „ягона дарча“ усули асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматларини стандартлаштириш;

— олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда билимлар базаси билан янада самарали алмашишни ташкиллаштириш, масофали таълимнинг янги шакллари жорий этиш ҳамда илмий муассаса ва олий ўқув юртларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини берадиган „электрон таълим“ тармоғини таълим олиш ва билим орттиришга хизмат қиладиган жаҳон порталларига улашни таъминлаш;

— Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари рейтингини оширишнинг 2013—2017 йилларга мўлжалланган асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш комплекс чора-тадбирлари дастурини соҳанинг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда тузиш, тасдиқдан ўтказиш ва амалга ошириш;

— хорижий тилларда малакали таҳсил бера оладиган, соҳа корхоналари, хусусан, NEC, Huawei, ZTE, Nokia Siemens Networks компанияларидан мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг „Master Class“, „Open Class“ машғулотларини соҳа мутахассислари малакасини ошириш курсларига ва ТАТУ талабаларига мутахассислик фанларидан билимлар беришга жалб этиш;

— Жиззах, Тошкент, Фаргона ва Хоразм вилоятларида бешта рақамли телевизион узаткич ўрнатиш ҳамда мамлакатимиз аҳолисини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоиздан 45 фоизга етказишни таъминлаш;

— замонавий технологиялар асосида видеотелефонлар, Интернет телевидение, юқори тезликдаги Интернет, HDTV дастурларини намоёни қилиш телеканалларини ташкил қилиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш имконини берадиган 2 минг километр узунликдаги кенг полосали оптик толали алоқа тармоғи қурилишини таъминлаш;

— қўшимча 201 та базавий станция ўрнатиш орқали CDMA технологияси асосида „Ўзбектелеком“ АК мобиль 6 алоқа тармоғи билан мамлакатимиз аҳолисини қамраб олиш даражасини 71 фоиздан 84 фоизга етказиш;

— кенг полосали мультисервис хизматларини кўрсатиш мақсадида кенг полосали уланиш тармоқлари портлари сонини 500 минггага етказиш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш учун 100 та касб-ҳунар коллежини „электрон таълим“ тармоғига улаш;

— магистрал телекоммуникация тармоқларининг барқарорлигини янада ошириш, захираланган алоқа каналларининг ўтказиш қобилиятини халқаро йўналишларда 100 Гбит/с га етказиш (10 баробар ошириш), вилоятлар марказларида 40 Гбит/с га етказиш (4 баробар ошириш), туманлар марказларида 10 Гбит/с га етказиш (10 баробар ошириш) мўлжалланган.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли Қарори га мувофиқ тасдиқланган „2011—2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида“ги дастурнинг мақсадини тушунтириб беринг.
2. 2012 йилда „Ўзавтосаноат“ АКда бажарилган инвестицион лойиҳалар сони ва уларнинг умумий қиймати қанча?
3. 2012 йилда „Ўзавтосаноат“ АКда бажарилган инвестицион лойиҳаларнинг республикамиз минтақалари бўйича жойлашув аҳамияти ва яратилган янги иш ўринлари сони нечта?
4. Сўнгги уч йилдаги „Ўзавтосаноат“ АК заводларида ишлаб чиқариш динамикаси ҳақида нима дея оласиз?
5. 2012 йилда автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш ҳажмининг ошиб бориш динамикасининг асосий сабаблари нимада?
6. 2012 йилда республикамизда йўловчиларни ташиш учун транспорт паркиннинг ривожланиш кўрсаткичларини айтиб беринг.
7. АК „Ўзавтосаноат“ бўйича 2013—2015 йилларда бажарилиши режалаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг асосий тадбирлари ҳақида айтиб беринг.
8. Транспорт-коммуникация тармоқларининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларини бажаришда қанчалик муҳимлигини баҳоловчи ютуқлар кўрсаткичлари ҳақида нима дея оласиз?
9. 2013 йилда мамлакатимиз автомобиль йўлларини ривожлантиришнинг асосий молиявий манбаларини айтиб беринг.
10. 2013 йили Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл фонди томонидан бюджетдан ташқари марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан бажариладиган ишлар режаси ҳақида нима дея оласиз?

**14-БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШ  
 ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ ВА  
 МАНБАИ СИФАТИДА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
 ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ, ҚУЛАЙ  
 ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ**

**14.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб  
 чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта  
 қуроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни**

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқийсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўрни яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (14.1.1-расм).



**14.1.1-расм. 2008—2013 йилларга мўлжалланган давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларни ўзлаштириш динамикаси (миллион АҚШ доллари)<sup>237</sup>.**

<sup>237</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

14.1.1-расмдан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074,97 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2526,56 миллион АҚШ доллари, яъни 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2013 йилда иқтисодий тизимнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 180 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 72 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади (14.1.1-жадвал).

14.1.1-жадвал

**2013 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар  
(миллион АҚШ доллари)<sup>238</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013 йил</b>
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори:	3016,7
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2180,2

Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

***Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар*** — хорижий давлат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, акцияларнинг камида 10 фоизига эгаллик қилиш.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда умумий қиймати 3,085 миллиард доллар бўлган 115 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

2013 йилда умумий қиймати 1,222 миллиард доллар бўлган 73 та янги ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш ва ишлаб турган қувватларни модернизация қилиш бўйича қиймати 1,863 миллиард доллар бўлган 42 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. „Ўзбекнефтьгаз“ миллий холдинг компанияси 2013 йилда жами қиймати 440,5 миллион долларлик 6 та




<sup>238</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

объектни ишга туширишни режалаштирган. Хусусан, Бухоро вилоятидаги „Газли“ конида компрессор станцияси қурилиши тугалланади, Тошкент вилоятида базавий мойлар ишлаб чиқариш ташкил этилади ва Навоий шаҳрида иситиш ускуналарини ишлаб чиқариш бошланади. „Ўзбекэнерго“ ДАК умумий қиймати 215,3 миллион доллар бўлган 18 та объектни фойдаланишга топширади. „Ўзкимёсаноат“ ДАК қиймати 254,8 миллион долларлик Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатида қурилиш ишларини давом эттирмоқда. Бу лойиҳа завод қувватини 3 баробар ошириб, йилига 600 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқариш имконини беради ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроги экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сурғил кони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 2,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхонада 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имкони туғилади.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиш олишни таъминлайди.



Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

Дунёдаги йирик „Томсон Рейтер“ бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур „Прожект файненс интернешнл“ журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газ-кимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олган.


Бизга маълумки, Ўзбекистон 2009—2014 йилларда умумий қиймати 55,4 миллиард доллар бўлган 300 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган.

2009—2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 миллиард доллар миқдорида маблаг ажратилиши кўзда тутилган. Хусусан, нефть-газ тармоғига 21536 миллион доллар, тоғ-кон ва металлургия саноатига 1876 миллион доллар, машинасозлик саноатига 1176 миллион доллар, энергетикага 4517 миллион доллар, қурилиш молларини ишлаб чиқариш саноатига 983 миллион доллар, кимё саноатига 3078 миллион доллар, транспорт ва инфратузилма саноатига 5787 миллион доллар, енгил саноатга 870 миллион доллар, „Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси“га 596 миллион доллар ва бошқаларга 2101 миллион доллар йўналтирилади. Ушбу маблағларнинг тахминан 50 фоизи чет эл инвестициялари, 30 фоизи Ўзбекистон корхоналари ва компанияларининг хусусий маблағлари, 20 фоизи Ўзбекистон тижорат банкларини қайта қуриш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларига тўғри келади (14.1.2-расм).

2013 йилнинг охиригача „Ўзбекенгилсаноат“ ДАКда умумий нархи 194,8 миллион долларга тенг бўлган 28 та инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш 3,7 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилишни таъминлайди. Ўзбекистонда 2010 йилнинг декабрида 2010—2015 йиллар учун енгил саноатни ривожлантириш дастури тасдиқланди. У 55 та лойиҳадан иборат бўлиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида вертикал интеграллашган тўқимачилик мажмуаларини ҳам қамраб олган. Инвестицияларнинг жами нархи 3,8 миллион доллар. Чет эл инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилишда Ўзбекистон раҳбарияти

## 2009—2014 йилларда режадаги инвестиция лойиҳалари

паястири



14.1.2-расм.<sup>239</sup>

томонидан яратилаётган қулай шароитлар тўқимачилик саноатида ҳам ижобий натижалар бермоқда. Инвестицияларнинг тенг ярми (1,9 миллиард доллари) Сингапур, Корея, Россия, Туркия, Япония, Швейцария каби хорижий мамлакатларнинг компанияларига тегишли. Ҳозирги кунларда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари МДҲга, жумладан, биринчи навбатда, Россия Федерациясига, Туркия, Кореяга экспорт қилинмоқда.

Шулар билан бирга, тўқимачилик саноати ва машинасозлигини ривожлантириш жараёнига ёш кадрларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб қилиш, янги тикувчилик ва бошқа турдаги корхоналарни очиб, иш ўрнини кўпайтириш режалаштирилган. Булар — тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

**Инвестиция муҳити** — инвестициялар жозибadorлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берадиган ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (14.1.3-расм).


Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юклагандан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

<sup>239</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.





14.1.3-расм. Бир қатор мамлакатларда акциядорлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳиссаси<sup>240</sup>.



14.1.4-расм<sup>241</sup>.

„Ўзинфоинвест“ агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

— давлат инвестиция дастури умумий рўйхатидаги лойиҳалар;

— ҳудудий инвестиция дастури лойиҳаси;

— давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш бўйича умумий рўйхат;

— грант маблағлари;

<sup>240</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.


<sup>241</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сонли Қарорига мувофиқ муаллиф томонидан тузилган.

- 2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;
- 3) кимошди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга, „Ўзинфоинвест“ агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб, музокаралар ташкил этишга кўмаклашади, инвесторларга мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти, шунингдек, солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илгор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўрни яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенг миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган:



14.1.5-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар<sup>242</sup>.


Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва тартибга солиниши учун 50 дан зиёд тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Улар қуйидагилардир:

— меъёрий ҳужжатлар чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асос ва тартибини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни, асосан, ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта жиҳозлаш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

<sup>242</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



*14.1.6-расм<sup>243</sup>.*

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларнинг давлат фойдасига мусодара ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолияти доирасида ишлаб топган даромадлари хорижий валютада чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солигидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;
- мулк солигидан 2 йилга озод қилинади;
- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиги экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солигидан (фойда солиги), 15—30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солигидан озод қилинади;
- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солигидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб

*Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.*

**Ислон Каримов**

<sup>243</sup>www.lex.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, зарур ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинади.

Мазкур соҳадаги корхона чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солигидан;
- хорижий ҳамкорлар улушига мансуб капиталдан олинadиган даромад ва мулк солигидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солигидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;

— ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларни импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги „Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодий тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Мамлакатимиз йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, хорижий инвестициялар ҳажми кўйидагича бўлганда, озод қилинади:

*Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури — давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантириладиган йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.*

14.1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари<sup>244</sup>**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	<b>Жами капитал қўйилмалар, шундан:</b>	27 123 275
<b>1.</b>	<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	6 691 366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131 000
1.3.	Бюджетдан ташқари фондлардан, <i>жумладан:</i>	1 876 750
	Мамлакатимиз йўл жамғармаси	921 572
	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	218 243
	Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	623 500
	Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	113 435
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833

<sup>244</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида“ги 1855-сонли Қарори.

1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1750783 250560
2.	<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	20 431910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: „Қишлоққурилишбанк“ АТБ нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари	3236 108 426300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481988

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуд:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

2013 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 27 123275 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,7 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,3 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси<sup>245</sup> ҳисобидан 113435 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган (14.1.2-жадвал).

Ҳар доимгидек корхона ва аҳоли маблағларининг улуши бошқа манбаларга нисбатан юқори бўлиб, марказлашмаган инвестицияларнинг 61,8 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юқини пасайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши 2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 39,9 фоиз бўлиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда.

<sup>245</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги „Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501-сонли Фармойишига биноан ишлаб чиқилган „2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури“га мувофиқ ташкил этилган жамғарма хусусида гап бормоқда.

2013 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 563 159 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибдорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибдорлигини акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс этирилади<sup>246</sup>.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларининг салмоғи кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (14.1.3-жадвал).

14.1.3-жадвал

**2005—2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)<sup>247</sup>**

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга пасайиши режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кўтарилиши режалаштирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банklar иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2013 йилги Инвестиция дастурида 3236108 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 15,9 фоизини ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор, базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва, шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган, Низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бормоқда, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2013 йилда 1 632 833 сўм сарфланиши режалаштирилган.

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири — иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривож, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 та инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

<sup>246</sup> Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибдорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари/ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122- б.


<sup>247</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларнинг инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштириш ва амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осий тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислон тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди<sup>248</sup>.

#### 14.2. Мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион жозибadorлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибadorлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутаети. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилаети. Ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилаети. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлаети.



14.2.1-расм. Ҳудудларда фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони (ҳудудлар бўйича), ЖАМИ: 4283 та<sup>249</sup>.

<sup>248</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 58—59- б.

<sup>249</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин (14.2.1-жадвал).

14.2.1-жадвал

**Худудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари<sup>250</sup>**

№	Худудлар	Худуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Худуднинг молиявий ресурслар билан таъминланиши	Инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси	Худуднинг демографик тавсифи	Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Худуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси	Мутлақ интеграл кўрсаткич
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

*Биринчи гуруҳга* Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755—0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу худудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.


*Иккинчи гуруҳни* Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322—0,288). Ушбу худудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

*Учинчи гуруҳга* нисбатан кам ривожланган худудлар — Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284—0,234). Юқорида қайд этилган худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (14.2.2-расм). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари,

<sup>250</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.






14.2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм)<sup>251</sup>.

аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига 2013 йилда жами инвестиция маблағларининг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўри-  
ниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий ин-  
вестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва  
технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали  
аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда халқимиз фаровонлигини юк-  
салтириш мақсад этиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун  
хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имконият-  
дан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойлиқларни  
самарали жойлаштириш ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг  
жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни  
иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга  
қаратилган.



14.2.3-расм<sup>252</sup>.

<sup>251</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>252</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган (14.2.4-расм).



14.2.4-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари<sup>253</sup>.

Кейинги ўн йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.


Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион долларни ташкил этадиган ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган. „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва „Ангрен“ махсус индустриал зонасида яратилган шароитлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

„Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва Интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича 2013 йилда корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги лойиҳалар амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий

<sup>253</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



14.2.5-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар (соҳалар бўйича)<sup>254</sup>.

### «Навоий» ЭИИЗ: Ташкил этиш концепцияси



14.2.6-расм.

алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, „Ангрен“ махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Ҳозирги кунда „Ангрен“ махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

<sup>254</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.


Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Қўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрендаги каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

„Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида“ги Қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда, чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган пайтда амал қилган қонунчилик қўлланади.

Яна бир қулай томони шундаки, давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситадиган норматив ҳужжатлар қабул қилинган, шунингдек, чет эллик инвесторларнинг ҳўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашига йўл қўйилган тақдирда буларнинг оқибатида етказилган зарар суд орқали мазкур органлар томонидан қопланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ — чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.



14.2.7-расм<sup>255</sup>.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориш даражасига қараб, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутлади. Бунда чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга, миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган ПҚ-1446-сонли қарори доирасида 2011—2015 йилларда транспорт ва коммуникация, инфра-

<sup>255</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

тузилмани ривожлантириш учун жами 6935,5 миллион доллар миқдориди инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. Жумладан, молиялаштириш манбаига кўра:

- хорижий инвестиция ва кредитлар — 3235,9 миллион АҚШ доллари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси — 461,1 миллион АҚШ доллари;
- Давлат бюджети ва мақсадли давлат фондлари — 1934,5 миллион АҚШ доллари;
- ўз маблағлари — 1304 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

**Инвесторлар** — хусусий ва қарзга олинган мулкӣй ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қиладиган инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин.



14.2.8-расм. Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари<sup>256</sup>.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар 14.2.2-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтириладиган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Бу борада жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги географик жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди.

14.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар<sup>257</sup>**

№	Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
1.	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Қуйидаги жараёнларни мувофиқлаштиради: — инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда, чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; — давлат бошқарув идоралари, вазирлик ва идоралар ишини ташкил этиш;

<sup>256</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>257</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.	Иқтисодиёт вазирлиги	— инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш;
3.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	— мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; — инвестиция муҳитини ўрганиш; — хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; — инвестиция лойиҳасини амалга оширишда мамлакат ва хорижий инвесторларга ёрдам кўрсатиш; — чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); — корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказиш;
4.	Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида чет эл инвестицияларини тартибга солиш;
5.	Молия вазирлиги	қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш;
6.	Адлия вазирлиги	чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш;
7.	Ташқи ишлар вазирлиги	хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш;
8.	Ички ишлар вазирлиги	хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш;
9.	Давлат солиқ қўмитаси	чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг боғхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш;
10.	Марказий банк	конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати;
11.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	— ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш;
12.	„Ўзбекинвест“ давлат суғурта компанияси ва „Ўзбекинвест-интернешнл“ қўшма корхонаси	— чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш;
13.	„Ўзбекинвестлойиҳа“ миллий инжиниринг компанияси	— дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш;
14.	Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири — инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб берилаётган қулайликлар натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий

рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарорида мамлакатимизда 2011—2015 йилларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодий либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодий модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

14.2.3-жадвал

#### Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар<sup>258</sup>

Жами корхоналар сони	4667 та
шу жумладан: 2012 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони	486 та
Фаолият юритаётган корхоналар сони	4283 та
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1600 та
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	384 та

### 14.3. Мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнози

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти янада яққол аён бўлади.<sup>259</sup>

2011—2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011—2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридagi инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодий модернизация қилишни таъминлайди.

<sup>258</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>259</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юқини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011—2015 йилларда ёқилги-энергетика тармогини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириладиган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Таллимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

*Бу вазифаларни амалга ошириш 2011—2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди.* Ушбу маблағлар энг илгор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўрнини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган „МАН“ автомобиллари, „Мерседес Бенц“ шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, „Клаасс“ компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банклари, биринчи навбатда, мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради.



Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрალი участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

*Бир сўз билан айтганда, 2011—2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади.* Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга жалб этилади.

#### **14.4. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш**

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган ўндан зиёд қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши нафақат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилишнинг мустақкам асоси, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини ортга қайтариб бўлмастлигининг кафолати ҳам бўлди. Шунингдек, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустақкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилди. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўрни яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилиши натижасида сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши йилдан-йилга ўсмоқда. Ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 75 фоиздан ошди.

*Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамоийли жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.*

**Ислон Каримов**

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда давлат бошқаруви органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш бўйича ислоҳотлар давом этмоқда. Шубҳасиз, ушбу жараёнда лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартириш, амалдаги рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини яна бир бор чуқур таҳлил қилиш, янги корхоналар ва бизнес ташкилотларини рўйхатга олишнинг аксарият ҳолларда хабардор этиш тизимида ўтиш каби янгиликларнинг жорий қилингани бизнес субъектларини ташкил этишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юртишларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада, шубҳасиз, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, Президентнинг фармон ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини айтиш жоиз.

Айни чоғда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг гоят муҳим вазифаларидан бири сифатида бюрократик говларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини

такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш чоралари изчил давом эттирилди. Натижада, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорликни истисно этадиган электрон тизимга, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

### **ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА ОМИЛИ**

Ўзбекистонда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштиришга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

2012 йил давомида мазкур дастур доирасида 6 та муҳим қонун ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14-ўринга кўтарилди.

#### *14.4.1-расм<sup>260</sup>.*

*Шу маънода айтганда, яқинда кучга кирган „Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида“ги қонун бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаб, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади. Қонунга кўра, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш мазмунига эга бўлган ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда „бир дарча“ орқали амалга оширилади. Бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади. Тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан, рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатлар „бир дарча“ орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.*

Агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаса, бажарилиши ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмоқчи бўлган ҳаракатни бажариш ва муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари-

<sup>260</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида“ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ ги ПФ-4354-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги „Стагистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги „Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-4455-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги „Мамлакагимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида“ги ПҚ-1913-сонли Қарори

#### 14.4.2-расм<sup>261</sup>.

нинг устуворлиги принципи амал қилинишидир. Бу, шубҳасиз, юртимизда тадбиркорлик фаолиятига катта эътибор қаратилаётганининг яққол далилидир.

Бундан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида бериладиган даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг:

- 20 баробаригача оширишигача бўлганда — даъво баҳосининг 2,5 фоизи миқдорида (амалда бўлган даъво баҳосининг 5 фоизи ўрнига);
- 20 баробаридан оширишидан ортиқ бўлганда — даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида (амалда бўлган даъво баҳосига қараб 10, 15 ва 20 фоиз ўрнига) давлат божи ундирилади.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситадиган гайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари, хатга олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризалари билан мурожаат қилганда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи тўланади.

Суд қарорлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0,25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ва хўжалик судининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаларидан ундириладиган барча давлат божи ставкалари 2 баробар камайтирилди.

<sup>261</sup> Lex.uz маълумотлари асосида тузилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, улар томонидан экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари анча содалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олинган санадан бошлаб, уч йил мобайнида солиқ органлари томонидан режали текширишни тақиқловчи тартиб жорий қилинди. Янги, янада мукамал, очиқ ва ошкора давлат харидлари механизми белгиланди. Бунда иқтисодиётнинг айнан ушбу тармоғига афзаллик берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳамда молия ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

14.4.1-жадвал

2013 йилда статистик ҳисоботлар таркибининг ўзгариши<sup>262</sup>


№	Шакллар	2012 йилда амалда	2013 йилдан бекор қилинди	Даврий-лиги қисқаради	2013 йил учун шакллар таркиби	Жами қисқаришлар
1.	Жами	210	65	23	145	1,4 м
2.	Кичик бизнес субъектларидан ташқари	191	58	20	133	1,4м
3.	Кичик бизнес субъектлари учун	19	7	3	12	1,6м
3.1.	Кичик корхоналар учун	17	7	2	10	1,7м
3.2.	Микрофирмалар учун	17	8	2	9	1,9 м.
3.3.	Фермер хўжаликлари учун	2	—	1	2	—

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган „Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ҳамда шу йил 16 июлда имзоланган „Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармонлари иқтисодиётнинг ушбу тармоғини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлди. 2012 йил 16 июлда қабул қилинган Фармонга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобидан бекор қилинди.

**„Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармоннинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:**

— ушбу фармон юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни содалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. У барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тақдим қилинадиган ҳисоботларнинг нафақат сони, балки муддатларини ҳам камайитириш имконини беради.

<sup>262</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



14.4.3-расм. 2013 йилда статистик кузатувлар тизими<sup>263</sup>.

Бундан ташқари, молиявий, солиқ, статистик ҳисоботларнинг сони ва уларни тақдим қилиш даврийлиги қисқартирилди. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартиби ҳамда лицензияланадиган фаолият турларига бериладиган лицензия турлари бекор қилинди, айримлари бирлаштирилди. Жумладан:

• 2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботи, 11 турдаги статистик, шунингдек, 2012 йилнинг 3-чорагидан 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

• Қуйидаги 8 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан чоракда бир маротаба тақдим этилиши белгиланди:

- ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби;
- ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб маълумотномаси;
- қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби;
- акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби;
- ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби;

— Пенсия жамғармаси, мамлакатимиз Йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби;


— жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатгани учун олинadиган солиқ ҳисоб-китоби.

• Қуйидаги 4 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан йилда бир маротаба тақдим этилади:

- жисмоний шахслар учун даромадлар расшифровкаси;
- жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари расшифровкаси;
- сув ресурсларидан фойдалангани учун солиқ ҳисоб-китоби;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби.

2013 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгиланди. Жумладан, фойда солиғи билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

<sup>263</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.



14.4.4-расм. 2012 йилда статистик кузатувлар тизими<sup>264</sup>.

2013 йил 1 январдан қўшимча фойда солигидан ташқари барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинди.

Шунингдек, Фармонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

- 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган 22 та меъёр ва тадбир жорий қилинди;
- қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ҳамда тадбиркорликка кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013—2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Халқаро амалиётда қабул қилинганидек, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан яратилган интерактив хизматлардан 200 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот ҳамда 50 мингга яқин жисмоний шахс фойдаланиб келмоқда.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши кўзда тутилди:

- банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, „Интернет-банкнинг“ тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш;
- „бир дарча“ тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш;
- тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш.

Шуни айтиш керакки, юқоридаги қонун ва фармонлар бозор иқтисодиёти талаблари, халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ жавоб беради. Энг муҳими, улар лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобидан ишбилармонлик

<sup>264</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга хизмат қилади.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий асослари нималардан иборат?
  2. Мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашда инвестицияларнинг ўрни қандай?
  3. Экспорт салоҳиятини ошириш ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асосини нималар ташкил қилади ?
  4. Хорижий инвесторларга бериладиган имтиёзларнинг турлари қандай ва уларнинг ҳуқуқий асослари қайси қонун ва қарорларда ўз аксини топган?
  5. Қўшма корхоналарнинг мамлакат экспорт салоҳиятидаги ўрнини ошириш учун қандай чора-тадбирлар қўллаш лозим?
  6. Қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг ҳуқуқий асосларини изоҳлаб беринг.
  7. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун яна қандай имтиёзларни жорий этиш лозим деб ҳисоблайсиз ?
  8. Статистик ва солиқ ҳисоботларини электрон ҳолда топширишнинг қулайликлари ва камчиликлари нималарда деб ҳисоблайсиз?
-

### 15.1. Иш ўрнини ташкил этишнинг истиқбол кўрсаткичлари

Иш ўрнига бўлган эҳтиёж меҳнат бозорида илк бор ишчи кучини таклиф қиладиган шахслар (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчилари бўлмиш меҳнатга лаёқатли ёшдагилар), шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (иш жойи ва даромад манбаига эга бўлмаганлар, чет эллардан ишлаб қайтган меҳнат мигрантлари, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, ишламаётган шахслар ва шу кабилар) ҳисобидан шакллантирилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, 2013 йилда иш ўрнига бўлган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозорининг амалдаги тамойилларини ўрганиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига таъсир этадиган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари таҳлили асосида аниқланган. Бунда иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш натижасида бўшаб қоладиган ходимлар ҳисоб-китобига алоҳида эътибор қаратилган.

2013 йилда меҳнат бозорига демографик омилнинг сезиларли ва бевосита таъсири сақланиб қолади. Демографик прогнозларга кўра, 2013 йил бошида меҳнат ресурслари сони 17,4 миллион кишини, шундан иқтисодий фаол қисми 12,9 миллион кишини ва уларнинг ўсиши мос равишда 2,2 фоиз ва 2,5 фоизни ташкил этади (5.1-жадвал).

5.1-жадвалдан кўринадики, 2013—2017 йилларда меҳнат ресурслари сони 11,3 фоизга кўпайиб, 19332,7 минг кишига етиши кутилади. Прогноз қилинаётган даврда меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 11,6 фоизга кўпайиб, аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 74,4 фоиздан 74,7 фоизга ошади. Истиқболда банд аҳоли сонининг ҳам мунтазам кўпайиб бориши кутилиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 1,36 фоиз атрофида бўлади.

Прогноз қилинаётган даврда банд аҳоли таркибида иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторидида бандлар сонининг кўпайиши, аксинча, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сонининг камайиши кузатилади. Мазкур ҳолат юртимизда ҳар йили юз минглаб янги иш ўрнининг яратилиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, истиқболда ишсизлар таркибида меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ва мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сонининг ҳам ўсиши кутилади ҳамда 2017 йилга бориб юртимизда аҳолининг ишсизлик даражаси 4,6 фоизни ташкил этиши кузатилади.

Ўзбекистонда ишсизликнинг мақбул даражасини сақлаб қолиш мақсадида меҳнат бозорида иш ўрнига бўлган эҳтиёж прогноз қилинаётган даврда йилига ўртача 1219,7 минг кишини ташкил этади, улардан 575,7 минг нафари таълим муассасалари битирув-

*Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.*

**Ислом Каримов**

*Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.*

**Ислом Каримов**



чилари, 626 минг нафари иш билан таъминланишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар), шу жумладан, 48 минг нафари меҳнат миграциясидан қайтганлар.

2013 йил „Иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш“ Давлат дастурининг прогноз параметрлари тармоқлар бўйича (бандлик йўналишлари) ва ҳудудлар бўйича ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж, айниқса, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва кўп меҳнат талаб этадиган ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш натижасида бўшаб қолаётган ходимларни, шунингдек, саноатни, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, инфратузилмани ривожлантириш натижасида ишчи кучига бўладиган талаб ҳисоб-китобидан келиб чиқиб белгиланган.

15.1.1-жадвал


**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг истиқбол кўрсаткичлари, минг киши<sup>265</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
1.	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5	18824,4	19332,7	111,3
2.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658	14026,8	14433,5	111,6
3.	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1	13378,5	13766,5	111,9
3.1.	Иқтисодиётнинг расмий секторидан банд бўлганлар сони	7655,9	7838,7	8130,6	8757,5	8938,6	116,8
3.2.	Иқтисодиётнинг но-расмий секторидан банд бўлганлар сони	4296,2	4484,8	4559,8	4302,7	4498,4	104,7
3.3.	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони	351,1	320,7	323,7	318,3	329,5	93,8
4.	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9	649,1	661,4	105,5
4.1.	Меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар	7,2	9,5	10,9	12,6	13,1	181,9
4.2.	Мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар	619,6	622,1	633	636,5	648,3	104,6

Дастурда 2013 йилда 6 та асосий йўналиш бўйича мамлакатимизда жами 972,7 мингта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилган (15.1.1-расм).

<sup>265</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

**2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари**



15.1.1-расм<sup>266</sup>.

**Биринчи йўналиш** ҳисобидан 57,9 мингта, шу жумладан, хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кирадиган корхоналарда — 16,9 мингта, ҳудудларга бўйсунадиган корхоналарда — 41 мингта иш ўрни яратилиши таъминланади.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг рағбатлантирилишини кучайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг экспорт қилинишини кенгайтириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ушбу йўналишда иш ўрни яратишнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади. Хусусан, 2012 йилнинг 1 апрелидан бошлаб валюта кредитлари бўйича асосий қарзларни узиш учун жорий тўловларга йўналтирилдиган, валюта киримларининг бир қисmini мажбурий тарзда ваколатли банкларга сотишдан озод қилиниши, янги ишлаб чиқаришларни қуриш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, Тошкент вилоятида „Ангрен“ махсус индустриал ҳудудининг ташкил этилиши, 2012—2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта таъминлаш дастурининг тасдиқланиши ва бошқа тадбирлар иш ўрнини янада кўпайтириш баробарида тармоқлараро алоқадор (транспорт, қурилиш ёки ижтимоий инфратузилма соҳалари) тизимларга боғлиқ иш ўрнини яратишга ҳам хизмат қилади.

Мазкур йўналишдаги иш ўрнининг салмоқли қисми Фарғона (8,6 минг), Тошкент (7,8 минг), Қашқадарё (5,9 минг), Наманган (5,1 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (7,5 минг) яратилади.

**Иккинчи йўналиш** бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда қабул қилинган, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш,

<sup>266</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.

статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони, шунга асосан, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 та рухсат бериш тартиб-таомили, лицензияланадиган 15 та фаолият тури ҳамда 68 та статистик ва солиққа оид ҳисоботлар шаклининг бекор қилингани, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва кенгайтириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши 485,6 мингта иш ўрни ташкил қилиш имкониятини яратди.

2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни юқори даражада сақлаб қолиш режалаштирилмоқда. Чунончи, тижорат банклари томонидан шу мақсадлар учун 5,1 триллион сўм ажратилиши назарда тутилмоқда. Бунда имтиёзли кредит ресурслари, асосан, узоқ қишлоқ туманларида ва меҳнат бозоридаги вазият оғир бўлган ҳудудларда иш ўрни яратишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Иш ўрни яратишнинг ушбу йўналишдаги асосий тармоғи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўлиб, хусусан, мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш улушининг мақсадли параметрларига (52,5 фоиз) эришиш доирасида кичик бизнес корхоналарида 267,1 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизмат турларини аввало қишлоқ жойларида кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва уйғун ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва аҳамиятини оширишга доир мақсадларга эришилишига бевосита боғлиқ. Мазкур соҳа келгуси йилда 18 фоиздан ортиқроққа ошиши кутилаётган компьютер дастурларини яратиш (электрон таълим ва консультатив хизматларни инobatга олган ҳолда), савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар ҳисобидан янада ривожланади. Якка тадбиркорликнинг ривожланиши 117,7 минг кишининг бандлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда *учинчи йўналиш*нинг ривожланиши 218,4 минг нафар банд бўлмаган фуқарони, асосан, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Бу борада 2012 йилда қабул қилинган, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, иш ўрни ташкил қилиш имкониятини яратган „Оилавий тадбиркорлик тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим аҳамият касб этади. Қонун моддаларида кичик бизнес субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар оилавий корхонага ҳам тааллуқли экани алоҳида белгилаб қўйилгани эътиборга молик.

Оилавий тадбиркорликда фаолиятни ташкил қилишнинг бошқа шаклида бўлмаган иш куни ва меҳнат тақсимоли имкониятлари мавжуд, бу эса ишлаб чиқаришга, бошқа ҳолатларда „банд бўлмаганлар“ қаторида бўлган, ёш болали аёлларни, ўқувчилар ва аҳолининг меҳнат бозорида рақобатдош бўла олмайдиган бошқа тоифаларини қисман бўлса-да, оддий шароитларда бизнес ишига жалб қилиш имконини беради. Ушбу ташкилий шакл меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларга меҳнат фаолияти ва тадбиркорликка киришиш учун қулай ва ижтимоий мақбул шароит яратади.

Уй меҳнатига асосланган иш ўрнининг салмоқли қисми миллий ҳунармандчиликнинг азалий марказлари бўлган ҳудудларда — Наманган (28,9 минг), Фарғона (27,2 минг),

*Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.*

**Ислом Каримов**

Андижон (20,0 минг), Самарқанд (15,4 минг), Бухоро (18,0 минг) вилоятларида, шунингдек, Шаҳрихон, Ғиждувон, Чуст, Шаҳрисабз, Ургут, Бойсун, Риштон, Хива ва Бошқа туманларда ташкил этилади.

Иш ўрни ташкил этишнинг *тўртинчи йўналиши*да ягона миллий автомобиль транспорти тизимини ташкил этиш, автомобиль йўллари, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл участкаларини электрлаштириш, бош лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуришни амалга ошириш, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойлар, муҳандислик иншоотлари, ижтимоий инфратузилма объектлари қуришни кенгайтириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги илмий муассасаларини замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлашга доир инвестиция лойиҳалари ва шу каби Бошқа ижтимоий омилларнинг муҳимлиги сақланиб қолади. Юртимизда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кенгайтирилиши 73,1 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

*Қишлоқ хўжалиги субъектларини ривожлантириш ва кенгайтириш, айниқса, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга, сабзавот-полид маҳсулотларини сақлашга, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга ихтисослашган субъектларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг* давом эттирилиши 124,1 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлайди.

Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва шу асосда ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган замонавий ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш қишлоқ хўжалигида қўшимча муқим иш ўрни ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга хизмат қилади.

*Вақтинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналар, шу жумладан, тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш* 13,7 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлайди.

2013 йилда иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий параметрлари 15.1.2-жадвалда ўз аксини топган.


15.1.2-жадвалдан кўринадики, 2013 йилда ташкил этиладиган иш ўрнининг асосий қисми (85,1 фоиз) кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш (37,8 фоиз), касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш (22,4 фоиз), фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (12,8 фоиз) ҳамда якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш (12,1 фоиз) ҳисобидан ташкил этилади.

Ҳудудлар бўйича яратиладиган иш ўрнининг салмоқли қисми Самарқанд (93,9 минг), Фарғона (92,4 минг), Қашқадарё (88,8 минг), Тошкент (86,8 минг), Андижон (79,6 минг), Наманган (75,1 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (81,7 минг) яратилади.

Ишсизлик даражаси бирмунча юқори бўлган, тоғли, чегараолди ҳудудларида жойлашган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган 28 та туманга алоҳида эътибор қаратилади, ушбу ҳудудларда 2013 йилда камида 126 мингта ёки 2012 йил дастуридагидан 5 фоиз кўп иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, ишловчилар сони кўп бўлган ихчам кичик корхоналарни ривожлантиришга етарли эътибор берилмайдиган 83 та туманда, кўп меҳнат талаб этадиган енгил, озиқ-овқат, ёғочга ишлов бериш, электротехника тармоқлари ва қурилиш материаллари саноати қувватларининг бирорта ҳам йирик саноат корхонаси бўлмаган 28 туманда ташкил этиш ва жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилган.

**2013 йилда иш ўрини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш  
ДАСТУРИ<sup>267</sup>**

Т/р	Жами	Шу жумладан ҳудудлар бўйича														
		Қорақалпоғистон Республикаси	Анжион	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.	
	<b>Иш ўрини ташкил этиш, жами</b>	<b>972676</b>	<b>49725</b>	<b>79580</b>	<b>73737</b>	<b>43915</b>	<b>88777</b>	<b>41032</b>	<b>75111</b>	<b>93894</b>	<b>65943</b>	<b>40051</b>	<b>86773</b>	<b>92441</b>	<b>60038</b>	<b>81659</b>
	Шу жумладан, қуйидаги тадбирлар ҳисобидан:															
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	<b>57878</b>	755	2580	2550	2381	5940	4118	5059	3540	2820	1710	7803	8552	2610	7460
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш шу жумладан:	<b>367849</b>	21240	33950	27350	12217	27650	12454	24264	35160	28687	17100	35682	28560	13111	50424
2.1.	саноатда	<b>56447</b>	1000	3790	4100	1635	2630	1749	5511	7570	4357	2171	5562	7807	1245	7320
2.2.	уй-жой қуриш ва таъмирлашда	<b>44310</b>	310	6350	3000	1724	2800	2557	2895	6000	7294	1352	3520	2821	1927	1760
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	<b>117728</b>	2370	11750	8630	5565	14700	5542	8384	11400	8628	8670	8481	8612	6376	8620
4.	Касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш шу жумладан:	<b>218357</b>	9350	20000	18022	10489	23950	6060	28892	15400	10898	1901	17231	27155	20369	8640
5.	Фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш (паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик)	<b>124071</b>	10950	4450	12970	7685	10307	8790	2318	17909	10274	4020	9444	10561	14393	—
6.	Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	<b>73088</b>	4610	6050	3365	4995	5580	3361	4988	9385	4100	4250	6781	7978	2545	5100
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	<b>13705</b>	450	800	850	583	650	707	1206	1100	536	2400	1351	1023	634	1415



15.1.2-расм. 2013 йилда иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг молиявий манбалари, фоизда<sup>268</sup>.

Дастур доирасида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан корхоналар бўйича 2013 йилда иш ўрни ташкил этишнинг тармоқ дастурларини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишчи кучининг мавсумий талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда илгари ташкил этилган иш ўрнини сўзсиз сақлаб қолиш ва уларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилган.

2013 йилда иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг молиявий манбаларининг асосий қисмини корхона ва аҳоли маблағлари ташкил этади (15.1.2-расм).

Расмдан кўриниб турганидек, 2013 йилда иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури молиявий манбаларининг 42,7 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари, 21,6 фоизини хорижий инвестициялар, 18,5 фоизини тижорат банклари, 11 фоизини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда 6,2 фоизини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ташкил қилади.

## 15.2. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат бозорига таъсир қиладиган омилларнинг турли-туманлиги ва уларнинг самарали амал қилиши ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга экани туфайли унда давлатнинг оптимал бошқаруви ва тартибга солиши талаб этилади. Иш билан бандлик соҳасида тартибга солишнинг бундай тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир.

*Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатиغا яраша муносиб маош олишига боғлиқдир.*

**Ислом Каримов**

<sup>268</sup>2013 йилда иш ўрнини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури.

Иш билан бандлик сиёсати Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ, иқтисодий ислохотлар стратегияси ва истиқбол режаларидан муносиб ўрин эгаллаган<sup>269</sup>.

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

— меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга, жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи, мансаб мавқеи, динга муносабати, эътиқоди ва жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатлари ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларни таъминлаш;

— кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

— иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

— ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

— иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

— аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

— аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.<sup>270</sup>

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланган иш билан бандлик сиёсати қуйидаги асосий мақсадларга эришишни назарда тутаяди:

— таркибий қайта қуришни рағбатлантириш асосида бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;

— ишсизларни меҳнатга тезлик билан жалб қилиш;

— иш қидираётганлардан ҳар бирини иш билан таъминлаш.

Давлат меҳнат бозорида рақобатдош бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутаяди. Яъни, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган „Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўрнини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида“ги низомга мувофиқ, фуқароларнинг ушбу тоифасига таълим муассасаларини тугатган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар, ногиронлар ва жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган шахслар киради.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифаларининг бандлигини таъминлаш йўналишлари 15.2.1-расмда келтирилган.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли нафақат муносиб иш билан таъминланади, балки улар ижтимоий ҳаётнинг фаол кишисига айланиб, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканини ҳис қилади. Шунингдек, улар нормал турмуш тарзини юритиш ва зарурий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат даромадларига эга бўладилар.

<sup>269</sup>Инсон тараққиёти. Дарслик. Профессор Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. — Т.: „Fan va texnologiya“, 2013. —184- б.

<sup>270</sup>Ўзбекистон Республикасининг „Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида“ги қонуни 5-моддаси // www.lex.uz

**Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифаларининг бандлигини таъминлаш йўналишлари**

→ Аёллар кўплаб банд бўлган соҳаларда (енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқалар) иш ўринлари ташкил қилиш.

→ Ишсизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, шу жумладан, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали жалб қилиш.

→ Ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш.

→ Ишга жойлаштиришда бола тарбияси билан ёлғиз шуғулланаётган она (ота), кўп болали ота-оналар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа тоифаларини биринчи навбатда қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

→ Корхоналарнинг пандуслар ва махсус мосламалар билан жиҳозлангани устидан мониторингни кучайтириш орқали имконияти чекланган фуқароларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектларга монеликсиз кириб-чиқишларини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш.

*15.2.1-расм<sup>271</sup>.*

Юртимиз аҳолиси фаровонлиги истиқболини кўзлаб ишлаб чиқилган мақсадли дастурларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган (15.2.2-расм):

Мазкур дастурий вазифаларнинг бажарилиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўз таъсирини топиши келажакда аҳоли бандлигининг ўсишига олиб келиши муқаррар.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурига мувофиқ, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратишга, шу жумладан, уларни синов муддатисиз ишга қабул қилиш тўғрисидаги нормаларни жорий этишга, халқаро амалиётга мувофиқ ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар борасида нодавлат корхоналар фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган „Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинади.

Шунингдек, давлат дастурида ишга жойлашишга муҳтож шахсларни касбга ўқитиш ва тайёрлаш тизимини қуйидаги йўллар билан янада ривожлантириш кўзда тутилган:

— иш билан банд бўлмаган шахсларни уларнинг келгусида ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— Тошкент шаҳридаги Касб таълими марказида 600 нафар ишсизни меҳнат бозорида талаб этилаётган машинасозлик, электроника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари тармоқлари ва соҳалари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

— Самарқанд шаҳрида KOICA гранти ҳисобидан 240 ўринли Касб таълими маркази ташкил этиш<sup>272</sup>.

<sup>271</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>272</sup>„Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги „Обод турмуш йили“ Давлат дастури тўғрисида“ги 1920-сонли Қарорига илова.



**Аҳоли бандлигини таъминлашдаги анъанавий тадбирлар доирасида  
аниқ чора-тадбирлар**



*15.2.2-расм<sup>273</sup>.*

Шундай қилиб, яқин истиқболда мамлакатимизнинг меҳнат салоҳияти ошиб борар экан, ушбу тенденция мазкур салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва уларни иқтисодийнинг турли жабҳаларига сафарбар этиш чораларини кўришни талаб этади. Бунда давлат ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқиши лозим бўлади. Чунки мақсадли комплекс дастур меҳнат бозорининг келажақдаги фаолиятида асосий тадбирларни ишлаб чиқишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини амалга оширишга алоҳида аҳамият бериш керак. У қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш; саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган талабларни қаноатлантириш; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш; ишсизликни камайтириш; юқори малакали ходимларни шакллантириш; меҳнат бозори инфратузилмаси объектларини самарали ривожлантириш; иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлашни назарда тутати. Бу каби самарали натижаларга эришиш учун, аввало, дастурни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини, молиялаштириш манбаларини ҳамда ижрочи ва масъулларнинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Истиқбол дастурларини ишлаб чиқишда мақсадга йўналтирилганлик, комплекслик, боғланганлик, қамровлилик, аниқлик, кўп вариантлик, ҳақиқийлик, рационаллик, устуворлик, чекланганлик, муддатлилик, бошқарувчанлик ва эгасига мўлжалланганлик каби хусусиятлар ҳисобга олинади.

**15.3. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш  
кўламининг кенгайтирилиши**

Миллий меҳнат бозорида ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари билан белгиланади. Шунини ҳисобга олиб, касб-ҳунар коллежларида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида реал

<sup>273</sup>Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

талаб қилинаётган йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг меҳнат бозорига чиқиши бир неча босқични қамраб олади:

**Дастлабки босқич:**

1. Касб танлаш.
2. Касб ва ихтисосликни эгаллаш.

**Фаол босқич:**

1. Фаолият турини танлаш ва иш жойини излаш.
2. Ишга жойлашиш.
3. Меҳнат фаолиятига киришиш, ишга кўникиш, иш жойида ўрнашиб олиш (ёки бошқа иш жойи излаш).

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлиги масаласи, биринчидан, ёш мутахассисларнинг меҳнат бозоридаги ўрнини таъминлаш, иккинчидан, битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлашга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш натижасида ўз ечимини топади. Бугунги кунда ёш мутахассисларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида меҳнат бозори ҳамда касб-хунар коллежларининг ўзаро алоқалари мустақамланмоқда. Бунинг натижасида бандлиги таъминланган касб-хунар коллежлари битирувчилари сони йил сайин ортиб бормоқда (15.3.1-жадвал).

*Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиш, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.*

**Ислом Каримов**

15.3.1-жадвал

**Бандлиги таъминланган касб-хунар коллежлари битирувчилари сони динамикаси (бирлик)<sup>274</sup>**

Худудлар	Йиллар					Бандлик даражаси, фоз	
	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2011 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	19429	28733	26995	28314	26126	95,7	93,7
Андижон	22964	26499	25031	35831	43061	95,1	91,6
Бухоро	11217	14638	17360	21053	24092	90,0	90,6
Жиззах	8825	12680	12464	17160	17538	96,5	92,9
Қашқадарё	19121	27515	26824	34685	38260	97,5	90,8
Навоий	7844	10673	12169	14998	16462	95,1	91,7
Наманган	14314	24758	25935	35243	38421	94,1	91,7
Самарқанд	24267	33990	36321	45363	54575	91,4	89,7
Сурхондарё	15941	19653	19886	30547	37117	96,1	89,3
Сирдарё	6348	9032	9624	11989	11523	97,9	94,3
Тошкент	13677	19224	24806	28028	34784	92,7	93,8
Фарғона	22371	30891	29752	41370	53270	93,1	91,6
Хоразм	15436	16678	17984	23157	27962	89,0	92,1
Тошкент ш.	30129	35000	35412	35255	34223	89,6	88,0
<b>Ўзбекистон бўйича</b>	<b>231883</b>	<b>309964</b>	<b>320563</b>	<b>402993</b>	<b>457414</b>	<b>93,5</b>	<b>91,2</b>

<sup>274</sup>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

15.3.1-жадвалдан кўринадики, 2012 йилда бандлиги таъминланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сони 2008 йилга нисбатан 97,3 фоизга ортиб, бандлик даражаси 91,2 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда уч томонлама (касб-ҳунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида) шартномалар молиявий жиҳатдан барқарор, ривожланиш истиқболлари мавжуд ҳамда келажақда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилиши кўзда тутилган корхоналар билан тузилиб, жорий меҳнат қонунчилиги талаблари асосида олиб борилмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди<sup>275</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг корхоналарни танлаши кўйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилмоқда:

- бўш иш ўрнининг мавжудлиги;
- ўқувчи-талабалар учун иш ўрнини ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнат бозорида рақобатдош, юқори талабга эга мутахассисликка ўргатиш имкониятининг мавжудлиги;
- доимий иш ўрнига қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- касб-ҳунарга ўқитиш, малака ошириш шароитларининг мавжудлиги<sup>276</sup>.

Таҳлилларга кўра, 2012 йилда мамлакатимиз бўйича касб-ҳунар коллежларини битирган ўқувчиларнинг 88,9 фоизи иш билан таъминланган (15.3.2-жадвал).

15.3.2-жадвалдан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиш даражаси мамлакатимиз миқёсидаги ўртача даражадан юқори.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, битирувчиларнинг 190,7 минг нафари ёки 42,8 фоизи уч томонлама шартнома тузилган корхоналарга ишга жойлашган. Бириктирилган корхоналарга ишга жойлашган битирувчилар улуши Жиззах (70,7 фоиз), Бухоро (63,0 фоиз), Қашқадарё (57,5 фоиз) ва Самарқанд вилоятларида юқори бўлган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 45,8 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Бу кўрсаткич Бухоро (77,6 фоиз), Самарқанд (50,4 фоиз), Наманган (49,3 фоиз), Фарғона вилоятлари (49,1 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (53,2 фоиз) мамлакатимиз миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан юқори.

---

<sup>275</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

<sup>276</sup>Холмуҳамедов М.М. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш ва уни такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Самарқанд, 2010. — 110–125-б.

**Ўзбекистон Республикасида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш ҳолати (2012 йил)**

№	Худудлар номи	Жами битирувчилар сони	Иш билан таъминланганлар		Бириктирилган (уч томонлама шартнома тузган) корхоналарга			Бошқа корхоналарга ишга жойлашганлар	Ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар		ОТМга ўқишга кирганлар	
			сони	фоиз	корхона сони	ишга жойлашган битирувчи сони	фоиз		сони	фоиз	сони	фоиз
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	27897	25302	90,7	3311	12087	47,8	13215	10103	39,9	824	3,0
	<i>Вилоятлар:</i>											
2.	Андижон	47025	42338	90,0	9412	8763	20,7	<b>33575</b>	21293	50,3	723	1,5
3.	Бухоро	26605	22937	86,2	16118	14454	63,0	<b>8483</b>	17805	77,6	1155	4,3
4.	Жиззах	18877	17208	91,2	4652	12173	70,7	<b>5035</b>	5794	33,7	330	1,7
5.	Қашқадарё	42139	37347	88,6	9676	21463	57,5	<b>15884</b>	15308	41,0	913	2,2
6.	Навоий	17947	15687	87,4	4792	7333	46,7	<b>8354</b>	6924	44,1	775	4,3
7.	Наманган	41880	37903	90,5	14625	9909	26,1	<b>27994</b>	18682	49,3	518	1,2
8.	Самарқанд	60856	53292	87,6	16834	29615	55,6	<b>23677</b>	26867	50,4	1283	2,1
9.	Сурхондарё	41561	36693	88,3	5332	15829	43,1	<b>20864</b>	9522	26,0	424	1,0
10.	Сирдарё	12221	11358	92,9	895	2435	21,4	<b>8923</b>	4210	37,1	165	1,4
11.	Тошкент	37079	34189	92,2	8456	12605	36,9	<b>21584</b>	13340	39,0	595	1,6
12.	Фарғона	58155	52208	89,8	12447	16527	31,7	<b>35682</b>	25610	49,1	1061	1,8
13.	Хоразм	30356	27221	89,7	3424	12234	44,9	<b>14987</b>	11779	43,3	741	2,4
14.	Тошкент ш.	38879	31897	82,0	6132	15317	48,0	<b>16580</b>	16983	53,2	2326	6,0
	<b>Жами</b>	<b>501477</b>	<b>445580</b>	<b>88,9</b>	<b>116106</b>	<b>190744</b>	<b>42,8</b>	<b>254837</b>	<b>204220</b>	<b>45,8</b>	<b>11833</b>	<b>2,4</b>

Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигининг иқтисодий тармоқлари бўйича таркибида ўзига хос хусусиятлар мавжуд (15.3.3-жадвал).

15.3.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иқтисодий тармоқлари бўйича иш билан таъминлаш кўрсаткичлари, бирлик (2012 йил)<sup>277</sup>**

Т/р	Иқтисодий тармоқлари	Жами битирувчилар сони	Иш билан таъминланганлар	фоиз	Ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар	фоиз
1.	Таълим	81374	72367	88,9	31028	42,9
2.	Гуманитар фанлар ва санъат	4834	3928	81,3	2627	66,9
3.	Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ	113211	99970	88,3	40820	40,8
4.	Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари	195615	175552	89,7	77930	44,4
5.	Қишлоқ ва сув хўжалиги	32648	29314	89,8	18309	62,5
6.	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	55158	48480	87,9	27361	56,4
7.	Хизматлар	18637	15969	85,7	6145	38,5
	<b>Жами</b>	<b>501477</b>	<b>445580</b>	<b>88,9</b>	<b>204220</b>	<b>45,8</b>


15.3.3-жадвалдан кўринадики, 2012 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 39,4 фоизи — муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқларига, 22,4 фоизи — ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ соҳаларига, 16,2 фоизи — таълимга, 10,9 фоизи — соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга, 6,6 фоизи — қишлоқ ва сув хўжалигига, 3,6 фоизи — хизматлар соҳасига, қолган 0,9 фоизи — гуманитар фанлар ва санъат соҳасига ишга жойлашган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларидан ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар улуши гуманитар фанлар ва санъат соҳасида — 66,9, қишлоқ ва сув хўжалигида — 62,5, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотда — 56,4 фоизни, қолган тармоқларда умумий кўрсаткичдан паст даражани ташкил этган.

Давлатимиз томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши учун доимий амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми“ жамгармаси томонидан ташкил этилган Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ва марказ томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширмоқда. Марказ ёш иқтидор эгаларининг келажақдаги профессионал иш фаолиятини юксалтиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг Ўзбекистондаги давлат, нодавлат, бизнес ва халқаро ташкилотларда ёшларнинг ихтиёрий равишда фаол иштирок этиши, тажриба орттириши ва тўлиқ фаолият олиб боришида яқиндан кўмаклашмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини бошқариш уларнинг ўз меҳнат қобилиятини тўлиқ намоён қилиши учун муносиб иш ўрнига эҳтиёжи ва жамиятнинг ишчи кучига бўлган талабларининг мослигини таъминлашдан иборат (15.3.1-расм).

<sup>277</sup>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.



15.3.1-расм. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг асосий тамойиллари.

15.3.1-расмдан кўринадики, барча касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш учун таълимни давр талабларига мослаштириш, битирувчиларнинг таълимдан кейинги иш жойларига мослашиш даврини қисқартириш, уларга нафақат назарий билимлар, балки иқтисодий модернизація қилиш шароитида ҳақиқий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган амалий билимларни бериши, битирувчиларга ўқишни тугатиши биланоқ иш топиш имкониятларини яратишлари зарур<sup>278</sup>.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурига мувофиқ, касб-ҳунар коллежларини 2012/2013 ўқув йилида битирган қарийб 500 минг нафар битирувчи бандлигини қўйидаги йўллар билан таъминлаш учун шароитлар яратиш кўзда тутилган:

— касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун корхона ва ташкилотларга бириктириш;

— битирувчиларни ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш (касб-ҳунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида);

— битирувчиларни бўш, квоталанадиган ва янгидан яратилаётган иш ўрнига жойлаштириш;

— вилоят марказларида, йирик шаҳар ва туманларда салоҳиятли иш берувчилар иштирокида ҳар йили камида 4—5 марта бўш иш ўрни ярмаркалари ўтказиш<sup>279</sup>.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга ошириш лозим бўлган вазифалар қўйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

1. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, рақобатдошлигини ошириш мақсадида таълим сифатини ошириш, мутахассислик фанлари ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёт соатларини кўпайтириш учун тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш.

<sup>278</sup> Насимов Д.А. Бандликни таъминлашда касб-ҳунар коллежларининг роли // „Экономика. Социальная защита. Образование. Занятость в XXI веке“. Материалы международной научно-практической конференции. — Самарканд: 2007. — С. 250—251.

<sup>279</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги „Обод турмуш йили“ Давлат дастури тўғрисида“ги 1920-сонли Қарорига илова.

2. Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни кейинчалик ўз бизнесини йўлга қўйишга йўналтириш мақсадида Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ва турли танловлар кўламини янада кўпайтириш, аниқ режа дастурларини ишлаб чиқиш.

3. Таълим муассасалари битирувчилари ўз касбларини эгаллаш билан бир қаторда компьютер ва чет тилларини мукамал ўрганишлари учун тегишли махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу борада корхоналарда педагоглар малакасини оширишни йўлга қўйиш, ўқув жараёнига интерактив усулларни кенг жорий этиш.

4. 2010 йил 15 декабрдаги „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги Президент Қарори ижросидан келиб чиқиб ташкил этиладиган саноат корхоналарининг ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тизимнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

5. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида касб-ҳунар коллежи жойлашган ҳудуддаги асосий иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг вакиллари билан ҳамкорликда касбга йўналтириш ишларини тизимли ташкил этиш.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ёшларни жамиятнинг иқтисодий фаол аҳолисига айлантиришни талаб этмоқда. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, „Бизнинг мутахассисларимиз, ёшларимиз қандай замонавий, юксак технологияларни ўзлаштира олаётганини кўриб турибмиз. Бугун касб-ҳунар коллежларини, олий ўқув юртларини битираётган болаларимиз ҳеч кимдан кам эмас“<sup>280</sup>.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасида иш ўрнини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган қандай чора-тадбирларни биласиз?

2. Мамлакатимизда меҳнат ресурсларининг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

3. Юртимизда янги иш ўринлари ташкил этишнинг қайси энг асосий йўналишларини биласиз?

4. 2013 йилда юртимизда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳақида нималарни биласиз?

5. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг қандай асосий йўналишларини биласиз?

6. Юртимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифаларининг бандлигини таъминлашнинг қандай йўллари амалга оширилмоқда?

7. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг юртимизга хос анъанавий тадбирларини санаб беринг?

8. Юртимиз касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича қандай ислохотлар белгилаб олинган?

9. Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларини битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ҳусусида нималар биласиз?

10. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг қандай тамойилларини айтиб бера оласиз?

---

<sup>280</sup> Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир // Халқ сўзи. 2007 йил 13 февраль.

### 16.1. Ҳаёт даражаси ва сифати ҳамда уларни белгиловчи мезонлар

Мустақилликнинг илк кунларидан бошланган, йигирма бир йилдан ортиқ вақт давомида изчил амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислохотлар, саъй-ҳаракатлар замирида улуғ мақсад ётибди. Бу ҳам бўлса халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдир.

2013 йилнинг 18 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси „2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида“ қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг иккинчи бандида 2013 йилги иқтисодий дастурнинг олтига энг муҳим йўналиши ва устувор вазифаси белгиланди. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг изчил оширилишини таъминлаш ана шундай йўналиш ва вазифалардан бири экани таъкидланди.

2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси „БМТ Мингйиллик мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ махсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан юксалтириш учун зарур бўлган қўшимча чораларни амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимизда инсон салоҳиятининг муттасил ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракат дастури белгиланган<sup>281</sup>.

Инсон тараққиёти концепциясига кўра, жамиятнинг ривожланиши марказида фақат оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки аввало инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони — одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг табиий, жамиятда умумэтироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатли қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиш демакдир.

Турли жамиятлар, миллат ва халқларнинг дунёқараши, маданияти, қадриятлари турлича бўлса-да, барча жойда „турмушнинг юксак даражаси“ деганда, қарашлар ўхшаш бўлади. У оилавий фаровонлик, саломатлик, узоқ умр кўриш, моддий фаровонлик, маълумотнинг юқори сифат даражаси, нафақат салмоқли даромад, балки меҳнатдан маънавий қониқиш, жамоатчилик орасида обрў орттириш, хавфсизлик, маданий ҳордиқ каби тушунчаларни қамраб олади. Одамлар ҳар доим шахс ва фуқаро сифатида ўз дунёқарашини ифода этиш имкониятига эга бўлишни, жамият ҳаётида иштирок этишни, ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳурмат қилинишини, фикрлари эътиборга олинишини қадрлаб келишган ва қадрлашади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шу нарса эътироф этиладики, инсон тараққиётини баҳолаш қуйидаги принциплар ва учта компонентга асосланади:

1. *Фаровонлик.* Инсон тараққиёти фақатгина ижтимоий сиёсат соҳаси билан чекланади, деб ўйлаш хато бўлади. Иқтисодий ривожланишсиз, иқтисодий салоҳиятни оширмасдан, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш ва имкониятларини кенгайтиришга эришиб бўлмайди. Инсон тараққиёти концепциясини фақат таълим ва соғлиқни сақлаш, гендер ривожланиш ва қашшоқликка қарши кураш кўрсаткичлари каби ижтимоий мезонлар статистикаси асосида таҳлил қилиш нотўғри. Ушбу маълумотлар жамғариш ва инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, савдо ва технологиялар каби кўрсаткичларсиз инсон тараққиёти

---

<sup>281</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги „Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 21-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 4—5-сон. 35-модда.



ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Жамиятнинг ривожланиши одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ресурслардан фойдаланиш оптималлигига кўра баҳоланади. Шу сабабли инсон тараққиётининг бош уч компонентидан биттаси фаровонлик ҳисобланади.

2. *Ҳуқуқ ва имкониятларнинг кенгайиши.* Инсон тараққиётининг даражаси ривожланиш масалаларини ҳал қилишда инсоннинг ўзи қанчалик ишгирик этиётгани билан ҳам белгиланади. Ахир, у ривожланишнинг нафақат объекти, балки субъекти ҳамдир.

3. *Адолат.* Жамиятнинг ривожланиш даражаси имкониятлар тенглигига, яъни ушбу жамиятда аҳолининг турли индивид ва гуруҳлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши адолат принципига кўра баҳоланиши керак. „Имкониятлар тенглиги“ мавҳум тушунча эмас. У аниқ, реал ҳамда ҳуқуқий ва иқтисодий таъминлашни талаб қилади. Унинг моҳияти шундаки, жамиятда муайян белгига, шу жумладан, жинсига кўра, ҳуқуқий ва иқтисодий камситиш, кўпроқ ёки камроқ имтиёзларга эга этник гуруҳлар, эксплуатация қилинувчи синфлар бўлмаслиги керак. Ногиронларга тизимли ёрдам алоҳида эътиборни талаб этади. Бундай адолатни ўрнатиш омиллари орасида қонунчиликда мустақамланган ва амалиётда қўлланадиган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидан фойдаланиш, микромолиялаш тизими орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар мавжуд.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг умумий эътироф этилган учинчи компоненти — ижтимоий адолат, натижаларнинг барқарор таъминлангани, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳисобланади. Инсон тараққиёти концепцияси, иқтисодий ўсиш назариясидан фарқли ўлароқ, ижтимоий тараққиётга узоқ муддатли жараён сифатида қарайди. Фақатгина бугун яшаётган инсонлар эҳтиёжини қондириш ҳақида ўйлаш билан чекланмасдан, келажак авлодлар учун муносиб ҳаётни таъминлаш ҳақида ҳам фикр юритмоқ зарур.

Инсон тараққиёти концепцияси — бу самарали ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда уни мантиқий якунига изчил равишда етказиш, яъни одамлар имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, бугунги ва келгуси авлодларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришдир<sup>282</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун реал шарт-шароитларни яратадиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳамиятга молик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз ўз олдимизга қўётган мақсад эса барчамизга яхши маълум — бу замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат<sup>283</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига мамлакатимизда кам таъминланган тонфа миқдорини камайтириш ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик принципларининг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари борасида маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Халқаро миқёсда ҳамжамият, шу жумладан, БМТнинг турли таркибий тузилмалари бу борада молиявий ёрдам бериш ва мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали кўмаклашишга ҳозирлигини изҳор этади. Ўзбекистоннинг 2015 йилгача бўлган даврдаги вазифаси кам таъминланган аҳоли ҳиссасини 50 фоизга қисқартиришдан иборат. Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юксак иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди. *Биринчидан*, даромад шакллари ўзгарди, яъни

<sup>282</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши, 2011.

<sup>283</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. —3—4-б.

унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари — тадбиркорлик фаолиятдан, (кўчмас) мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар кўшилди. *Иккинчидан*, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди. *Учинчидан*, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналиши пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтларини маданий тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.




16.1.1-расм. Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар.

Мустақил тараққиёт йилларида Президентимиз томонидан ҳар бир йилга ном бериш анъанага айланди ва бу борада махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, бажарилиши лозим бўлган энг муҳим мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилиб, уларнинг кенг кўламли ижроси таъминланмоқда. Президентимиз ибораси билан айтганда, 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб, шу асосда улкан ишларни амалга оширмоқдамиз (16.1.2-расм)<sup>284</sup>.

Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда, Президентимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кириб келаётган янги — 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида тўхталиб, йилга ном бериш негизда авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айна шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозимлигини таъкидлаб ўлди.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган

<sup>284</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажакимизнинг гаровидир“ рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. —78—79-б.



16.1.2-расм. Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида йилларга берилган номлар<sup>285</sup>.

омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, *обод* деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. *Обод* деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.

Мустақиллик йилларида „Ободлик кўнгилдан бошланади“ деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизида, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай гоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бутунги кунда гоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади<sup>286</sup>.

Президентимиз кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилишни таклиф этар экан, „ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз“, дея таъкидлади.

<sup>285</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Т.: — 2013 йил. — 69-бет.

<sup>286</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — Халқ сўзи газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Бу борада мамлакатимиздаги кўп йиллик тажрибадан маълумки, ҳар бир йил номи билан боғлиқ мақсад ва вазифалар, аниқ чора-тадбирлар, уларнинг бажарилиш муддатлари, молиявий манбалари, мутасадди идора ва ташкилотларнинг вазифалари батафсил баён этилган давлат дастурлари шакллантирилиб, улар махсус қарор орқали ижро учун қабул қилинади. Бундай дастурларнинг пухта ва ҳаётийлиги, уларда белгиланган чора-тадбирларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ қамраб олиши пировардида қилинган саъй-ҳаракатлар, эришилган натижаларнинг салмоқли бўлишига хизмат қилади. Шунга кўра, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ишлаб чиқилиши ҳамда ижро учун қабул қилиниши кўзда тутилаётган „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган бир қатор муҳим устувор йўналишларни белгилаб берди.

## 16.2. Аҳоли даромадлари ва улар миқдорининг ўсиш тенденцияси

Ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, аҳоли даромадлари миқдори билан белгиланади. 2012 йилда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

2000 йил билан таққослаганда, 2012 йилда реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида 1,5 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламлари ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди.

16.2.1-жадвал

### Ўзбекистонда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар<sup>287</sup>

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Саноат маҳсулотининг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1
Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,9
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0+	40,0	32,0	26,5
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1

<sup>287</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий принципларидан бири сифатида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1991—2011 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш — тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

2012 йилда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан олаётган даромади 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, Ўзбекистон аҳолиси даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда.

Аҳолининг жамгарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000—2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамгарма маблағлари — омонатларига эга. 2012 йилда Ўзбекистон аҳолисининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги 10 йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. 2012 йилда Ўзбекистондаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортигини аҳоли инвестициялари ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир.


Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8 баробарни ташкил этгани алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарасидир.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурини ишлаб чиқишда, энг аввало, маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро томонидан тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиш, уни муносиб ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш, тинчлик учун курашишга олий бурч сифатида қараш каби қадриятларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларга эътибор қаратиш зарур бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Президентимиз аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўйидаги асосий йўналишини белгилаб берди (16.2.1-расм).

1. *Аҳолининг реал даромадларини ошириш.* Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.



16.2.1-расм. Аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишлари<sup>288</sup>.



16.2.2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан)<sup>289</sup>.

2. Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

3. *Иш билан бандлик масаласини ечиш.* Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди;

<sup>288</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. — 2013 йил. — 75-бет.

<sup>289</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. — 2013 йил. — 76-бет.

давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда<sup>290</sup>. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамоийларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

16.2.2-жадвал

**Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг истиқбол кўрсаткичлари, минг киши<sup>291</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015
1.	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5
2.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658,0
3.	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1
4.	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9
5.	Ишсизлик даражаси, фоиз	4,8	4,8	4,7

16.2.2-жадвалдан кўриниб турганидек, 2013—2015 йилларда меҳнат ресурслари сони 17365,5 минг кишидан 18329,5 минг кишига кўпаяди. Бу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 6,1 фоизга кўпаяди ва прогноз қилинаётган даврда меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 74,3 фоиздан 74,5 фоизга ортади.

Истиқболда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ҳам кўпайиши кузатилиб, 2015 йилга келиб 13014,1 минг кишига етади. Шу билан бирга, прогноз қилинаётган даврда ишсизлар сони 626,8 минг кишидан 643,9 минг кишига ортади. Бироқ ишсизлик даражасининг 2013 йилда 4,8 фоиздан 2015 йилда 4,7 фоизга камайиши кузатилади.

Демографик ривожланишнинг прогноз маълумотларига кўра, мамлакатимиз меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж ортиб боради (16.2.3-жадвал).

16.2.3-жадвал

**Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж прогнози, минг киши<sup>292</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015
<b>I.</b>	<b>Янги иш ўринларига эҳтиёж, жами:</b>	<b>1215,6</b>	<b>1222,6</b>	<b>1275,4</b>
1.1.	Меҳнат бозорига илк бор кирадиган шахслар сони	575,8	573,3	613,7

<sup>290</sup>2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастури.

<sup>291</sup>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

<sup>292</sup>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

	Шулардан битирувчилар:			
	— академик лицейлар	17,8	13,4	13,1
	— касб-хунар коллежлари	493,3	501,1	540,6
	— олий ўқув юртлари	58,3	58,8	60,0
1.2.	Ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли сони	622,0	631,6	643,9
	Шундан қайтиб келган меҳнат мигрантлари сони	37,3	36,5	35,8
1.3.	Бошқалар (муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлар)	17,8	17,7	17,8
<b>II.</b>	<b>Иш ўринларига эҳтиёж, жами</b>	<b>1215,6</b>	<b>1222,6</b>	<b>1275,4</b>
	Шу жумладан:			
2.1.	Ходимларнинг табиий ишдан кетиши (пенсияга чиқиш, ўлим ва ҳ.к.) оқибатда иш ўринларининг пайдо бўлиши	150,0	161,0	173,0
2.2.	Меҳнат муассасаларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари сони	73,0	75,0	78,0
2.3.	Янги ташкил қилинадиган иш ўринлари сони	992,6	986,6	1024,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2013 йилда мамлакатимиз меҳнат бозорида иш билан банд бўлиш эҳтиёжи прогноз бўйича 1 миллион 215 минг 600 та иш ўрнини ташкил этади, шундан 575,8 мингтаси таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун, 622 мингтаси прогноз даврининг бошида банд бўлмаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган ишсиз аҳоли учун. Бунда 150 минг ходим табиий равишда чиқиб кетиши (пенсияга чиқиши ва ҳ.к.) муносабати билан бўшатилиши, шунингдек, прогноз даврининг бошида тақдим этилган 73 мингта бўш иш ўрнидан фойдаланилиши кутилмоқда.

4. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш.* Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда унинг қўллаб-қувватланиши натижасида мазкур тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиги айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналиши қуйидаги расмда келтирилган.





16.2.3-расм. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналиши<sup>293</sup>.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини кескин оширишга қаратилмоқда.

5. *Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш.* Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтожларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги „Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 437-сонли қарорига асосан, вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Юртимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги „Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 33-сонли қарорининг қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади. Бола парваришlash учун нафақа, парваришлайётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда Ўзбекистонда ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдоридан тўланади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири — бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги „Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида“ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробаригача бўлган миқдорда белгиланади.

Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг 7 июнда „Ижтимоий

<sup>293</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги „Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. — Т.: Иқтисодиёт. — 2011. — 68-б.

нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида“ги 165-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг манзиллилигини ошириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномаларига кўра нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилмоқда;

— Республика „Маҳалла“ жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли ўртасида эҳтиёжманд оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида кенг тушунтириш ишларини амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш ва манзилли ёрдамни кучайтиришга қуйидагилар ҳисобидан эришиш режалаштирилган:

- амал қилаётган имтиёзлар ва нафақа тўловлари тизимини тартибга солиш, манзилли характерга эга бўлмаган имтиёзларни, авваламбор, айрим профессионал гуруҳларга тақдим этиладиган имтиёзларни босқичма-босқич камайитириш ва шунинг ҳисобидан кўпроқ эҳтиёж сезаётган оилаларга имтиёзлар ҳажминини ошириш;

- натурал кўринишда бериладиган имтиёзларни тегишли миқдордаги пул тўловлари билан алмаштириш жараёнини тугаллаш;

- норасмий секторда тадбиркорлик фаолиятдан, шунингдек, пул ўтказмалари ҳисобидан даромад олаётган оилалар ўрнига моддий ёрдамга муҳтожлик сезаётган оилаларни аниқлаш усулини такомиллаштириш. Тежаб қолинган маблағлар энг муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун қайта йўналтирилади;

- жойларда муҳтожларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, шунингдек, маблағларни ижтимоий ҳимоянинг айрим моддалари ўртасида қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишда давлат органлари мустақиллигини кенгайтириш;

- ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари тўлашни ташкил қилиш билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб қилиш, бу кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар ҳажми ва қамровини оширишга имкон беради;

- айрим нафақа тўловлари ва имтиёзларни тугатиш натижасида бўшаган маблағларни муҳтож оилаларга манзилли нафақа тўловларини молиялаштириш ҳажминини ошириш учун йўналтириш;

- минимал ижтимоий стандартларни, жумладан, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулини такомиллаштириш;

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳлари, авваламбор, кам таъминланган оилаларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Бир сўз билан айтганда, ҳалқимизнинг „Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройли“ деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида 2013 йилда ҳам катта-катта ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда<sup>294</sup>.

---

<sup>294</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

### 16.3. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг умумий индикатори

Одамларнинг ўзига ўзи баҳо бериши, аҳоли ўзининг муайян гуруҳига мансублигини англаши уларнинг турмуш даражаси ва сифатининг умумий ҳамда яқуний индикатори ҳисобланади. Бу борада, албатта, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар инобатга олинади.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, нафақа ва



стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.

Ўзбекистонда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш,

замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизими каби индекс ва кўрсаткичлар бўйича катта ўзгариш ва ютуқларга эришилди. Бу ҳақда сўз юритилганда, шуни айтиш жоизки, айти пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар 3 оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш мақсадида 2004—2009 йилларга мўлжалланган Умуммиллий давлат дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Ушбу дастур доирасида 8500 дан зиёд мактабда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси ёки 16 фоизи шаҳарларда, 6887 таси ёки 81 фоизи қишлоқларда, 288 таси эса бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу тариқа шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди. 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди, 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактабга телефон ўрнатилди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг мутлақо янги усуллари жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз ёшларига бундай сўзлар билан мурожаат қилган эди: *„Сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аجدодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб, замонамизнинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб, орттиражасак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил“*<sup>295</sup>.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тарбия йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1) талаба ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларда мустақил тафаккурни, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, юксак ахлоқ, ҳуқуқий билимлар, маънавий етуқликни

<sup>295</sup>Президентга мактублар. — Т.: Маънавият, 2006. — 82-бет.

чуқур эгаллаб, қонунларимиз устуворлигини тан олиш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантириш;

2) талаба ёшларга таълимнинг ижтимоий-сиёсий афзалликларини кенг тарғиб қилиш;

3) мустақилликнинг бебаҳо неъмат эканини ёшлар онгига чуқур сингдириш, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирган маънавий-маърифий ишлар давлатимизнинг сиёсий, маданий бирлигини таъминлайдиган асосий омил эканини чуқур тушунтириш;

4) талаба ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб боришда миллий ғоя, миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий маданият, тарихий, фалсафий-ахлоқий мерос, шахс эркинлиги ва ривожининг давлат томонидан ҳимоя қилинишининг афзалликларини кенг тарғиб этиш.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ёшларга бўлган ишончини қуйидагича баён этади: *„Замонавий билимларни эгаллаётган ёшларимизга катта умид ва ишонч билан қарайман. Чунки ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадларга эришиш учун ёшларимизда барча имконият — ақл-заковат ҳам, куч-ғайрат ҳам етарли. Энг муҳими, фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда“*<sup>296</sup>.

Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмоқда ва ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баробар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4 фоизни, Давлат бюджетига эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қиляпти. „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда иштирок этган Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хонимнинг *„Президент Ислам Каримов томонидан эълон қилинган „Соғлом она — соғлом бола“ тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги кунда ва келажакда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин“* деган сўзлари ушбу фикрнинг гасдигидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган „Соғлом она — соғлом бола“ дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб, таълим-тарбия, соғломлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан ўзбек тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг „Save the children“ („Болаларни асрайлик“) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон — 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича 10 та етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади<sup>297</sup>.

<sup>296</sup> Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жид. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2007. — 57—58-бетлар.

<sup>297</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. — 132-бет.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ёш авлоднинг саломатлиги ҳақида доимий ғамхўрлик қилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этишидир.

Уч босқичли спорт ўйинлари дунёда беқиёс саналади. Ватанимиз спортининг кенг ривожланиши туфайли ёшларимиз орасидан доврўғи республикамизда ва халқаро миқёсда кенг танилган спортчилар етишиб чиқмоқда ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“ ва „Универсиада“ спорт мусобақалари ёшларимизни тарбиялаш, чиниқтириш ҳамда уларнинг галабага бўлган иштиёқини оширишда ўзига хос катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Ушбу спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган „Универсиада“ мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда Ўзбекистонда аҳолининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди.

Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустақамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончнинг муҳим омили сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқларга етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан эътибор берилиб, холисона баҳоланмоқда.

2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир.

Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш борасида ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган ўринни мустақам эгаллаб турибди.

Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Юртимизда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

Таъкидлаш керакки, эришган ана шундай барча ютуқларимизнинг замирида, аввало, миллионлаб юртдошларимизнинг кундалик фидокорона меҳнати, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш тизимидан воз кечилгани, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури мужассамдир<sup>298</sup>.

Аҳолининг ҳар бир аъзоси турмуш шароитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустақамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

---

<sup>298</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. —6—7-б.

Обод турмушнинг яна бир муҳим шарт — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Аҳоли саломатлиги борган сари юқори даражадаги ижтимоий ривожланишнинг интеграциялашган кўрсаткичига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди. Аҳолига юксак малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимдан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юксак малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди — уларнинг иш ҳақи миқдори ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамгармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдори 2,2 баробар кўпайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, „...халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади“<sup>299</sup>. Маърузада тўртинчи муҳим йўналиш сифатида халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Бир неча асрлар аввал табиатан бунёдкор халқимиз тафаккури, салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд этилган маҳобатли обидаларимиз ҳозирда дунё аҳлининг ҳайратига сазовор. Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб, ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни, 2009 йилдан буён Президентимиз


---

<sup>299</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизнинг барча қишлоқ ва туманларида намунавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган турар жойларни қуриш кўлами кенгаймоқда<sup>300</sup>. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг барпо қилиниши йўлга қўйилиши билан мустақил юртимиз чинакам бунёдкорлик, ободонлаштириш майдонига айланмоқда.

Миллий анъаналаримиз ва замонавий уйсозликнинг услуб ҳамда шакллари уйғунлашган, барча қулайликларга эга мухташам иморатлар қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Куйидаги диаграмма маълумотларидан кўринадики, мазкур дастур асосида қурилаётган уйлар сони деярли 23 мингга етган.

2011—2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси, ижтимоий объектларга эга бўлган турар жой массивлари 35,5 минг якка тартибдаги уй-жой билан биргаликда барпо этилиши кўзда тутилмоқда<sup>301</sup>.



16.3.1-расм. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уй-жойлар сони<sup>302</sup>.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифати кўп жиҳатдан мамлакатдаги замонавий йўл ва коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Айниқса, қишлоқ ва шаҳарларни автомобиль йўллари билан боғлаш, мамлакат ҳудуди бўйича темир йўл тармоғини барпо этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Шунга кўра, мустақиллик йилларида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди (16.3.1-жадвал).

16.3.1-жадвал

Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасининг асосий кўрсаткичлари<sup>303</sup>

Кўрсаткич	1990	2000	2010
Умумий фойдаланишдаги қаттиқ қопламали автомобиль йўллари	38213 км	41524 км	41950 км
<i>шу жумладан:</i>			
халқаро аҳамиятта молик йўллар	3229 км	3239 км	3960 км
Умумий фойдаланишдаги темир йўллар	3462 км	3471 км	4227 км

<sup>300</sup>Ўзбекистон Президентининг „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2009 йилнинг 3 августдаги Қарори.

<sup>301</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. —135—136-б.

<sup>302</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2013 йил. — 85-бет.

<sup>303</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 68-б.

Автомобиль йўллари ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларини тўлиқ қамраб олган. Мамлакатимизда 2006 йилдан бошлаб амалга оширилаётган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш жараёнида автомобилда йўловчи ташиш бўйича жами 929 та йўналиш очилди, шундан 13 таси шаҳар йўналишлари, 791 таси шаҳар атрофидаги ҳамда 125 таси вилоятлараро йўналишлардир. 2010 йилда транспорт хизмати 2006 йилга нисбатан 1,6 баробар, шу жумладан, автомобиль транспорти бўйича 1,7 баробар ўсди<sup>304</sup>.

Юқори даражада тараққий этган транспорт магистраллари ва коммуникациялари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш билан бирга мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини ҳам белгилайдиган мустақкам иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга моликдир.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган „2011—2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида“ги дастурни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу дастурдан кўзланган асосий мақсад — ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасининг узлуксиз ўсиб боришига эришишдир.

Мазкур дастурдан умумий қиймати 8 миллиард 504 миллион долларлик жами 85 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларнинг бажарилиши натижасида жами 14394 та янги иш ўрни яратилади (16.3.2-жадвал).

16.3.2-жадвал

**2011—2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари<sup>305</sup>**

<b>Йўналиш номи</b>	<b>Лойиҳа қиймати (миллион доллар)</b>	<b>Лойиҳа сони</b>
Дастурнинг умумий қиймати	8504,0	85 та
шу жумладан:		
Автотранспорт системаси	3544,0	11 та
Темир йўл транспорти системаси	2146,6	14 та
Ҳаво транспорти системаси	993,7	14 та
Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация системаси	1794,7	44 та
Шаҳар электротранспорти паркинни янгилаш	24	2 та

Дастур доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимизнинг асосий транспорт шакллари: ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тизимини, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация инфратузилмасини

<sup>304</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011. — 67—68-б.

<sup>305</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2013 йил. 86—87-бетлар.



ривожлантиришни жадаллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миқёсда фойдаланишга қаратилган<sup>306</sup>.

Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ. Мазкур омилнинг аҳамиятини чуқур ҳис этган ҳолда, мустақиллик йилларида аҳолининг коммунал хизматлар билан таъминланиш даражасини оширишга катта эътибор қаратилди (16.3.3-жадвал). Хусусан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида бу соҳадаги вазият тубдан яхшиланди.

16.3.3-жадвал

**Аҳолининг коммунал хизматлар билан таъминланиш даражаси, аҳолининг умумий сонига нисбатан фонзда<sup>307</sup>**

Кўрсаткичлар	1990	2000	2010
Ичимлик суви таъминоти	64,0	80,4	82,6
<i>шу жумладан, қишлоқ жойларда</i>	55,0	72,3	75,8
Табиий газ таъминоти	44,6	76,1	83,7
<i>шу жумладан, қишлоқ жойларда</i>	19,3	65,9	77,7
Марказий иситиш тизими	29,1	35,4	41,0
Оқовалаштириш хизмати (канализация)	25,5	28,3	37,1
Бир кишига тўғри келадиган ўртача уй-жой майдони, м <sup>2</sup>	12,1	13,8	15,2

Аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда юқорида зикр этилган дастур билан бирга, магистрал ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини қуриш бўйича аниқ мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1991—2009 йилларда 54 минг километрдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларда 47,9 минг километрлик сув тармоқлари ва ичимлик суви қувурлари, 74 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 67,6 минг километрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлиги даражасини янада ошириш мақсадида мазкур йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилмоқда. Ижтимоий ва коммуникация инфратузилмаларининг жадал ривожланиши ҳамда тез ўсиб бораётган уй-жой бозорининг шаклланиши шаҳар ва қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис инфратузилмасининг кенгайишига ҳамда бунинг натижасида 2011—2015 йилларда транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2,5 баробар ошишига имкон яратади.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурининг бешинчи муҳим йўналиши маҳаллаларни обод қилиш масаласидир.

Маҳалла Ўзбекистон шароитида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшмадир. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

<sup>306</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. — 187—189-б.

<sup>307</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2013 йил. — 86—87-бетлар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органлари сони 9913 тани ташкил қилади. Уларнинг таркиби 16.3.4-жадвалда берилган.

16.3.4-жадвал

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида маълумот<sup>308</sup>

Т/р	Номи	Сони
1.	Жамоатчилик асосидаги маҳаллалар	609
2.	Қишлоқлардаги маҳаллалар	1326
3.	Овуллардаги маҳаллалар	154
4.	Шаҳарчалардаги маҳаллалар	110
5.	Шаҳардаги маҳаллалар	8323
	<b>Жами</b>	<b>9913</b>

Жадвалдан кўришиб турганидек, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органларининг аксарият қисми (83,9 фоизи) шаҳарлардаги маҳаллаларнинг улушига тўғри келади.

Президентимиз ўз маърузасида „...маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳоли-мизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир“<sup>309</sup>, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, маҳаллаларнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолиятларини янада жонлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринлари барпо этиш:

— маҳаллалар ҳудудида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни микромолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамгармаси ташкил этиш;

— маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мамлакатимиз минтақаларида кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш;

— маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиявий маблағлар ажратилишини кенгайтириш;

— маҳаллалар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш биноларида ҳунармандчилик устахоналари ташкил этиш, халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланиш ва аҳолига турли хизмат кўрсатиш учун ижара шартлари асосида ажратиш. Маркетинг ва менежмент масалаларида тадбиркорларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

<sup>308</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2013 йил. — 89-бет.

<sup>309</sup>Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

## *2. Маҳалла ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш:*

- маҳаллалар ва корхоналарнинг ўзаро алоқа ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тизими барча ҳудудларда жорий этиш;
- корхоналар, ташкилот ва муассасалар иштирокида ва уларнинг ёрдамида ҳар бир маҳаллани ободонлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- маҳаллаларда аҳолининг табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши даражасини ошириш;
- идоравий уй-жойларни мукамал таъмирлаш ҳисобидан маҳаллалар аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш;
- яқка тартибдаги уй-жойларда яшайдиган фуқароларнинг уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- фойдаланилмаётган нотурар жой биноларининг зарур қисмини маҳаллаларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига бериш.

## *3. Кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш:*

- кам таъминланган ва кўп болали, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам учун корхоналар, муассаса ва ташкилотлардан қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида корхоналар даромадларининг солиқ солинадиган базасини маҳаллага кўрсатиладиган хайрия ёрдами миқдоридан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда камайтиришни назарда тутиш;
- меҳнат ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ишсиз деб эътироф этилган шахсларга нафақа тўланишини ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилишини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
- тижорат банкларининг кредитлари ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан рўзғор хўжалигини юритишда кам таъминланган ёш оилаларга ссуда ажратиш механизмини кенг жорий этиш;
- боқувчисиз қолган ва кам таъминланган оилаларнинг болаларига; меҳрибонлик уйлари ва мактабгача муассасалар тарбияланувчиларига мурувват ёрдами кўрсатишни жонлантириш;
- кам таъминланган ва кўп болали оилалар болаларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бепул ёзги дам олишини таъминлаш;
- муҳтож ёлғиз кекса фуқаролар ва ногиронларнинг квартиралари, уйлари ва маиший хоналарини таъмирлаш;
- ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқати ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, нафақахўр ва ногиронларнинг уйларига бориб ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;
- ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, саломатлиги ва моддий аҳволи мониторингини йўлга қўйиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

## *4. Маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш. Болалар спортини ривожлантириш:*

- маҳаллада истиқомат қиладиган барча нафақахўрларни, ногиронларни, шу жумладан, ногирон болаларни, ёлғиз кекса фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш;
- оила, маҳалла, соғлиқни сақлаш органлари, таълим ва бошқа муассасалар, жамоат ташкилотларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги тизими босқичма-босқич жорий этиш;
- соғлом турмуш тарзи, уй-жой ва овқатланиш гигиенаси, хўжалик ва маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш мавзусида буклетлар, плакатлар тайёрлаш ва уларни маҳалла аҳолиси орасида тарқатиш;
- барча муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш;
- барча иммобил, муҳтож ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларнинг қўл-оёқларини уйида протезлашни таъминлаш;

— кексалар ва ногиронларнинг ногиронлар аравачаларига, қўлтиқтаёқ, ҳасса ва эшитиш аппаратларига эҳтиёжини таъминлаш;

— туман марказларидан олис қишлоқ ва овулларда яшайдиган кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари билан қамраб олишни кенгайтириш;

— маҳаллалар ҳудудида болалар майдончаларини тиклаш ва реконструкция қилиш;

— 16 ёшгача бўлган болаларнинг барча давлат спорт иншоотлари секцияларида спорт машғулоти билан бепул шуғулланишини таъминлаш;

— маҳаллалар ўртасида болаларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш.

*5. Аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда маҳаллаларнинг фаолиятини кучайтириш:*

— маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳитни, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилалар ва маҳаллаларнинг ўзаро аҳиллигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— маҳалла ҳаётини, урф-одатлар ва анъаналарни, меҳр-шафқатни, ёш авлодни ўз маҳалласи ва Ватанга муҳаббат ва ифтихор руҳида тарбиялашни акс эттирадиган бадиий кўргазмалар ўтказиш;

— маданият, санъат, илм-фан, адабиёт, спорт соҳасидаги таниқли арбобларнинг ўзлари туғилиб ўсган маҳаллаларда аҳоли билан мунтазам учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш;

— туманлар, шаҳар ва қишлоқларда маҳаллалар ҳаёти, маҳалла аҳлининг эзгу, ноёб ва ибратли урф-одатлари, анъаналари, меҳр-мурувват намуналарини акс эттирадиган кўчма фото ва бадиий кўргазмалар ташкил этиш ва ўтказиш;

— тажриба-синов ўтказилаётган туман ва минтақаларда маҳалла, давлат ва жамоат тузилмалари иштирокида оилавий таълим ва болалар тарбияси тизимини ташкил этиш ва жорий этиш;

— маҳаллаларда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг ижодий учрашувларини ўтказиш;

— барча маҳаллаларда гиёҳвандликнинг зарари, ёшларнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги ҳақида учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

— маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик сиёсатининг маъно-мазмунини очиб бериш мақсадида суҳбатлар ўтказиш.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президенти аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгаси бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, „Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида“, „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсат тўғрисида“, „Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида“, „Меҳнат муҳофазаси тўғрисида“, „Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида“, „Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида“, „Таълим тўғрисида“, „Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида“ ва бошқа қонун ҳужжатларида асосий мақсад юртимиз аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, опа-сингилларимизнинг фаоллигини оширишга, уларга маънавий-руҳий мадад беришга, қолаверса, уларни турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилишга қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқ-

ли экани эътироф этилган<sup>310</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади.

Юртимизда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билимларини ошириш, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида кредит уюшмаларини ташкил этиш.

3. Нодавлат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда турли дастурларни амалга ошириш орқали иш жойларини яратиш.

4. Аёлларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш.

Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустаҳкамлигидадир, оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилidir. Шу боис она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдири, хотин-қизлар келажаги ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмаган десак, муболаға бўлмайди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилди. Биргина „Она ва бола скрининги“ Давлат дастури доирасида барча вилоятларда янги скрининг марказлари ташкил этилди. 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўриқдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилган. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитами́нлар билан бепул таъминланиб, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб юз фоизни ташкил этганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар 2011 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзуидаги халқаро симпозиумда қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ томонидан юксак баҳоланди.

Қиз болалар, хусусан, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилинган бўлиб, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2010 йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг 3 дан 1 қисмини қизлар ташкил этгани, айниқса, қувончlidir.

Хулоса қилиб айтганда, „Обод турмуш йили“ Давлат дастурини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирларининг барчаси юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

---

<sup>310</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2012.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Халқ фаровонлиги тушунчасининг Ватан равнақи ва юрт тинчлиги тушунчалари билан қандай ўзаро боғлиқлиги бор?
  2. Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш обод турмушнинг муҳим шарти эканини қандай изоҳлаш мумкин?
  3. Кейинги йилларда мамлакатимизда янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасини ривожлантиришда қандай ижобий натижалар қўлга киритилмоқда?
  4. Президентимизнинг „Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарты — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир“ деган сўзлари маъносини изоҳлаб беринг.
  5. Нима учун аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ?
  6. 2013 йилги иқтисодий дастурнинг нечта асосий йўналиши мавжуд?
  7. Инсон тараққиётини баҳолаш нечта компонентга асосланади?
  8. „Фаровонлик“ тушунчасини таърифлаб беринг.
  9. Адолат нима?
  10. Турмуш сифатининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
-

**1. Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон:**

А) аҳоли турмуш даражасини ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига қадар юксалтиришни таъминлади;

Б) дунё бозорида етакчи позицияни эгаллади;

В) ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди;\*

Г) юқоридаги барча жавоблар тўғри.

**2. 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти неча фоизга ўсди?**

А) 7,7 фоизга;

Б) 13,9 фоизга;

В) 8,5 фоизга;

Г) 8,2 фоизга.\*

**3. 2012 йилда мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариш ҳажми неча фоизга ошди?**

А) 7,7 фоизга;\*

Б) 7 фоизга;

В) 13,9 фоизга;

Г) 8,2 фоизга.

**4. 2012 йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми неча фоизга ошди?**

А) 7,7 фоизга;

Б) 7 фоизга;\*

В) 13,9 фоизга;

Г) 8,2 фоизга.

**5. 2012 йилда мамлакатимиз чакана савдо айланмаси ҳажми неча фоизга ошди?**

А) 7,7 фоизга;

Б) 7 фоизга;

В) 13,9 фоизга;\*

Г) 8,2 фоизга.

**6. 2012 йилда мамлакатимиз экспорт ҳажми неча фоизга ошди?**

А) 7,7 фоизга;

Б) 13,9 фоизга;

В) 8,2 фоизга;

Г) 11,6 фоизга.\*

**7. Ҳозирги кунда мамлакатимиз экспорти таркибида хом ашё бўлмаган гайёр товарларнинг улуши қанчани ташкил этмоқда?**

А) 70 фоиздан зиёдни;\*

Б) деярли 80 фоизни;

В) 50 фоиздан зиёдни;

Г) деярли 60 фоизни.

**8. 2012 йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо қанчани ташкил этди?**

А) 3 миллиард 500 миллион доллардан ошди;

Б) 2 миллиард 420 миллион доллардан ошди;

В) 1 миллиард 210 миллион доллардан ошди;

Г) 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.\*

**9. 2012 йилда мамлакатимизда инфляция даражасининг ўсиш суръати қандай бўлди?**

А) прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 8 фоиздан ошмади;

Б) прогноз кўрсаткичларидан юқори бўлди ва 7 фоиздан ошмади;

В) прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади;\*

Г) прогноз кўрсаткичларидан паст бўлди ва 7 фоиздан ошмади.

**10. 2012 йилда мамлакатимизда:**

- А) солиқ тушумини камайтириш сиёсати давом эттирилди;
- Б) солиқ юкени камайтириш сиёсати давом эттирилди;\*
- В) солиқ юкени ошириш сиёсати давом эттирилди;
- Г) солиқ ставкасини камайтириш сиёсати давом эттирилди.

**11. 2012 йилда мамлакатимизда давлат бюджетининг профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан:**

- А) 0,1 фоизни ташкил этди;
- Б) 0,3 фоизни ташкил этди;
- В) 0,4 фоизни ташкил этди;\*
- Г) 0,5 фоизни ташкил этди.

**12. 2012 йилда мамлакатимизда давлат жами харажатларининг қанча қисми ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди?**

- А) қарийб 59,2 фоизи;\*
- Б) қарийб 65 фоизи;
- В) қарийб 50 фоизи;
- Г) қарийб 58,9 фоизи.

**13. 2012 йилда мамлакатимизда давлат жами харажатларининг қанча қисми таълим соҳасини молиялаштиришга йўналтирилди?**

- А) қарийб 34 фоизи;
- Б) қарийб 14,5 фоизи;
- В) 14,5 фоиздан кўпроғи;
- Г) 34 фоиздан ортиғи.\*

**14. 2012 йилда мамлакатимизда давлат жами харажатларининг қанча қисми соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга йўналтирилди?**

- А) қарийб 34 фоизи;
- Б) қарийб 14,5 фоизи;
- В) 14,5 фоиздан кўпроғи;\*
- Г) 34 фоиздан ортиғи.

**15. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан:**

- А) 16,0 фоиздан ошмади;\*
- Б) 13,3 фоиздан ошмади;
- В) 14,5 фоиздан кўпроқ бўлди;
- Г) 34 фоиздан ортиқ бўлди.

**16. Пул-кредитни тартибга солишдан асосий мақсад:**

- А) нархлар барқарорлигини таъминлашдан иборат;
- Б) ортиқча харажатларнинг олдини олишдан иборат;
- В) номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат;
- Г) ногўғри жавоб йўқ.

**17. Пул массаси таркибига:**

- А) фақат нақд пуллар киради;
- Б) фақат нақдсиз пуллар киради;
- В) нақд ва нақдсиз пуллар киради;
- Г) фақат актив пуллар киради.

**18. Банк капиталининг етарлилик даражаси нима?**

- А) банклар устав капиталига қўйилган энг кам талаб;
- Б) капиталнинг активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 12 фоизни ташкил этиши керак;
- В) жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8 фоизни ташкил этиши керак;
- Г) банкларнинг барча мажбуриятини бажариши.



**19. Банкларнинг капиталлашув даражасининг оширилиши орқали қандай натижаларга эришилади?**

А) банк ликвидлигининг оширилиши пировардида унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади;

Б) банкнинг мажбуриятларни бажариш имконияти кенгайди;

В) банкларнинг рақобатдошлиги кучаяди;

Г) банк ликвидлиги ошади, молиявий барқарорлиги таъминланади ва инвестиция кредитлари бериш учун барқарор ресурс базаси шаклланади.

**20. Ликвидлик коэффициенти:**

А) қарз олувчининг ўз қарзини узиш қобилиятига эгами ёки йўқлигини ифодалайди;

Б) қарз олувчининг ўз капитали билан қай даражада таъминланганини характерлайди;

В) барча капитал ва унинг жалб қилинган улушининг фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади;

Г) мазкур давр ичида ғамламалар неча марта айланишда бўлганини ифодалайди.

**21. Тижорат банкининг барқарорлиги — бу:**

А) юқори дивидендлар тўлаш;

Б) банкнинг барча мажбуриятларини бажариши;

В) банк активларининг яхши сифати;

Г) кредит бериш имконияти.

**22. Аҳоли маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш ишларининг натижаси нималарда намоён бўлади?**

А) банк ликвидлигининг оширилиши, пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминланишида;

Б) банкларнинг ресурс базаси мустаҳкамланиши, кредитлаш имкониятининг кенгайиши, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб, уларнинг даромади ва фаровонлигининг ошишида;

В) аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётганида;

Г) банклар активларининг ўсиб боришида.

**23. Тижорат банкларининг кредит портфели — бу:**

А) кредит иқтисодий муносабатлар йигиндисидир;

Б) вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш ва тарқатиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир;

В) турли кредитлар жамламаси;

Г) турли рискларга асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йигиндисидир.

**24. Марказий банк мажбурий захираларига тўлов олишдан мақсад:**

А) тижорат банклари кредит потенциалига таъсир кўрсатиш;

Б) депозитларни ҳимоя қилиш;

В) Марказий банк даромадига таъсир кўрсатиш;

Г) банкларнинг ликвидлигини сақлаш.

**25. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари қандай кредитлар?**

А) хўжалик субъектларига берилган қисқа муддатли кредитлар;

Б) истеъмол кредитлари;

В) ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар;

Г) уй-жой қурилиши учун бериладиган ипотека кредитлари.

**26. Инвесторлар деганда кимлар назарда тутилади?**

А) хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қиладиган инвестиция фаолияти субъектлари;

Б) инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берадиган шахслар;

В) табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган тадбиркорлар;

Г) кредит олиш йўли билан ўз фаолиятини йўлга қўйган ҳамда таваккалчилик асосида маблағини сарфлаётган субъектлар.

**27. Хорижий инвестициялар қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?**

А) инвесторларнинг ўз молиявий ресурсларидан (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);

Б) қарз олинган молиявий маблағлардан (облигация заёмлари, банк кредитлари);

В) жалб қилинган молиявий маблағлардан (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай, аъзолик бадаллари ва бошқа тўловлари);

Г) чет элликлар маблағларидан.

**28. Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда қайси манбалардан кўпроқ фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда?**

А) корхоналар маблағларига;

Б) давлат бюджетига;

В) бюджетдан ташқари маблағларга;

Г) банк кредитларига.

**29. Инвестицияларни жалб қилишдаги асосий муаммолар нималардан иборат?**

А) инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги;

Б) инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбаининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

В) тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши;

Г) барча жавоблар тўғри.

**30. Инвестиция дастури ўз ичига нималарни қамраб олади?**

А) муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қийматини;

Б) лойиҳалар сони ва уларнинг манбаларини;

В) фақат лойиҳалар сонини;

Г) фақат лойиҳанинг манбаларини.

**31. Умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари улушининг камайиб бораётганини нима билан изоҳлаш мумкин?**

А) инвестицияларни жалб этишда корхоналар ва чет эл маблағлари улушининг кескин ошаётгани ва уларга устувор аҳамият қаратилаётгани билан;

Б) ижтимоий тўловларга ажратилаётган маблағларнинг ошаётгани билан;

В) глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳукм сураётгани билан;

Г) давлат бюджети танқислиги билан.

**32. 2012 йилда ЯИМда инвестициялар улуши қанчани ташкил этган?**

А) 56 фоизни;

Б) 45 фоизни;

В) 22,9 фоизни;\*

Г) 15 фоизни.

**33. Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулк нима деб аталади?**

А) шахсий мулк;

Б) хорижий инвестиция;

В) хусусий мулк;

Г) аралаш мулк.

**34. Хорижий инвестиция шартномаси қайси муассаса орқали тузилади?**

А) Инвестициялар ва савдо вазирлиги;

Б) Савдо ва саноат палатаси;

В) Ички ва ташқи ишлар вазирлиги;  
Г) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали.

**35. Инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири:**

А) фоиз ҳисобида қисқа муддатга маблағ бериш;

Б) техника ва технологияни ижарага бериш;

В) қарзга капитал бериш;

Г) муомалада бўлган пул бирлиги қадрсизланишининг олдини олишдир.

**36. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг неча фоиз ҳудуди рақамли телекўрсатув дастурлари билан қамраб олинган?**

А) 100;

Б) 42;

В) 37.

**37. „Бойсун-Денов“ ва „Ургут-Шаҳрисабз“ оптик алоқа линиялари умумий узунлиги қанча?**

А) 120 км дан кам;

Б) 200 км дан кўп;

В) тахминан 180 км.

**38. 2012 йил якуни бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси неча миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилди?**

А) 150 млн АҚШ долларидан кам;

Б) 450 млн АҚШ долларидан кўп;

В) тахминан 210 млн АҚШ доллари миқдорида.

**39. Алоқа ва ахборот соҳаси корхоналари томонидан кўрсатилган умумий хизматлар 2012 йилда 2011 йилга нисбатан неча фоизга ошди?**

А) 43,1 фоизга;

Б) 32,4 фоизга;

В) 22,5 фоизга.

**40. 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига жалб қилинган корхоналарнинг ўз маблағлари ва хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар 2011 йилга нисбатан неча фоизни ташкил қилди?**

А) 110 фоизга ошди;

Б) 90 фоизни ташкил қилди;

В) 130 фоизга тенг бўлди.

**41. „... — мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, иқтиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир“ — юқоридаги таъриф қайси жавобга тўғри келади?**

А) эркин иқтисодий зона;\*

Б) махсус иқтисодий зона;

В) имтиёзли ҳудуд;

Г) инвестиция ҳудуди.

**42. ЭИҲнинг моҳияти нимада?**

А) олиб чиқилган товарлардан божхона тўловлари олинмайди;

Б) божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади;

В) мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган имтиёزلардан фойдаланилади;\*

Г) олиб кирилган товарлардан божхона тўловлари олинмайди.

**43. Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида нечта оффшор марказлар мавжуд?**

А) 300 дан ортиқ;

Б) 1000 дан ортиқ;

В) 100 дан ортиқ;\*

Г) 500 дан ортиқ.

**44. Ташкил этилиши бўйича ЭИХларнинг қандай турлари бор?**

- А) территориал ҳудудлар, махсус тартибот ҳудудлари;\*
- Б) эркин иқтисодий-интеграция зоналари, халқаро миқёсда ташкил этилган махсус зоналар;
- В) халқаро миқёсда ташкил этилган махсус зоналар, оффшор марказлар;
- Г) ташқи савдо ҳудудлари, функционал ҳудудлар.

**45. Жаҳонда ҳозирги кунда тўлиқ тавсифга эга қанча ЭИХлар фаолият кўрсатмоқда?**

- А) 4000 дан ортиқ;
- Б) 5000 дан ортиқ;
- В) 2000 дан ортиқ;\*
- Г) 1000 дан ортиқ.

**46. Жаҳон хўжалигида эркин иқтисодий ҳудудлар маъмурий бошқариш тизими ва шунингдек, молиявий ҳамда моддий-техник таъминланишига кўра қандай турларга бўлинади?**

- А) ташқи савдо ҳудудлари, функционал ҳудудлар, эркин иқтисодий-интеграция зоналари, халқаро миқёсда ташкил этилган махсус зоналар;\*
- Б) ташқи савдо ҳудудлари, экспорт ва импортни қўллаб-қувватлайдиган ҳудудлар, эркин иқтисодий-интеграция зоналари, континентал махсус зоналар;
- В) махсус савдо ҳудудлари, универсал савдо ҳудудлари, эркин иқтисодий-интеграция зоналари, халқаро миқёсда ишлаб чиқаришга мослаштирилган махсус зоналар;
- Г) эркин савдо ҳудудлари, давлатлараро махсус ҳудудлар, эркин иқтисодий-интеграция зоналари, халқаро зоналар.

**47. Навоий вилоятида ҳозирги кунда хорижий инвесторлар иштирокида барпо этилган қанча корхона мавжуд?**

- А) 10 дан ортиқ;
- Б) 20 дан ортиқ;
- В) 30 дан ортиқ;
- Г) 40 дан ортиқ.\*

**48. ЭИХларни ташкил этишдан мақсад ...**

- А) алоҳида саноат тармоқларини тез ривожлантириш;
- Б) экспортни рағбатлантириш;
- В) хорижий инвестицияларни ҳамда илғор техника ва технологияларни жалб қилиш;
- Г) барча жавоблар тўғри.\*

**49. Ўзбекистонда „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ги қонун қачон қабул қилинган?**

- А) 1992 йилда;
- Б) 1994 йилда;
- В) 1996 йилда;\*
- Г) 1998 йилда.

**50. Мамлакатимизда учинчи эркин индустриал зона қайси вилоятда ташкил этилмоқда?**

- А) Сурхондарё вилоятида;
- Б) Жиззах вилоятида;\*
- В) Самарқанд вилоятида;
- Г) Қашқадарё вилоятида.

**51. Қишлоқ хўжалиги тармогининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига кўшган ҳиссаси 2012 йилда неча фоизни ташкил этди?**

- А) 18,5 фоизни;
- Б) 19,6 фоизни;
- В) 17,5 фоизни;
- Г) 21,2 фоизни.

**52. 2012 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръати неча фоизни ташкил этди?**

- А) 8,1 фоизни;
- Б) 9,5 фоизни;

В) 6,6 фоизни;

Г) 7,0 фоизни.

**53. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечта устувор йўналиши мавжуд?**

А) 5 та;

Б) 3 та;

В) 10 та;

Г) 6 та.

**54. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг:**

А) техник-технологик, ташкилий, маъмурий-ҳуқуқий;

Б) ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, институционал;

В) мулкӣ-таркибий, ердан фойдаланиш, сув ва сувдан фойдаланиш, молия-кредит, нарх-наво;

Г) наслчилик, селекция, интенсив боғлар барпо этиш, балиқчилик, паррандачилик ва асариччиликни ривожлантириш.

**55. Фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёни нимани англатади?**

А) экин майдонлари таркибини ўзгартиришни;

Б) пахта, ғалла, сабзавот ва полиз экинлари жойлашувининг мақбул чегараларини белгилашни;

В) ер майдони катта, бошқариш қийин бўлган фермерлар ерларини ихчамлаштиришни;

Г) зарар келтириб ишлаётган, истиқболсиз ва тўловга ноқобил фермер хўжаликларининг ер майдонларини бирлаштириш ва йириклаштириш орқали уларнинг самарадорлигини юксалтиришни.

**56. Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликлари учун ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштиришга бериладиган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси қанчага тенг?**

А) 8,0 фоизга;

Б) 4,5 фоизга;

В) 3,0 фоизга;

Г) 2,0 фоизга.

**57. 2012 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун қанча маблаг йўналтирилди?**

А) 130 млрд сўмдан ортиқ;

Б) 201,5 млрд сўмдан ортиқ;

В) 178,6 млрд сўмдан ортиқ;

Г) 183,5 млрд сўмдан ортиқ.

**58. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга 2013 йилда давлат бюджетидан қанча маблаг ажратилди?**

А) 95 млрд сўм;

Б) 160 млрд сўм;

В) 200 млрд сўм;

Г) 130 млрд сўм.

**59. Чорваччиликни модернизация қилиш дастурлари доирасида 2006—2012 йилларда ривожланган хорижий мамлакатлардан қанча насли қорамоллар келтирилди?**

А) 24560 бош;

Б) 23286 бош;

В) 28174 бош;

Г) 35540 бош.

**60. Суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қанча хорижий инвестициялар жалб этилган ва уларнинг қиймати қанчага тенг?**

- А) 11 та, қиймати 112,9 миллион АҚШ долларига тенг;
- Б) 9 та, қиймати 62,25 миллион АҚШ долларига тенг;
- В) 12 та, қиймати 124,5 миллион АҚШ долларига тенг;
- Г) 10 та, қиймати 541,65 миллион АҚШ долларига тенг.

**61. 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши неча фоизни ташкил этди?**

- А) 40 фоиздан зиёдни;
- Б) 47 фоиздан зиёдни;
- В) 52 фоиздан зиёдни;
- Г) 55 фоиздан зиёдни.

**62. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида учинчи устувор йўналиш қайси соҳани ривожлантиришга қаратилган?**

- А) туризм соҳасини ривожлантиришга;
- Б) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга;
- В) етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштиришга;
- Г) таълим соҳасини ривожлантиришга.

**63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида“ги Қарори қачон қабул қилинган?**

- А) 2012 йил 10 майда;
- Б) 2012 йил 10 июнда;
- В) 2012 йил 15 августда;
- Г) 2012 йил 1 сентябрда.

**64. Туризмда асосий хизмат турларига қандай хизматлар киради?**

- А) гид ва экскурсия хизматлари;
- Б) молия ва банк хизматлари;
- В) бронлаштириш ва овқатлантириш хизматлари;
- Г) ташиш ва жойлаштириш хизматлари.

**65. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тўртинчи устувор йўналиш қайси соҳани ривожлантиришга қаратилган?**

- А) ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга;
- Б) йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга;
- В) аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга;
- Г) қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга.

**66. „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили“ Давлат дастурида, асосан, қандай ишларни амалга ошириш назарда тутилган?**

- А) қишлоқ жойларда таълим соҳасини такомиллаштиришга;
- Б) қишлоқ жойларда турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этишга;
- В) транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга;
- Г) деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга.

**67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоққурилишбанк“ни ташкил этиш тўғрисидаги Қарори қачон қабул қилинган?**

- А) 2009 йил 10 февралда;
- Б) 2009 йил 1 мартда;
- В) 2009 йил 30 мартда;
- Г) 2009 йил 20 апрелда.

**68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоққурилишбанк“ни ташкил этиш тўғрисидаги қарори қандай мақсадларга асосланган?**

- А) қишлоқ хўжалигини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш мақсадига;
- Б) уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш мақсадига;
- В) таълим соҳасини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш мақсадига;
- Г) қишлоқ жойларда кичик бизнесни узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш мақсадига.

**69. Мамлакатимизда марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти нечта шаҳарда мавжуд?**

- А) 119 та шаҳарда;
- Б) 131 та шаҳарда;
- В) 145 та шаҳарда;
- Г) 155 та шаҳарда.

**70. Мамлакатимизда жами сарфланган газ ҳажмининг неча фоизи аҳоли истеъмолчиларига тўғри келган?**

- А) 34,3 фоиз;
- Б) 36,5 фоиз;
- В) 42,5 фоиз;
- Г) 50,3 фоиз.

**71. Шошилиш тиббий ёрдам хизматини ташкил қилинишининг асосий мақсади:**

- А) аҳолига бепул, малакали шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;\*
- Б) аҳолига пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш;
- В) тиббиёт ўқув юртлари учун клиник базаларни ташкил этиш;
- Г) поликлиникалар сонини кўпайтириш.

**72. Қишлоқ жойларда аҳолига бирламчи тиббий ёрдамни қайси муассаса ва ким кўрсатади?**

- А) қишлоқ врачлик пунктлари ва умумий амалиёт шифокори;
- Б) фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва фельдшер;
- В) оилавий поликлиника ва умумий амалиёт шифокори;
- Г) туман кўп тармоқли поликлиникаси ва туман шифокорлари.

**73. Аҳоли саломатлигини тавсифловчи кўрсаткичларни белгилаш:**

А) демографик кўрсаткичлар, касалланиш, ногиронлик ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари;\*

- Б) демографик кўрсаткичлар, зарарланиш кўрсаткичи, шикастланиш кўрсаткичи;
- В) касалланиш, ногиронлик, умумий ўлим кўрсаткичи;
- Г) жисмоний ривожланиш, бирламчи касалланиш, шифохонадаги ўлим кўрсаткичи.

**74. Аҳоли саломатлигига таъсир этадиган асосий омилларни кўрсатиш:**

- А) турмуш тарзи, ташқи муҳит, генетик омиллар, соғлиқни сақлаш;\*
- Б) иқлимий-географик омиллар, чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш;
- В) овқатланиш, дам олиш, ишлаб чиқаришдаги муҳит;
- Г) оиладаги руҳий муҳит, насл, иқтисодий омиллар.

**75. Соғлиқни сақлаш тизимининг қайси тури Ўзбекистон Республикасига хос?**

- А) давлат, хусусий ва бошқа турдаги тизимларни қамраб олган соғлиқни сақлаш тизими;\*
- Б) фақат давлат тизими;
- В) фақат хусусий тиббиёт тизими;
- Г) хусусийлаштирилган тиббиёт муассасалари.

**76. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш босқичлари:**

- А) ҚВП — ТМШ;\*
- Б) ҚВП — ҚУШ — ТМШ;
- В) ФАП — ҚВА — ҚУШ — ТМШ;
- Г) ФАП — ҚВА — ҚУШ — ТШ — ТМШ.

**77. Санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича жамият муносабатлари қайси ҳужжатда белгиланган?**

- А) „Давлат санитария назорати тўғрисида“ги қонун;\*
- Б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- В) „Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида“ги қонун;
- Г) „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури“.

**78. 2003 йил 26 февралдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чоратadbирлари тўғрисида“ги 3214-сонли Президент Фармонининг асосий мақсади:**

- А) юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун ихтисослашган тиббий марказларни яратиш;\*
- Б) қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдамни такомиллаштириш ва қишлоқ врачлик пунктлари сонини кўпайтириш;
- В) кундузги стационарлар сонини кўпайтириш;
- Г) Республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

**79. Президентнинг фармони ва қарори билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қандай асосий вазифалар белгилаб берилган?**

- А) соҳани янада тараққий эттириш ҳамда янги республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш;
- Б) тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш;
- В) соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;
- Г) барча жавоблар тўғри\*.

**80. Хусусий тиббиёт муассасаларига қўйиладиган асосий талаблар:**

- А) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ихтисосликлар бўйича даволаш фаолиятини кўрсатиш; замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги; юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги; даволаш стандартларига мос бўлган биноларда фаолият кўрсатиш;\*
- Б) замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги, врачлар ва ҳамшираларнинг мавжудлиги, даволаш ва ташхислаш стандартларига мос ҳолда фаолият кўрсатиш;
- В) даволаш жараёни стандартларига мос бўлган биноларда фаолият кўрсатиш, Бириктирилган аҳолининг мавжудлиги, врач-мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Г) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ихтисосликлар бўйича даволаш фаолиятини кўрсатиш; уч фазали электр тармоғи, канализация ва соҳага мос мутахассисларнинг мавжудлиги;

**81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652 сонли Қарорига асосан тиббий хизматларнинг таннархини пасайтириш ва беморларнинг даволаниш имкониятларини кенгайтириш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзларини қайси давргача узайтириш белгиланди?**

- А) 1 январь 2018 йилгача;
- Б) 1 январь 2012 йилгача;
- В) 1 январь 2011 йилгача;
- Г) 1 январь 2015 йилгача.

**82. Мамлакатимиз аҳолисининг тиббий кадрлар билан таъминланиш даражаси қандай?**

- А) 10 минг аҳолига врачлар билан таъминоти — 24,7, ўрта тиббиёт ходими — 104,1 нафарни ташкил этди;\*
- Б) 10 минг аҳолига врачлар билан таъминоти — 26,7, ўрта тиббиёт ходими — 103,3 нафарни ташкил этди;



В) 10 минг аҳолига врачлар билан таъминоти — 28,1, ўрта тиббиёт ходими — 108,6 нафарни ташкил этди;

Г) 10 минг аҳолига врачлар билан таъминоти — 23,1, ўрта тиббиёт ходими — 101,7 нафарни ташкил этди.

**83. Скрининг марказларининг асосий вазифаларини кўрсатинг.**

А) перинатал даврда ҳомилада нуқсонни аниқлаш;

Б) янги туғилган чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликлари бўйича оммавий скринингдан ўтказиш;

В) ирсий ва туғма касалликлар билан туғилган фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш.

Г) барча жавоблар тўғри;\*

**84. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини молиялаштириш принципларини аниқланг.**

А) жон бошига молиялаштириш;\*

Б) ижтимоий суғурта бадаллари;

В) хизматга ҳақ тўлаш;

Г) аралаш молиялаштириш.

**85. Ижтимоий соҳа тармоқлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг:**

А) саноат, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш;

Б) қурилиш, қишлоқ хўжалиги, санъат, молия, саноат, ўрмон хўжалиги;

В) транспорт, алоқа, таълим, туризм, санъат, маданият;

Г) таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат, коммунал хўжалиги.\*

**86. Меҳнат фаолиятдан олинган даромаднинг қандай турлари мавжуд?**

А) ёлланма ишчиларнинг даромади ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад;\*

Б) меҳнат фаолиятдан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромад;

В) мол-мулкдан олинган даромад ва ёлланма ишчиларнинг даромади;

Г) трансфертлардан олинган даромад ва меҳнат фаолиятдан олинган даромад.

**87. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида ижтимоий трансфертлар турлари тўғри келтирилган?**

А) ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертлар;

Б) пенсия, нафақа ва стипендия;\*

В) моддий ёрдам, муаллифлик ҳақи, нафақа;

Г) нафақа, моддий ёрдам, рента.

**88. 2012 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган ўқувчиларнинг нечтаси иш билан таъминланган?**

А) 430 минг нафардан ортиқ;

Б) 440 минг нафардан ортиқ;

В) 450 минг нафардан ортиқ;\*

Г) 460 минг нафардан ортиқ.

**89. 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг неча фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашган?**

А) 56;

Б) 49;

В) 43;\*

Г) 74.

**90. Ўзбекистон 2012 йилда инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича дунёнинг 141 та мамлакати орасида нечанчи ўринни эгаллаган?**

А) 15;

Б) 25;

- В) 35;\*
- Г) 45.

**91. Ўзбекистон 2012 йилда таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича дунёнинг 141 та мамлакати орасида нечанчи ўринни банд қилган?**

- А) 7;
- Б) 2;
- В) 3;\*
- Г) 13.

**92. Мамлакатимизда 2012 йилда яратилган иш ўринларининг неча фоизи қишлоқ жойларининг улушига тўғри келади?**

- А) 62;\*
- Б) 50;
- В) 74;
- Г) 69.

**93. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига неча киши иш билан таъминланган?**

- А) 218;
- Б) 485;\*
- В) 384;
- Г) 416.

**94. 2012 йилда \_\_\_\_\_нинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан 218 минг киши иш билан таъминланди.**

- А) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик;
- Б) хизмат кўрсатиш ва сервис;
- В) касаначилик;\*
- Г) ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма.

**95. 2013 йилда давлат бюджетининг харажатлар қисмининг неча фоизи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган?**

- А) 59 фоизга яқини;
- Б) 60 фоиздан ортиғи;\*
- В) 60 фоизга яқини;
- Г) 58 фоизи.

**96. Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда неча янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган?**

- А) 1 миллионга яқин;
- Б) 980 мингдан ортиқ;
- В) 970 мингдан ортиқ;\*
- Г) 960 мингга яқин.

**97. Ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, қайси кўрсаткич билан белгиланади?**

- А) аҳолининг даромадлари миқдори;\*
- Б) аҳолининг иш билан бандлиги;
- В) иқтисодий ривожланиш;
- Г) ижтимоий таъминот.

**98. Мамлакатимизда 2012 йилда энг кам иш ҳақи неча фоизга ошган?**

- А) 23,5;
- Б) 25,5;
- В) 27,5;
- Г) 26,5.\*

**99. Юртимизда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига неча баробар кўпайган?**

- А) 8,6;\*
- Б) 12,4;

- В) 6,3;
- Г) 23.

**100. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда, 2000 йил билан тақдослаганда, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчасидан неча баробар ошган?**

- А) 5,3;
- Б) 6 баробардан зиёд;
- В) 2 баробарга яқин;
- Г) 4 баробардан зиёд.\*

**101. Мамлакатимизда аҳоли даромадлари таркибида \_\_\_\_\_ 51 фоизни ташкил қилади.**

- А) иш ҳақи;
- Б) тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад;\*
- В) мол-мулкдан олинадиган даромад;
- Г) ижтимоий трансфертлар.

**102. Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда мамлакатимиз аҳолисининг неча фоизи ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади?**

- А) 75;
- Б) 60 фоизга яқини;
- В) 50 фоизга яқини;\*
- Г) 65 фоиздан ортиғи.

**103. 2012 йилда Буюк Британиянинг Легатум институти ўзининг „Фаровонлик ва ривожланиш индекси“да Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида нечанчи ўринга киритган?**

- А) 35;
- Б) 2;
- В) 64;\*
- Г) 47.

**104. Ўзбекистонда оилаларнинг 97 фоизи \_\_\_\_\_ эга.**

- А) узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга;
- Б) ўз уйига;\*
- В) шахсий енгил автомобилга;
- Г) истеъмол маҳсулотларига.

**105. Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда неча баробарни ташкил этган?**

- А) 5;
- Б) 6;
- В) 7;
- Г) 8.\*

**106. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

А) аҳолининг реал даромадларини ошириш; иш билан бандлик масаласини ечиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш; давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш;\*

Б) аҳолининг пул даромадларини ошириш; ишсизликни камайтириш; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш; давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш;

В) аҳолининг ўз ихтиёридаги даромадларини ошириш; иш билан бандлик масаласини ечиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш; давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш;

Г) аҳолининг пул даромадларини ошириш; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш; аҳолига ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш.

**107. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманда 2012 йилдагидан неча фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда?**

- А) 6;
- Б) 5;\*
- В) 7;
- Г) 9.

**108. Битирувчига муайян касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлари бўйича билим бериш орқали уни меҳнат бозорида ишлашга тайёрлаш қайси таълим турининг мақсади ҳисобланади?**

- А) умумий ўрта таълим;
- Б) мактабгача таълим;
- В) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;\*
- Г) олий таълим.

**109. Ҳаёт сифати концепцияси қайси ташкилот томонидан ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида тан олинган?**

- А) ЮНЕСКО;
- Б) БМТ;
- В) ХМТ;\*
- Г) ЮНИСЕФ.

**110. Ижтимоий фаровонлик бўйича Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган кўрсаткичлар тўғри келтирилган жавобни аниқланг:**

А) асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг юқорилиги, аграр секторнинг барча тармоқларида улкан натижалар қўлга киритилгани;

Б) ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар улушининг кўплиги;

В) оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси;\*

Г) ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш даражаси, реал даромадларнинг мунтазам ўсиш суръати, ишбилармонлик муҳити учун қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

**111. Қуйида келтирилган жавоблардан ҳақ тўланадиган жамоат ишларини маблағ билан таъминламайдиган манбани топинг:**

- А) иш берувчилар маблағлари;
- Б) маҳаллий бюджет маблағлари;
- В) Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;
- Г) Касаба уюшмалари федерацияси.\*

**112. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган, меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларга иш ҳақни тўлаш харажатлари қайси манба ҳисобидан амалга оширилади?**

- А) ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ўз маблағлари;
- Б) Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;\*
- В) Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари;
- Г) маҳаллий бюджет.

**113. Оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги нима деб аталади?**

- А) шахсий ёрдамчи хўжалик;
- Б) деҳқон хўжалиги;\*
- В) фермер хўжалиги;
- Г) микрофирма.

**114. Қишлоқ, овул ва қўрғонларда яшайдиган фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгаллик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларнинг бир қисми — томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оилавий хўжалик нима деб аталади?**

- А) шахсий ёрдамчи хўжалик;\*
- Б) деҳқон хўжалиги;
- В) фермер хўжалиги;
- Г) микрофирма.

**115. Сарфланаётган инвестициялар қийматининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши — бу:**

- А) инвестиция нормаси;
- Б) жамғариш;
- В) жамгарма;
- Г) инвестиция.

**116. Қайси жавобда капитал қўйилмаларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши акс эттирилган?**

- А) инвестицияларнинг тармоқ таркиби;
- Б) инвестицияларнинг ҳудудий таркиби;
- В) инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби;
- Г) инвестицияларнинг технологик таркиби.

**117. Қуйидагиларнинг қайси бирида капитал қўйилмаларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланиши ва улар ўртасидаги нисбат тўғри берилган?**

- А) инвестицияларнинг ҳудудий таркиби;
- Б) инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби;
- В) инвестицияларнинг тармоқ таркиби;
- Г) инвестицияларнинг технологик таркиби.

**118. 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати неча фоиз қилиб белгиланган?**

- А) 7 фоиз;
- Б) 7,5 фоиз;
- В) 7,8 фоиз;
- Г) 8 фоиз.

**119. Қайси жавобда 2013 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг белгиланган ўсиш суръатлари тўғри кўрсатилган?**

- А) 8,4; 6 ва 16 фоизга;
- Б) 8,0; 5 ва 15 фоизга;
- В) 7,5; 5,5 ва 14,5 фоизга;
- Г) 7,0; 5 ва 14 фоизга.

**120. 2013 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини қанчага етказиш вазифаси қўйилган?**

- А) 50 фоизга;
- Б) 51 фоизга;
- В) 52 фоизга;
- Г) 53 фоизга.

**121. 2013 йилда солиқ юки даражаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан неча фоизни ташкил этиши режалаштирилган?**

- А) 21,3 фоиз;
- Б) 22,5 фоиз;
- В) 23,5 фоиз;
- Г) 24,5 фоиз.

**122. 2013 йилда Давлат бюджети харажатлар қисмининг қанча қисми ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилади?**

- А) 55 фоиздан ортиғи;
- Б) 50 фоиздан ортиғи;
- В) 60 фоиздан ортиғи;
- Г) 70 фоиздан ортиғи.

**123. 2013 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси неча фоиз қилиб режалаштирилган?**

- А) 12 фоиз;
- Б) 13 фоиз;
- В) 14 фоиз;
- Г) 15 фоиз.

**124. 2013 йилда банк тизими жами капиталини қанчага кўпайтириш мўлжалланмоқда?**

- А) камида 14 фоизга;
- Б) камида 16 фоизга;
- В) камида 18 фоизга;
- Г) камида 20 фоизга.

**125. 2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодийимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш...**

- А) ... бош мақсадимиз бўлмоғи лозим;
- Б) ... марказий ўрин тутиши даркор;\*
- В) ... ислохотларимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши керак;
- Г) ... муҳим аҳамият касб этади.

**126. Иқтисодийнинг қайси тармоғида 2013 йил энг кўп фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари режалаштирилган?**

- А) Нефть-газ саноати;
- Б) Автомобилсозлик саноати;
- В) Енгил саноат;
- Г) Озиқ-овқат саноати.\*

**127. 2013 йилда янги объектларни топшириш ҳамда модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами нечта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган?**

- А) 95 та лойиҳа;
- Б) 115 та лойиҳа;\*
- В) 150 та лойиҳа;
- Г) 210 та лойиҳа.

**128. Иқтисодийнинг қайси тармоғида 2013 йилда энг кўп иш ўринлари яратилиши режалаштирилган?**

- А) Қурилиш материаллари саноати;
- Б) Транспорт соҳаси;
- В) Енгил саноат;
- Г) Кимё саноати.

**129. 2013 йил янги объектларни топшириш ҳамда модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобидан жами нечта иш ўрни яратилиши режалаштирилган?**

- А) 8549 та иш ўрни;\*
- Б) 5950 та иш ўрни;
- В) 6900 та иш ўрни;
- Г) 9900. та иш ўрни.

**130. 2013 йилда „Навоий“ эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида нечта янги объект фойдаланишга топширилиши ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари режалаштирилган?**

- А) 8;
- Б) 2;\*
- В) 10;
- Г) 5.

**131. 2013 йилда „Ангрен“ махсус индустриал зонаси ҳудудида нечта янги объект фойдаланишга топширилиши ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари режалаштирилган?**

- А) 9;
- Б) 4;
- В) 12;
- Г) 6.\*

**132. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил инвестиция дастурида жами нечта стратегик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган?**

- А) 400 дан ортиқ;
- Б) 150 дан ортиқ;
- В) 370 дан ортиқ;\*
- Г) 290 дан ортиқ

**133. „Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ жами 2013—2014 йилларда эскирган асбоб-ускуналар ўрнига алмаштириладиганлари сони нечта?**

- А) 15010 та;
- Б) 11077 та;\*
- В) 45500 та;
- Г) 8900 та.

**134. „Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ жами текширилган асбоб-ускуналар сони қанча?**

- А) 161410 та;\*
- Б) 12507 та;
- В) 26500 та;
- Г) 12900 та.

**135. 2012 йили иқтисодиётимизга қанча миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди?**

- А) 11 миллиард 700 миллион доллар;
- Б) 10 миллиард 700 миллион доллар;
- В) 19 миллиард 800 миллион доллар;
- Г) 9 миллиард 700 миллион доллар.

**136. 2012 йилда жалб қилинган жами инвестицияларнинг неча фоиздан ортигини хорижий инвестициялар ташкил қилади?**

- А) 22 фоизни;
- Б) 30 фоизни;
- В) 50 фоизни;
- Г) 70 фоизни.

**137. „Чет эл инвестициялари“ тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва у нечта моддадан иборат?**

- А) 1998 йил 30 апрелда, 22 та;
- Б) 1998 йил 30 апрелда, 34 та;
- В) 1998 йил 30 апрелда, 46 та;
- Г) 1998 йил 30 апрелда, 30 та.

**138. 2012 йили иқтисодиётимизга қанча миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилди?**

- А) 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ;
- Б) 2 миллиард 900 миллион доллардан ортиқ;
- В) 2 миллиард 950 миллион доллардан ортиқ;
- Г) 2 миллиард 980 миллион доллардан ортиқ.

**139. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан иқтисодиётимизга жалб қилинганжами инвестициялар ҳажми қанчага кўпайди?**

- А) 14 фоизга;
- Б) 15 фоизга;
- В) 16 фоизга;
- Г) 17 фоизга.

**140. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасига жалб қилиниши режалаштирилаётган марказлашган инвестициялар ҳажми...**

- А) 5 740 892 миллион сўм;
- Б) 6 740 892 миллион сўм;
- В) 7 740 892 миллион сўм;
- Г) 8 740 892 миллион сўм.

**141. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасига жалб қилиниши режалаштирилаётган марказлашмаган инвестициялар ҳажми...**

- А) 17 938 809 миллион сўм;
- Б) 5 740 892 миллион сўм;
- В) 15 740 892 миллион сўм;
- Г) 25 740 892 миллион сўм.

**142. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасига жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳажми...**

- А) 3016,7 миллион АҚШ доллари;
- Б) 3116,5 миллион АҚШ доллари;
- В) 3516,3 миллион АҚШ доллари;
- Г) 3416,4 миллион АҚШ доллари.

**143. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасига жалб қилиниши режалаштирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми...**

- А) 2180,2 миллион АҚШ доллари;
- Б) 2280,9 миллион АҚШ доллари;
- В) 2580,5 миллион АҚШ доллари;
- Г) 2680,1 миллион АҚШ доллари.

**144. 2012 йилда қуриб битказилган йирик инвестиция объектлари сони нечта?**

- А) 205 та;
- Б) 200 та;
- В) 197 та;
- Г) 195 та.

**145. Ижтимоий фаоллик — бу ...**

- А) одамлар томонидан амалга ошириладиган фаолият тури сифатида намоён бўлади;
- Б) Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг муайян тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади;
- В) А ва Б жавоблар тўғри;
- Г) Жамият манфаатларини четга суриб қўйишда намоён бўлади.

**146. 2011 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзuidaги халқаро симпозиумда нечта хорижий давлатдан мутахассислар иштирок этди?**

- А) 50 га яқин мамлакатдан қарийб 350 нафар мутахассис;
- Б) 45 га яқин мамлакатдан қарийб 320 нафар мутахассис;



- В) 40 га яқин мамлакатдан қарийб 400 нафар мутахассис;
- Г) 40 га яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар мутахассис.

**147. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда нечта қишлоқ врачлик пункти барпо этилди?**

- А) 3200 дан ортиқ;
- Б) 10 мингга яқин;
- В) 5200 та;
- Г) 3000 га яқин.

**148. Қайси жавобда Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказилган 3 босқичли оммавий спорт мусобақалари номи тўғри кўрсатилган?**

- А) „Қувноқ стартлар“, „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“;
- Б) „Баркамол авлод“, „Универсиада“, „Академиада“;
- В) „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“, „Универсиада“;
- Г) „Камалак“, „Янги авлод“, „Умид ниҳоллари“.

**149. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этмоқда?**

- А) 10—12 фоизини;
- Б) 34—35 фоизини;
- В) 3—5 фоизини;
- Г) ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгариб туриши сабабли бу кўрсаткични аниқ ҳисоблаб бўлмайди.

**150. Қайси жавобда инсон тараққиётини баҳолашда асос бўладиган принцип ва компонентлар тўғри кўрсатилган?**

- А) ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши; агентлик; адолат;
- Б) фаровонлик; таълим; саломатлик; адолат;
- В) фаровонлик; ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши, агентлик; адолат;
- Г) фаровонлик; ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши; саломатлик.

**151. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони нотўғри ифодаланган жавобни топинг:**

- А) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш;
- Б) одамларнинг имкониятларини кенгайтириш;
- В) маънавий ва моддий эҳтиёжларни сифатли қондириш;
- Г) янада юқори турмуш даражасига эришиш.

**152. Ўзбекистон аҳолисининг неча фоизи ўзини ўрға тоифага мансуб деб билади?**

- А) 50 фоизга яқини;
- Б) 55 фоизга яқини;
- В) 60 фоизга яқини;
- Г) 65 фоизга яқини.

**153. 161 та давлат орасида Ўзбекистон болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича 2011 йилда Буюк Британиядаги ташкилот томонидан нечанчи ўринга киритилди?**

- А) энг охирги ўринга киритилди;
- Б) биринчи ўрин берилди;
- В) 10 та етакчи давлат сафидан ўрин олди;
- Г) таҳлил этилган давлатлар орасида Ўзбекистон йўқ.

**154. 2012 йилда Ўзбекистондаги барча инвестицияларнинг неча фоизини аҳоли инвестициялари ташкил этди?**

- А) 20 фоиздан ортигини;
- Б) 10 фоиздан ортигини;
- В) 5 фоизини;
- Г) 38 фоизини.

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** — корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, жамият ихтиёридаги мулки, бойлигига асосланиб, фаолият юритади. Акциядорлик жамияти сармояси жамият аъзоларининг қўшган пул маблагига ёки моддий неъматидан ташкил топади.

**АНГРЕН МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИ** — юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги „Ангрен“ махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида“ги Қарори асосида ташкил этилган.

**АСОСИЙ КАПИТАЛГА ҚЎЙИЛМАЛАР** — асосий фондларни қайта тиклаш, ривожлантириш ва янгилашга йўналтирилган моддий харажатлар.

**АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ** — бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғин ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

**АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** — бу давлат томонидан муносиб турмушни, яъни жамият ривожининг замонавий босқичидаги стандартларга мос моддий таъминотни ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуасидир.

**АҲОЛИНИНГ НАТУРАЛ ДАРОМАДЛАРИ** — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, сабзавот-полиэкинлари, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлар.

**АҲОЛИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ** — бу аҳолининг барча пул маблағлари тушуми: стипендия, нафақа; мулкдан фоиз, дивиденд, рента, акция, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва моллари, томорқа маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган, турли хизматлар кўрсатишдан келадиган пул тушумларидир.

**АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ** — нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни аҳоли ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

**АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир.

**БАНДЛИК** — меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИ** — банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пассивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларнинг пулга айланиш қобилиятидир.

**БАНК НАЗОРАТИ БҲЙИЧА БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИ ТАЛАБЛАРИ** — банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

**БАНК ТИЗИМИ** — бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланиган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шакли.

**БАНКЛАР КАПИТАЛИНИНГ ЕТАРЛИЛИК ДАРАЖАСИ** — бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8 фоизни ташкил этиши керак.

**БАНКЛАРНИНГ УМУМИЙ КАПИТАЛИ** — банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбалар орқали жалб этилган пул капиталдан иборат. Банкларнинг умумий капитали хусусий капитал билан бир қаторда ундан бир неча баробар кўпроқ бўлган жалб этилган капитални ҳам ўз ичига олади.

**БАНКНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ** — банкларнинг келажакда даромад олиш мақсадида жамланган кредит маблағларини кредитларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши ва бошқа мақсадли операцияларидир.

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ** — бу иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида юқори суръатлар билан ўсиб боришидир.

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ** — бу шундай ривожланишки, у аҳолини ҳозирги эҳтиёжларини қондиради ва келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини хавф остига қўймайди.

**БЕВОСИТА ИНВЕСТИЦИЯ** — капитал қўйилмаларнинг инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.

**БИЛВОСИТА ИНВЕСТИЦИЯ** — воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.

**БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА** — барча аҳоли, ижтимоий гуруҳ, алоҳида ҳудуд, ёш, касб, шунга ўхшаш гуруҳлар учун умумий бўлиб, касалликларнинг олдини олишга қаратилган тиббий ва нотиббий комплекс тадбирлар мажмуидир.

**БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМИ (БТСЁ)** — тиббий санитария хизматининг муҳим шакли бўлиб, аҳоли ва мамлакатнинг имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолининг, жумладан, ҳар бир инсоннинг фаол иштирокида унинг эҳтиёжига кўра кўрсатиладиган керакли ва муҳим ёрдам ҳисобланади. Аҳолини бирламчи тиббий санитария ёрдами билан таъминлаш давлат сиёсати ва тактикаси бўлиб, мамлакат ривожланишининг ҳар бир босқичида, ижтимоий адолат руҳида аҳолига иложи борича яшаш ва иш жойига яқин жойда, жамоатчиликнинг барча кучлари ёрдамида кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш чора-тадбирларидир.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** — эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

**БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ** — муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган миқдори.

**БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ** — муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

**ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ** — жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мутаносиблик ва нисбатларнинг кескин издан чиқиши натижасидаги беқарорлик ва чуқур танглик ҳолатларининг вужудга келиши.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ** — давлатнинг даромад ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПРОФИЦИТИ** — давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан кўпроқ бўлиши.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ** — бюджет харажатларининг бюджет даромадларига нисбатан ошиб кетиши натижасида молиявий ресурслар етишмовчилигининг вужудга келиши.

**ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ** — меҳнатга лаёқатлигининг йўқлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмаганлиги сабабли мустақил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ёрдам.

**ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯСИ** — давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ** — давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ** — давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ташкилотларига айлантиришдир.

**ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ** — давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган мамлакат мажбуриятларининг йиғиндиси.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ** — давлатнинг даромад ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси. Давлат бюджети — давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПРОФИЦИТИ** — давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан кўпроқ бўлиши.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ** — бюджет харажатларининг бюджет даромадларига нисбатан ошиб кетиши натижасида молиявий ресурслар етишмовчилигининг вужудга келиши.

**ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ** — давлатнинг мамлакатда қимматли қозғаларни чиқариш шаклидаги, турли бюджетдан ташқари фондлардан (ички қарз) ҳамда хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан (ташқи қарз) олган қарзлари.

**ДАРОМАД** — бу ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг уни ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан ошиши, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва улар томонидан ўзлаштирилган улуши.

**ДЕПОЗИТ** — лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси — сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Банк депозитлари — жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

**ДЕФИЦИТ** — бирор нарсанинг етишмаслиги, камчилиги, жумладан, товарлар етишмаслиги, бюджет маблағининг етишмаслиги.

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ** — юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминловчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайтилиши жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодий тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган.

**ЕРЛАРНИНГ ИРРИГАЦИОН-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ** — сув билан таъминланиш ва суғориш тармоқлари тизими, ерости сувлари сатҳининг жойлашуви ва тупроқнинг шўрланиш даражасидан келиб чиқиб суғориладиган ерларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич.

**ЖАҲОН МОЛИЯ-ВАЛЮТА ТИЗИМИ** — халқаро валюта ва молиявий муносабатларнинг давлатлараро битимларда келишилган ҳолда амал қиладиган шакли, халқаро миқёсда хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**ЖАҲОН БАНКИ** — 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йил 25 июнда бошлаган.

**ЖАҲОН ЗАХИРА ВАЛЮТАЛАРИ** — умумжаҳон миқёсида тан олиниб, марказий банклар томонидан валюта захиралари сифатида жамғарилувчи валюталар. Улар инвестицион актив вазифасини бажариб, валюта паритетини белгилаш воситаси бўлиб хизмат қилади, зарур ҳолларда валюта интервенциясини, шунингдек, марказий банклар томонидан халқаро ҳисоблашувларни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилади.

**ЖАҲОН МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ** — жаҳон молиявий ва иқтисодий тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи, турли восита ва йўллар билан қўллаб-қувватловчи ва тавсиялар берувчи халқаро ва миллий молиявий ташкилотлар.

**ЖАҲОН МОЛИЯ-ВАЛЮТА ТИЗИМИ** — халқаро валюта ва молиявий муносабатларнинг давлатлараро битимларда келишилган ҳолда амал қиладиган шакли, халқаро миқёсда хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**ИЖТИМОЙ СОҲА** — аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛ ИНСОН** — тафаккурида ақл ва антиақл, маъно ва маъносизлик, мўлжал ва тасодиф, онг ва онгсизлик, инсонпарварлик ва антигуманизм яхлит ҳолда мужассамлашган инсон. Ноаниқлик, бемулоҳазалик ва ёлғон-яшиқлар майдонидаги жангчи.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК** — одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади. Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

**ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА** — касалликларнинг асоратини, сурункали ҳолатга ўтишини, меҳнат фаолияти пасайишининг олдини олишга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик ва бошқа чора-тадбирларнинг йиғиндисидир.

**ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАР** — ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

**ИНВЕСТИЦИЯ** — бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Инвестициялар — фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари.

**ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ** — республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ** — берилган вақт мобайнида аниқ мақсад билан белгиланган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ўзаро бир-бирига боғлиқ тадбирлар мажмуидир.

**ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ** — бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи.

**ИНВЕСТИЦИЯ НОРМАСИ** — инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбати.

**ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ** — инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуи.

**ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИК** — турли иқтисодий субъектлар (давлат, корхона ва ташкилотлар, жамғармалар ва ҳ.к.)нинг даромад олиш мақсадида миллий ёки хорижий иқтисодиётларга инвестиция ресурсларини киритишга интилиши.

**ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК** — халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир қўрнини бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш каби натижаларни мақсад қилади.

**ИНВЕСТИЦИЯЛАШ** — бу асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ҳамда келгусида фойда олиш мақсадида иқтисодий ресурсларни узоқ муддатга киритиш деган таърифдан келиб чиқсак, табиийки, ресурсларни киритишнинг асосий жиҳати хусусий маблағлар ва инвесторларнинг қарз маблағларини янги қийматни ҳосил қиладиган ишлаб чиқариш активларига айлантиришдан иборат.

**ИНВЕСТОР** — хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвесторлар — хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредитор ва харидор ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажариши мумкин. Одатда, инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган

соҳаларни аниқлайди, шартнома шартларини ишлаб чиқади ва инвестиция актининг бошқа субъектлари билан — контрактор, ҳукумат органлари, якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

**ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ** — бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади янги технологиялар, ноу-хау ва корхоналарнинг ривожланишини таъминлаб берувчи бошқа янгиликларни ишлаб чиқиш ва қўллашдан иборат.

**ИНФЛЯЦИЯ** — пул муомаласи қонуниятларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг қадрсизланиши ва бунинг оқибатида нарх-навонинг ўсиши.

**ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯ** — мамлакат ичида турли шаклдаги капиталлар қўйилиши.

**ИШ БИЛАН БАНДЛИК** — бу иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлишидир.

**ИШ БИЛАН САМАРАЛИ БАНДЛИК** — бу аҳолининг иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишининг сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради.

**ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ** — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият.

**ИШ ЎРНИ** — тегишли равишда жиҳозланган ва иш қуроллари билан таъминланган, миқдор ва сифат тавсифларига эга бўлган, белгиланган меҳнат меъёрига кўра ишлаб чиқариш топшириғи ёки функциясини бажарувчи ходимнинг ёки ягона ишлаб чиқариш топшириғини ёхуд технология жиҳатдан ажралмас функцияни бажарувчи ходимлар гуруҳининг меҳнат фаолияти амалга ошадиган макон тушунилади.

**ИШ ҲАҚИ** — бу ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЧИҚЛИГИ** — мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашиш даражасидир.

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ** — иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ** — меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар.

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ БЎЛМАГАН АҲОЛИ** — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар; ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари; уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар; кўчар ва кўчмас мулкдан даромад олаётган ишламаётган шахслар; ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ** — реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ** — „ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги“ тушунчасининг ҳамма таркибий қисмларини, шу жумладан, товар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, уларнинг рақобатбардошлигининг ошиши, янги товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги технологияни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурслар қайтимининг ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши.

**„ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ СИФАТИ“** — мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ижтимоий йўналтирилганлигининг кучайиши.

**„ЙИГИРМАЛИК“ ГУРУҲИ („КАТТА ЙИГИРМАЛИК“, G-20)** — жаҳондаги 20 та энг бой ва ривожланаётган йирик давлатларни ўз ичига олувчи мамлакатлар гуруҳи бўлиб, ушбу мамлакатларда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоизини ташкил этади.

**КРЕДИТ** — бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

**МАЖБУРИЙ ЗАХИРА ТАЛАБИ** — тижорат банклари жалб қилган маблаглардан маълум бир қисмининг Марказий банкнинг захира фондига ўтказилишидир.

**МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР** — мамлакат иқтисодиётидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берадиган кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**МАМЛАКАТ ПУЛ ОБОРОТИ** — маълум бир давр мобайнида корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан нақд пул ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилган тўловлар мажмуасидир.

**МАҲАЛЛА** — Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ** — импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш.

**МЕГАЛОЙИҲА** — бу битта мақсадга бирлаштирилган кўплаб ўзаро бир-бирига боғлиқ лойиҳаларга эга мақсадли дастурлардир. Бундай дастурлар халқаро, минтақавий, давлат дастурлари, тармоқлараро аралаш дастурлар бўлиши мумкин.

**МЕЛИОРАЦИЯ** — ерларнинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**МЕҲНАТ** — бу инсоннинг бирон-бир мақсадга мувофиқ ижтимоий-фойдали фаолиятидир.

**МЕҲНАТ БОЗОРИ** — бу меҳнатга қобилиятли аҳолининг фаол (иш билан банд ва меҳнатга муҳтож аҳоли) қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи, „меҳнат қобилияти“ ни сотиш-сотиб олишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита барқарорлаштирувчи кўп омилли, мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидир.

**МЕҲНАТ КООПЕРАЦИЯСИ** — бу меҳнат фаолияти жараёнидаги алоҳида ихтисослаштирилган ижрочилар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши ва меҳнат фаолиятининг ташкил этилишидаги энг муҳим элементлардан биридир.

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ** — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар.

**МИКРОКРЕДИТ** — хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармоияни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун — энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

**МИКРОМОЛИЯЛАШ** — микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

**МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ** — шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмоЛ товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

**МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ** — даромад олиш мақсадида инвестицияларни турли қимматли қогозларга (акциялар, облигациялар, банкларнинг депозит сертификатлари ва бошқалар) қўйилиши назарда тутилади.

**МОНОЛОЙИҲА** — аниқ ифодаланган ресурс, вақт ва бошқа тавсифларга эга алоҳида инвестициявий ёки бошқа ҳар қандай лойиҳа.

**МУЛЬТИЛОЙИҲА** — бир неча монолойиҳалардан иборат комплекс лойиҳа бўлиб, унда бир неча пудратчи битта буюртмачи учун ишлайди.

**„НАВОИЙ“ ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ** — жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги

„Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида“ги Қарори асосида ташкил этилган.

**НАСЛДОР ҲАЙВОН** — келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон.

**НАСЛЧИЛИК** — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, насли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланиш.

**НАФАҚА** — фуқароларга қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик, оғир моддий шароит, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қариндошлардан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловларидир.

**ПУЛ БОЗОРИ** — бу шундай бозорки, у ерда пулга талаб ва таклиф таъсири остида фоиз ставкаси даражаси ва пул „баҳоси“ шаклланади. Пул бозорида пул товарга ўхшаб „сотилмайди“ ва „сотиб олинмайди“. Айнан шу хусусияти билан пул бозори бошқа бозорлардан тубдан фарқ қилади. Пул бозорида пул номинал фоиз нормаси бирлигига эга бўлган муқобил ликвид восита билан алмашинади.

**ПУЛ МАССАСИ** — ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар (корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиган нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

**ПУЛ ТАКЛИФИ** — бу муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир.

**ПУЛГА ТАЛАБ** — бу пул муомаласи, яъни хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёждир.

**РАҚОБАТ** — ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм бўлиб, у кўп миқдордаги эркин харидорлар (иш берувчилар) ва иш кучини „сотувчи“ларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарқ этиш имкониятини англатади.

**РАҚОБАТДОШЛИК** — товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминлайдиган нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилиятидир.

**РЕАЛ ДАРОМАДЛАР** — нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

**РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯ** — асосий воситаларни вужудга келтириш, товар моддий бойликлари захирасини оширишга қўйиладиган капитал, яъни корхоналарни бунёд этиш ҳамда уларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун етарли миқдорда хом ашё захираларини барпо этишга йўналтирилиши.

**РЕИНВЕСТИЦИЯЛАР** — инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

**РЕЦЕССИЯ** — ишлаб чиқаришнинг нисбатан мўътадил, кескин бўлмаган ҳолдаги пасайиши ёки иқтисодий ўсиш суръатларининг давомли равишда пасайиб бориши.

**„САККИЗЛИК“ ГУРУҲИ („КАТТА САККИЗЛИК“, G-8)** — Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Россия, АҚШ, Франция ва Япония ҳукуматларини бирлаштирувчи халқаро клуб. Шунингдек, мазкур мамлакатлар етакчиларининг норасмий Европа комиссияси иштирокидаги форуми ҳам шу ном билан аталиб, форум доирасида долзарб халқаро муаммоларга ёндашувлар амалга оширилади.

**САЛОМАТЛИКНИ МУҲОФАЗАЛАШ** — бу бутун жамоа, оила, алоҳида шахс саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, фаол узоқ умрни қўллаб-қувватлашга, тиббий даволаш-профилактик ёрдамни кўрсатишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, тиббий, санитария-эпидемиологик тадбирлар мажмуидир.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИ** — ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти.

**СКРИНИНГ** — бу аниқ олинган касаллик бўйича, юқори хавф гуруҳини, яширин туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш учун аҳолининг хавф гуруҳини ёппасига чуқур текширувдан ўтказиш.

**СОЛИҚЛАР** — юридик ва жисмоний шахслардан аниқ муддат ва ставкалар асосида мажбурий тартибда ундириладиган, эквивалентсиз хусусиятга эга бўлган ва фақат давлат бюджетига йўналтириладиган мажбурий тўловлар.



**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ** — тиббий ёрдамни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган давлат ва жамият чора-тадбирлари йиғиндиси.

**СТРАТЕГИК ИНВЕСТИЦИЯ** — стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади.

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР** — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар.

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК)** — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

**ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ** — мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралигидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

**ТАШҚИ САВДО** — бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

**ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ САЛЬДОСИ** — мамлакат экспорти ва импорти ҳажми ўртасидаги фарқ, тафовут.

**ТИББИЙ ЁРДАМ** — олий ва ўрта махсус тиббий билимга эга бўлган шахслар томонидан туғуруқда, касалланиш, шикастланиш ва заҳарланишда амалга ошириладиган даволаш-профилактик чора-тадбирлар йиғиндиси.

**ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР (ТТХИ)** — хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акциядор капиталига тўла эга бўлиш ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

**ПОРТФЕЛЬ ИНВЕСТИЦИЯЛАР** — капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

**МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР** — мулкка эгаллик қилиш ва мулкдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар орқали қўйилмалар киритиш.

**ТЎЛОВ БАЛАНСИ** — муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар миқдори ўртасидаги нисбатни билдиради. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

**УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ** — олий тиббиёт ўқув юртининг битирувчиси бўлиб, у алоҳида киши, оила ва аҳолига ёши, жинси ва касаллигининг туридан қатъи назар индивидуал бирламчи ва узлуксиз тиббий ёрдам кўрсатадиган шахсдир.

**УЧЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА ЁКИ РЕАБИЛИТАЦИЯ** — бу ногиронликни ва эрта ўлимнинг олдини олишга ижтимоий, касбий статусни тиклашга қаратилган комплекс тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий чора-тадбирларни ўз ичига олади.

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ** — ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъекти.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўппартиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини ўзи бошқариш

органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотажорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондиради.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ** — халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғармаси — аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боглиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК** — бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

**ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ** — аҳолига малакали ва махсуслаштирилган шошилинч тиббий ёрдамни илмий асосланган услубларга ёндашиб, ўз вақтида, замонавий даражада ва мувофиқлаштирилган равишда ташкил қилишдир.

**ЭКСПОРТ** — товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

**ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ** — миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш қобилияти.

**ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА** — мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун руҳсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

**ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ** — миқдори ер участкасининг балл бонитетларида ифодаланган сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайдиган солиқ тури.

**ЯККА ГАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР** — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахс.

**ЯЛПИ ИНВЕСТИЦИЯ** — маълум давр ичида асосий воситалар ва номоддий активларни вужудга келтириш учун сарфланадиган инвестицион капиталнинг умумий ҳажми.

**ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ** — мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

**ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ** — иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш даражаси.

**ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ** — ўзига бириктирилган қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади. ҚВПни тузишдан мақсад умумий амалиёт шифокори ва оилага тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш принципи асосида қишлоқ аҳолисига сифатли бирламчи ёрдамни кўрсатиш. ҚВПда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи асосий фигура умумий амалиёт шифокори ҳисобланади.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТИ** — аграр ишлаб чиқаришнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, ҳисобот даврининг амалдаги нархларида ёки таққослама нархларда ҳисобланган, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

**ҚОНУН** — қонунчилик органлари томонидан қабул қилинган ва давлатнинг энг муҳим масалаларини ечишга, мувофиқлаштиришга қаратилган давлат ҳокимиятининг олий тоифадаги ҳужжати.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2010.
2. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: „Маънавият“, 2009.
3. *Каримов И.А.* Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 8 декабрь.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 1 январь.
5. *Каримов И.А.* 2012 йил Ватаннимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 20 январь.
6. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. —Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2010.
7. *Каримов И.А.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: „Шарқ“, 1998.
8. *Каримов И.А.* Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
9. *Каримов И.А.* Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. —Т.: Асарлар, 19-жилд, „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011.
10. *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2009.
11. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз — Ватаннимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2010.
12. *Каримов И.А.* „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 18 февраль.
13. Ахборот-коммуникация технологиялари. Изоҳли луғат. —Т.: БМГДнинг Ўзбекистон ваколатхонаси, 2010.
14. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. —Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011.
15. Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати.
16. *Йўлдошев Ж.* Таълимимиз истиқлоли йўлида. — Т.: „Шарқ“, 1996.
17. *Каримов Н.* Инвестицион фаолиятни қимматли қўғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. /Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.
18. *Маматов М.* Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари/ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
19. *Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А.* Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. — Т.: ТДИУ, 2010.
20. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: *М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Абдуразоқова* ва бошқ.; Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. / — Т.: „Шарқ“, 2006.
21. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. —Т.: „Шарқ“, 2001.
22. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. —Т.: „Истиқлол“, 2004.
23. *Собиров А.* Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
24. *Спелова П.* Очередь безработных не сокращается. — <http://www.vz.ru/economy>.
25. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. —Т.: „SMI-ASIA“, 2011.
26. *Умарова Н.* Олий таълимдаги муҳим янгиллик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳидан фойдаланилди) // „Туркистон“, 2011 йил 8 июнь.

27. *Эргашев И.* Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибдорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари / Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон.
28. *Юлдашев Р.З.* Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2009.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 20 январь.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги „Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори// „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги „Навий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида“ги Қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги „Ангрен“ махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида“ги Қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида“ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли қарори.
34. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011.
35. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / *А.А. Азизхўжаев, Ф. Абдумажидов, М.А. Аҳмадаева* ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик инс-ти. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2008.
36. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // „Халқ сўзи“ газетаси. 2013 йил 21 январь.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони // „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 5 апрель.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-4354-сонли Фармони.
39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги „Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-4296-сонли Фармони // „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 5 май.
40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 2011 йил 12 майдаги Қарори // „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 13 май.
41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили“ Давлат дастури тўғрисида“ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.
42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда „Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида“ги 1455-сонли Қарори.
44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда „Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида“ги 1668-сонли Қарори.
45. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й.
46. *Қосимов М.* Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011.
47. „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори.
48. *Зикриллаева Н.А.* Теоретические аспекты повышения конкурентоспособности национальной экономики в системе рыночных отношений (на материалах реального сектора экономики Узбекистана). Автореферат дисс. пред. на соис. уч. степ. к.э.н. —Т., 2008.

*Биринчи бўлим*

**2012 йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар**

**1-БОБ. ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ШАРОИТДА  
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ВА  
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Банк-молия академияси — А.Ш. Бекмуродов; ТДИУ — У.В. Фафуров*

- 1.1. Глобал жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий муаммолар ..... 5
- 1.2. 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланиши ..... 13
- 1.3. Ўзбекистонда ташқи савдо соҳасида ижобий кўрсаткичларнинг таъминланиши ..... 15
- 1.4. Ўзбекистонда амалга оширилаётган самарали солиқ ва бюджет сиёсати натижалари ..... 18

**2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР  
АСОСИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР**

*ТДИУ — Н.Ф. Каримов, С.К. Худайқулов, И. Тоймуҳамедов;  
Банк-молия академияси — Б.Т. Бердияров*

- 2.1. Самарали пул-кредит сиёсати — молия-банк тизими барқарорлигининг муҳим омили сифатида ..... 22
- 2.2. Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва етарлилигини таъминлаш — банк тизимининг устувор вазифаси сифатида ..... 24
- 2.3. Тижорат банкларининг барқарор ресурс базасини шакллантириш ва кенгайтириш натижалари ..... 27
- 2.4. Банкларнинг кредит портфели сифатини ошириш ва инвестицион фаолиятини кенгайтириш ..... 30
- 2.5. Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ..... 35
- 2.6. Бюджет тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари ..... 39
- 2.7. Солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш — солиқ сиёсатининг асосий стратегияси ..... 43

**3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАР БИЛАН  
БАРҚАРОР ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

*Банк-молия академияси — Ш.И. Мустафақулов; ТДИУ — Н.Т. Ўрмонов, М.Ю. Исаков*

- 3.1. Ватанимиз тараққиётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда инвестицияларнинг тутган ўрни: омиллар, натижалар, таҳлиллар ..... 50
- 3.2. Кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатдошлиги, инвестицион жозибдорлигини оширишнинг муҳим омили ..... 61
- 3.3. Мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳа ва тармоқларини модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилган комплекс тадбирлар ..... 63
- 3.4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш йўналишлари ..... 73

**4-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ, КОММУНИКАЦИЯ СОҲАЛАРИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР**

*ТАЙИ — А.А. Муҳитдинов, А.А. Шермуҳаммедов, Ш.П. Алимӯхаммедов; ТАТУ — А. Абдуазизов*

- 4.1. Автомобиль ва темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижалари ..... 79
- 4.2. Ахборот-коммуникация соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ..... 83

**5-БОБ. ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР — ҲУДУДЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА  
РЕСУРС САЛОҲИЯТИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ  
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ  
БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

*ТДИУ — Н.Т. Камтаев, Н.Ч. Сафаров, Н.Н. Хомидов*

5.1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви шароитида эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти .....	90
5.2. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база .....	94
5.3. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ташкил этишнинг табиий-иқтисодий омиллари .....	98
5.4. „Навоий“ ЭИИЗга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари .....	101
5.5. Ўзбекистон Республикасининг янги эркин иқтисодий зоналари .....	106

**6-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ АГРАР СЕКТОРИ ТАРМОҚЛАРИДА ҚўЛГА  
КИРИТИЛГАН ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАР**

*ТДИУ — Б.Т. Салимов, М.С. Юсупов*

6.1. Аграр тармоқнинг ривожланиши ва эришилган натижалар .....	108
6.2. Аграр соҳада амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари .....	111
6.3. Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар .....	115
6.4. Аграр секторни истиқболда ривожлантириш йўналишлари .....	120

**7-БОБ. АҲОЛИГА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА  
СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

*ТДИУ — О.Х. Ҳамидов, Ш.С. Сайфуддинов*

7.1. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолати .....	123
7.2. Ўзбекистонда туристик хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари .....	126
7.3. Ўзбекистонда намунавий уй-жойлар қуриш ҳамда коммунал хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари .....	131
7.4. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашда нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлашнинг долзарб масалалари .....	136

**8-БОБ. ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ  
БОРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР**

*ТДИУ — А. Мухторов, Т. Султонов, М. Амонбоев*

8.1. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги кенг қўламли ишлар .....	141
8.2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашдаги ислохот натижалари .....	145
8.3. Юқори малакали ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини ўтказишнинг бир поғонали тизими ислохоти ҳамда докторлик илмий даражаси, илмий унвони бериш тизимининг жорий этилиши .....	150
8.4. Олий таълимни ривожлантириш тамойиллари ва унинг мамлакатимизни модернизация қилишдаги ўрни .....	156
8.5. Инновацион ривожланиш даражаси ва унда Ўзбекистоннинг иштироки .....	160
8.6. Ўзбекистонда амалга ошириладиган таълим тизимидаги ислохотларнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши .....	163

**9-БОБ. СОғЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР**

*ТТА — Б. Маматқулов*

9.1. Соғлиқни сақлаш тизимидаги кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти .....	170
9.2. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари .....	172

9.3. Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини ошириш .....	173
9.4. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш .....	185
9.5. Аҳоли саломатлиги ҳақида тушунча ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш .....	186

**10-БОБ. ЯНГИ ИШ ҲАМЛАШТИРИШ — АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

*ТДИУ — Н.Т. Шоюсупова, Х.Х. Абдураманов*

10.1. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ислохотлар .....	192
10.2. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ижобий тенденциялар .....	195
10.3. Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши .....	200
10.4. Иш Ҳамлаштириш ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши .....	208

**Иккинчи бўлим**

**2013 йилнинг энг муҳим устувор йўналишлари**

**11-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМЛАШТИРИШНИНГ БАҲАДОШЛИГИНИ, МАКРОИҚТИСОДИЙ БАҲАДОШЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙТИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

*ЎЗМУ — А. Ваҳобов, Э. Шодмонов*

11.1. Изчил юқори баҳадош қилиш иқтисодий Ҳамлаштириш таъминлаш ва макроиқтисодий баҳадошликни сақлаш .....	213
11.2. Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатдошлигининг моҳияти ва омиллари .....	224
11.3. Миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг устувор йўналишлари .....	228

**12-БОБ. ИҚТИСОДИЙТИНИ ВА УНИНГ ҲАМЛАШТИРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШНИ ҲАМЛАШТИРИШ ҲАМДА ҚўЛЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭТИШ**

*ТДТУ — А. Бурханов*

12.1. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойиллари .....	233
12.2. Мамлакатимиз иқтисодиётда тармоқ қорхоналарининг технологик даражасини баҳолаш ва истиқболни белгилаш .....	237
12.3. 2013 йилда иқтисодиётни ва унинг Ҳамлаштириш тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этишининг устувор йўналишлари .....	242

**13-БОБ. ЙўЛ-ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ҲАМЛАШТИРИШ**

*ТАЙИ — А.А. Муҳитдинов, А.А. Шермухаммедов, Ш.П. Алимухаммедов;*

*ТАТУ — А. Абдуазизов*

13.1. Автомобиль транспорти соҳасида амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар .....	253
13.2. Алоқа-коммуникация соҳасида амалга оширилиши мўлжалланаётган вазифалар .....	257

**14-БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМалга ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ ВА МАНБАИ СИФАТИДА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМалга ОШИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ, ҚўЛЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ**

*ТДИУ — М. Алимардонов, И. Ҳотамов*

14.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни .....	260
14.2. Мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион жозибдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари .....	270

14.3. Мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнози .....	278
14.4. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш .....	280

**15-БОБ. ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МАМЛАКАТ АҲОЛИСИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*ТДИУ — Н.Т. Шоюсупова, Х.Х. Абдураманов*

15.1. Иш ўрнини ташкил этишнинг истиқбол кўрсаткичлари .....	287
15.2. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари .....	293
15.3. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламининг кенгайтирилиши .....	296

**16-БОБ. АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИ ИЗЧИЛ ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ**

*ТДИУ — Б. Алиев, А.Н. Раҳмонов*

16.1. Ҳаёт даражаси ва сифати ҳамда уларни белгиловчи мезонлар .....	303
16.2. Аҳоли даромадлари ва улар миқдорининг ўсиш тенденцияси .....	307
16.3. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг умумий индикатори .....	314
ТЕСТЛАР .....	326
ГЛОССАРИЙ .....	345
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	354



66.3(5Ў)  
Б-89

**Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш:** Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Тошкент: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2013. — 360 б.

ISBN 978-9943-02-665-0

УЎК: 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)  
65.9(5Ў)

## **БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ**

**Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва  
2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг  
устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги  
маърузасини ўрганиш бўйича**

### **ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2013*

Муҳаррир *Т. Мирзаев*  
Бадий муҳаррир *Д. Мулла-Ахунов*  
Техник муҳаррир *С. Набиева*  
Саҳифаловчилар: *К. Ҳамидуллаева, Ф. Ҳасанова*  
Мусахҳиҳлар: *З. Фуломова, М. Иброҳимова*

Нашриёт лицензияси АІ № 161.14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 18.06.2013.  
Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Кегли 11 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Офсет қоғози. Шартли б.т. 41,85. Ҳисоб-нашриёт т. 40,22.  
Адади 3500 нусха. Буюртма № 167-13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
Тошкент—129. Навоий кўчаси, 30-уй. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.  
Шартнома № 07-87-13.